

Н. С. Бакина, Н. Т. Жанакова

ҚОЗОҒИСТОН ТАРИХИ

Умумтаълим мактабларининг 7(6)-синфи учун дарслик






7(6)

Алматы
“Атамұра” – “Жазушы”
2017

Тақризчилар:

Тарих фанлари доктори, профессор **З.Е. Кабульдинов**,
олий тоифали тарих ўқитувчи-услугиятчиси, ҚР маорифи
аълочиси **С.Г. Щеглов**,

Шартли белгилар:

-  – Саволлар ва вазифалар
-  – Очиқ шаклдаги тест вазифалари
-  – Бир ёки бир неча тўғри жавобли ёпиқ тест вазифалари
-  – Амалий машғулот
-  – Замондошлар ва тарихчиларнинг гувоҳликлари

Бакина Н.С., Жанакова Н.Т.

Б 00 Қозоғистон тарихи: Умумтаълим мактабларининг 7(6)-синфи учун дарслик.
– Алматы: “Атамұра” – “Жазушы”, 2017. – 300 б.

© Бакина Н.С., Жанакова Н.Т., 2017

© «Атамұра», 2017

Ўзбек тилине “Жазушы” баспасында аударылды, 2017

Дарслик билан қандай ишлаш керак

Қадрли болалар! Дарслик ўқувчиларнинг уйда ҳам, дарсда ҳам матн билан мустақил ишлаши учун мўлжалланган. Дарслик материаллари сизга мустақил хулоса чиқариш ва қўйилган саволларни фаол муҳокама қилишга имкон беради.

Дарслик схемалари ва жадвалларида материаллар эшлашга қулай, қисқа шаклда берилган, улар тарихий воқеаларни нафақат давомий тарзда, балки бор материални бутун кўрсатишга ёрдам беради.

Дарслик матнини ўқишни давлатлар жойлашуви, воқеалар ўрни, ҳаракатлар йўналиши ва ҳ.к.ларни тасаввур этишга ёрдам берувчи тарих харитаси билан ишлашни бирга юритиш зарур.

Вазифаларни бажарганда саволларни диққат билан ўқиш керак ва уларга дарслик материалларига суяниб, жавоб топиш ҳожат.

“Саволлар ва вазифалар” мантиқий фикрларни ривожлантиришга ёрдам беради, бинобарин, ҳодисаларни таққослаш, умумлаштириш, баҳолаш, хулосани ифодалаш, муҳокамага чақиришни тақозо этади.

Ҳар бир параграф охирида турли шаклдаги тест вазифалари берилган. Улар мавзунинг асосий жиҳатларига эътиборни жалб этади, фактлар ва тушунчаларни эслаб қолишга ёрдам беради. Тест вазифалари ҳам таълимий, ҳам назорат функцияларини бажаради. Улар ўз-ўзини ривожлантириш учун фойдаланилади, шунингдек, педагоглар томонидан тайёргарлик даражасини текшириш мақсадида қўлланилади.

Эслаб қолиш учун мажбурий бўлган исмлар ва саналар ярим қора ҳарфлар билан ажратилган. Матнда биринчи бор учраган ҳолатда, курсив билан белгиланган, уларга тушунтиришлар дарслик сўнггида жойлашган луғатда берилган. Дарслик форзацларида ўрта аср даврига оид муҳим тарихий ҳодисаларнинг жамланган жадвали келтирилади.

КИРИШ

Кириш курсини ўрганишда сизга:

- Қозоғистоннинг ўрта аср тарихи давлари ва босқичларини таниш;
- ўрта аср Қозоғистон тарихининг аҳамияти ва қадрини тушуниш;
- “турк даври” тушунчасини очиш;
- дарслик матнидан фойдаланиб ўқитувчи ёрдамида “Ўрта аср Қозоғистон тарихи”ни даврлаштиришга оид конспект тузиш керак бўлади.

Қозоғистоннинг Ўрта асрлар тарихи VI-VII асрларни эгаллайди ва уч асосий даврларга бўлинади.

Биринчи (VI – XIII асрлар боши) – турк даври.

VI – XIII асрлар бошида туркий қабилалар томонидан бир нечта йирик: Турк ҳоқонлиги, Ғарбий турк ҳоқонлиги, Шарқий турк ҳоқонлиги, шунингдек, тургешлар, қарлуқлар, қимақлар, қипчоқлар, қорахонийлар ва оғузларнинг давлатлари қурилган эди. Бу даврни турк даври деб аташ қабулланган. Худди шу вақтда ҳозирги турк миллатларининг аж-додлари пайдо бўлди.

VI – XIII асрларда халқларнинг ўзаро фаол таъсири рўй берди ва бу Евроосиё материгидаги деярли барча давлатлар ўрта аср маданий ёдгорликларида ўз аксини топган. Шу даврда араблар бу жойда араб ёзувини ва янги дин – исломни ёйиб, турклар ҳаётига ўзгаришлар олиб келди.

Ўрта аср турк олами Евроосиё тамаддунига Абу Носир ал-Фаробий, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Боласағун ва бошқа умуминсоний маданиятга бебаҳо ҳисса қўшган буюк олим ва мутафаккирларни берди.

Иккинчи (XIII боши – XV асрлар ўрталари)– мўғул даври. Бу давр, умуман олганда, ўрта асрнинг буюк эсанкирашига айланган мўғуллар истилосидан бошланади.

Мўғуллар истилоси натижасида Қозоғистон ҳудудига кўплаган мўғул тилли қабилалар киришди ва улар XIV асрда батамом туркийлашиб кетдилар.

Олтин Ўрда ва Чигатой улуси барбод бўлиши натижасида Қозоғистон ҳудудида турк давлатлари: Оқ Ўрда, Абулхаир хонлиги, Мўғулистон, Нўғой Ўрдаси, Сибирь хонлиги ташкил топди.

XIV –XV асрларда турли турк ва мўғул тилли қабилалардан қозоқ элатининг шаклланиш жараёни ниҳоясига етди.

Учинчи (XV – XVII асрлар) – Қозоқ хонлигининг ташкил топиши ва ривожланиши даври.

XV – XVII асрларда Қозоқ хонлиги этник чегарага эришди. Қозоқ давлатчилигининг мустақамланишига Қосим, Хақназар, Таукел, Есим, Жангир каби ва бошқа хонлар муҳим ҳисса қўшишди. Улар ўз ерларимизни мардона ҳимоялашди, ташқи босқинчилардан озод қилишди ва катта майдонларни кейинги авлодларга мерос қолдиришди. XV – XVII асрларда Қозоқ хонлиги шаклланиш, таназзул ва ривожланиш даврини бошидан кечирди. XVIII аср бошида хонлик алоҳида жузларга бўлиниб кетди. Хонлик ҳудуди бир неча маротаба ўз кўринишини ўзгартирди, лекин қозоқ этноси тарқалган – Иртишдан Сирдарёгача ва Урал бассейнидан Тянь-Шангача чегараларда қолди.

Қозоғистоннинг ўрта аср тарихини уч босқичга бўлиш мумкин:

1) **Эрта ўрта аср** – Турк ҳоқонлиги ташкил топишидан давлатлар, шаҳар маданияти, ҳунармандчилик ва савдо-сотик шаклланиши рўй берган Қарлуқ давлати (VI – IX асрлар) қулашигача .

2) **Тараққий этган ўрта аср** – Қорахонийлар давлати ташкил топишидан феодал давлатлар энг юқори гуллашига эришган, маданият эса бой ва турфа хил бўлган мўғуллар истилосигача (X – XIII аср боши).

3) **Кейинги ўрта аср** – мўғуллар истилосидан бошлаб шаҳар маданиятининг аста-секин таназзули рўй берган, маданий ранг-баранглиги камайган, урушлар эса кўпроқ вайрона ва касод келтирган Қозоқ хонлигининг уч жузга бўлинишигача (XIII боши – XVII асрлар).

Қозоғистоннинг ўрта асрлар тарихи схемаси

Асрлар	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	XIII	XIV	XV	XVI	XVII
Ўрта асрлардаги Қозоғистон тарихи босқичлари	Эрта ўрта асрлар				Ривожланган ўрта асрлар				Кейинги ўрта асрлар			
Ўрта асрлардаги Қозоғистон тарихи даврлари	Турк даври								Мўғул даври		Қозоқ хонлигининг ташкил топган ва ривожланган даври	



“Қозоғистоннинг ўрта аср тарихи схемаси” билан ишлаганда ўрта асрдаги Қозоғистон тарихи босқичлари ва даврларига қисқача тавсиф беринг.

Биз Қозоғистоннинг ўрта асрлардаги сиёсий ва маданий тарихини ўрганамиз.

<p>Сиёсий тарих инсоният жамиятининг ўтмишини унинг ривожланиш жараёнида ҳамда ҳодисалар боришида ўрганади.</p>	<p>“ривожланиш жараёни” ва “ҳодисалар бориши” тушунчаларни муҳокама қилинг.</p>
<p>Маданият тарихи халқларнинг қандай яшагани, нимага ишонгани, ўзидан нималар қолдиргани тўғрисида билим беради. У бизга ўтмиш қатларида яширинган ҳозир ва келажакнинг келиб чиқишини тушуниш имкониятини беради. Маданият тарихи халқнинг жамоавий хотираси бўлиб, унинг маънавий ривожидида ориентир ролини ўйнайди.</p>	<p>Маданият тарихи нимани ўрганишини тушунтиринг?</p>

Ўрта аср даврида Қозоғистон ҳудуди дунё савдо йўналишлари билан қамралган эди. У жаҳон динлари, ирқлари, тилларининг “учрашув жойи” га айланди. Қозоғистон Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи кўприк ролини бажарди. Шу тариқа, Қозоғистон Евроосиё минтақаси тақдирида муҳим роль ўйнади.



Ўрта асрлардаги Қозоғистоннинг нима учун жаҳон динлари, ирқлари, тилларининг “учрашув жойи” бўлганини тушунтиринг.

Бутун тарихи мобайнида кўчманчилар шаҳарлар билан яқин алоқани ушлаб, ўтроқлашишган. Ўз навбатида, чўллар шаҳарлар ва ўтроқлашган дунёнинг муҳим қисмларидан эди. Ўтроқлашган ва кўчманчи қабилаларнинг ўзаро яқин аралашуви қозоқ халқининг шаклланишига таъсир кўрсатиб, унинг маданияти ўзгачаликларини белгилади.

Президентимиз Қозоғистоннинг келажаги ҳақида “Мангу Эл” деб сўзлаганида биринчи ўринлардан бирига у қозоқ халқининг тарихини, маданиятини ва анъаналарини ўрганиш орқали тарихий тафаккурни шакллантириш масаласини қўяди.

Кириш қисмини ўқиб чиқиб, “Турк Эли” (“Туркий халқ”) ва “Қозоқ Эли” ғояси ҳамда тушунчаси, қозоқ халқининг маданияти ва анъаналари ўрта асрлар даврида пайдо бўлганини билишингиз керак.

? Кириш қисмига саволлар ва вазифалар

1. Ўрта асрлардаги Қозоғистон бутун Евроосиё минтақасида муҳим роль ўйнаганини исботланг. Нима учун?
2. “Мангу Эл” ғоясини амалга оширишда ўрта асрлардаги Қозоғистон тарихининг аҳамиятини очиб беринг.
3. Дарслик матни ва схемасидан фойдаланиб, Қозоғистон ҳудудида давлатлар ташкил топиши жараёнини белгиланг.

Биринчи боб

ҚОЗОҒИСТОН VI–IX асрларда

1-§.

ТУРК ҲОҚОНЛИГИ (552–603 йй.)

Турк ҳоқонлиги мавзусини ўрганиш мобайнида сиз:

- туркийлар давлати пайдо бўлиши тарихини биласиз;
- Туркийлар давлати пайдо бўлиши ва туркийлар истилоси зафарлари сабабларини тушунасиз;
- жаҳон тарихида ўрта аср евроосиё мамлакати сифатидаги Турк ҳоқонлигининг роли ва ўрнини баҳолай оласиз;
- ҳоқон, ҳоқонлик, эл, будун, беги, эри, этник тафаккур, миграция, экспансия каби янги тушунчаларни тушунтира оласиз.

Турк ҳоқонлигининг пайдо бўлиши. Хитой манбаларида келтирилишича, дастлаб туркийлар Хитой чегарасидан ғарбда, Олтой тоғолдиларида яшашган. Бироқ турк қабилалари йўлбошчиси Бумин ўз эгаликларини Хуанхэ қирғоқларигача кенгайтирди. Шунда Ғарбий Хитой ҳукмдори туркийлар ҳақида барча маълумотларни тўплашни ва келтиришни буюради. Шу маълумотлар туркийларнинг эрта даври тўғрисидаги асосий манба бўлиб хизмат қилди. Туркийлар ҳақида хитой манбаларида биринчи марта 542 йилга тааллуқли эслатмада Жужан ҳоқонига темир кўринишида эҳсон юборилгани қайд этилган.

Баъзи бир тахминларга кўра, “турк” сўзи “кучли, қудратли” маъносини бериб, элни бошқарган *ашинлар* авлодига тегишли эди ва кейинчалик уларга тобе барча қабилалар номига айланди. Бу қабилаларнинг аксарияти *теле* деб номланган.

Туркийлар ўз бошқарувларини Олтойдан Хуанхэ қирғоқларигача етказганларида 545 йили Бумин қароргоҳига Хитой элчилари келишади. Шу пайтдан туркийлар ўша даврдаги йирик мамлакатлардан бирининг эътирофини олиб, тарих саҳнасига чиқишади.

Бумин асосий рақиби Жужанлар билан кураш бошлайди. Жужанлар қўшинлари бартараф этилади ва 552 йил Бумин Турк эли (туркийлар мамлакати, давлати) ҳоқони деб эълон қилинади. Шундай қилиб, янги Марказий Осиё мамлакати – Турк ҳоқонлиги пайдо бўлди.

Туркийлар қандай воқеаларга боғлиқ ва қачон Хитой йилномаларида эслатилишини аниқланг. Турк ҳоқонлиги пайдо бўлиши боришини тушунтиринг. Турк ҳоқонлиги қачон ва қаерда ташкил топган?

Этник тафаккур – халқнинг ўзига хослиги тўғрисида тушунчаси, ўз аҳамиятини, маданий, тил бирлигини тушуниши.

Турк ҳоқонлиги асосчиси Бумин кўп ўтмай вафот этди. Ҳокимиятни жунжанларни тор-мор этишни яқунлаган Муқан ҳоқонликни (553–572) эгаллади.

Туркийлар жунжанларга қарши қачон бош кўтаришди? (хўжалик эҳтиёжлари, этник тафаккур ва сиёсий вазият тушунчаларидан фойдаланиб, саволни очиб беринг).

Турк ҳоқонлигининг мустаҳкамланиши. Муқан ҳоқон Марказий Осиё ва Жанубий Сибирда туркийлар ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатди. Ғарбда Иштеми ҳоқон (Буминнинг акаси) ҳозирги Қозоғистон, Марказий Осиё, ҳудудларини бўйсиндириб, Волга ва Шимолий Кавказга чиқди.

Хитой йилномалари маълумотига кўра, Муқан ҳоқон “чегара (Буюк девор) ортидаги ҳамма ҳудудларни ҳаяжонга солди”. Турк ҳоқонлиги бу даврда Шимолий Хитой давлатларини ўзининг ўлпончиларига айлантирди ва уларни вассаллар деб атади.

VI асрнинг 60-йилларида Турк ҳоқонлиги ўша даврнинг йирик давлатлари – Византия, Эрон, Хитой билан алоқага киришди. Ўзининг энг ривожланган даврида (**VI асрнинг 70-йилларида**) Турк ҳоқонлиги Манчжуриядан Босфоргача бўлган майдонни эгаллади. Ҳоқонликнинг ғарбий ҳудудлари бошқарувчиси Бумин ҳоқоннинг акаси Иштеми бўлди. Айти Иштеми даврида турклар ғарбда ҳарбий устунликнинг юқори нуқтасига эришишди.

Туркларнинг ғарбга юриши оддий истило эмас, балки турк қабилаларининг йирик миграцияси эди. Маҳаллий қабилалар ёки туркийлар тузган давлат таркибига қўшилишар, ёки Шарқий Европага қочишар эди.

VI асрнинг 80-йиллари охирида турклар Форс давлати билан бирга иттифоқда Жанубий Қозоғистон ва Марказий Осиёдаги эфталитларнинг кучли давлатини тор-мор этишди. Эфталитлар меросини бўлишишдан чиққан низо иттифоқчилар ўртасида тезда барҳам топди. Форсия ўз чегарасидан туркларнинг ҳарбийларини узоқлаштириш учунгина 40 минг олтин танга миқдоридан бадал тўлашни ваъда қилди.

Марказий Осиёни ишғол этгандан кейин турклар Хитойдан Ўрта ер денгизи мамлакатларига олиб боровчи Буюк Ипак йўли соҳибига айланишди.

Ипак газламаларнинг асосий харидори Византия эди.

568 йилда элчи Маниах турк ҳоқонининг Византиядаги элчихонасини бошқарди. Императорлик саройи турк элчисини дабдаба билан қарши олди.

Турклар ва Византия орасида Форсияга қарши ҳарбий-савдо шартнома имзоланганди. Маниах билан бирга ҳоқон қароргоҳига Византия элчиси Земарх Киликиец қайтиб келди.



“Турк ҳоқонлигининг мустаҳкамланиши”
пункти бўйича ҳикоя режасини тузинг.

Манбалар туркларга келган етти византиялик элчи номини қайд этади. VI асрга тааллуқли византиялик тангалар топилмалари Византия билан доимий савдо ва дипломатик муносабатлар мавжудлигини тасдиқлайди.

Оғир қуролланган
қадимий турк жангчиси.
Реставрация.

VI асрда туркийлар хитойлик ва бошқа давлатлардан нимаси билан кучли эди?

сиёсий
уюшқоқлик

прогрессив
қурол-аслаҳа

кўчманчи ташкилот-
чилик, тезлик

рақибларнинг
кучсизлиги ва
бошбошдоқлиги

Бу шароитни далилланг.

Давлатнинг парчаланиши. VI асрнинг 60-90 йилларида Турк мамлакати ичдан кучли ва қўшниларга таҳдидли эди. Турклар Хитойга даромадларининг манбаи сифатида қарадилар. Бу билан Хитой келиша олмасди. Турклар билан курашиш буюк қўшнининг долзарб масаласига айланди.

Хитойнинг VI – VII аср бошларида кучайиши туркларни бошқараётган сулолалар ичидаги низо ва даштдаги мислсиз жут бошланиши билан тўғри келди. Бунинг барчаси ҳоқонликни таназзулга дучор этди. 603 йилда турклар қаршилигини баргараф этишга ҳарбий йўл билан эришолмай, Хитой дипломатик йўл билан ҳоқонликнинг Ғарбий турк ва Шарқий турк қисмларга бўлинишига эришди. Бинобарин, улар кучли давлатлар бўлиб қолишаверди. Шу тариқа, Турк ҳоқонлиги тарихи яқунланди.

Маъмурий тузилиши ва ижтимоий таркиби. Турк ҳоқонлиги Манчжуриядан Босфоргача ва Сибирдан Форсия(Эрон)гача бўлган майдонни эгалла-

ганди. Бу катта ҳудудни бўйсиндириш етарли эмас, уни ушлаб қолиш зарур эди.

Турк ҳоқонларининг нафақат саркардалар, буюк ҳукмдорлар бўлишганини таъкидлаш жоиз.

Турк мамлакатада деҳқончилик ва ҳунармандчилик ривожланган, турли динлар бир-бири билан тинч-тотув кун кечирган. Хитойдан Византияга етказилган ипак, одатда, ҳоконлик шаҳарларида қолиб кетарди. Турклар керакли тартибни сақлашган, истило қилинган халқлар мустақилликни сақлашган ва фақат ҳоқонларга эҳсон тўлашган.

Ҳоқон давлат раҳбари, олий судья бўлган ва армияни бошқарган. Давлат бошқарувида у қабила оқсуякларига суянган. Амалдорлар девони – ябгу, шади ва ҳ.к. тузилган бўлиб, улар ҳарбий ва фуқаролар ишини бошқаришган.

Ҳокимиятда ҳар доим авлоддаги катта ҳоқон турган. Бу – тахтиравонга мамлакатни қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин камолотга тўлмаган шаҳзодлар келишига йўл бермаган. Ҳокимият доим тажрибали шахслар қўлида қолган. Буюк ҳоқоннинг қароргоҳи қадимий туркларнинг она замини Олтойда жойлашган.

ТУРК ҲОҚОНЛИГИ

№1 ХАРИТА



Турк мамлакатида оддий халқни “будун” ташкил этган, уларни беклар – оқсуяклар бошқаришган. Яъни *будунлар* – давлат аҳолисининг оддий таркиби, беклар – бошқарувчилардир.

Оқсуякларнинг элитаси турк элида ҳоқонларнинг ашин авлоди эди. “Ашина” атамаси тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинади. Баъзилар уни “олижаноб” сўзи тарзида, бошқалар “самовий” деган маънода қўллашни таклиф этишди.

Жамият ичидаги бирлик синфий низолар бўлмаслигини таъминлаган. Турклар тарихини ўрганиб, олимлар будунларнинг бирон марта ҳоқонлар ҳокимиятига қарши бош кўтариш ҳолини қайд этмадилар. Турклар бир-бирига умумий аجدодлари билан боғланишган, ер учун бир хил ҳуқуқларга ва ҳарбий ўлжалардан тушган даромадлардан бирдек ҳиссага эга бўлишган.



Қадимий турк жангчилари.

□ Турк жамиятининг ижтимоий ва ҳуқуқий бирлигини нима таъминлаганини тушунтиринг. Нима учун турк жамиятида қўзғолон бўлмаган?

Турк жамиятининг бирлиги ҳарбий шараф кўрсатган унинг барча аъзоларига, оддий жангчими, оқсуяк шаҳзодами – эр (эркак-жангчи) номини қўлланишида намоён бўлган. Улардан бекларнинг доимий дружинаси шаклланган. Аммо энг қашшоқ эр ҳам бекка нисбатан ўз мустақиллиги ва эркинлигини сақлаган. Ўзлари яшайдиган ҳудудда турклар бирлашишган ва янги турк халқларининг шаклланишига асос бўлдилар.

Эл бу – Ватан.

“Эл”ни ҳис этмай, инсон манқуртга айланади (ман – мангу, қурт – ҳашарот). Эл ҳимоячиси – эр. Қозоқлар:

“Эр номуси – эл номуси”, деб айтишади, яъни эркак авлоди ва Ватанини машҳур қилади. Мана шу сўзлардан қозоқ ва турк маънавий маданияти орасидаги алоқа ва ворисликни топинг.

Истилогача тарқоқ яшаган қабилалар тинч ҳаётга ўтишиб, уларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкони туғилди. Турк ҳоқонлигида дашт қабилалари, шаҳар аҳолиси ҳам, буддачилар, христианлар, тангричилар ҳам ўз ўрнини топишди.

□ “Турк давлатининг илк ҳукмдори” мавзусида хабар тайёрланг.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Хитой солномалари _____ ҳоқон ҳақида “чегара (Буюк девор) ортидаги ҳамма ҳудудларни ҳаяжонга солди”.”, деб ёзишади.
- 1.2. Ўзининг энг ривожланган даврида (VI асрнинг 70-йилларида) Турк ҳоқонлиги _____ дан _____ гача бўлган майдонни эгаллади.
- 1.3. Марказий Осиёни ишғол этгандан кейин турклар _____ мамлакатларига олиб борувчи Буюк Ипак йўли соҳибига айланишди.
- 1.4. Ипак билан савдо турк ҳоқонларига катта даромад келтирган ва ипакнинг асосий харидори _____ эди.
- 1.5. Турк давлатининг оддий таркиби, қатордаги кишилар _____ деб аталган, уларга оқсуяклар – _____ қарши қўйилган.



2. Бир тўғри жавоб билан берилган тест вазифалари

- 2.1. Хитой ҳукмдори турклар Бумин бошчилигида пайдо бўлишганларида улар ҳақида барча маълумотларни тўплашни буюрди.
 - А) Шанхай деворида
 - В) Пекин деворида
 - С) Хуанхэ қирғоғида
 - Д) Олтой тоғларида
 - Е) Орхўн қирғоқларида
- 2.2. Турклар 545 йили эътироф топиб, тарих сахнасига чиқишади
 - А) Византия
 - В) Хитой
 - С) Рус
 - Д) Форсия
 - Е) Аштархонлар
- 2.3. Бумин асосий рақиби билан жанг бошлади
 - А) хунлар
 - В) уйсунлар
 - С) жужанлар
 - Д) мўғуллар
 - Е) меркитлар
- 2.4. Марказий Осиё мамлакати – турк ҳоқонлиги _____ йилда пайдо бўлди
 - А) 572 й.
 - В) 542 й.
 - С) 532 й.
 - Д) 562 й.
 - Е) 552 й.

Мазкур мавзунни ўқиб, сиз қуйидаги саволларга жавоб бера оласиз:

- нима учун ғарбий турклар ўзларининг давлатини тузишди?
- нима учун ҳоқонликнинг ҳудудий ядроси Жетисувда бўлди?
- Ғарбий турк ҳоқонлигининг Шарқий Туркий ҳоқонлигидан фарқи нимада?
- қароргоҳ, дуаль тузилиш, ябгу, шад, элтебер, тарханлар, буюриқлар, қора-будун, татлар, “ташқи сиёсат” тушунчалари нимани англатади?

Яхлит Турк ҳоқонлигининг емирилиши янги турк давлатлари шаклланишига туртки берди. Шу давлатлар доирасида қадимги туркий элатларнинг ривожланиши ва атрофдаги қабилаларнинг уларга таъсири рўй берди.

Ғарбий туркларнинг ўз давлатларини ташкил топиши сабаблари: Сиёсий – ҳоқон авлоди кичик бўғинининг ҳоқимиятга интилиши. Иқтисодий – ғарбий эгаликларнинг хўжалик юритишдаги ўзгачаликлари.

Аҳолиси ва давлат тузилиши. Ғарбий турк ҳоқонлигида турклар аҳолининг кам қисмини ташкил қилишди, бўйсиндирилган вилоятларда улар денгиздан томчи эди. Турклар ёки сингиб кетиши, ёки уларни қувиб юборишлари керак эди. Бироқ аллақандай учинчи ҳол рўй берди: **Жетисувдан Қора денгизгача** босиб олинган майдонларнинг кўчманчи ва ўтроқ аҳолиси ҳам туркларга итоат этишди. Шундай қилиб, турклар имтиёзли шароитга эга бўлишди.

Ҳоқонлик аҳли “ўн отим қабила иттифоқи” (будун каби) ёки “ўн ўқ отим давлат” (ўн ўқ эли) бўлиб шаклланди. Ҳар бир “найза” бир йўлбошчи раҳнамолигидаги ўн минг лашкардан иборат бир туманни намоён этиб, улар ўзларининг ҳарбий байроғига эга эди.

Ҳар бир ўн найза алоҳида бештадан найзаси бор шарқий ва ғарбий иттифоқларга жамланган. Иштеми ҳоқоннинг ўзи хитой манбаларидан бирида **100 минг лашкари бор** “ўн



Турк жангчиси.

қабиланинг ҳоқони”, деб таърифланган. Л.Н. Гумилёв ёзганидек, 576 йили Иштеми вафотидан сўнг ҳокимиятга унинг ўғли **Тардуш** келди. Унинг даврида Ғарбий турк ҳоқонлиги узил-кесил алоҳида давлат бўлди.

Ҳоқонлик ядросини (ўн қабила) Жетисув ерлари эгаллади (Қора тоғларидан Жунгариягача). Ҳоқонликнинг ҳукмрон қабилалари нушеблар ва дулулар бўлди. Ҳоқонликнинг биринчи кишиси ҳоқон – олий раҳбар, бошқарувчи, ҳарбий қўмондон ҳамда барча ер соҳиби бўлди.

Ҳоқонликнинг ҳудудий ўзаги Жетисувда жойлашди, чунки бу ерда: барча савдо йўллари кесишган, бирмунча бойроқ шаҳарлар бўлиб, маҳаллий қабилалар билан барқарор муносабат мавжуд эди. Мазкур фикрнинг тўғрилигини исботлаб беринг.

Ҳоқонликдаги ябгу, шад, элтебер каби олий унвонлар ҳоқон авлодига тегишли эди. Суд функцияларини буюриқлар, тарханлар бажаришди. Ҳоқонликнинг асосий аҳолиси эркин чорвадорлар (қора будун)дан иборат эди. Бўйсиндирилган ўтроқ маҳаллий аҳолини турклар татлар, яъни қарамдаги эҳсончилар деб аташди.

Ташқи ва ички сиёсат. Бўйсиндирилган ҳудудларда турк ҳоқонлари ўша жойдаги тартибларни ўзгартиришмади. Турклар ўз ҳукмронликларини тасдиқлаш ва эҳсон олиш билан чегараланишди.

Ғарбий-туркий ҳоқонликнинг гуллаб-яшнаши VII асрнинг биринчи ярмида Шегу ва Тўн-ябгу ҳоқонлари даврида кўринади. Бу – ривожланиш, муваффақиятли ҳарбий юришлар ва тез бойиш вақти бўлди.

Ҳоқоннинг қишки қароргоҳи Шу дарёси бўйидаги йирик савдо-хунармандчилик маркази бўлган Суяб (ҳозирги Қирғизистоннинг Ақ-Бешим қалъаси) шаҳрида эди. Ёзги қароргоҳ – Исфижоб яқинидаги (Туркистоннинг яқинида) Мингбулоқда жойлашди.

Тўн-ябгу даврида Ўрта Осиё давлатлари устидан ҳоқонликнинг қатъий назорати қўйилган эди. Унга қарам ҳамма ҳудудларга тудунлар юборилган. Шунингдек, Закавказьега юришда иттифоқчилик хатти-ҳаракатлари учун Византия императори Ираклий Тўн-ябгунинг бошига ўзининг тожини кийдиргани маълум.

Тўн-ябгу бошқарувига яқун ясаб, хитойлик хроникачи: “Ғарб бадавийлари ҳеч қачон бу қадар кучли бўлишмаганди”, деб ёзган.

Ҳоқонликнинг емирилиши. Тўн-ябгу вафотидан кейин давлат давомли таназзул йўлига тушиб қолди. Таназзулнинг асосий сабаби – дулу ва нушеби иттифоқ қабилалари ўртасидаги ҳокимият учун кураш эди.

Марказий ҳокимиятнинг заифлашувидан фойдаланиб, ғарбий турклардан волгаллик булғорлар, хазарлар ажралиб чиқишди, 656 йилда қимақлар бўлинишди.

Сўнгги Ғарбий туркий ҳоқон мамлакат бирлигини сақлашга уринди. Янги ислохотлар киритди, маҳаллий йўлбошчиларни шахсан ўзига тобе бўлган бошқарувчилар этиб тайинлади. Бундан ташқари, ҳар бир найзага марказий ҳокимият муддаосини ҳимояловчи ҳоқон авлодидан аъзо юборилди. Бироқ Ғарбий туркий ҳоқонлик марказий ҳокимиятининг кучсизланиши давом этди.

Қабилалараро уруш ва ҳоқон ҳокимиятининг кучсизлашуви Жетисувга Тан империяси қўшинларининг бостириб киришига олиб келди. Ғарбий турклар Хитойга тобе бўлиб қолишди.

Ғарбий турклар ҳоқонлиги вайроналарида турк қабилалари қатор давлатлар тузишди. Қуйи Поволжьеда ва Шимолий Кавказда Хазар ҳоқонлиги ташкил топди. Ҳозирги Қозоғистон ҳудудида учта: Қозоғистон ғарбида – Ўғуз мамлакати, Шимолий-Шарқий ва Марказий Қозоғистон минтақасида – Қимақ ҳоқонлиги, Жетисувда – Тургешлар давлати ташкил топди.

□ ————— □
Ҳоқонликнинг заифлашуви сабабларини аниқланг.

Иқтисод. Ғарбий турк ҳоқонлиги кўчманчи ҳаёт устун бўлган Шарқий турк ҳоқонлигидан анча фарқланар эди. Ғарбий турк ҳоқонлиги кўчманчи ва ўтроқ-деҳқончилик хўжаликнинг яхлит тизимидан иборат эди. Ҳоқонлик аҳолиси савдо-сотик, ҳунармандчилик, деҳқончилик ва чорвадорлик билан шуғулланишган.

Фақат Шу водийсида VI–VIII асрларда туркийлар, сўғдлар, сурияликлар, форсийлар эгаллаган 20тадан ортиқ шаҳарлар ва кўпгина кентлар мавжуд бўлган. Жетисув шаҳарлари ва улар аҳолиси тўғрисидаги дастлабки қайдлар VIII асрдаги хитой сайёҳига тегишлидир. Қадимий муаллиф “ерга ишлов берадиган ҳамда бундан наф кўрадиган (яъни ҳунарманд ва савдогарлар)лар сони – баробар”, деб таъкидлайди. Бу гувоҳлик жетисувлик шаҳарларнинг нафақат савдо-ҳунармандчиликка хослигини, балки аграр характерини ҳам кўрсатади.

□ ————— □
Ғарбий турк ҳоқонлигидаги асосий хўжалик соҳаларини кўрсатинг ва уларнинг Шарқий турк ҳоқонлигидан фарқини ажратинг.

Ғарбий турк ҳоқонлиги. Турк ҳоқонлиги бўлингач, бир вақтлар яхлит ҳисобланган давлат ҳар икки ярмининг йўли айрича бўлди.

682 йили Хитой билан уруш натижасида турклар ўз давлатини қайта қуришди. Қайта тикланган давлат Мўғулистон ҳудудини эгаллади.

Ғарбий турк ҳоқонлиги Қапағон ҳоқон даврида (691-716) Марказий Осиёни бўйсиндирди.

716 йили Ғарбий турк ҳоқонлиги ҳукмдорлигига Билга ҳоқон келди. Билга ҳоқон ва унинг укаси Култегиннинг саъй-ҳаракатлари билан турк ҳоқонлигининг илгариги куч-қуввати қайта тикланган эди. Хитой билан урушдаги ғалаба билан Билга тинчлик учун фойдали шартларга эришди – савдо-сотик кенгайиб, Хитой императори ҳоқонга 100 минг той ипак жўнатди. Бу – Хитойнинг Шимолий сарҳадларда тинчлиги учун мўмайгина тўлови бўлди.

731 йили Култегин вафот этди. Билге укасидан узоқ яшамади. Ўрхун дарёси яқинида, карвонлар бекати ўрнида, ака-укалар хотираси учун эҳромлар ва руник ёзувлар битилган ёдгорлик тошлари(стелалар) тикланди. Бу ёдгорлик тошлари турк мамлакати жўшқин тарихининг йилномаси ҳисобланади.

Билга ҳоқон меросхўрлари даврида таназзул даври келди. 744 йили уйғурлар ва қарлуқларнинг бирлашган кучлари Ғарбий турк ҳоқонлигини мағлуб қилдилар. Ашин сулоласи барҳам топди.

Уйғурлар давлати 744 йили кескин жангларда пайдо бўлди. Сўнг уйғурлар ўзларининг собиқ иттифоқчилари – Жетисувга кўчишга мажбур бўлган қарлуқларни тор-мор қилишди.

IX аср бошида Енисей қирғизлари Уйғур ҳоқонлигининг душманига айланди. 840 йили қирғизлар ғалаба қозониб, Уйғур ҳоқонлиги мағлуб бўлди.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Хитой манбаларида “ўн қабила ҳоқони” деб _____ тилга олинган.
- 1.2. Ғарбий турк ҳоқонлиги ўзаги (ўн қабила) _____ тоғидан _____ гача бўлган майдонни эгаллади.
- 1.3. Ҳоқонликдаги биринчи одам, олий ҳукмдор, қўлбошчи ва барча ерларнинг соҳиби _____ эди.
- 1.4. Ғарбий турк ҳоқонлигининг қишки қароргоҳи йирик савдо-ҳунармандчилик маркази бўлган _____ дарёси водийсидаги _____ шаҳрида эди.
- 1.5. Ҳоқонликдаги – ябгу, шад, элтебер олий унвонлари _____ авлодига тегишли эди.
- 1.6. Ғарбий турк ҳоқонлиги таназзул йўлига киришининг асосий сабаби, _____ ва _____ иттифоқ қабилалари орасидаги ҳокимият учун кураш бўлди.

 2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. 840 йили енисей қирғизлари қарлуқлар билан иттифоқда тор-мор этишди
- А) Уйғур ҳоқонлиги
 - Б) Хазар ҳоқонлиги
 - С) Ўғуз ҳоқонлиги
 - Д) Қимақ ҳоқонлиги
 - Е) Қорахонийлар давлати
- 2.2. VII аср ўрталарида ҳоқонлик таназулидан фойдаланиб, Ғарбий турклардан ажралиб чиқишди
- А) тургешлар
 - Б) найманлар
 - С) ўғузлар
 - Д) қипчоқлар
 - Е) Волга булғорлари
- 2.3. VII аср иккинчи ярмида Ғарбий турк ҳоқонлигидаги ўзаро низолар Жетисувга лашкарларнинг босиб киришига олиб келди
- А) Уйғур ҳоқонлигининг
 - Б) Византия империясининг
 - С) Шарқий турк ҳоқонлигининг
 - Д) Тан империясининг
 - Е) Қарлуқ ҳоқонлигининг
- 2.4. Ғарбий турк ҳоқонлигининг вайроналарида турк қабилалари қатор давлатлар қуришди
- 1) Хоразмшоҳлар давлати
 - 2) Ўғуз мамлакати
 - 3) Қимақ ҳоқонлиги
 - 4) Тургешлар давлати
 - 5) Қипчоқ хонлиги
 - 6) Шайбонийлар давлати
 - 7) Хазар ҳоқонлиги
- 2.5. Билга ҳоқон ва унинг укаси Култегин томонидан қайта тикланган
- А) Қарлуқ ҳоқонлиги
 - Б) Ғарбий турк ҳоқонлиги
 - С) Шарқий турк ҳоқонлиги
 - Д) Уйғур ҳоқонлиги
 - Е) Тургашлар ҳоқонлиги

Тургешлар ҳоқонлиги тарихини ўқиб, сиз:

- Ғарбий турк ва Тургешлар ҳоқонлиги тарихини қиёсий таҳлил қила оласиз ва уларнинг ривожланиши ва парчланишидаги умумийликни ва тафовутларни топасиз;
- уларнинг Хитой, араблар, шарқий турклар билан курашини биласиз;
- Марказий Осиё учун Атлах жангининг тарихий аҳамиятини аниқлашни биласиз.

Аҳоли ва ҳудуди. Тургешлар ўша VI асрда Ғарбий турк ҳоқонлиги таркибида тилга олинган. Улар Шу-Иле дарёлари оралигини эгаллаган ва Шу тургешлари (сарик тургешлар) ҳамда Иле тургешлари (қора тургешлар) деб бўлинишган. VII аср охирида туркларнинг Хитойга қарши кураши тургешлар қабилаларининг улуғланиши ва хитойлик вакилларнинг қувилишига олиб келди. 704 йилда тургешлар Жетисувда сиёсий устунлик ўрнатадилар.

Тургешлар сулоласининг бошловчиси Ушлик ҳоқон бўлган. У мамлакатни аскарлар етказиб берадиган 20 қисмга бўлди. Бош қароргоҳни Суяб шаҳрида белгилади. Иккинчиси Иле дарёси соҳилидаги Кунгут шаҳрида жойлашди.

Тургеш ҳоқонлиги тарихида таниқли бўлган ҳукмдор: давлат ва Сулук асосчиси Ушликдир, унинг даврида Жетисувда тургешлар мустақамланиб, энг катта қудратга эга бўлган.

Тургешлар давлатининг аҳволи ташкил топган кундан мураккаб бўлди. Жанубий-ғарбда тургешлар араблар билан кескин жанг олиб боришар, жанубий-шарқда Хитой босқинчилигини ушлаб туришар, шарқда – Шарқий турк ҳоқонлиги босими бор эди

VIII аср бошида Жетисувда тургешлар ҳукмронлигининг сабабларини белгиланг.

Нима учун тургешлар ўз давлатини ташкил этишди: ўз давлатини тиклашга интилиш истаги, ғарбий турк ҳоқонлигининг заифлашуви, ташқи хавф шароитида ҳимояланиш зарурати.

Араблар билан жанг. VII асрнинг иккинчи ярмида араблар Ўрта Осиёни истило қилиш юришларини бошлашди. VIII аср бошларида араб лашкарлари тургешларнинг чегараларига яқин келишди.

Ушлик 705 йили араб қўшинлари билан курашаётган сўғдларга ёрдамга келди. Турк-сўғдларнинг бирлашган кучлари Бухоро яқинида араб

қўшинларини мағлубиятга учратишди. Бироқ бу муваффақият узоққа бормади. Ҳарбий қўмондон Қутайба ибн Муслим раҳнамолигидаги Араб халифати қўшинлари итифоқчилар ўртасидаги келишмовчиликлардан фойдалана олишди.

Араблар Бухорони, сўнг Самарқандни олишди. 706 йилдан 715 йилгача нафақат саркарда, балки дипломат сифатида танилган Қутайба Ўрта Осиё ерларини эгаллашга эришди.

Ажнабийлар истилоси билан олиб борилган фаол кураш Сулук ҳоқон номи билан боғлиқ. (715–738 йй.). Сулук ҳоқон даврида тургешларнинг қароргоҳи Тараз шахри бўлди. Сулукнинг дипломатик ва ҳарбий чоралар эвазига Хитой тарафдан бўладиган хавф-хатарни бартараф этиши, тургешларнинг ғарбда арабларга қарши фаол ҳаракат қилишига имкон берди.

Сулук арабларга қарши шу қадар довураклик ва қатъийлик билан ҳаракат қилдики, улардан Абу Музаҳим (сузонғич) лақабини олди.



Сулук ҳоқоннинг бошқарув даврига баҳо беринг.

Хитой билан кураш. Сулук вафотидан сўнг, Тургешлар ҳоқонлиги емирилишидан фойдаланган Хитой империяси Жетисулда фаол истило сиёсатини бошлайди. 740 йилда Тараз Хитой қўшинлари томонидан эгалланиб, талон-тарож қилинади. 748 йили Хитой тургешлар пойтахти Суябни эгаллаб, вайрон этади. Жетисулда Хитойнинг муваффақияти арабларни жиддий безовта қилади.

751 йили июлда Тараз атрофидаги Атлах шахрида араб ва хитойлик қўшинлари ўртасида йирик жанг рўй беради, тургешлар арабларга иттифоқчилик қилади. Қарама-қаршилик беш кун давом этади. Бешинчи кун хитойликларга қарлуқлар ортдан тўсатдан зарба беришади, араблар ва тургешлар фронтдан ҳужум қилишади. Тан армияси катта талофотлар кўриб, қочишга тушади. Хитой қўшинлар батамом тор-мор этилади.



Қандай ўйлайсиз, Атлах жангида нима учун турклар араблар томонида бўлишди?

Турк халқлари тарихида Атлах жанги катта тарихий аҳамиятга эга эди:

- хитойликлар Жетисувдан қувилиб, бундан буён бу минтақа ишларига аралашмади;
- араблар ҳам бу ерда қолишмади, улар Ислом тез тарқалаётган Ўрта Осиёга чекинишга мажбур бўлишди;
- Атлах жангида араблар тарафида чиққан қарлуқлар ва тургешлардан иборат турклар ислом маданияти манфаатини танладилар.



751 йилги “Атлах жанги”. Т.Асикова расми.

746 йили Жетисувга Олтой ва Тарбағатойдан қарлуқлар кўчиб келишди. Заифлашган Тургешлар давлати бошқа бир турклар қабиласи – қарлуқлар тазйиқи остида 756 йили қулади.

Тургеш ҳоқонлиги қулашининг сабаблари: Хитой билан уруш, араблар билан уруш, Шарқий турк ҳоқонлиги тазйиқи, қора ва сариқ тургешлар орасидаги қарама-қаршилик.

Сўғдликлар Жетисувда. VI-VIII асрларда сўғдларнинг Жетисувга кўчиб келиши сабаблари, кам деганда, учта. Сўғдларнинг кўчиши асосий сабабини В.В. Бартольд савдо-сотиқ, деб ҳисоблаган. Кейинги сабаби Сўғдда рўй берган синфий кураш. Ҳукмдорнинг тазйиқларига чидай олмаган сўғд деҳқонлари ва савдогарлари Жетисувга кетишга мажбур бўлишганди. VII–VIII асрларда сўғдларнинг Жетисувга кўчиб келишининг учинчи сабаби, арабларнинг Ўрта Осиёдаги истилолари билан боғлиқ.

Сўғдликларнинг кўчиб келиши VII–VIII асрларда Жетисувнинг деҳқон ва шаҳар маданияти тарихида сезиларли из қолдирди.

Туркийлар доирасига тушган сўғдликлар маҳаллий турғунларнинг тили, маданияти ва қарашларини ўзлаштиришди. Натижада, сўғдликлар туркий-

лашишди. Маҳмуд Қошғарий (XI а.) сўғдликлар орасида туркийча гапирмаганлари йўқ, деб айтган эди.

□ Сўғдликларнинг Жетисувга кўчиб ўтиши сабабини изоҳланг.

✿ 1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. VI аср манбаларида тургешлар _____ таркибида тилга олинган ва _____ ҳамда _____ дарёлари орасидаги ҳудудни эгаллаган.
- 1.2. Тургешлар сулоласининг илк бошловчиси _____ ҳоқон бўлган.
- 1.3. Жанубий-ғарбда тургешлар _____ билан кескин жанг олиб боришган, жанубий-шарқда _____ ларнинг тазйиқини ушлаб туришган, шарқдан _____ ҳоқонлиги хавф солган.
- 1.4. _____ ҳоқон арабларга қарши довюраклик ва қатъийлик билан қилган ҳаракатлари учун душманларидан Абу Музаҳим (Сузонғич) лақабини олди.

! 2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Жетисувда ҳокимиятга келиши билан туркларнинг араблар билан фаол кураши бошланади
 - А) қипчоқларнинг
 - Б) қимақларнинг
 - С) тургешларнинг
 - Д) қарлуқларнинг
 - Е) ўғузларнинг
- 2.2. Тургеш қабилалари сиёсий ҳукмронлигининг ўрнатилиши йилларга тўғри келади
 - А) 744 й.
 - Б) 751 й.
 - С) 704 й.
 - Д) 603 й.
 - Е) 940 й.
- 2.3. VIII аср бошида араблар давлатнинг чегараларига яқин келишди
 - А) қимақлар
 - Б) тургешлар
 - С) қипчоқлар
 - Д) қарлуқлар
 - Е) ўғузлар
- 2.4. Араб халифати қўйидаги сабаблар учун Ўрта Осиёнинг бир қисмини ва Жанубий Қозоғистон ерларини эгаллашга эришди.
 - 1) тургешлар ва сўғдликлар орасидаги келишмовчилик
 - 2) иқтисодий таназзул
 - 3) маҳаллий ҳукмдорлар орасида бирликнинг йўқлиги
 - 4) мўғуллар босқинчилиги
 - 5) туркларнинг исломга интилиши

- 6) ўғузлар тазйиқи
- 7) Тургешлар ҳоқонлигининг сиёсий бошбошдоқлиги
- 8) найманлар тазйиқи

2.5. Атлах жанги турк халқлари тақдирида катта тарихий аҳамиятга эга, чунки

- 1) араблар Мовароуннаҳр сарҳадларини ташлаб кетишди
- 2) Тургешлар ҳоқонлиги тикланган эди
- 3) араблар Жетисув сарҳадларини ташлаб кетишди
- 4) хитой қўшинлари Мавороуннаҳр сарҳадларини ташлаб кетишди
- 5) хитой қўшинлари Жетисув сарҳадларини ташлаб кетишди
- 6) араблар исломни тарқатишдан воз кечишди
- 7) туркийлар орасида ислом тез тарқала бошлади
- 8) араблар томонида чиқиб, турклар ислом маданиятини қабуллашди

АВ Атлах жангининг бир иштирокчиси номидан ҳикоя тайёрланг.

4-§.

ҚАРЛУҚ ҲОҚОНЛИГИ (756–940 йй.)

Қарлуқ ҳоқонлиги тарихини ўрганиш жараёнида кўриб чиқасиз:

- VIII асрнинг биринчи ярмида қарлуқларнинг Жетисувга кўчиши сабаблари;
- қарлуқ давлати ташкил топишининг тарихий ўзгачаликлари;
- давлатнинг фарқлари ва уларнинг 200 йиллик гуллаши сабаблари;
- қарлуқ даврида Жетисувдаги қабилалар ўзаро таъсирининг асосий жиҳатлари.

Ҳудуд ва аҳоли. Қарлуқлар Олтой ва Балхаш кўли орасидаги ҳудудни эгаллаган кўчманчи қабилаларнинг иттифоқи эди. “Улар (қарлуқлар) – қадимий туркийлар”, деб маълумот беради Ибн ал-Фақиҳ (X а.)

VII аср сўнггидан қарлуқлар Шарқий турклар ҳоқонлиги таъсирида қолишди. 744 йили уйғурлар ва қарлуқларнинг бирлашган кучлари Шарқий турклар ҳукмронлигини барбод этишди. Марказий Осиёда янги давлат – Уйғур ҳоқонлиги (744-840) ташкил топди. Уйғур қабилаларининг ҳукмдори олий ҳоқон бўлди, қарлуқлар йўлбошчиси эса *жабғу* мақомини олди. Шундай қилиб, қарлуқлар уйғурларга бўйсинишди. Мустақил бўлишга интилиш қарлуқларни уйғурлар билан қарама-қаршиликка олиб келди, бироқ бу курашда улар мағлубиятга учрашди. Мағлуб бўлган қарлуқлар уйғур йилнома-ларида қайд этилишича, “ит йилида (яъни 746 й.), хиёнат қилишиб, Ғарбга, ўн найза мамлакатига қочибди”.

Жетисувда қарлуқлар тургешларнинг эмас, биринчи Турклар қабилалари давридан шу жойда яшайдиган ўғуз қабилаларининг ашаддий қаршилигига дучор бўлишди. VIII аср ўрталарида қарлуқлар ўғузларни Жетисув ва Сирдарёнинг қуйи қисмидан сиқиб чиқаришгани маълум.

Қарлуқларнинг Жетисув ҳудудига кўчишига сабаб:
кўчиш учун янги ерларни излаш зарурати, уйғурлар билан рақобатлашув...
Дарслик мазмуни бўйича яна тўлдилинг.

Қарлуқлар Жетисувда. 756 йили қарлуқлар тургешларни тор-мор қилиб, **Жетисув** ҳудудида ўзларининг сиёсий ҳукмронлигини ўрнатишди.

Шарқий манбалар маълумотига кўра, қарлуқлар “тургешлар мамлакатига чиқишиб, уни ишғол қилишди. Уларни бўйсиндириб, ҳокимиятини синдиришди”. Қарлуқлар ҳукмронлигида пойтахти Суяб бўлган эрта феодал давлат ташкил топган эди.

Атлах жангидан олти йилдан сўнг Хитой пойтахтига қарлуқ жабғусидан элчи келди. Шундай тез алоқа ўрнатилишига сабаб, ҳар икки тарафни хавотирга солаётган уйғурларнинг кучайиши бўлди.

VIII–X асрларда қарлуқ қабилалари Қозоғистоннинг қатта – Жунғор Олатовидан Сирдарёгача бўлган ҳудудда жойлашишди. X асрдаги араб манбасининг айтишича: “қарлуқлар ерини ғарбдан шарққа юриб ўтиш учун 30 кун керак”.


Қарлуқ ҳоқонлиги қачон ва қандай тарихий воқеларда ташкил топганини тушунтиринг.

Давлат тузилиши. Қарлуқлар йўлбошчиси ҳукмронлигида Жетисув ва Жанубий Қозоғистоннинг кўплаган қабилалари қолган эди.

Қарлуқ ҳоқонлигида бошқарувнинг ҳарбий-маъмурий тизими бор эди. Давлат бошида жабғулар турар, бироқ уларнинг ҳукмронлиги заиф эди. Қабила пешволарига авлоддан-авлодга ўтадиган имтиёзлар берилган эди. Бу нарса марказий ҳокимият мустаҳкамланишига монелик кўрсатарди. Араб ва форс манбаларига кўра, қарлуқ бирлашмалари IX–X асрларда кўплаган авлод-қабила гуруҳларидан ташкил топган. Қарлуқлар орасида етакчи деб булоқ қабиласи ҳисобланди. Аҳолининг асосий қисмини оддий кишилар, энг ҳуқуқсиз қатламини эса – қуллар ташкил қилган.

Кўчманчи қабилаларнинг бошқарув қавми нафақат яйловларга, балки шаҳарларга ҳам эгалик қилишган. Манбаларга кўра, қарлуқлар мамлакатадаги мавжуд 25 шаҳар ва кентларнинг асосий қисми ва пойтахтнинг ўзи ҳам Буюк Ипак йўлига жойлашган. Жетисувнинг бой шаҳарлари ва савдо йўлларига назорат ҳоқонлигининг бойишига ёрдам берди.

840 йили Марказий Осиё даштларида муҳим воқеа юз берди: Енисей қирғизлари қарлуқлар қўллови билан Уйғур ҳоқонлигини тор-мор этди. Юзага келган шароитдан қарлуқ жабғуси фойдаланиб, ўзининг олий ҳокимиятга



хуқуқи тўғрисида очиқ айтди. Ўша 840 йили қарлуқ жабғуси Улуғ Дала олий унвони – ҳоқонликни қабул қилди. Шундай қилиб, уйғурлар билан рақобат барҳам топди.

Қарлуқ даврида (VIII–X аа.) Қозоғистон ҳудудида маҳаллий аҳолини туркийлаштириш жараёни фаол равишда рўй берди.


□ Қарлуқ ҳоқонлигининг давлат тузилиши ҳақида гапиринг. Нима учун олий ҳокимиятнинг заифлиги давлатнинг кучсизлашувиغا олиб келди?

Араблар билан кураш. Жетисувга арабларнинг юришларини бу жойдан кумуш олинishi билан тушунтириш мумкин. Бу ерда, шунингдек, бойбадавлат савдо шаҳарларида катта ўлжа олиш мумкин эди.

IX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Ўрта Осиёда Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилади. 840 йили сомонийлар туркларга қарши “муқаддас уруш” эълон қилишади ва Жанубий Қозоғистонда ислом тарқалишининг маркази бўлган Исфижобни босиб олишади. Исфижобда Улуғ Даланинг барча мамлакатларига элтувчи савдо-сотик ҳамда ҳарбий йўллар кесишган эди.

IX асрнинг сўнггида Сомонийлар Таразни ва шу яқиндаги кентларни ишғол қилишиб, аҳолини исломга қаратишади.

Араб босқинчилиги туфайли ҳоқонлик заифлашди, Қарлуқ ҳоқонлигига реал таҳдид Қашғар томондан келди. 940 йилда Қашғар турклари Боласоғун шаҳрини босиб олишди ва Қарлуқ ҳоқонлигининг умри тугади. Қарийб 200 йил яшаган давлат тарихи барҳам топди. Жетисувда ҳокимият янги сулола – узоқ вақт Жетисув ва Жанубий Қозоғистондаги қарлуқ ва тургешлар қабилаларини бирлаштира олмаган Қорахонийларга ўтди.



Араб жангчиси.



1. Саволлар ва вазифалар

□ Қарлуқ давлати қулаши сабабларини кўрсатинг.

1. Жетисувга араблар босқинчилиги сабабларини тушунтиринг. Схема ва жадвал тузинг.
2. Манбаларга кўра, Қарлуқлар мамлакатада 25 шаҳар бўлган. Сизга таниш Қарлуқ шаҳарлари номини айтинг.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Манбаларга кўра, қарлуқ қабилаларининг асосий манзиллари _____ ҳамда _____ кўли орасида жойлашган.
- 1.2. Қарлуқлар Ғарбий турк ҳоқонлиги сиёсий ҳаётида ўзларини _____ аср ўрталарида кўрсата бошлашган.
- 1.3. Қарлуқ ҳоқонлиги деярли _____ йил яшади.
- 1.4. Тургешлар мероси учун қарлуқлар ва _____ лар кураш VIII аср ўрталарида _____ нинг тўла ғалабаси билан якунланди.
- 1.5. Арабларнинг Жетисувга юришларини бу жойда _____ қазиб олинши, шунингдек, бой-бадавлат шаҳарларда катта ўлжа орттириш имконияти билан тушунтириш мумкин.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. 840 йилда шарқда қарлуқларнинг рақобатлашуви якун топди
 - А) найманлар билан
 - Б) кимақлар билан
 - С) қипчоқлар билан
 - Д) уйғурлар билан
 - Е) ўғузлар билан
- 2.2. 840 йили қарлуқлар йўлбошчиси Улуғ Даланинг олий унвонини қабуллади
 - А) хон
 - Б) жабғу
 - С) элтебер
 - Д) шод
 - Е) ҳоқон
- 2.3. IX асрда исломнинг чегарасини шарққа кенгайтирди
 - А) Сомонийлар
 - Б) Аштархонийлар
 - С) Қорахонийлар
 - Д) Жучидлар
 - Е) Чигатойлар
- 2.4. Қарлуқ давлати бойишига ёрдам кўрсатдилар
 - 1) бой Жетисув шаҳарлари
 - 2) Хитойдан келган эҳсон
 - 3) Буюк Ипак йўлига назорат
 - 4) давлат тузлишининг ислоҳоти
 - 5) пул ислоҳоти
 - 6) юқори солиқлар
 - 7) фойдали савдо-сотик
 - 8) эфталитлардан эҳсон

2.5. X аср ўрталарида Қарлуқ ҳоқонлиги заифлашди ва оқибатда парчalandи.

- 1) Хитой билан кураш
- 2) иқтисодий алоқаларнинг йўқлиги
- 3) ўғузлар билан кураш
- 4) араб агрессияси
- 5) эфталитлар агрессияси
- 6) Буюк Ипак йўли фаолиятининг тўхташи
- 7) қорахитойлар истилоси
- 8) ҳукмрон сулоланинг қулаши

5-§.

ЎҒУЗЛАР ДАВЛАТИ (IX – XI асрлар ўрталари)

Ўғузлар давлати тарихини ўрганиб, сиз:

- дарслик ва харитадан фойдаланиб, ўғузларнинг қаердан ва қаерга юрганини кузатасиз;
- ўғузлар сиёсий тарихини сўзлайсиз;
- ўғузлар давлати парчаланиши сабабларини аниқлайсиз ва тасниф қиласиз;
- Қозоғистон тарихида ўғузларнинг ролини аниқлайсиз.

Ўғузлар давлатининг ташкил топиши. Ўғузлар давлати ҳақидаги илк қайдлар IX – X асрлар бошларида араб ёзмаларида келтирилади. Ўғузлар давлати борлиги ал-Ёқубийнинг ёзувларида айtilган, географ ал-Фақиҳ эса ўғузлар турклар томонидан бошқаларга қараганда кўпроқ ҳурматланади, деган маълумот беради. Ўғузларнинг қабила таркиби ҳақида Маҳмуд Қошғарий асарларида батафсил маълумот берилади.

Рус йилномалари ўғузлар ҳақида турк номидан печенеглар, хазарлар ва волга булғорларига қарши кураш муносабати билан ҳикоя қилади. Уларнинг тарихидаги кўпгина ҳодисалар тўғрисида “Ўғузнама” эпик достони сўзлайди.

□
Ўғуз қабилалари тўғрисида ёзма манбаларнинг рўйхатини тузинг.


Манбаларда айтилишича, ўғузлар қабилаларининг ўзаги Жетисув ҳудудида шакллана бошлаган. Ўғузлар таркибига нафақат турк тилли кўчманчилар, шунингдек, келиб чиқиши ҳинд-европа ва фин-угор қабилалари ҳам кирди.

Турли насабли қабилалар бирлашишди ва тарихий шоҳсупага ўғузлар номи билан чиқишди. Фарбий Қозоғистон ҳудудига келгунга қадар, Эски Гуржистон ва Жетисув деб номланувчи жой ўғузларнинг пойтахти бўлди.

□
Ўғуз қабилалари ўзаги шаклланган ҳудудни аниқланг.
“Ўғузлар этник таркиби шаклланишининг асосий босқичлари” схемасини тузинг.

VIII аср иккинчи ярмида қарлуқлар билан кураш натижасида ўғузлар Жетисувни ташлаб, Сирдарё бўйи ҳудудига кўчишди. IX аср бошида ўғузлар йўлбошчилари печенег қўшинларини тор-мор қилишди ва Сирдарёнинг водийларини ҳамда Оролбўйи даштларини эгаллашди. IX аср ниҳоясида хазарлар билан иттифоқда печенегларни якуний мағлубиятга учратиб, Урал ва Волга оралиғини батамом эгаллашди. Печенеглар билан узоқ давом этган уруш IX асрда пойтахти Янгикент бўлган ўғузлар давлатининг шаклланишига туртки берди. Шаҳар Сирдарёда, кўчманчи ва ўтроқ-деҳқончилик маданияти кесишган, эски карвон йўлида жойлашган эди.

Дарслик ва харитадан фойдаланиб, ўғузларнинг қаердан қайси ёққа миграциялашганини кузатиш: турк ҳоқонлиги даврида (VI–VII асрлар); тургешлар ва қарлуқлар билан кураш боришида (VIII–IX аср); X асрдаги экспансия даврида; қипчоқлар томонидан XI асрда сиқиб чиқариш натижасида.



Ўғузлар давлатининг тузилиши ва сиёсий тарихи. Маҳмуд Қошғарий ўғузлар дастлаб 24 қабилани бирлаштириб, икки гуруҳ – бузуклар ва учуқларга бўлинишган, деб таъкидлайди. Бузуклар катта имтиёزلардан фойдаланишган.

Ўғуз давлатининг раҳбари – жабғу унвонини эгаллаган олий ҳукмдор эди. Ҳарбийларнинг бош қўмондони – суюбоши ҳарбий кенгашга таянган. Ҳукмдорни бирмунча кучли насабга эга раҳбарлар орасидан сайлашган. Ўғузлар давлати монолит эмасди. Олий ҳукмдорнинг ҳокимияти қабила зодагонлари кенгашлари билан чегараланди. Шунингдек, сарой ҳаётида ҳукмдорларнинг рафиқалари салмоқли роль ўйнаган. Меросхўрларни тарбиялаш учун махсус васийлар – *отабеклар* тайинланишди.

X аср охири ва XI аср бошида жабғу салтанатида давлатда доимий бошқарув девони ташкил қилишни кўрсатувчи солиқ тўловлари тизими қўлланилди.

Жабғу, отабек, қабила раҳбарлари, оқсуяқларнинг роли ва функциясини таснифланг. Муҳокама натижасига кўра, ўғузлар давлати бошқарув тизими қандай тузилгани тўғрисида хулоса чиқаринг.

Молларга хусусий мулкчиликнинг мавжудлиги мулк тенгсизлигининг асоси бўлди. Ўғузларнинг асосий қисми ўзларининг илк отаси – Ўғуз ҳоқоннинг: “Ҳаракат қилинг, ўтроқлашиб қолманг, камчилик билмай, кўкламги, ёзги ва қишки яйловлар ва дарё соҳилларига кўчиб юринг”, деб айтган васиятига риоя қилиб, етишмовчилик кўрмай, кўчманчи молбоқарлик билан шуғулланди.



Печенег.



Хазар.

X–XI асрлардаги ўрта аср муаллифлари ўғузларнинг шаҳарлари Женд, Саврон, Фороб ва Сиғноқ ва ҳ.к.ларни қайд этишган. Молдан ажраган кўчманчилар ўтроқлашган ҳаёт тарзига ўтишар ва уларнинг машғулоти деҳқончилик, хунармандчилик бўлиб, шаҳарларда қолишарди. Ўғузларнинг кўчманчи дашти Мовароуннахр ва Жетисувнинг деҳқончилик воҳалари билан яқин алоқада бўлган. Ўғузларнинг бир қисми исломни қабуллади.

Ўғузлар давлати Евроосиё тарихида муҳим роль ўйнади. 965 йили Киев Руси билан ҳамкорликда Хазар ҳоқонлигини яқсон этишди. Хазарлар билан курашда ўғузлар Қора денгиз бўйида бой яйловларини эгаллаш, Поволжье орқали ўтадаган савдо йўллариغا назорат ўрнатиш мақсадини кўзлашган эди.

985 йили ўғуз жабғуси киевлик князь Владимир билан иттифоқда Волга Булғориясини мағлубиятга учратди. Буларнинг барчаси ўғуз мамлакати сиёсий қудратининг ўсишига замин ҳозирлади. Ана шундай фаол ташқи сиёсат эвазига ўғузлар жанубда Мовароуннахр билан чегарадош бўлишди, ғарбда эса Закавказьега етиб боришди. X асрда Сирдарёдан Кавказгача ҳудуд Ўғуз дашти деб номланди.

Ўғузларнинг Хазария ва Волга Булғорлари билан кураши сабабини кўрсатинг.

Ўғузлар давлатининг қулаши. Фаол ташқи сиёсат, кўп йиллик урушлар етарли маблағ бўлишини тақозо қиларди ва ҳокимият ҳар йили солиқларни ошириб борди. X–XI асрлар чегарасида солиқ йиғилишидан норози ўғуз

қабилаларининг қўзғолони бошланди. Таназзулдан салжуқлар фойдаланишди. Салжуқ йўлбошчилари ўғуз бошқарувиға қарши қўзғолонға раҳбарлик этишди.

Бироқ Шоҳмалик жабғу даврида давлат шу даражада қудратға эға бўлдики, ўғузлар 1041 йили Хоразмни босиб олишди. Бироқ икки йил ўтиб, Шоҳмалик салжуқларға асир тушиб қолди. У ўғузларнинг сўнгги ҳукмдори бўлди.

Салжуқлар билан кўп йиллик уруш, қабилаларнинг юқори солиқларға қарши кўтарилишлари ўғузлар давлатини заифлаштириб юборди. Заифлашган мамлакат қипчоқлар қабилалари йўлбошчилари зарбалари остида тўла таслим бўлди. Ўғузларнинг аксарият қисми қипчоқлар тазйиқи остида Шарқий Европа ва Кичик Осиёға кетди. Ўғузларнинг қолдиқлари кейинчалик Дашту Қипчоқнинг турк қабилалари билан аралашиб кетди.

Ўғуз қабилалари кўпгина замонавий турк халқларининг шаклланишида иштирок этиб, қозоқлар этник тарихида сезиларли из қолдирдилар.

XI аср ўрталарида Марказий Осиёда ҳудудида ҳукмронликни қипчоқлар эғаллашди.



Хазар жангчилари.

Ўғузлар давлатининг қулаши сабабларини аниқланг, режа ёки конспект тузинг.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Ўғузлар 965 йили Киев Руси билан иттифоқда _____ ҳоқонлигини тормор қилишди
- 1.2. Ўғузлар хазарлар билан курашда аниқ мақсадлар: _____ ерларидаги бой яйловларни босиб олиш, шунингдек, _____ орқали ўтган савдо йўлларини назорат ўрнатиш
- 1.3. X асрда Сирдарёдан Закавказьегача ҳудудлар _____ дашти деб номланди.
- 1.4. Юқори солиқлар, Ўғуз жабғуларидан бўлган норозиликлар _____ йўлбошчилари томонидан фойдаланилган.
- 1.5. XI аср бошида ўғузлар мамлакати _____ қабиласи зарбаси остида батамом қулади.
- 1.6. Чуқур ички қарама-қаршилиқлар оқибатида заифлашган ўғуз мамлакати батамом қулади ва ўғузларнинг сезиларли оммаси _____ ва _____ томонларға кетиб қолди.

2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. IX–XI асрлар бошида Евроосиёнинг сиёсий ва ҳарбий тарихида давлати муҳим роль ўйнади
- А) қипчоқлар
 - Б) қарлуқлар
 - С) ўғузлар
 - Д) найманлар
 - Е) кереитлар
- 2.2. 985 йили ўғуз жабғуси Киев князи билан ҳамкорликда мағлубиятга учратди
- А) Волга Булғориясига
 - Б) Хазар ҳоқонлигига
 - С) печенегларга
 - Д) Византияга
 - Е) Чернигов князига
- 2.3. Ўғузлар жанубда Мовароуннаҳр билан, ғарбда эсага етиб боришди
- А) Қримга
 - Б) Закавказьёга
 - С) Донга
 - Д) Урал бўйига
 - Е) Поволжьёга
- 2.4. XI аср бошида ўғузлар жабғуси давлати оқибатда таназзулга учрайди
- 1) салжуқлар билан кўп йиллик уруш
 - 2) қорахитойлар истилоси
 - 3) араб босқинчилиги (агрессияси)
 - 4) Хитой билан уруш
 - 5) сулолаларнинг тахт учун кураши
 - 6) Буюк Ипак йўли функциясининг тугатилиши
 - 7) юқори солиқларга қарши қўзғолон
 - 8) ҳукмрон сулоланинг қулаши
- 2.5. XI аср бошида ўғузларнинг сезиларли қисми Шарқий Европага кетиб қолди, бошқа бир қисми эса
- 1) Қозоқ хонлигига кирди
 - 2) Хазар ҳоқонлигига кетди
 - 3) Дашти Қипчоқ қабилаларига аралашиб кетди
 - 4) Кичик Осиё сарҳадларига кетди
 - 5) Шайбонийлар ҳукмронлигига ўтди
 - 6) мўғуллар қарамоғига ўтди
 - 7) Кимак ҳоқонлигига кетди
 - 8) Хоразмшоҳлар қарамоғига ўтди

Мазкур мавзуни тадқиқ қилиб, сиз:

- Қимақлар давлати пайдо бўлиши сабабларини асослайсиз;
- ташқи сиёсатни таҳлил қиласиз;
- қимақларнинг ҳарбий қудрати, хўжалиги ва маданияти ҳақида биласиз;
- қимақлар, ўғузлар, қарлуқлар тарихини таққослайсиз, уларнинг ўхшашлиги ва фарқини аниқлайсиз.

Қимақ ҳоқонлигининг ташкил топиши. VIII–XI асрлар чегарасида Шимолий-Шарқий Қозоғистон ҳудудида қимақлар қабиласи иттифоқи юзага келди. Қимақлар ҳақида араб, форс, турк ва хитой манбалари хабар беради. Бу маълумотлар асосида қимақларнинг Фарбий Мўғулистонда яшаганлигини, бу жойдан аср ўрталарида Олтой тоғлари ва Иртиш дарёси бассейнига кўчиб кетишганини биламиз.

Фарбий турк ҳоқонлиги емирилиши оқибатида **656 йили** қабиланинг ажралиши рўй берган. Қимақлар қабиласининг раҳбари шод-тутук унвонини олган (тахминан йўлбошчи-вакил деган маънони беради).

VIII–IX асрлардаги шиддатли воқеалар давомида қимақлар қабилалари Иртишдан Жунғор дарвозасигача бўлган ҳудудда қатъий ўрнашишди. Сўнг улар ғарбга, то Уралгача силжишди. VIII аср сўнгида қимақ иттифоқига кўплаган қипчоқ қабилалари киришди.

IX-аср бошида қимақлар Сирдарёга силжишди ва Орололди водийсидан печенег қабилаларини сиқиб чиқаришди.

Қимақларнинг ғарбга ёйилишига яйловга бўлган эҳтиёж, енисей қирғизлари билан тўқнашувлар, Уйғур ҳоқонлигининг тазйиқи сабаб бўлди.

Қимақ ҳоқонлигининг шаклланиши Уйғур ҳоқонлигининг қулаб, 840 йили унинг таркибига кирган қабилаларнинг қимақларга қўшилгандан сўнг, XI аср ўрталарида тугалланди. Худди шу 840 йилдан кейин қимақлар йўлбошчиси ҳоқон унвонини қабуллади. Шу билан у Даштда янги давлат ташкил топишини ва олий ҳокимиятни даъво қилди.

Қимақ бирлашмасининг пайдо бўлишига ёрдам берган воқеаларни сананг. Қимақлар давлати пайдо бўлиши сабабларини далилланг: рақиб қўшни давлатларга қарама-қарши туриш зарурати, бўйсиндирилган қабилаларни итоатда ушлаш зарурати... давомлатинг.

Қимақларнинг давлат тузилиши. Қимақ ҳоқонлиги таркибига етти қабила гуруҳлари кириб, улардан энг йириги қипчоқлар эди. Юқори Иртишда маркази жойлашган давлат ташкил топгандан сўнг барча қарамоқдаги аҳоли улушларга бўлинади. Шарқий Қозоғистондаги қимақ давридаги қабристонлар қимақ иттифоқига кирган қабилаларнинг кўплигидан гувоҳлик бериб, улардаги дафн одатларининг турфа хил бўлганини кўрсатади.

Қимақ ҳоқони реал ҳокимиятга эга бўлиб, у улушларни қабила йўлбошчиларига ҳарбий соҳадаги хизматлари учун бўлиб берар, ҳоқонликнинг олий бош кўмондони эди. Улушлар ҳукмдорлари ҳоқоннинг армиясига маълум сондаги жангчиларни етказиб берган.

□ Дарслик матнини фойдаланиб, қимақлар ҳоқони қандай ҳокимиятга эгаллигини, унинг ваколатлари қандай бўлганини аниқланг.


“Қимақлар шоҳи” армияси IX асрда уруғлар лашкари сифатида шаклланиб, “ажойиб чавандозлардан” ташкил топган. Манбаларда қимақларнинг жангворлиги ҳамда қимақ ҳоқонининг қудрати таъкидланган. Манбаларда қуйидагича ёзилган: “Қимақлар шоҳи – буюк шоҳлардан бири ва ўзининг гурури билан шарафга эгадир”.

□ Қимақлар армиясини баҳоланг: қимақлар ҳарбий қудрати ҳақида манбалар нима дейди, унинг кучли томони нимада?

Қимақларнинг совутли армияси билан бир қаторда асосий кучни қурулланган пиёдалар ташкил этган жуда кўп шаҳар-қалъалари бўлган. Шунинг тарзда Олақўл ҳавзасини бир бутун шаҳар-қалъалар тизими ҳимоя қилган.



Қимақ сарбози.



Қимақ камончи-сарбози.

Манбалар қимақлар мамлақати вилоятларининг “ўн бир бошқарувчилари” тўғрисида айтади. Улушлар ҳукмдорлари ҳокимиятни авлоддан-авлодга ўтказишган. Бироқ уларнинг ҳокимиятини ҳоқон тасдиқлаган. Улушларнинг насабий соҳиблари тизими қимақлар жамиятида феодал муносабатлар шаклланишининг бошланиши тўғрисида сўзловчи ажралишга интилишни пайдо бўлишига олиб келди.

Қимақлар давлатидаги улушлар ҳукмдорларининг қандай ҳокимиятга эгаллигини аниқланг, феодал муносабатлар шаклланишининг бошланиши тўғрисида нималар сўзлайди?

Хўжалик ва маданият.

Араб олими Ал-Идрисий кўпчилиги Иртиш ва Олақўл бассейнида жойлашган 16 қимақ шаҳрини атаб ўтади. Қимақларнинг далалари, шаҳар ва манзиллари, Иртишдаги Имекия ҳоқони қароргоҳи тўғрисида бошқа араб сайёҳлари ҳам айтган. Қимақларнинг асосий машғулоти кўчманчи чорвачилик бўлган.

Қимақлар қадимий туркий алифбодан фойдаланишган ва қамишли патларда ёзишган. X асрда яшаган араб сайёҳи: “Уларда ёзиш учун фойдаланиладиган қамиш ўсади”, деб ёзади. Қимақларда ёзувнинг бўлганини Иртиш бўйи ва Тарбағатой тоғларида IX–X асрларга тегишли кўпгина қадимий туркий ёзма манбаларнинг топилгани айтади.

IX–XI асрлар бошида қимақларда диний қарашлардан Тангри ва авлодлар **эътиқоди** бўлган.

Қимақлар шаҳри, уларнинг дини ва ёзуви ҳақида манбалар нима дейди? Араб манбаларидаги қайси маълумотни сиз жуда муҳим ва қизиқарли деб ҳисоблайсиз, нима учун?

Ташқи сиёсат. Ташқи сиёсатда қимақ ҳоқонлари жуда мақсадга интилувчан бўлишган. IX аср ўрталарида улар шарқда Олтой қабилаларини, ғарбда Урал қабилаларини бирлаштиришди.

XII асрда яшаган араб Ал-Идрисий қимақ ҳукмдорининг аҳамияти ҳақида: “Турк шоҳлари ҳоқоннинг ҳокимиятидан чўчишади, унинг қасосидан кўрқишади, қудратидан эҳтиёт бўлишади, босқинидан ҳимояланишади”, деб ёзади.

Тарихдан қимақларнинг Енисей қирғизлари мамлақатига босқини маълум. Ўғузлар билан муносабати бирмунча тинч эди. Ўз навбатида, қўшни давлатлар қимақлар ерига ҳужум қилишарди. Масалан, Қорахонийлар бир неча бор қимақлар ерига ҳарбий юришлар қилиб, Иртишгача етиб боришган.

Х аср бошида Қимақ ҳоқонлиги сарҳадлари барқарорлашди. Ҳарбий босқинлар қўшнилари билан тотув алоқага алмашди. Бу ҳақда, жумладан, Поволжьедан, Ўрта Осиёдан қимақларга ўтган кўпгина савдо йўллари гувоҳлик беради. Буюк Ипак йўлидан Иртишдаги қимақ ҳоқони қароргоҳига элтувчи карвон йўлларининг тармоқлари ажралиб чиқди.

□ Дарслик ва харитадан фойдаланиб, қимақ давлати ва қўшилари орасидаги алоқани ва унинг характери кўрсатувчи схема тузинг.

Давлатнинг парчаланиши. Қимақ мамлакати қудратли давлат бўлган. Бироқ Х асрнинг иккинчи ярмидаёқ унинг парчаланиши асоратлари кўрина бошлади. Марказий ҳокимиятнинг заифлашуви ва Қимақ давлатининг парчаланиши сабаблари: биринчидан, улушлар ҳукмдорларининг мустақилликка интилиши, иккинчидан, қипчоқ йўл бошчиларининг мустақиллик учун кураши эди.

XI аср бошида Қимақ ҳоқонлиги барбод бўлди, унинг ҳудуди қипчоқларга ўтди. Шундай қилиб, қимақлар тарихи тугади ва қипчоқлар тарихи бошланади.

□ Қимақ ҳоқонлигининг барбод бўлиши сабабларини санаб беринг.

? Саволлар ва топшириқлар

1. Қимақларнинг давлат тузилиши билан Туркийлар ҳоқонлиги давлат тузилишини таққосланг ва уларнинг ўхшашлиги ҳамда фарқини аниқланг.
2. Дарсликдан фойдаланиб, ҳоқоннинг ҳақиқий ҳокимиятини далилланг.

* 1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Қимақларнинг яшаш жойи бошланиши ғарбий _____ даштлари эди, бу жойдан улар VII аср ўрталарида _____ тоғлари ҳудудига ва _____ га кўчишган.
- 1.2. Қимақлар қабилаларининг ажралиши Ғарбий туркий ҳоқонликнинг қулаши натижасида _____ йили рўй берди.
- 1.3. Қимақ ҳоқонлигининг қулаши _____ йўлбошчиларининг мустақилликка интилиши натижасида рўй берди.
- 1.4. Араб тарихчиси Ал-Идрисий кўпчилиги _____ дарёси бассейнида ва _____ да жойлашган қимақларнинг 16 шаҳрини эслатади.
- 1.5. Ўрта аср манбалари ва археология қазилмалари қимақларнинг _____ алифбосидан фойдаланишганидан ва _____ патларини қўлланишганидан гувоҳлик беради.
- 1.6. IX–XI аср бошларида қимақларнинг диний эътиқодларида асосий ўринни _____ ва _____ қарашлар эгаллаган.



2. Ёпиқ тест вазифалари

2.1. Қимақлар ҳоқонлигининг шаклланиш жараёни аср ўрталарида тугалланди

- А) XI а.
- Б) X а.
- С) IX а.
- Д) VIII а.
- Е) XII а.

2.2. Қимақлар давлати таркибига етти қабила гуруҳлари кирган, улардан энг йириклари

- А) қипчоқлар
- Б) тургешлар
- С) қарлуқлар
- Д) Сомонийлар
- Е) ўғузлар

2.3. Қимақ давлатининг шаклланиши жараёни IX аср ўрталарида ҳоқонлик қулагандан кейин тугалланди

- А) Уйғур ҳоқонлиги
- Б) Қорахонийлар давлати
- С) Хазарлар давлати
- Д) Мўғулистон
- Е) Турк ҳоқонлиги

Биринчи боб бўйича такрорий-умумлаштирувчи дарс

“ҚОЗОҒИСТОН ХУДУДИДАГИ ЭРТА ЎРТА АСР ДАВЛАТЛАРИ”

1. Босиб олинган халқларнинг нима учун туркийлашганини тушунтиринг.
2. “Этник онг” ва “сиёсий вазият” тушунчаларини фойдаланиб, туркларнинг нима учун Жўжанларга қарши кўтарилишганини, ўз давлатини тузганини тушунтиринг.
3. Турклар кимларга “эр” унвонини беришган? Қозоқлар “У асл эр йигит” деганларида нимани назарда тутишади?
4. Ўрганилган мавзулар мазмунига суянган ҳолда эрта ўрта аср турк қабилалари ёзма манбалари рўйхатини тузинг.
5. Дарслик матни асосида Қозоғистон ҳудудидаги эрта ўрта аср давлатларининг ташқи сиёсатини таҳлил қилинг.
6. Турк ҳоқонлиги тарихида синфий кураш бўлмагани сабабини асосланг. Турк ҳоқонлигининг маъмурий ва ижтимоий тузилиши хусусиятларини кўрсатинг.
7. Дарслик матнидан фойдаланиб, туркларнинг араблар билан кураши боришини кўриб чиқинг.

Қимақлар ва қарлуқлар давлат ва жамоат тузилишини таққослаш: ҳар икки – ўғузлар ва қимақлар ҳукмдорлари Уйғур ҳоқонлиги барбод бўлгач, ҳоқон унвонини қабуллашган; иккаласи улушларга бўлинган; улуш ҳокимиятлари ҳар иккисида насабий бўлди.

8. Қимақлар ва ўғузлар давлатлари емирилишининг хусусиятларини таққосланг.

Тартибга келтириш учун тест топшириқлари

Тартибга келтиринг

1.

Давлатлар	Саналар
А) Турк ҳоқонлиги	1. 704–756 йй.
Б) Ғарбий турк ҳоқонлиги	2. 552–603 йй.
В) Тургешлар ҳоқонлиги	3. 756–940 йй.
Г) Қарлуқ ҳоқонлиги	4. 603–704 йй.

2.

Сиёсат	Ҳукмдорлар
А) Турк ҳоқонлигининг асосини қўйди	1. Ушлик ҳоқон
Б) Турк ҳоқонлиги қудратга эришди	2. Билга ҳоқон
В) Тургаш ҳоқонлигини қурди	3. Иштеми
Г) Шарқий турк ҳоқонлигини тиклади	4. Бумин ҳоқон
Д) туркларнинг ғарбий юришларини бошқарди	5. Муқан ҳоқон

3.

Ҳодисалар	Сабаблари
А) Қарлуқ ҳоқонлигининг емирилиши	1. Ташқи хавфни қайтариш учун қабилалар иттифоқининг ташкил топиши
Б) Турк ҳоқонлигининг емирилиши	2. Катта миқдорда темир қазилиши
В) Тургеш ҳоқонлигининг емирилиши	3. Юқори ҳарбий санъат
Д) Ғарбий турк ҳоқонлигининг емирилиши	4. ўзаро низолар ва сулолалар ўртасида ички кураш, Хитой билан фаол дипломатия
Е) Турк ҳоқонлигининг ташкил топиши	5. Нушебу ва дулу қабилари орасидаги кураш ва Жетисув Хитойнинг кириши
	6. Араб ва Хитой истилоси, қарлуқлар қабиласи тазйиқи
	7. Араб босқини ва ўзаро низолар, Қошғариядан турк ҳукмдорларининг бостириб кириши

4.	Тарихий воқеа	Саналар
	А) “турк” атамасининг илк қўлланилиши	1. 840 й.
	В) Атлах жанги	2. 748 й.
	С) Ўғузлар Хазар ҳоқонлигини тор-мор этишди	3. 542 й.
	Д) Ўғуз жабғуси Волга Булғорларини мағлуб қилди	4. 751 й.
	Е) Хитой қўшинлари Суяб шаҳрини эгаллашди ва вайрон қилишди	5. 965 й.
	Г) Қарлуқлар енисей қирғизлари билан иттифоқда Уйғур ҳоқонлигини мағлубиятга учратдилар	6. 985 й.

Тўғри давомийликни тузиш учун тест топшириқлари

I. Бошқарувнинг давомийлигини қўйинг

1. Сулук ҳоқон
2. Муқон ҳоқон
3. Бумин ҳоқон
4. Ушлик ҳоқон

II. Давлатларни давомийликда қўйинг

1. Турк ҳоқонлиги
2. Қарлуқ ҳоқонлиги
3. Тургаш ҳоқонлиги
4. Ғарбий турк қ ҳоқонлиги
5. Ўғузлар давлати

III. Ҳодисаларни давомийликда қўйинг


1. Арабларнинг Қозоғистонга бостириб қириши
2. Турк ҳоқонлигининг ташкил топиши
3. Қарлуқ ҳоқонлигининг ташкил топиши
4. Ғарбий турк ҳоқонлигининг ташкил топиши
5. Атлах жанги

ҚАДИМИЙ ТУРК ДАВРИНИНГ МАДАНИЯТИ ТАРИХИ (VI – IX асрлар)

Бу бўлимда биз қадимий турк даврининг моддий ва маънавий маданиятини ўрганамиз. VI-IX асрлар туркларнинг моддий ва маънавий ривожига кўпгина ютуқлар билан ифодаланган: ўз ёзуви пайдо бўлди (руник), оммавий тарзда темир чиқарилди, шаҳарлар бунёд бўлди, буддизм, манихейлик, христианлик, ислом каби динлар тарқалди.

Туркларнинг ўрта асрлик маданияти кўчманчилар ва деҳқонларни бирлаштирди, яхлит турк маданиятини ташкил қилди.

Иш дафтарингизга “моддий” ва “маънавий” тушунчаларига нималар киришини ёзинг.



7-§.

VI–IX асрлар ТУРКЛАР ХЎЖАЛИГИ

Мазкур мавзунини ўрганиб, сиз:

- қадимий турк даври моддий маданияти ва унинг ўзгачаликлари асосий хусусиятларини аниқлайсиз;
- туркларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ривожига металлургиянинг ролини асослайсиз;
- VI-IX асрларда турклар ҳаётида овчиликнинг ролини белгилайсиз;
- янги ёдгорликлар турларини, уларнинг қачон пайдо бўлиши ва нима сабабдан йўқолишини биласиз.

Металлургия. Туркларнинг жаҳон тарихи сахнасига чиққан дастлабки хўжалик фаолияти бу темир қазийш эди. Бу ҳақида Хитой манбалари хабар беради. Темирнинг ишлаб чиқарилиши ва уни ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ишлатилиши туркларга мустақиллик берди.

Олтойда археологлар томонидан туркларнинг VI-IX асрларга тегишли темир эритиш ускуналари топилган. Турклар олган темир юқори сифатли, тобланувчан ва мустаҳкам бўлган



Турк сарбозларининг қурол-аслаҳаси ва анжомлари.

кон яратди. Совут узун этакли чакмон шаклида бўлиб, ёнларида камарлар билан қотирилган тешикчалари бор, тўғри бурчакли темир пластиналардан тузилган. Отларга ҳам совутлар ёпилган.

Турк даврининг кўмбаларида жуда кўп сонли металл буюмлар топилган. Уларнинг стандарт ўлчамлари ва шакллари билан фарқланиши, бир хиллиги, турклар ишлаб чиқаришида ҳунармандчиликнинг юқори даражада ривожлангани тўғрисида гапиради.

Темирнинг қазиб олиниши туркларга уларнинг ҳарбий муваффақиятлари сабабларини тунтирадиган, сарбозлар учун совутли отлик аскарлар тузишга им-

Турклар металлургияси ҳақида қайси воқеалардан ва қаердан биринчи марта билиб олдик?

Металлургиянинг турклар учун роли: яхши қуролланган армия ташкил этилди; ҳунармандчилик ва савдонинг ривожини учун ёрдам берди.

Туркларда металлургия ва ҳарбий ишларнинг ривожини орасидаги ўзаро алоқани кўрсатинг.

Чорвачилик. Туркларнинг асосий машғулотини кўчманчи ёки ярим кўчманчи мол чорчаси бўлган. Бу иш уларга озиқ-овқат, кийим-кечак ва яшаш манзили учун материал берган. Моллар улов сифатида қўлланилган, шунингдек, биринчи галда керакли нарсаларга айирбошлаш воситаси бўлган.

Кўчманчилар асосан қўй, йилқи, туялар боқишган. Йирик қорамол хўжаликда арзимас ўрин олган. Мол оилавий мулк ҳисобланган, аммо яйловлар кўчманчилар жамиятининг барча эркин аъзоларига тегишли бўлди. Турк манбаларидан бирида: “Доимий турғун ер йўқ, бироқ ҳар бир (авлод) ўз ер майдонига эга”, деб қайд этилган.

Туркларда молларга ва яйловларга хусусий мулк кимларга тегишли бўлди?

Табиат билан яқин боғланган кўчманчилар учун ўтовда яшаш – экзотика эмас, зарурат. Улар учун кўчириладиган йиғма ўтов энг қулай яшаш жойидир.

900 тагача одам сиғадиган ҳоқоннинг ўтови византиялик император элчиси Менандрнинг тасаввурини ҳайратга солди. У олтин тожли, яна бошқа “ипак ёпинчиқлар билан безатилган”, шунингдек, ҳоқоннинг олтин тахтини суяб турган олтин суви юритилган устунлари ва товуслари бор ўтов ҳақида ёзади. Мана шу бойликлар бизгача етиб келмади. Ёғоч ва мўйналар чириди, олтин ва кумушлар қайта қуйилди. Туркларнинг бой ва такрорланмас маданияти тўғрисидаги маълумотларни катта ишончга эга бўлган ёзма манбалар асрлар оша бизга етказди.

□ —————
Византия элчисининг сўзлари нимаси билан қадрли?
Қозоғистоннинг чўл зонасида туркларнинг асосий машғулоти кўчманчи
чорвачилик бўлгани сабабини тушунтиринг.

Овчилик. Мол боқишдан кейинги муҳим ролни овчилик эгаллади. Овчилик махсус тайёргарликни тақозо этар, бу ҳарбий маневр ва курашларга ўзига хос тайёргарлик эди. Ўрта асрлик муаллифлар кўчманчилар ов қиладиган, турли ҳайвонлар яшаган кенгликлар ҳақида айтишади. “Бу мамлакатнинг даштларида паррандалар тўла. Ўтлоқли яйловларда кийиклар сигирлардек семирган, югуришга ҳам қодир эмас, парранда овига чиққан овчи ҳеч қачон от жиловини югуртириш учун қўйиб юбормаган”.

Отларда овга чиқишган, йирик паррандани **найза ёки санчқилар** билан уриб туширишган. Махсус ўргатилган йиртқич қушлар, итлар билан ҳуркитиб ов қилиш ҳам ўрин олган. Овчи қушлардан лочин, бургут, қирғийлар қўлланилган. Бу қушлар барча европалик элчиларни эгасининг қўлига ўзлари қайтиши билан ҳайратга солган. Бироқ туркларда овчилик чорвачиликка рақобат қилмаган.

Турклар ҳаётида овчиликнинг роли: истеъмол учун парранда ва даррандани ўлжа қилиш; ҳарбий машқ (отда чопиш, излаш, қидирув, ўқ отиш, кураш); бирга ов қилишда овуллар, кўчманчи жамоа авлодлари ўртасида алоқа тикланган.

Дехқончилик. Қозоғистоннинг жануби ва Жетисув қадимдан ўтроқ-деҳқончилик маданият ўрни бўлиб келган. Дехқончилик билан, асосан, Шу, Талас, Сирдарё водийларида, Олатов ёнбағирларида шуғулланишган. Бу жойда деҳқончилик суғормали бўлган. Канал ва ариқлардан ташқари сув омборлари ҳам қурилган. Қадимий каналлар Иле дарёси ёнларида топилган, шунингдек, дарё сувини кўтариш учун қурилган тўғон ҳам сақланган.

Тариқ ва буғдой экилган, боғдорчилик, узумчилик, полизчилик, сабзавотчилик ривожланган. 630 йили Шу дарёси водийсига келган Хитой

элчиси ўз қайдларида “шаҳарларда аҳолининг ярими ерни қайта ишлайди, бошқаси савдо билан шуғулланади”, деб ёзган. Қарлуқ қабилаларини характерлаган Ал-Идрисий “Одамлар кўчманчи... Бироқ улар ерга ишлов беришади, экишади ва ҳосилни йиғиб олишади”, деб ёзади.

Талас ва Шу водийларида деҳқончиликнинг ривожланиши жараёни бу жойга суғдийликларнинг кириб келиши ва туркий тилли кўчманчиларнинг ўтроқлашуви билан тезлашди.

Дарслик асосида Қозоғистонда деҳқончиликнинг қандай турлари бўлганини аниқланг.



Балбал.

Хунармандчиликнинг ривожланиши. Қозоғистондаги эрта ўрта асрларда хунармандчиликнинг ривожланиши, асосан, бизга археологик топилмалар орқали маълум. Бу сопол, металлдан, суяк ва тошдан ясалган буюмлар.

VI–IX асрларда карвон йўллари чеккасида турклар “сардобалар” – қудуқлар устига гумбазли қурилмалар тиклашди. Бу даврга “дин” услубидаги турк ёдгорликлари – одамлар кўмилган жойларда ўтов кўринишидаги тош қурилмалар ҳам киради.

Қозоғистон ҳудудига туркларнинг келиши ёдгорликларнинг янги турини – одамларни ифодаловчи ўймали тош (балбал)ларни олиб келди. Ҳайкаллар учун бўйи 3 метрли узун тошлар олиниб, уларга рельефли тасвирлар туширилди. Тош балбаллар одатда, эр кишиларни тасвирланган, аммо аёл фигуралари ҳам учрайди, кўпгина ҳайкаллар кубок ва коса кўринишидаги идишлардан иборат.

Балбаллар ўрнатилишининг эҳтимол сабабларини тахмин қилинг.



Туркий тош ўймакорлиги – балбаллар.

Ҳайкаллар одатда қабристон ва ёдгорлик тепаликларда ўрнатилган. Қабр ёнида тош шаклини ўрнатиш қадимий турк одати – ўлим билан инсон тириклар орасидан ўчириб ташланмаслигидан гувоҳлик беради. Арвоҳлар кўзга кўринмасдан турклар орасида юришиб, Тангри таоло олдида уларнинг ҳимоячилари бўлишган.

Ислом тарқалиши билан инсоннинг тасвири йўқола бошлайди. Фақат, ислом кейинроқ тарқалган туманларда, масалан, Дашти Қипчоқда, балбалларни то XII-XIII асрларгача тайёрлашган.

□ Ислом келиши билан тош ҳайкалларнинг йўқолиши сабабини тушунтиринг.

? Саволлар ва топшириқлар

Турклар орасида тарқалган овчилик турларини ёзинг. Ўзингизни қувлаб юриб ов қилиш иштирокчиси деб тасавур қилинг. Бу ҳодисани тасвирланг.

* 1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Темирни қазиб олиш туркларга уларнинг ҳарбий ютуқларини тушунтирувчи _____ сарбозларини ташкил этишга имкон берди.
- 1.2. Туркларда хусусий-оилавий мулкка _____ кирган.
- 1.3. Илгаридан ўтроқ-деҳқончилик маданиятининг тарқалиш жойи Қозоғистоннинг _____ ва _____ бўлган.
- 1.4. Жанубий Қозоғистонда эрта ўрта аср хунармандчилиги ривож тўғрисида бизга, асосан, _____ археология топилмаларидан маълум.
- 1.5. Инсонни тасвирлаш анъанаси _____ тарқалиши билан барҳам топади.

! 2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Армиянинг яхши қурулланиши ва совутли сарбозларнинг ташкил этилиши туркларда _____ нинг ривожига имкон берди
 - А) металлургиянинг
 - Б) молчиликнинг
 - С) деҳқончиликнинг
 - Д) савдонинг
 - Е) балиқчиликнинг
- 2.2. Туркларни жаҳон саҳнасига чиқарган дастлабки фаолият
 - А) савдо
 - Б) молчилик
 - С) деҳқончилик
 - Д) темирни қазиб олиш
 - Е) балиқчилик

- 2.3. Дастлабки хўжалик фаолияти темирни қазиб олиш бўлиши муносабати билан жаҳон тарихи саҳнасига чиқишди
- А) уйсунлар
 - Б) мўғуллар
 - С) хуннлар
 - Д) турклар
 - Е) сарматлар
- 2.4. Талас ва Шу водийларида деҳқончиликнинг ривожланиши жараёни уларнинг келиши билан тезлашган
- А) мўғулларнинг
 - Б) сўғдларнинг
 - С) хуннларнинг
 - Д) қипчоқларнинг
 - Е) сарматларнинг
- 1.5. Дашти Қипчоқ ҳудудида турклар балбалларни ушбу асргача тайёрлашган.
- А) IX–X аа.
 - Б) XII–XIII аа.
 - С) X–XI аа.
 - Д) VIII–IX аа.
 - Е) VII–VIII аа.

8-§.

ШАҲАР МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Мазкур мавзунни ўқиб, сиз:

- шаҳар ва кўчманчи дашт ўзаро алоқасини биласиз;
- цитадель, шаҳристон, работ каби янги тушунчаларни изоҳлайсиз;
- Қозоғистон жанубида ва Жетисузда шаҳар пайдо бўлиши сабаблари ва ривожланиш хусусиятларини белгилайсиз;
- савдо турлари ва унинг хусусиятларини тасвирланг.

Шаҳар маданияти. Турклар кўчманчи ҳаёт қулай бўлган жойлардан бундан мустасно, шаҳар ва қишлоқнинг асосий аҳолисини ташкил этишди.

Эрта ўрта асрларда шаҳар маданияти зоналари шаклланди, бу – Жанубий Қозоғистон ва Жетисув. Жанубий Қозоғистонда ўрта аср шаҳар маданияти кангюй шаҳарсозлиги асосида ташкил этилди. Бу ҳудудда шаҳар шаклланишида муҳим ролни сўғдийлар ўйнади. Натижада VI–IX асрларда

Жанубий Қозоғистонда турк-сўғд деб номланган шаҳар маданий мажмуаси шаклланади.

□ —————
Жанубий Қозоғистонда шаҳарлар шаклланиши хусусиятларини кўрсатинг.
Бу ҳудудда шаҳарлар шаклланишига қайси маданият таъсир қилди?

Шаҳарнинг асосий аҳолиси турклар эди, бунга шаҳарларнинг туркча номлари гувоҳлик беради. Энг йирик Тараз шаҳри “шарафли ва хайрли турк-чориқлар шаҳри” сифатида эслатилади.

Жетисувда шаҳарлар маҳаллий асосда пайдо бўлди, уларнинг аҳолиси эса ўтроқлашган турк қабилалари эди. Жетисувда шаҳар маданиятининг ривожланишида Буюк Ипак йўли билан боғлиқ бўлган халқаро савдо катта аҳамият касб этди.

□ —————
Жетисув шаҳарлари пайдо бўлиши йўлларини сўзланг.
Жетисув ва Жанубий Қозоғистон шаҳарлари пайдо бўлиш йўллари нимаси билан фарқланди?.

Шаҳарнинг кўпайиш жараёни бир неча босқичдан турди. Қишлолдаги ва кўкламги яйловдаги чорвадорлар аҳолининг бир қисмини буғдой етиштириш билан шуғулланиш учун қолдиришди. Шу жойга ҳунармандлар, савдогарлар жойлаша бошлади, секин-аста ҳимоя деворлари қурилиб, қалъалар пайдо бўлди. Улар, асосан, мол ўтадиган йўлларда жойлашди.

Дарё қирғоқлари, савдо йўллари каби стратегик жиҳатдан қулай жойдаги ҳукмдорларнинг қароргоҳлари ҳам кейинчалик шаҳарларга айланди. Маъмурий ҳокимият маркази ҳунармандчилик ва савдо марказига айланарди.

Шаҳарлар қурилишидан турк ҳоқонлари манфаатдор эдилар. Шаҳар чорвадорлар ва деҳқонлар ўртасидаги ички алоқани ҳамда жамият яхлитлигини сақловчи бўғин бўлди.

□ —————
Дафтарда “Шаҳар пайдо бўлиши сабаблари” жадвалини тузинг.
Нима учун ҳоқонлик ҳукмдорлари шаҳар қурилишидан манфаатдор эдилар?

Ўрта аср шаҳри уч қисмдан ташкил топган: цитадель, шаҳристон, работ. Шаҳарнинг марказий қисми цитадель – ички қўрғон, бу жойда шаҳар ҳукмдори қароргоҳи жайлашган. Цитаделлар қудратли ҳимоя тизимига, тантана залига, катта оғорларга эга бўлишган. Уни шаҳристон

– шаҳар зодагонлари эгаллаган туман ўраб турган. Шаҳристонга шаҳар аҳолисининг асосий қисми яшаган, устахоналар, қўрғонлар жойлашган работ (ҳунармандчилик-савдо ўринлари) га тақалган эди. Работ ҳам девор билан ўралган.

Шаҳарнинг бундай тузилишини қандай тушунтириш мумкин, деб ўйлайсиз?

Фақат Шу водийсида VI–VIII асрларда камида 18 шаҳар ва бошқа кўп сонли майда кентлар бўлган. “Худуд-ал-алам”га мувофиқ, қарлуқлар мамлакатида 25 шаҳар ва кентлар бўлган, уларнинг аксарияти Буюк Ипак йўлида жойлашган.

Археологлар томонидан шаҳарларнинг ўрганилиши турк халқлари тарихини ўрганишдаги янгича ёндошувдир. Руник ёзувларда шаҳарлар тўғрисида маълумотлар бор. Шундай, қадимий туркий руник ёдгорликларда туркча “балиқ” – шаҳар, “балиқдақлар” – шаҳарликлар, “барк” – бино атамалари қўлланилган.

Эрта ўрта асрдаги Қозоғистон шаҳарларининг хусусиятларини ажратамиз. *Биринчидан*, Қозоғистон шаҳарлари кўчманчилар дунёси билан боғланган ва унинг таъсирида ривожланаётган эди. *Иккинчидан*, шаҳар аҳолисининг бир қисми ёзги яйловлардаги чорвачилик билан шуғулланган. *Учинчидан*, шаҳарлар, авваломбор, маъмурий-савдо марказлари сифатида пайдо бўлган.

Меъморчилик ва санъат. Қадимги турклар, тургешлар, қарлуқлар давридаги шаҳарда ва даштда меъморий ансамбллар қурилди, амалий ва тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ривож топди. Кедер ва Жомуқ ота саройлари бунга мисолдир (VI–IX асрлар).

Нақшлар, девор ўймакорлиги, ишлов берилган ёғочлар сарой ва эҳромларни безашда кенг қўлланилган. Панеллар безагида ўсимликлар ва зооморф гуллар билан бирга қуш ва одамларнинг лой ҳайкалларидан фойдаланилди.

Суяб ва Нават шаҳарларида будда эҳромлари қазиб олинди. Эҳромларнинг деворлари фрескали ўймалар билан безатилган, пештоқ ва шохсупаларда Будда ҳайкаллари топилган.

Жамбил вилоятида қарлуқ даврига оид меъморий ёдгорлик – *Охиртош* иншооти мавжуд. У 180×205 метр майдонни эгаллаган. У тўғри тўртбурчак тош блоклардан иборат ва оригинал қурилиш техникаси намунаси ҳисобланади.

Жанубий Қозоғистондаги Қоратов этакларида ёзувлар ва ўсимлик гуллари билан безатилган *Бобо ота* мақбараси жойлашган. У VI–VII асрларга оид.


Савдонинг ривожланиши. Эрта ўрта аср даврида савдо-сотик айирбошлаш ҳамда пул муносабатларида бўлган. Кўчманчилар билан айирбошлаш савдоси Исфижоб, Ўтрор, Тараз каби бу даврнинг йирик шаҳарларида йиғиладиган ярмаркаларда ўтган. Хўжалик фаолиятидаги маҳсулотларни айирбошлаш кўчманчи ва ўтроқ дунёлар алоқасини янада мустаҳкамлади.

Пул муносабатларининг бўлганини Ўтрор, Суяб, Таразда зарбланган танга топилмалари кўрсатди. Тангалар нафақат давлат ҳукмдорлари томонидан, балки сулола ва шаҳарларнинг обрўли раҳбарлари томонидан зарбланган. Маҳаллий қадимий турк тангалари ички савдонинг ривожланганини кўрсатади.

VIII аср бошидан Суябда тургеш ҳоконларининг тангалари чиқарилди. Суяб нафақат маъмурий марказ, балки бутун Шу воҳасининг йирик савдо шаҳри ҳам бўлган. Бу шаҳар ҳақида манбалар “бу жойда турли мамлакатлардан келган савдогарлар аралаш яшайди, шаҳарнинг ярим аҳолисини эса савдогарлар ташкил этади”, деб маълумот беради. Суяб тангаларининг сифати шу қадар юқори эдики, бу тангалар муомалада X аср сўнгигача бўлган.

Тараз бу даврда муҳим савдо маркази бўлди, бу ҳақда манбаларда “савдогарлар шаҳри” сифатида ёзилган. Халқаро савдонинг кенг ривожланганини бу жойдан топилган VII–VIII асрларга оид Ўрта Осиё, Хитой, Византия ҳукмдорларининг тангалари тасдиқлайди.

Шундай қилиб, эрта ўрта асрларда Қозоғистон ҳудудида савдо уч йўналишда ривожланган: 1) Мамлакатлараро, жумладан транзит савдо-сотик. 2) Шаҳарлараро ва буғдой, мева-чева ва бошқа маҳсулотларни ҳунармандчилик маҳсулотлари эвазига етказган деҳқончилик округлари орасидаги савдо. 3) Ҳунармандчилик ва деҳқончилик маҳсулотлари молга (югурдак отлардан тортиб сўқим гўштигача) ва чорвачилик маҳсулотларига айирбошланган шаҳарлараро ва Дашт орасидаги савдо.



Исфижоб қазилмаларидан топилган мис тангалар (реконструкция).



Замондошлар ва тарихчиларнинг гувоҳлик беришлари

Жетисув шаҳарларининг дастлабки тасвирини 630 йили бу ерлардан ўтган будда зиёратчиси қолдирган. У шундай ёзган: “Мовий кўлдан шимолий-ғарбга 500 ли юриб, Суй-е (Суяб) дарёси яқинидаги шаҳарга келдик. Бу шаҳар майдони 6–7 ли. Бу жойда турли эллардан келган савдогарлар аралашиб яшашади. Суй-едан тўғри ғарбга қараб бир неча ўнлаб шаҳарлар ва уларнинг ҳар бирида ўзларининг бошлиқлари бор. Бири иккинчисига тобе бўлмаса-да, уларнинг барчаси тудзюй(ҳоқон)га бўйсинадилар. Ерга ишлов берадиганлар ҳам, бундан фойда топадиганлар ҳам – теппа-тенг”.

Суяб шаҳри ва унинг жойлашиши ҳақида будда зиёратчиси қандай маълумотлар беради?



Саволлар ва топшириқлар

1. Қозоғистондаги шаҳарларнинг ривожланиш босқичларини белгилаб, ёзинг.
2. Эрта ўрта асрда Қозоғистон ҳудудидаги ички ва халқаро савдо ривожланиши нимада кўринди?



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Халқ ҳукмдори қароргоҳи жойлашган ўрта аср шаҳрининг марказий қисми _____ деб номланган.
- 1.2. Ўрта асрлардаги шаҳарнинг зодагонлар яшайдиган қисми _____ деб номланган.
- 1.3. Асосий аҳолиси яшаган ўрта аср шаҳрининг ҳунармандчилик-савдо қисми _____ деб номланган.
- 1.4. VIII аср бошидан тургешлар ҳоқони тангалар зарблаган шаҳар _____
- 1.5. Эрта ўрта асрлар – VI–IX аср биринчи ярмида шаҳар маданияти зоналари шаклланади, бу – _____ Қозоғистон ва _____ .



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Жанубий Қозоғистондаги ўрта аср шаҳар маданияти қабилаларнинг ўтроқ-деҳқончилик маданияти асосида ташкил топган
 - А) ўғузларнинг
 - В) кангюйларнинг
 - С) найманларнинг
 - Д) қимақларнинг
 - Е) мўғулларнинг
- 2.2. Жанубий Қозоғистон ҳудудида эрта ўрта асрларда шаҳар маданияти шаклланишида муҳим роль ўйнаган
 - А) салжуқийлар

- В) араблар
- С) сўғдийлар
- Д) мўғуллар
- Е) хоразмийлар

2.3. Сўғдийларнинг келиши VII-VIII асрларга, даврига тўғри келади

- А) араб босқинчилиги
- В) мўғуллар истилоси
- С) турклар юриши
- Д) хуннларнинг кўчиши
- Е) хоч юришлари

2.4. Маҳаллий иқтисодий асосда турк аҳолиси билан ўрта аср шаҳар маданияти шаклланди

- А) Урал бўйида
- В) Жанубий Қозоғистонда
- С) Жетисузда
- Д) Ғарбий Қозоғистонда
- Е) Мовароуннаҳрда

2.5. Суяб нафақат маъмурий марказ, балки бутун воҳанинг йирик савдо шаҳри бўлган

- А) Иле воҳасининг
- В) Талас воҳасининг
- С) Шу воҳасининг
- Д) Иртиш воҳасининг
- Е) Сирдарё воҳасининг

9-§.

ҚАДИМИЙ ТУРКИЙ ДАВРИНИНГ ЁЗУВИ

Мазкур мавзунни ўрганиб, сиз аниқлайсиз:

- маънавий маданият нималиги ва унинг моддийсидан фарқини;
- туркларда ёзувнинг пайдо бўлиши, руник ёзув хусусиятларини;
- рунлар, ксилография, эпитафия каби тушунчалар маъносини;
- турклар учун уларга эпитафия ёзувларда мурожаат қилган қарамларнинг фикри нима учун муҳим бўлганини;
- туркларда китоб босиш жараёни қандай кечганини.

Руник ёзув. Замонавий қозоқлар аجدодлари ёзувларининг энг эрта намуналари Ўрхун-Енисей ёки қадимий туркий руник ёзув деб аталади.

VI–VII асрларда Марказий Осиё, Қўйи Повольже, Шимолий Кавказдаги барча туркий тилли қабилалар ўз ёзувларини қўлланишган.

Маъмурий ва дипломатик фаолият натижасида ёзув зарурати пайдо бўлди. Диний йўналишлар ҳам маълум роль ўйнади.

Турк элчилари ёрлиқлар билан таъминланишди. 568 йили Византия императори саройига ташриф буюрган турк элчиси Маннаҳ ҳоқондан “скифларнинг ёзувида” битилган нома олиб борган. Бунинг қандай “ёзув” эканини Турк ҳоқонлигининг қадимий ёдгорлиги – Бугут ёзуви мисолида баҳолаш мумкин.

Турк ёзувлари ёдгорликларининг пайдо бўлиш вақти қайси даврга тўғри келади? Қандай манбаларда ва нима сабабдан турк ёзуви тўғрисида эсланади?

582 йили қўрғонлар орасида биринчи турк ҳоқонларининг фаолияти тўғрисида ёзувлар битилган стела қад ростлайди. Бугутлик деб ном олган худди шу стеладан қадимий турк ёзуви манбаларининг ҳисоби бошланган.

Қадимий турк руник алифбоси турк доирасида 1-минг йиллик ўртасида

пайдо бўлди. Бир-бири билан боғланмаган белгилардан ташкил топган. Ўрхундан Дунайгача тарқалган бу қандай руник ёзуви эди?

Биринчи бўлиб қадимий турк ёзувларини XVIII асрда европалик олимлар очиша бошлади. Сирли ёзувни рунлар сифатида хато қабул қилишди, чунки улар скандинавия руник ёзувларига ўхшаш эди. (*Рунани* лотинча *runa* – “сирли, махфий” сўзи билан боғлашади). Европаликларнинг қадимий турк рунасига қизқиши шу билан изоҳланади.

Кейинчалик унинг европалик руналар эмаслиги аниқланса-да, қадимий турк матнларига нисбатан “руник ёзув” деган номи қолди.

1893 йили дания олими В.Томсен биринчи сўз – “Тангри”ни ўқий олди. Унинг “Шифрланган ўрхун ёзувлари” китобида нафақат тўла алифбо, шунингдек, ўша

Орхон-Енисей	Товушлар	Орхон-Енисей	Товушлар
∩ 1 Y	а э (е)	⇒⇒⇒☉	м м'
∩ 1 X	ы і (е)) C	н
Y >	о у	∩ ∩ ∩ ∩ ∩	н'
∩ ∩ ∩	э ү	⇒	ñ (ней)
∩ ∩ ∩	б	∩ ∩ ∩ ∩	ң к'
∩ ∩ ∩ ∩	б'	∩ ∩	п п'
∩ ∩ ∩ ∩	ғ	∩ ∩ ∩	р
∩ ∩ ∩ ∩	г	∩ ∩	р'
∩ ∩ ∩ ∩	д	∩ ∩ ∩ ∩	с
∩ ∩ ∩ ∩	д'	∩	с'
∩ ∩ ∩ ∩	з з'	∩ ∩ ∩ ∩ ∩	т
∩ ∩	й	∩ ∩ ∩ ∩	т'
∩ ∩ ∩	й'	∩ ∩ ∩	ч ч'
∩ ∩ ∩	к	∩ ∩ ∩ ∩ ∩	ш
∩ ∩ ∩	к ^о к ^у к	∩ ∩ ∩ ∩ ∩	ш'
∩ ∩ ∩	к ^ы к	∩	лт, л' т'
∩ ∩ ∩	к	∩ ∩ ∩ ∩ ∩	нт, н' т'
∩ ∩ ∩	к ^о к ^у к	∩ ∩ ∩ ∩ ∩	нч, н' ч'
∩ ∩ ∩	л	∩	рт
∩ ∩ ∩	л'	∩ ∩ ∩ ∩ ∩	

Қадимий турк алифбоси.

вақтда маълум бўлган ҳамма қадимий турк ёзувлари ҳам эълон қилинади. Ёзувнинг ўқилиши Марказий Осиёда ўрта асрлар бошларида тараққий топган цивилизация бўлганини кўрсатди. Томсен кашфиётигача туркларнинг ёзуви бўлмаган деган фикр мавжуд эди.

Турк ёзувларини ўрганишни ким бошлади ва очди?

Енисей водийсида 150дан ортиқ руник ёзувлар топилган. Уларнинг аксариятини зодагонларни кўмишда тикланган стелалар ташкил этади. Уларнинг барчаси қадимий турк адабий тилида ёзилган. Олтой, Шарқий Туркистонда тошларга ўйилган ёзувлар топилган.



Ёзув туширилган қадимий турк стеласи.

Нима учун турк ёзуви бу қадар кенг тарқалган? (харита билан ишлаш, турклар таъсири тарқалган ҳудудларни таҳлил қилинг).

Руник ёзувда битилган турк матнларини тош стелалар, тангалар, бронза кўзгулар, сопол, тери, ғишт, олтин ва кумуш идишлар ва қоғозга туширилган. Топилган материаллар руник ёзувнинг қадимий турк жамиятининг турли қатламларида кенг тарқалганидан гувоҳлик беради.

Минглаган қадимий туркий қўл ёзмалар ва уларнинг парчалари Россия фанлар академияси, Германия коллекциясида сақланмоқда. Лондон, Швеция, Париж, Фин, Пекин коллекциялари ҳам бор.

Ёзув ёдгорликлари. Асрлар оша туркларнинг қабр қўрғонларида ёзув туширилган стелалар тикланган. Бу жойда кўз юмган йўлбошчиларнинг характерикаси тарихий воқеалар хроникаси



Ёзма ёдгорликни ишлаш жараёни.



Қадимий
турк ёзуви
бор стела
фрагменти.

билан бирга тўлдирилган. Эпитафиялар (қабр ёзувлари) ва бошқа ёзувлар ташвиқот воситаси бўлди. Улар турк халқларининг ҳаётий қадриятлари ва ахлоқий идеалларини ифодалаб, шакллантирган.

Турк руник ёзувининг энг йирик намунаси Ўрхун ва Енисей дарёлари ҳавзасидаги ёдгорликлар ҳисобланади. Бу топилмалар жойига қараб уни “ўрхун-енисей” ёзуви деб атай бошлашди. Улардан машҳурлари Билга ҳоқон ва унинг укаси лашкарбоши Култегин, шунингдек, ҳоқонларнинг маслаҳатчиси Тўникўк шарафига тикланган стелалардир.

Ҳужжатларда “абдий тошларда” битилган ёзувларда, турк халқи нималардан огоҳ бўлишни, нималарга риоя қилиш кераклигини билсин, деб ўйилгани таъкидланади. Ўтган ва ҳозирги авлодлар шанига билдирилган шараф ва таъна, тингловчиларга қарата доимий чақириқлар ҳикояни ҳиссиётли қилади. Ҳоқоннинг “абдий тошдаги” “сўзи ва гапи”ни битган шоҳ сулоласининг тарихчиси Йўллик тегин эди. Йўллик тегин – турк тилли адабиёт тарихида номи аталган биринчи муаллифдир.

Туркларда ёзув қандай роль ўйнаган, у қаерда ва нима учун фойдаланилган?

Барча ёзувлар турк жамиятининг катта қатламларига мурожаат тарзида битилган. Мурожаат муаллифлари халқни ҳоқон атрофида бирлашиш ва жам бўлишга чақиради.

Биз учун бу ёзувлардаги тарихий материал ва воқеалар бориши таърифи қимматлидир. Шундай жанрнинг мавжудлиги туркларда сўз қудратининг реал бўлганига ишонтиради.

Қадимий турк ёзувларида қандай ғоялар қайд этилган ва турли даврлар учун улар нима учун муҳимдир?

Билга ҳоқон ва Култегин шарафига битилган ёзувлар сиёсий наср ва нотиклик санъатининг ёрқин намуналари саналади.

Нимага асосланиб, биз Билга ҳоқон ва Култегин шарафига битилган ёзувларнинг нафақат муҳим тарихий ҳужжатлар, балки буюк адабий асарлар, деб таъкидлай оламиз?

Ёзувлардаги кўпгина бадий намуналар, қанотли сўзлар, аниқ таққослар замонавий қозоқ тилида ҳозир ҳам мавжуд. Ушбу ёзув ҳужжатларида таълим ва тарбия гојлари жамланган (“Уят ўлимдан кучли”, “Шарафга эга халқ, кучлидир”, “Диққат билан тингла, чуқур ўйла” ва б.).

Китоб босиш. Ксилография усулида китоб нашр қилиш ҳам туркларнинг ютуғи ҳисобланади. Қадимий турк ксилография китоблари тўғрисида кўп махсус тадқиқотлар бор. Ксилографиядан олдин босмалар хизмат қилди. Ксилография усулидаги илк туркча босмалар VII асрнинг бошларига тааллуқли. Ксилография асосан, қоғозда амалга оширилган.

Олим С.Е.Малов ўзининг “Қадимий турк ёзувлари” асарида: “Шарқий Туркистонда қоғоз ишлаб чиқариш, худди Хитойдаги даврда бошланган бўлиши эҳтимол”, деб таъкидлайди. И. Бичурин Оқсув районида пахтадан қоғоз тайёрлангани ҳақида хабар беради. Қоғознинг бошқа нави VIII асргача ишлатилган “наша қоғоз” бўлди.

□ Туркларнинг ёзувлари ва китоб босиши ҳақида манбалар нима дейди?

□ Туркларнинг руник ёзуви германлар ва скандинавияликларнинг рунларига нимаси билан яқин?
Сизнингча германия ва турк рунларининг ўхшашлиги нимада?

Рунологиянинг фан сифатида икки асрлик ҳаёти мобайнида биронта Скандинавия ва Германия руник ёдгорликларининг ўқилмагани қизиқарлидир, чунки бу ёзув йўқолган ва тушунарсиздир. Ўша даврнинг қадимий турк матнлари эса ҳозирги кундагидек тирик жаранглайди.

□ Туркларда ксилографиянинг тарқалиши китобларнинг катта заруратга айланганидан, турклар орасида ўқимишлиларнинг салмоқли бўлганидан, бўйсиндирилган халқлар орасида турк маданиятининг тарқалганидан гувоҳлик беради... давомлатинг.
Муҳокама натижаларини дафтарга ёзинг.

РУН ЁЗУВИ					
герм.	тюрк.	герм.	тюрк.	герм.	тюрк.
ƿ	ᚦ	ᚱ	ᚨ	ᚹ	ᚺ
ᚷ	ᚷ	ᚹ	ᚹ	ᚻ	ᚻ
ᚨ	ᚨ	ᚱ	ᚱ	ᚲ	ᚲ
ᚱ	ᚱ	ᚳ	ᚳ	ᚴ	ᚴ
ᚲ	ᚲ	ᚴ	ᚴ	ᚵ	ᚵ
ᚳ	ᚳ	ᚶ	ᚶ	ᚷ	ᚷ
ᚴ	ᚴ	ᚸ	ᚸ	ᚹ	ᚹ
ᚵ	ᚵ	ᚺ	ᚺ	ᚻ	ᚻ



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Биринчи бўлиб қадимий турк ёзувларини _____ очиша бошлади.
- 1.2. Туркларнинг ютуғи китобларни _____ усулида нашр қилиниши ҳисобланади.
- 1.3. Турк руник ёзувининг энг йирик намунаси бўлиб _____ ва _____ дарёлари ҳавзаларидаги ёдгорликлар ҳисобланади.
- 1.4. Турк тилида биринчи бор ксилография усулида босилган китоблар _____ асрга тўғри келади.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Турк ҳоқонлиги элчилари Византияга ёзувларида битилган хатларни етказишган
 - А) “скиф ёзувларида”
 - В) “сўғд ёзувларида”
 - С) “иероглифларда”
 - Д) санскритда
 - Е) “уйғур ёзувларида”
- 2.2. Култегин ва Тўникўк шарафига битилган ёзувлар – қадимий турк ёзувларининг энг кўҳна ёдгорлиги
 - А) романтик эпос
 - В) лирик поэма
 - С) диний трактат
 - Д) қаҳрамонлик эпоси
 - Е) сиёсий наср
- 2.3. 582 йили қўрғонлар орасида турк ҳоқонлари фаолияти тўғрисида ёзуви бор стела тикланган, бу номни олган
 - А) Қошғар
 - В) Бугут
 - С) Қарғали
 - Д) Сак
 - Е) уйғур
- 2.4. Руник ёзувнинг машҳур бўлган ёдгорликлари стелалари
 - А) Билга ҳоқон ва Култегин
 - В) Муқан ва Сулук
 - С) Ушлик ва Сақал
 - Д) Қасим ва Жанибек
 - Е) Бумин ва Иштеми

- Мазкур “Қадимий турк даври динлари” мавзуни тадқиқот этиб, сиз:
- Қадимий турк даври динлари асосий хусусиятларини аниқлайсиз;
 - Турк давлатлари ҳудудидаги диний эътиқодларнинг кўп бўлгани сабабларини асослайсиз;
 - Конфессия, ўзга фикр, гуманизм, монотеизм, тангричилик, манихейлик, зороастризм каби тушунчаларни изоҳлайсиз.

Динлар ранг-баранглиги сабаблари. Турклар товарлар билан диний ғоялар тарқалган қарвон йўллари билан яқин алоқада эди.

Марказий Осиё ҳудудида турк даврида дунё динлари бирга умр кечирган ва ўзаро таъсирда бўлган. Бу мазкур минтақанинг тарих билмаган ўзига хос диний марказга айланишига ёрдам кўрсатди.

VI–X асрларда барча турк давлатлари турли динлар тарқалиши учун майдонга айланди. Бунга қуйидагилар гувоҳ бўлиши мумкин: 1) ёзув ва ҳужжатлар ёдгорликлари (турк, юнон, сўғд ва бошқалар); 2) диний атрибутикали моддий маданият буюмлари (стелалар, тангалар, керамикалар); 3) меъморлик иншоотлари (эхромлар, некраполлар); 4) диний характердаги фольклор материаллар.

Қозоғистон ҳудудида динлар тарқалиши тўғрисида гувоҳлик берувчи манбаларни таҳлил қилинг.


Тангричилик. Турк даври тадқиқотчилари туркларнинг янги динни қабуллаб, ҳамма вақт ўз динининг катта қисмини сақлаганларини таъкидлашади. Туркларнинг ўз дини тангричилик эди. Жаҳон тарихида у биринчи яккахудолик унсурли динлардан биридир.

Динлар тадқиқотчиси Жан Пол Рунинг фикрича, қадимий турклар аجدодларида сиғиниш объекти “инсон-худо”, “инсон-қуёш” – Тангри бўлган. Хитой тадқиқотчилари Тангри эътиқодининг э.а. III асрда пайдо бўлганини айтишади.


Тангри турклар тасавури бўйича бу – дунёни яратган ва ўзи яратган нарсаларнинг тақдирини белгилайдиган Осмон (ёки Коинот). У – дунё яратувчиси. Туркларда ўша даврдаги бошқа халқлардан фарқли ўлароқ, Худо ягона бўлган.



Қўрқит ота.



И.А. Кастанье бўйича
Қўрқит ота мақбараси.



Қизилўрда вилоятининг
Қармақши туманидаги Қўрқит ота
мемориали.

Олий худо Тангрининг қадимий турк эътиқодида аёллар худоси – Умай эди. У оила қўрғони, болалар, сўнгра эса санъатнинг ҳам ҳомийси бўлган.

Айни пайтда Умай Тангри ва Ер-Сув билан бирга турклар олий худоларининг триадасига кирган. Бу Тўникўк шарафига тикланган ёдгорликда кўринади. Унда муваффақиятли юришлардан бири ҳақида “Осмон, Умай она, муқаддас Ер-Сув, шулар, ўйлаш керак, ғалабани армуғон этди!”, деб ёзилган.

Тангричилик бир қатор эътиқодларни сақлашни тақозо қилди. Асосийларидан бири ажодлар (арвоҳлар)га сиғиниш бўлди. Қозоқларда бу эътиқод ҳануз аҳамиятини сақлаган, чунки ўзида чуқур фалсафий ва маънавий-ахлоқий маъно жамлаган. Шу эътиқод асосида кейинги авлодлар тарбияланган. Ажодларни эъзозлаш баробарида ўз халқи тарихига ҳурмат тарбияланган. Туркларда ҳануз эъзозланадиган Қўрқит ота Тангри билан алоқанинг воситачиси, деб ҳисобланган. Турклар Қўрқит отанинг турли хасталикларни даволашига, балолардан халос қилишига, болаларни ҳар хил дардлардан ҳимоялашига ва бошқаларга ишонишган. Бу эътиқодлар ҳануз мавжуд ва ҳар бир туркка яқин.

Қўрқит бўйича инсон учун энг хатарлиси – инсонийликни йўқотишдир. “Меҳмон келмаган уйнинг қулаб кетгани яхши, отлар емаган аччиқ ўтларнинг ўсмагани яхши; ота номига шараф келтирмаган қўпол фарзанднинг бу дунёга келмагани афзал”.

Немис олими Г.Дерфер фикрича, тангричилик – инсониятнинг монотеистик динларининг дастлабкисидир. Тангричиликнинг маросимли анъаналари бошқа жаҳон динларини бойитиб ва тўлдириб, уларга ҳам таъсир кўрсатди. Тангри эътиқоди билан ҳаммадан кейин қипчоқлар ажралишди.

□ —————
КОНФЕССИЯ – диний этиқод. Монотеизм нима,
қандай динларни монотеистикка киритамиз?

Тангричиликнинг қандай қарашлари ва анъаналари қозоқларда яшайди?

Буддизм. Марказий Осиёнинг бир қатор мамлакатларида буддизмнинг асосий тарқатувчилар сўғдлар бўлди. Будда таълимоти бу ҳудудда тарқалган халқларнинг моддий ва маънавий маданиятини бойитди.

Будда зиёратчиларининг хабарларига кўра, VII–VIII аср бошларида Жетисув ва Ўрта Осиёда юзта монастирлар фаолият кўрсатган, мингдан ортиқ монахлар бўлган. Бу ҳудудда буддизм тарқалгани тўғрисида VII–VIII асрга оид топилган қўлёзмалар гувоҳлик беради. Бу диннинг асосий муқаддас ақидалари турклар томонидан таржима қилинган эди. Турк тилидаги будда матнларида маҳаллий турк фалсафасининг таъсири сезилади.

□ —————
Динлар ранг-баранглигининг ноёблиги нимадан иборат?

Манихейлик ва зороастризм. Турк доирасида ўрин олган яна бир дин III аср сўнггида Форсияда асос солинган манихейлик бўлган.

Манихейлик таълимот шоҳликдан бошлаб, ҳар қандай ҳоқимиятни ёмонлик деб эълон қилган. Манихейлик уларнинг одатларида катта эътибор берилган тасвирий санъат ва мусиқанинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Манихей жамоалари ва черковлар Таразда VI–IX асрларда мавжуд эди. Манихейлик ҳамма жойда сўнган бўлса-да, бу таълимот бир қатор халқларнинг диний ва маданий ҳаётига маълум таъсирини ўтказди.

Ўрта асрдаги Қозоғистон шаҳарлари аҳолиси орасида зороастризм дини вакиллари бўлди. Бу ҳақида Тараздаги зороастризм қабристонлари гувоҳлик беради. Зороастризм э.а. VII–VI асрларда қадимий Эрон ҳудудида пайдо бўлди. Зороастризм ёдгорликларини Сирдарё шаҳарлари ва Жетисувда кўриш мумкин. Бу динга боғлиқ топилмалар, оссуарияли қабристонлар – балчиқли қутилар, хум идишли гўрлар ва эҳромли иншоотлар қолдиқларида намоён бўлади.

□ —————
Турк даврида нима учун Қозоғистонда кўп конфессиялар тарқалди?

Христианлик. V аср ўрталарида христиан черковидан несториан таълимоти деб аталган қисми ажралиб кетди. Бу йўналиш 431 йили Эфесдаги Вселенск черковида судланган патриарх Несториан номи билан аталган.

Несторианлар черковларнинг ва диний маросимларнинг бойликларини рад этишди, чунки Исо камтарликка чақирган; косани муқаддас деб билиб, хочни рад этган ва х.к. Византиядан сургун қилинишгач, несторианлар Арабистон, Сурия ва Эронда ўрнашишди ва шу жойдан бутун Марказий Осиёга бу таълимотнинг тарқалиши рўй берди.

Тараз, Меркеда христиан эҳромлари ва черковларининг қурилиши VII–VIII асрларга тааллуқлидир. Жетисуздаги христианлар тўғрисида Рубрук эслатади: “Бу ер илгари Органум (Жетисузнинг қадимий номи)деб аталган, унинг аҳолиси ўз тили ва ўз ёзувига эга бўлган. Бу ёзувлар ва бу тил билан ўша мамлакат несторианлари аввало хизмат адо этишиб, китоб ёзишди”. Несториан христианлиги кўчманчилар ҳаёт тарзига мос эди, масалан, несторианча *аскетизм*.

VI–VIII асрларда турк давлатлари динларни тарқатиш марказига айланганига гувоҳлик берувчи ёдгорлик ва буюмлар рўйхатини тузинг.

Турклар жамиятида диний бағрикенглик динларнинг ҳар қандай мусобақалашувига йўл қўймаган. Буддизим, манихейлик, несторианлик турк доирасига кирди, бироқ биронтаси турк маданиятида етакчи роль ўйнамади ва тангричиликни сиқиб чиқармади.

Турли динларнинг тарқалишига ёрдам берган шароитларнинг тўғрилигини далилланг: Қозоғистоннинг “ўртада” жойлашуви, турли минтақалар ва тамаддунлар билан алоқа: Буюк Ипак йўли; туркларнинг юқори толерантлиги, туркларнинг ўз маданияти мағзини сақлаган ҳолда ўзга билим ва қарашларни қабуллашга тайёрлиги.

? Саволлар ва топшириқлар

Гуманизм, турк маданияти тушунчаларидан фойдаланиб, Қозоғистон ҳудудида турли динлар тарқалишига ёрдам берган шартларни тушунтиринг.

* 1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Э.а. III асрдан бошлаб, қадимий туркларда сажда қилиш объекти _____ бўлган.
- 1.2. Қадимий турк эътиқодида аёл худо _____ ҳам бўлган.
- 1.3. Тангричилик бир қатор эътиқодларни тақозо қилган ва асосийларидан бири ... бўлган.
- 1.4. Турклар хасталиклардан даволаниш, дардлардан болаларни ҳимоя қилишга ёрдам берадиган _____ деб ишонишган.
- 1.5. Марказий Осиёнинг бир қатор мамлакатларида буддизмнинг асосий тарқатувчилар _____ бўлишган.
- 1.6. _____ диний таълимотида тасвирий санъат ва муסיқага катта эътибор берилган.

2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Турклар янги динни қабуллашиб, ҳар доим ўз эътиқодларининг катта қисмини сақлашган
- А) исломни
 - В) буддизмни
 - С) тангричиликни
 - Д) манихейликни
 - Е) христианликни
- 2.2. Уйнинг қўрғони, болалар, шунингдек, кейинроқ санъатнинг ҳомийси деб турклар тан олишган
- А) Умай
 - В) Абсару
 - С) Кали
 - Д) қиз Мария
 - Е) Афродита
- 2.3. Аждодларни эъзозлаш, ўз халқи тарихига ҳурмат мисолида тарбиялаш туркларда шу орқали амалга оширилган
- А) ислом ақидалари
 - В) аждодлар эътиқоди
 - С) ҳоқонлар талаби
 - Д) манихейлик ақидалари
 - Е) христианлик ақидалари
- 2.4. Тангри эътиқоди пайдо бўлишини хитой тарихчилари шу асрга киргизади
- А) V а.
 - В) э.а. III а.
 - С) IV а.
 - Д) III а.
 - Е) э.а. I а.
- 2.5. Жетисув ва Ўрта Осиёда юзга яқин будда монастирлари ва мингта монахлар бўлган аср
- А) XII–XIII аа.
 - В) X–XI аа.
 - С) IX–X аа.
 - Д) XI–XII аа.
 - Е) VII–VIII аа.

“ҚАДИМИЙ ТУРК ДАВРИ МАДАНИЯТИ ТАРИХИ (VI–IX аа.)”
иккинчи бўлими бўйича такрорлаш-умумлаштириш дарси

Саволлар ва вазифалар

1. Ўрта аср турк маданияти маданиятининг жаҳон тамаддунидаги хусусиятлари ва аҳамиятини аниқланг. VI–IX асрлардаги ҳоқонликларнинг Дала ва шаҳар, кўчманчилар ва деҳқонлар билан ўзаро алоқасини далилланг.
2. Самарали кўчманчи хўжаликни юритиш учун: а) алоҳида табиий-климат шароитлари; б) ўтроқ-деҳқончилик туманлари билан барқарор хўжалик алоқаларининг мавжуд бўлишиги; в) ташкил этилган, хавфсиз ҳудуд кераклигини далилланг.
3. Металлургиянинг ривожланиши турклар эришган ҳарбий ютуқларга таъсир кўрсатган сабаблардан бири бўлганини тушунтиринг.
4. Қадимий турк қурол-аслаҳаларини таърифланг. Европалик рицарлар анжомлари, аслаҳалари, қуроллари билан таққосланг (уларнинг пайдо бўлиш вақти, афзалликлари ва камчиликлари, жангда қулайлиги ва ҳ.к.).
5. Ўрта аср шаҳрида савдонинг уч асосий йўналиши тўқнашган: мамлакатлар орасида; шаҳарлар ва деҳқончилик округлари орасида; шаҳарлар ва кўчманчи Дала орасида бу йўналишларни тасвирланг.
6. Нима учун ҳаммадан сўнг тангричилик билан қипчоқлар ажралишди?
7. Турк даврида Марказий Осиё ҳудудида жаҳон динлари бирга яшашган ва ўзаро таъсир кўрсатишган. Параграф мазмуни асосида бу шароитни далилланг ва бу кўриниш сабабини тушунтиринг.
8. Қадимий турк даври одамларига эркин тарздаги динлараро диалог учун нима имкон берган?
9. Туркларнинг уй хўжалиги ва маиший аҳволини қандай тасаввур қиласиз? Кўчманчи маиший аҳвол ўтроқ ҳолатдан нимаси билан фарқланади?

Дафтарда жадвални тўлдилинг.

Дин	Пайдо бўлиши жойи ва вақти, асосчиси	Асосий ақидалари	Қаерда ва қайси қабилаларда тарқалган?

Ўйин.

Миссионер ёки аллома ролида ўзингиз “эътиқод қўйган” у ёки бу диннинг ҳақиқийлигига тингловчиларни ишонтиришга ҳаракат этинг.

Мавзулардан бирига эссе ёки реферат тайёрланг:

1. “Рунлар – қадимий турк ёзуви ва унинг тадқиқотчилари”;
2. Тангричилик – туркларнинг қадимий дини, унинг қозоқларга таъсири.

Тартибга келтиринг.

Тушунчалар	Қиймати
А) работ	1. Одамлар дафн этилган жойлардаги ўтов кўринишида тошдан ясалган қурилмалар
Б) балбал	2. Дафн этилган жойда тикланган ёдгорлик тошлари
В) цитадель	3. Шаҳарнинг тиғиз қурилмалари бор қисми
Г) динлар	4. Ўрта аср шаҳарларида ҳунармандчилик-савдо расталари
Д) шаҳристон	5. Шаҳарнинг марказий қисми
Е) сардобалар	6. Қудуқлар устидаги гумбазли иншоотлар

- Қорахонийлар давлати тарихини ўрганиш мобайнида сиз кўриб чиқасиз:
- Қозоғистон сиёсий тарихида Қорахонийларнинг роли;
 - давлат дини сифатида исломнинг қабулланиш сабаблари;
 - Қорахонийлар давлатининг уруш, ҳудуд ва чегара тўғрисидаги масалалари;
 - иқта, иқтадор, вақф, мулк, вассал, ҳокимиятнинг дуал тизими каби янги тушунчалар.

Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши ва ҳудудлари. Қорахонийлар давлати тўғрисида маълумотлар араб ва форс муаллифларининг асарларида келтирилган. Манбаларнинг айтишича, қарлуқлар орасидан турк қабилалари устидан ҳукмдорлик қилган “ҳоқонлар ҳоқони” чиққан. Қорахонийларнинг келиб чиқиши қарлуқлар билан боғлиқлигидан, худди ана шулардан давлатнинг бошқарувчи сулолалар пайдо бўлганидан манбалар гувоҳлик беради.

Шундай қилиб, Қорахонийлар сулоласининг келиб чиқиши Қошғарияда яшаган қарлуқлар билан боғлиқ. 940 йили Қошғариялик қарлуқлар қабилалари Боласоғунни ишғол қилдилар ва Сотуқ Буғро хон бошчилигида янги сулолага асос солдилар. Шундай қилиб, фанда Қорахонийлар давлати деб ном олган янги турк мамлакатининг интиҳоси бошланган эди. Баъзи бир тахминларга кўра, Қорахонийлар атамаси сулоланинг афсонавий аждоди – Қорахондан олинган.

999 йилда Қорахонийлар Ғазнавийлар билан иттифоқда Ўрта Осиёдаги Сомонийлар давлатини томор этиб, ўз ҳукмдорлигини Амударёгача кенгайтirdилар. Бу дарё Қорахонийлар ва Ғазнавийлар орасидаги чегара бўлди.

Шундай қилиб, X аср охирига келиб ҳоқонлик ҳудуди шаклланди. Шимолда Қорахонийлар ва Қипчоқ хонлиги орасидаги чегара Балхаш ва Олакўл кўллари чизиғидан ўтган эди. Қорахонийлар салтанати ғарбда Мовароуннаҳр (Амударё ва Сирдарё оралиғи) ни , шарқда Жетисув ва Қошғар ҳудудларини эгаллагади.

Ҳокимиятни қарлуқлар иттифоқи – чигил ва яғмо қабилаларининг бошчилари эгаллаб олганлари қандай аҳамиятга эга эди, деб ўйлайсиз?

ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИ X аср охирида

№3 ХАРИТА



Ижтимоий-сиёсий тузилиши. Қорахонийлар давлатида ҳокимият икки қабилавий гуруҳ зодагонлари – чигил ва яғмолар орасида бўлиб олинган эди. Бу ҳоқонликнинг икки: ўз ҳоқонлари раҳбарлигидаги шарқий ва ғарбий қисмларга ажратилганида намоён бўлди. Қароргоҳи Болосоғунда жойлашган давлат шарқий қисмининг ҳоқони олий деб тан олинди. Ғарбий, кичик ҳоқоннинг қароргоҳи турли йилларда Бухоро ва Самарқандда жойлашди. Шундай қилиб, Қорахонийлар давлатида ҳокимиятнинг *дуал тизими* деб номланувчи, яъни иккига бўлинган ҳокимият шаклланди.

Қорахонийлар давлатида жорий этилган муҳим янгилик иқта тизими бўлди. Ҳоқонлар ўзларига яқинларни туман ёки шаҳар аҳолисидан солиқ олиш ҳуқуқини берувчи ер майдонлари билан мукофотладилар. Бундай жойлар иқта номини, иқта соҳиблари эса иқтадорлар номини олди.

Қорахонийларда иқтадан бошқа ер майдонлари: диндорларнинг мулклари – вақф ерлари, унинг даромадидан муллалар масжид, мадраса, касалхоналарни ушлашди; хусусий мулк – мулк, яъни фақат давлат солиғи ундирилган ерлар бўлди.



Қорахонийлар давлати давридаги турк кийими.

Иқта ва иқта тизими феодал муносабатларнинг ривожланишига ёрдам бериб, Жетисув ва Қозоғистон жануби ҳаётида муҳим роль ўйнади. Иқта тизими бойиб бориш жараёнида олий ҳоқонларга қарамликдан халос бўлган янги зодагонларни келтириб чиқарди. Улушларнинг айрим соҳиблари ўзларининг тангаларини зарблашди ва қўшни давлатлар билан дипломатик муносабатларни олиб боришди. Бунинг барчаси низо ва ўзаро қурашларга олиб келди.

XI асрнинг 30-йиллари охирида давлат икки қисмга: Мовароуннаҳрни қўшган ғарбий ва Жетисув ва Қошғарни олган шарқий қисмларга бўлинди. Икки ҳоқонлик орасидаги чегара Сирдарё дарёсидан ўтди.

Нима учун иқта ва иқта тизими феодал муносабатлар шаклланишига ёрдам берди?

Исломнинг қабулланиши. Қорахонийлар даврининг энг йирик воқеаси исломнинг қабулланиши бўлди. “X асрда араб географлари туркларни исломга ёт ва мусулмонлар билан қарама-қаршиликда бўлган халқ сифатида қайд этишади”, деб ёзган эди шарқшунос В.В. Бартольд. Бироқ худди X асрда қатъий ўзгаришлар содир бўлди.

Исломлаштиришнинг бошланишини оммавий исломлаштириш бошланмасдан олдин янги динни қабул қилган Сотуқ Бўғрохон ҳоқон номи билан боғлашади. Тахтни ундан қабул қилган ўғли Мусо 960 йили исломни давлат дини деб эълон қилди.

Қорахонийлик туркларнинг исломийлаштирилиши ислом динининг турк доирасига аста-секин кириб келиши билан боғлиқ узоқ жараённинг натижаси эди.

Мусо ҳоқоннинг исломни давлат дини деб эълон қилишига қуйидагилар сабаб бўлди: ислом обрўси билан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга интилиш; мусулмон давлатлари билан алоқани кенгайтириш; мусулмонлар эгаллаган ҳудудларни қўшиб олишни таъминлаш.

Давлатнинг ҳаётига янги дин қандай таъсир қилиши мумкин эди?

Қорахонийлар давлатининг қулаши. Қорахонийлар икки тармоғи орасидаги низолар ва марказий ҳокимият заифлашуvidан кўпгина кўчманчи қорахитой (қиданай)лар қабилалари фойдаланишди.

XII аср бошидан Жетисув қиданайларнинг доимий босқинларига дучор бўлди. 1141 йили Жетисувнинг асосий ҳудудидаги сиёсий ҳокимият

қорахитойлар қўлига ўтади ва улар қорахонийлик соҳибларни ўзларининг вассалларига айлантиришди. Бироқ қорахитойлар фақат солиқ йиғиш билан чегараланишди. Улар давлат тузилишига ҳам, динга ҳам, ё уларнинг маданиятига ҳам тегишмади ва ҳоқонлар ҳокимиятининг насабийлиги ҳам сақланди. Шунга қарамай, қорахитой ҳукмронлиги билан Қорахонийлар сиегатининг барбод бўлиши бошланди.

1210 йилда найманлар билан курашда шарқий қорахонийлар сулоласи учрашди. 1212 йили Самарқандда Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан ғарбий қорахонийларнинг энг сўнгги вакили қулатилди.

Қачонлардир қудратли бўлган Қорахонийлар давлатинининг тарихи шу билан тугади.

Қорахонийлар даври бизнинг узоқ аждодларимиз ҳаётида сифат жиҳатдан янги босқич бўлди.

Бу давр қўйидагилар билан характерланади:

- турк қабилаларининг иқтисодий ва маданий ҳаёти жўшқин ривожланди;
- турк кўчманчиларининг ўтроқлашуви фаол кечди;
- шаҳар ва шаҳар маданияти ривожланди;
- иқта тизими шаклланди;
- ислом давлат дини деб эълон қилинди ва фанлар ривожланди;
- қадимий турк ёзувини сиқиб чиқара бошлаган араб графикаси қабул қилинди;
- фақат мўғуллар истилоси узиб қўйган умумий тил ва маданиятга эга этноснинг шаклланиш жараёни борди.



Аввалги давлатлар билан таққослаганда Қорахонийлар давлатининг сифат жиҳатдан янгиллигини тушунтиринг. Қорахонийлар давлати қулашининг сабабларини аниқ баён этинг ва дафтарга ёзинг.

Саволлар ва топшириқлар

1. Ўрта аср Европа давлатлари ва Қорахонийлар давлатининг давлат тузилиши ҳамда вассалитети иерархик ақидаларини таққосланг.
2. Туркларнинг исломлаштириш жараёни қачон бошланганини эсланг, Ислам динининг Қорахонийларнинг давлат дини сифатида қабулланиш сабабларини тушунтиринг.

1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Қорахонийлар давлати шаклланишида _____ яшаган _____ қабилалари асосий роль ўйнади.
- 1.2. 999 йили Қорахонийлар Ғазнавийлар билан иттифокда Ўрта Осиёдаги _____ давлатини тор-мор қилдилар ва ўз ҳокимиятини _____ дарёсигача кенгайтirdилар..
- 1.3. 940 йил атрофида Қошғариядаги турк қабилалари _____ шаҳрини эгаллашди ва янги _____ давлатига асос солишди.

- 1.4. Қорахонийлар давлати ва Қипчоқлар хонлиги билан чегара шимолда _____ ва _____ кўллари орқали ўтган.
- 1.5. Иқта ва иқта тизими _____ муносабатлар шаклланишига ёрдам берди.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. XI асрнинг 30-йилларида Қорахонийлар давлати икки қисмга бўлинди, икки ҳоқонлик ўртасидаги чегара дарёдан ўтди.
- А) Иле
 - В) Амударё
 - С) Иртиш
 - Д) Сирдарё
 - Е) Шу
- 2.2. Қорахонийларнинг ўзаро низолари, марказий ҳокимиятнинг заифлашуvidан кўчманчи қабилалар фойдаланишди
- А) кереитлар
 - В) қорахитойлар
 - С) найманлар
 - Д) қипчоқлар
 - Е) қарлуқлар
- 2.3. Қорахонийлар давлатининг энг йирик воқеаси Ислом динини давлат дини сифатида қабулланиши бўлди
- А) 751 йили
 - В) 1007 йили
 - С) 950 йили
 - Д) 860 йили
 - Е) 960 йили
- 2.4. Қорахонийлар ҳокимияти шарқда Жетисув ва Қошғар ҳудудларини эгаллади, ғарбда эса
- А) Мовароуннаҳр
 - В) Манғишлоқ
 - С) Урал бассейни
 - Д) Иртиш бассейни
 - Е) Месопатамия
- 2.5. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Қозоғистон
- 1) кўчманчиларнинг ўтроқлашуви фаоллашади
 - 2) сўғд графикаси қабулланган эди
 - 3) ислом давлат дини деб эълон қилинганди
 - 4) араб графикаси қабулланганди
 - 5) кўчманчиларнинг ўтроқлашуви тугайди
 - 6) христианлик давлат дини деб эълон қилинади
 - 7) иқта тизими шаклланди
 - 8) уйғур графикаси қабулланди

Қорахитойлар давлати тарихини ўрганиб, сиз:

- Қозоғистон ҳудудидаги ўрта асрлар давлатлари ривожланиши қонуниятларини тушунасиз;
- Қорахитойлардаги давлат бошқаруви хусусиятларини англайсиз;
- Қорахитой давлати қулаши сабабларини тушунтира оласиз;
- Кидани, гурхан каби янги тушунчалар билан танишасиз.

Давлатнинг ташкил топиши. IX асрда Уйғур ҳоқонлиги қулагандан сўнг, Марказий Осиёнинг шарқий қисмида ҳокимиятни киданлар эгаллашади. Улар ёзма манбаларда Хитойдан шимолда яшаган мўғул тилли қабилалар сифатида эслатилади. X асрда киданлар Тинч океанидан Олтойгача чўзилган, Ляо номи билан машҳур ўзларининг йирик давлатларидан бирини қуришади.

1125 йили киданлар давлати Хитойнинг бирлашган кучлари ва уларнинг иттифоқчилари билан бирга тор-мор этилди. Киданларнинг бир қисми босқинчиларга бўйсинишди, Елюй Даши раҳбарлигидаги бошқа қисми ғарбга силжиб, шимолий-шарқий Жетисувга кириб борди. Бу ерда улар маҳаллий турк аҳолиси билан аралашиб, уларга қорахитойлар деган ном берилди.

Жетисувга кўчиб ўтишнинг дастлабки даврида киданлар маҳаллий ҳукмдорларга итоат қилишди. Бироқ 1128 йили болосоғунлик ҳоқон киданларни иттифоқчилар сифатида итоат қилмаган қабилаларга қарши чиқишга чақирди. Киданлар иттифоқчилик қилиш ўрнига ўзлари Болосоғун шаҳрини ишғол этдилар. Шу йили киданлар Жетисувда қароргоҳи Гуз-Ўрда бўлган ўзларининг Қорахитой давлатига асос солишди. Сўнгра давлат асосчиси Елюй Даши 1141 йили Самарқанд яқинида бирлашган салжуқ-қорахонийлар аскарини тор-мор қилди. Қорахитойлар Бухорони ва бутун марказий Мовароуннаҳрни эгаллашди. Хоразмшоҳ ҳам мағлубиятга учраб, қорахитойларга ҳар йили ўлпон тўлашга мажбур бўлди.

Жетисув, Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистон Қорахитой давлати таркибига кирди. Лекин қорахитойлик гурхон Қорахонийларни йўқ қилиб ташламади. Уларни вассаллар этиш ва ўлпон олиш билан чегараланишди. Қорахитойлар ўлканинг бошқарув тизимига ўзгариш киритишмади ва иқтисодга, жамоат ҳаёти ҳамда маданиятга таъсир кўрсатишмади.

Қорахитойлар давлати пайдо бўлишига олиб келган тарихий воқеалар сабабини тушунтиринг. XII асрдаги қорахитойлар эгаллаган манзилларни санаб беринг.



Қорахитай жангчи.

Давлат тузилиши. Киданлар бошлиғи “хонлар хони” маъносини берувчи гурхан мақомида юрди. Гурханнинг асосий қароргоҳи Шу дарёси қирғоғидаги Болосоғун яқинида бўлди. Гурхан қатъий солиқлар ўрнатди, бунинг учун XII аср ўртасида аҳолини рўйхатга олиш ўтказилди. Ўз яқинларига улушлар бермади, чунки уларнинг кучайиши ва ўзаро низосидан хавфсиради. Қорахитойлар армиясида қатъий тартиб ўрнатилган эди.

Гурханнинг вакиллари ўз вассалларини назорат этибгина қўймай, солиқ йиғиш билан ҳам шуғулланишди ва ҳар бир ҳовлидан *бир динордан* ундиришди.

Давлат асосчиси Елюй даши 1143 йили вафот этганидан сўнг ҳокимият унинг бевасига ўтди. Қорахитойларда ҳокимиятни меросга эркакларгина эмас, бошқараётган авлод аёллари ҳам олиш ҳуқуқига эга эдилар. Қорахитойлар тарихида Елюй Дашининг қизи бошқарган давр ҳам бўлган.

Харитадан қорахитойлар эгаллаган ҳудудни кўрсатинг.

Қорахитойлар давлатида жамоат тузилиши хусусиятларини гапириб беринг.



Гурхан ҳокимиятининг мустаҳкамланишига қандай чоралар ёрдам берди?

Давлатнинг қулаши. XII аср ўрталаридан қорахитойлар ўзларининг солиқ сиёсатини ўзгартирдилар ва очиқчасига тўнашга ўтдилар. Қорахитойлар несториан христианлари эдилар ва биринчи гурханлар исломга хайрихоҳлик билан қарадилар, бироқ XII аср охирида мусулмонларга қарши тазйиқ бошланди. Жетисулда қорахитойларга қарши мусулмончилик ҳаракати кенгайди.

Тинч аҳолига қароқчилик ҳужумлари ва мусулмонларга ўтказилган тазйиқ Жетисулда улар ҳокимиятининг заифлашувига олиб келди. Шу билан бирга, қорахитойлар хоразмшоҳ Муҳаммад билан уруш бошлаб, мағлубиятга учрадилар. Хоразмшоҳ Самарқанд хони билан иттифоқда қорахитой қўшинларини Талас яқинида яксон этди.

1208 йили Чингизхон томонидан Мўғулистондан қувиб чиқарилган найманлар Кучлук раҳбарлигида Жетисулда жойлашишди. Уларнинг келиши билан Жетисулда шароит дарҳол ўзгарди.

Кучлук хон ва унинг иттифоқчилари қорахитойлар ҳукмдорини асирга олишди. 1212 йили Қорахитойлар давлати барҳам топди. Жетисулда ҳокимият найманлар ҳукмдори Кучлукхон қўлига ўтди.

Жетисув ўзаро низоли урушлари, кўтарилишлар ва мусулмонлар қўзғолонларининг саҳнасига айланди. Бу 1218 йилгача – Чингизхон пайдо бўлгунича давом этди.

□ Қорахитой давлати қулаши сабабларини тушунтиринг.



Замондошлар ва тарихчиларнинг гувоҳликлари

Марказий Осиёдаги қабилалар миграцияси ҳақида XII аср араб муаллифи ал-Марвазий хабар беради. У шундай ёзади: “...Кунлар (киданлар) Хитой еридан келди. Улар несториан христианлари эди ва ўзларининг яшаш жойидан кўчманчилар тазйиқи остида кўчиб кетишди. Шунда кунлар сари (қипчоқларнинг бир қисми)лар ерига қараб юришди, сарилар туркманлар ерига қараб кетишди. Туркманлар гуз (ўғузлар)ларнинг шарқий ерига кўчиб ўтишди. Гузлар Арман (Қора денгиз) денгизи соҳили яқинидаги бажнок (печенеглар)лар ерига кўчишди”.

Ўрта аср муаллифининг бу хабарида VIII-XI асрларда Евроосиёни бир силкинлантирган йирик миграция оқимлари тарихи – “халқлар кўчишининг” бутун бир даври ўрин олган. Бу оқимда ғарбга киданлар ҳам кўчишган.

1. Қабилаларнинг ғарбга кўчишини қараб чиқинг.
2. XII асрда навбатдаги кўчишга қандай воқеа тўртки берди?
3. Киданларнинг диний эътиқоди ҳақида муаллиф нима дейди?



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. IX асрда Уйғур ҳоқонлиги қулагандан сўнг Марказий Осиёда ҳокимиятни _____ қабилалари эгаллашади.
- 1.2. Ёзма манбаларда киданлар _____ шимолини эгаллаган мўғул тилли қабилалар сифатида қайд этилган.
- 1.3. X асрда _____ океанидан _____ гача жойни эгаллаган, тарихга _____ номи билан кирган Киданлар давлати ташкил этилади.

- 1.4. Қорахитой гурхани Қорахонийлар сулоласига барҳам бермади, балки Қорахонийларни _____ бўлишга мажбурлади.
- 1.5. XIII аср бошида қорахитойлар Жетисувга шарқдан кўчиб келган _____ ларга сиёсий таъсирини йўқотишади.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Хитой ва унинг иттифоқчиларининг бирлашган кучлари билан киданлар давлати тор-мор этилди.
- А) 1219 й.
В) 1141 й.
С) 940 й.
Д) 1125 й.
Е) 960 й.
- 2.2. Жетисувда киданларнинг ўрнашиши ва уларнинг турк аҳолиси билан аралашishi билан ушбу номни олишади
- А) сомонийлар
В) тургешлар
С) қарлуқлар
Д) қорахитойлар
Е) салжуқлар
- 2.3. Мўғулистондан Чингизхон томонидан қувиб чиқарилган Кучлук хон бошчилигидаги найманлар Жетисувга жойлашишди
- А) 960 й.
В) 1141 й.
С) 1125 й.
Д) 1219 й.
Е) 1208 й.
- 2.4. Чингизхоннинг бостириб кириши арафасида Жетисув саҳнаси бўлди
- 1) христиан қўзғолонларининг
2) исломнинг кенг тарқалган
3) савдонинг кескин ривожланган
4) қўзғолонларнинг
5) ўзаро ички низоларнинг
6) динлар бирга тинч яшаган
7) тангричилик ривожланган
8) мусулмон қўзғолонларининг
- 2.5. ҳокимиятни бошқарган авлоддан аёлларнинг насабни қабуллаб олиш ҳуқуқи бўлган
- А) қарлуқларда
В) сомонийларда
С) кипчоқларда
Д) найманларда

Мазкур мавзунни ўқиб, сиз:

- найманлар ва кереитларда давлатлар ташкил топишига қандай омиллар ёрдам берганини аниқлай оласиз;
- бу давлатлар ривожланиши ва парчаланиши жарёнини кўздан кечирасиз;
- қабилаларнинг келиб чиқиши тўғрисида олимлар фикри билан танишасиз.

Найманлар ва кереитларнинг эрта тарихи. Мўғулларгача бўлган вақтда Ғарбий Мўғулистонда найманлар ва кереитларнинг йирик қабилалари тарқалди.

Найманлар VIII аср ўрталарида Иртиш ва Ўрхун дарёлари орасида шаклланди. Ҳозирги олимлар найманлар келиб чиқишига кўра турк тиллидир ва у “саккиз байроқ соҳиби” маъносини беради.

□ Найманлар келиб чиқишининг бу вариантыни таклиф этиб, олимлар нимага асосланишади?

Кереитларнинг келиб чиқишига оид улар таркибига турклар билан бирга мўғуллар ҳам кирганлар, деб тахмин қилинади. 840 йили Уйғур ҳоқонлиги қулагандан сўнг, Марказий Осиё кўчманчилари, жумладан, кереитлар ва найманлар қабила иттифоқларининг шаклланиш жараёни бошланади.

X аср бошида найманлар ва кереитларнинг ҳукмдорлари марказий ҳокимиятни мустақкамлаш ҳамда ўз қабилалари бирлаштириш мақсадида несториан шаклидаги христианликка мурожаат қиладилар.

Бирлашган найманлар ва кереитлар киданлар давлати – Ляонинг жиддий душманларига айландилар. Марказий Осиёда етакчилик учун кураш ўзгарувчан муваффақиятлар билан кечди. Бироқ XI аср охирида кереитлар ва найманлар Ляо давлати таркибига киритилган эди. Найманлар ва кереитлар мустақилликни 1125 йилда, бу давлат парчалангандан кейин олишди.

□ Найманлар ва кереитлар тарихига 840 йили Уйғур ҳоқонлигининг парчаланиши, 1125 йили кидан давлатининг барҳам топиши қандай таъсир кўрсатганини қараб чиқинг.

Найманлар давлати. Найманлар давлати Ғарбий Мўғулистон ва Шарқий Қозоғистон ерларини эгаллаган ва XII асрнинг иккинчи ярмида гуллаб-яшнашга етишди. Бу даврда найманларда шаҳар маданияти, деҳқончилик ри-



Найман сипоҳиси.



Кереит сипоҳиси.



Жалоир сипоҳиси.

вожланади, қўшни давлатлар билан савдо муносабатлари кенгайди. Худди шу даврда барча саккиз найман қабилалари бир давлатга бирлашишади. Пойтахти Ўрхун соҳилидаги Балиқти шаҳри бўлди.

Найманларнинг қўшнилари: ғарбда – Иртиш бўйида яшаган қипчоқлар, шимолда – енисей қирғизлари, шарқда – кереитлар эди.

Кереитлар билан тинч муносабатлар қарама-қаршилик паллаларига алмашиб турди. Ҳаётининг дастлабки пайтидан бошлаб найманлар Марказий Осиё кўчманчилари устидан олий ҳукмронлик тўғрисида кереитлар билан тортишдилар. Кереит давлатида тахтга найманлар бир неча бор ўз вакиллари чиқаришга эришдилар. Бироқ XII аср охири – XIII аср бошида Найман хонлигининг ўзи икки қисмга ажралди.

Бу даврда мўғул ҳукмдори Темучин (Чингизхон)нинг кучайиши кузатилади. Унинг қудратининг ортишини тўхтатиш мақсадида найманлар 1201 йили меркитлар, қирғизлар ва бошқа қабилалар вакиллари иштирокида қурултой ўтказишга муваффақ бўлдилар. Бироқ шу йилнинг ўзида найманлар ва унинг иттифоқчилари мўғуллардан мағлубиятга учради. 1204 йили мўғуллар найманларни батамом тор-мор этдилар. Найманлар сўнгги ҳукмдорининг ўғли Кучлук хон, найман қўшинларининг қолдиғини тўплаб, Жетисувга кўчиб кетди.

Найманлар ва кереитлар давлат бирлашмасининг ташкил топиши сабабларини тушунтиринг.

Кереитлар давлати. XII асрда кереитлар шимолда Ўрхун дарёсидан жабудаги Хуанхэ дарёсигача жойларни эгаллашди, улардан ғарбда найманлар жойлашишди.

Асосий қароргоҳ – Битўбе Ўрхун дарёсининг жилғаларидан бирида эди, бу жой савдогарлар, турли миссионерлар тўпланадиган ер эди.

Хон саройида бўлгуси дашт қабилаларининг ҳукмдорлари ва дохийлари, жумладан, сиёсий ва дипломатик ҳаётга яқинлашиб Тимучин (бўлгуси Чингизхон) ҳам тарбияланар эди. Ўрта аср тарихий манбалари шундай ёзади: “...керейлар кучли ривожланган халқ бўлган. Улар Чингизхон таъсирида заифлашадилар. Бу халқнинг маданияти юқори даражада ривожланган бўлиб, қадимий турк ёзувини қўлланишган”.

XII асрнинг иккинчи ярмида, Тўғрул хон ҳукмронлиги даврида, кереитлар давлати ҳудудининг ўсиши ва мустақамланиши кузатилади. XII асрнинг 80-йиллари бошида Тўғрул мўғуллар орасида ўзининг таъсирини мустақамлашга интилиб, ёш мўғул ҳукмдори Тимучинни қўллай бошлайди. Шу даврнинг ўзида кереитлар ва мўғуллар Хитой билан иттифоқда татарларни мағлуб этдилар, бунинг учун тўғрулга хитойча “ван”, яъни “соҳибликка эга князь” мақоми берилади. Бу Тўғрул ҳокимиятининг Марказий Осиёда расмий тан олиниси эди ва у бирмунча вақт кереит-мўғул иттифоқининг етакчиси бўлди.

XII асрнинг охири ва XIII асрнинг боши Кереит хонлигининг заифлашуви, мўғулларнинг кучайиши билан эътироф этилди. 1203 йили собиқ иттифоқдошлар орасида уруш бошланди ва у кереитларнинг мағлубияти билан тугади.

□ Харилада найманлар ва кереитлар тарқалган ҳудудни кўрсатинг. Уларнинг қўшнилари атанг.

Давлат тузилиши. Кереитлар ва найманлар давлати сиёсий тузилишига кўра жуда ўхшаш ва ривожланишнинг бир даражасида эдилар. Давлат тепа-сида ўз ҳокимиятини авлоддан авлодга қолдирган хон бўлди.

Найманлар ва кереитларда оддий ҳуқуқ фаолият кўрсатди, иш юри-тиш бўлди. Расмий қоғозларга хон фармонининг асллигини тасдиқловчи хоннинг муҳри босилди. Зодагонларнинг лавозимлари ҳам, одатдагидек, авлоддан авлодга ўтди. Давлатнинг барча аҳолиси ҳарбий-маъмурий ақида бўйича минг, юз ва ўнликка бўлинди. Жамятда қариндош қабилаларнинг бирлашиш жараёни рўй беради.

XIII аср бошида мўғуллар тазйиқи остида найманлар ва кереитлар Жетисулга ва Шарқий Қозоғистонга кўчиб кетишди, бу жойда улар Қозоғистон аҳолисининг маданий ва этник ривожланишига сезиларли таъ-сир кўрсатдилар.

□ Найманлар ва кереитларнинг ижтимоий тузилишини ёзинг.

“Найманлар ва кереитларнинг сиёсий тарихи” жадвалини тузинг ва бу давлатлар сиёсий тарихидаги ўхшашлик ва фарқлар тўғрисида хулоса чиқаринг.

Жалоирлар. Жалоирлар тўғрисида фақат мўғуллар йилномаларида қайд этилади. Келиб чиқишига кўра жалоирлар ким бўлгани – мўғулларми ёки туркларми – аниқ маълум эмас. Уларнинг этник таркиби бир хил бўлмади. VI-VII асрларда жалоирлар Турк ҳоқонлиги таркибига кирган.

Мўғул манбалари ўзини гурхан деб эълон қилиб, қисқа вақтга жалоирлар давлатини тузган Жамук ҳақида хабар беради. Бироқ Чингизхон буни билиб, жалоирларни тор-мор этди ва ўзига бўйсиндирди.

Йилномаларда Чингизхон қўшинининг қўлбошчиси бўлган жалоирлар қабиласи вакили – Муқилай ҳақида эслатилади. Қозоқ халқи таркибида жалоирлар кўп сонли қабилалардан бири ҳисобланади. Ўрта аср даври жалоирларининг буюк вакилларида бири Қодирали Жалоирийдир.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Фарбда найманларнинг қўшниси Иртиш бўйларини эгаллаган қипчоқлар, шимолда _____, шарқда _____ эди.
- 1.2. Киданайлар ҳукмронлигидан озод бўлгач, найманлар ўзларининг гуллаш даврига _____ асрда эришдилар, _____ дарёси соҳилидаги пойтахти _____ шаҳри бўлди.
- 1.3. XII асрнинг иккинчи ярмида кереитлар давлатида _____ хоннинг ҳукмдорлиги даврида ҳудуднинг ўсиши ва мустаҳкамланиши кузатилади.
- 1.4. 1203 йили кереитлар _____дан мағлубиятга учрадилар.
- 1.5. XIII аср бошида найманлар ва кереитлар _____нинг тазйиқи остида Шарқий Қозоғистон ва Жетисувга кўчиб кетадилар.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Кереитлар давлати бошида турган
 - А) гурхан
 - В) хон
 - С) ҳоқон
 - Д) гуньмо
 - Е) шаньюй
- 2.2. 840 йилда парчаланишидан сўнг кереитлар ва найманлар қабила иттифоқининг шаклланиш жараёни бошланади
 - А) Хазар давлатининг
 - В) Қорахонийлар давлатининг
 - С) Уйғур ҳоқонлигининг
 - Д) Мўғулистоннинг
 - Е) Турк ҳоқонлигининг

2.3. XI аср сўнггида кереитлар ва найманлар таркибига кирди

- А) Ляо киданлар давлатининг
- В) Қорахонийлар давлатининг
- С) Хазар давлатининг
- Д) Мўғулистоннинг
- Е) Турк ҳоқонлигининг

2.4. Ляо империясидан мустақилликни найманлар ва кереитлар олишди

- А) 1219 й.
- В) 1141 й.
- С) 1208 й.
- Д) 1125 й.
- Е) 1204 й.

2.5. 1204 йили мўғуллар найманларни тор-мор этишди ва найманлар ҳукмдори Кучлук хон кўчиб ўтди

- А) Жетисулга
- В) Мовароуннаҳрга
- С) Манғистовга
- Д) Ўрта Осиёга
- Е) Ғарбий Қозоғистонга

14-§.

ҚИПЧОҚ ХОНЛИГИ (XI – XIII аср боши)

“Қипчоқ хонлиги” мавзусини тадқиқ қилиб, сиз:

- қипчоқ этноси ва Қипчоқ хонлиги вужудга келишининг боши;
- қипчоқларнинг бошқа давлатлар билан ўзаро алоқаси асоси;
- Евроосиё ҳудудида қипчоқларнинг этник жараёнлардаги роли;
- нима учун Олтойдан Эдилгача (Волга) ерлар Дашти Қипчоқ деб аталади?

Манбалар. Жойлашиши. VIII-IX асрлардаги ўрта аср муаллифларининг асарларида Шарқда – қипчоқлар, Русда – половецлар, Европада – команлар деб номланган қабила номи пайдо бўлди. Мусулмон тарихшунослари ва рус йилномачилари қипчоқ-половецлар ҳақида кўп сонли ва кучли қабила сифатида ёзганлар ва уларнинг қайд этишича, бутун Улуғ Дала бу ном билан аталади. “Қипчоқ” этноними VIII асрдаги қадимий руник ёдгорлигида эслатилади.

Форс шоири ва сайёҳи Носир Хусрав (XI а.) биринчи бўлиб ва асрларга оша Олтойдан Эдил (Волга)гача ерларни Дашти Қипчоқ (Қипчоқлар чўли) деб атади.

Қипчоқ давлатининг ташкил топиши. VIII-IX аср бошида қипчоқлар тарихи қимақлар тарихи билан чамбарчас боғланиб кетади. Қипчоқлар қимақлар мамлакатининг ғарбий қаноти эди.

XI аср бошида Қимақ ҳоқонлиги қулагандан кейин унинг ҳудудига ҳукмронлик қилиш қипчоқ хонлари қўлига ўтди.

XI аср ўрталарида қипчоқлар ўғузларни Сирдарё бассейни ва Каспий бўйи чўлларида сиқиб чиқаришди. Шу даврда қипчоқлар Эдил (Волга) дан ўтишади ва сўнг ғарб йўналишида жадал юришиб, қисқа вақтда Дунайгача етиб боришади. Ғарбга қараб силжиш мобайнида улар Ғарбий Европа, жумладан, Рус, Византия, Венгрия халқлари билан мулоқотга киришдилар.

XI асрда қипчоқлар Жетисувдан ташқари бутун Қозоғистон ҳудудида ҳукмронлик ўрнатишади. XI аср ўрталарида манбаларда кўрсатилишича, Олтойдан Дунайгача бутун ҳудудда катта қабила иттифоқи сифатида чиқишади. Шу даврдан “қипчоқ” атамаси бу кенгликдаги барча турк қабилаларини бирлаштиради.

Нима учун XI–XIII асрларда илгари қипчоқлар таркибига кирмаган қабилалар ўзларини “қипчоқ” атамаси билан атай бошлашди?

Қипчоқлар давлати ташкил топишининг сабаблари: XI асрда ўғузлар мамлакати билан Сирдарёдаги урушлар; ўртаосиёлик салжукийлар, хоразмшоҳлар ва қорахонийлар сулолалари билан кураш; шунингдек, ташқи хавфсизликни таъминлаш.

XI асрда қипчоқларнинг ўз давлатини ташкил этишига қандай омиллар ёрдам кўрсатди?


XII аср бошларида қипчоқлар эгаллаган ерлар икки йирик бирлашмага ажралади. Олтойдан Дунайгача даштлар зонасини эгаллаган Дашти Қипчоқ вилояти шартли равишда Волгадан чегараланган. Ғарбий қипчоқ бирлашмаси Тўқсаба сулоласи авлоди бошчилигида Дунайдан Олтойгача ҳудудни эгаллаган. Волгадан Олтойгача ҳудудда яшаган қипчоқлар бошида Эл бўрили авлодидан чиққан хонлар турган Шарқий қипчоқ бирлашмасини ташкил этдилар. Сўл(шарқий) қанот бирмунча кучлироқ эди.

Қипчоқ этноси ва давлатчилиги тикланишининг босқичлари.

1. VII-VIII аа. – Ғарбий турк ҳоқонлиги таркибида.
2. VIII-XI аа. – Қимақ ҳоқонлиги таркибида.
3. XI-XIII аа. – мустақил Қипчоқ хонлиги.

**ХІ–ХІІ асрларда
ҚОЗОҒИСТОН ҲУДУДИДАҒИ
ФЕОДАЛ ДАВЛАТЛАРИ ВА
ҚАБИЛАВИЙ УЮШМАЛАРИ**

№4 ХАРИТА





Қипчоқлар.

М.В.Горелик реконструкцияси.

си билан узилган эди. Қипчоқлар ҳозирги турк тилли халқлар – қозоқлар, бошқурдлар, татарлар ва бошқаларнинг шаклланиши асосини яратдилар.

Қипчоқ этносининг шаклланиши. Этнос сифатида қипчоқлар Марказий ва Шарқий Қозоғистонда VIII асрда шаклланди. Қипчоқларнинг сиёсий салмоғи орта бошлаши билан бир этносга тегишлилигини англай бошлаган бошқа қабилалар “қипчоқ” этнонимини қабуллашган. XI-XIII асрларда “Дашти Қипчоқ” атамаси билан Евроосиёнинг бутун чўл зонаси белгиланган.

Қозоғистонда қипчоқ элатининг шаклланишига қуйидагилар таъсир кўрсатди: 1) бир хил хўжалик юритиш шакли; 2) ижтимоий муносабатлар ва давлат тузилишининг умумий тизими; 3) тил бирлиги; 4) умумий тарихий шаклланган маданият.

Қипчоқ жамоасининг ташкил топиши а) Марказий Осиё ва Жанубий-Шарқий Европа аҳолисининг якуний тарзда туркийлашуви; б) умумий туркий маданият шаклланишининг яқунлашиши.

Бироқ қипчоқ элати шаклланишининг якуний босқичи мўғуллар истилоси билан узилган эди. Қипчоқлар ҳозирги турк тилли халқлар – қозоқлар, бошқурдлар, татарлар ва бошқаларнинг шаклланиши асосини яратдилар.

Қипчоқ элати шаклланишининг объектив шартларини сананг.

Ижтимоий тузилиши. Замоनावий Қозоғистон ҳудудида бўлган қипчоқ хонлиги Сифноқ шаҳрида олий хоннинг қароргоҳига эга эди.

Олий хондан бошқа алоҳида қипчоқ авлодлари ўзларининг хонларига эга бўлди. Қипчоқ хонларининг ҳокимияти мерос тарзида отадан болага ўтди. *Ўрда* деб номланган хон қароргоҳида хоннинг бошқарув девони жойлашган.

Мулкий тенгсизликнинг асоси молга хусусийлик эди. Йилқилар сони асосий бойлик ҳисобланди. Плано Карпини гувоҳлик беради: “Улар (қипчоқлар) моли: туялари, новвослари, қўйлари, эчкилари, йилқилари билан жуда бойдирлар. Уларда жунли молларнинг сони катта, бизнингча, жаҳонда бошқа биронтада бунчалик кўп эмас”.

Яйловлардан фойдаланиш ва кўчишларни тартиблаштириш ҳуқуқи қипчоқ хонлари ҳамда қабила зодагонларига тегишли эди. Катта подаларга соҳиблик қилган қабила зодагонлари амалда яйловларга ҳам эгалик қилишарди.

Шундай қилиб, Қипчоқ хонлиги қадимий турк давлати анъаналарини давомлатган ва ривожлантирган шаклланган эрта феодализм давлати бўлди.

Қипчоқ жамиятида қуллар энг ҳуқуқсиз гуруҳларни ташкил қиларди. Қуллар сони ҳарбий асирлар ҳисобига тўлдирилиб, хўжаликда улардан хизматкор сифатида фойдаланишган.



Қипчоқ хонлигининг шаклланган эрта феодализм давлати бўлганидан гувоҳлик берувчи омиллари аниқланг.

Қипчоқлар ва уларнинг кўшнилари орасидаги ўзаро сиёсий муносабатлар. XI–XII асрларда қуйи Сирдарё (Женд, Янгикент ва бошқалар) ва Манғистов шаҳарлари қипчоқ йўлбошчилари қўлида эди. Бироқ шу даврда ана шу ҳудуд қипчоқ хонлари ҳамда Ўрта Осиё ҳукмдорлари орасидаги ашаддий кураш саҳнасига айланди.

Маҳмуд Қошғарийнинг маълумотига, қипчоқ зодагонларининг Қорахонийлар ҳукмдорлари билан ўзаро муносабатлари қийин аҳволда эди. Қорахонийлар Қипчоқ хонлиги сарҳадларига юришлар уюштиришар, ўз навбатида, қипчоқлар ҳам Иртиш соҳилларидан уларнинг ерларига босқинчиликлар қилиб туришди.

Хоразм билан ҳам мураккаб вазият шаклланди. Ислонни тарқатиш шиори остида хоразмшоҳлар қипчоқларга босқинчиликлар уюштиришди. XII асрнинг иккинчи ярмидан хоразмийликлар қипчоқ зодагонлари билан яқинлашиш сиёсатини олиб бориб, улар билан қариндошчилик алоқаларига киришдилар. Қипчоқ қабилаларининг йўлбошчилари Хоразмшоҳ томонидан хизматга жалб этила бошлади.

Хоразмшоҳларнинг бундай сиёсати мақсади: а) қипчоқларни ва, биринчи навбатда, уларнинг зодагонларини ислонлаштириш; б) қипчоқлар қудратини парчалаш; в) уларнинг қурол-аслаҳаларини ўз манфаатлари йўлида қўллаш эди.

Шунга қарамасдан, қипчоқ хонлари Хоразм билан курашни давом этишди. Қипчоқлар ва хоразмликларнинг кураши мўғулларнинг босқинчилик юришлари билан барҳам топди.



XI аср охири -XII аср биринчи ярмида қипчоқ хонлари ҳамда Ўрта Осиё ҳукмдорлари курашининг саҳнаси бўлган ҳудудларни харитадан топинг.

Қипчоқларнинг ғарбдаги славян қабилалари билан муносабатини олим В.А.Пархоменко “Йилномалардаги половец эпоси излари” ишида шундай ёзади: “Рус ижтимоий юқори табақалари ва половецлар орасида XII асрда

яқин ва тиғиз алоқалар бўлганига бизнинг йилномаларимиз ҳеч бир шубҳа уйғотмайди. Рус ва Дашт орасидаги курашнинг қадимийлиги яққол ва сунъий ўйлаб чиқарилгандир”.

Қадимий славян ҳарбий лексикасининг манбаси славян ва турк бирлиги даврига тааллуқли. Рус тилидаги ҳарбий ишнинг бир қатор тушунчаларининг қадимий турк тилларидан олингандир: “сулица”, “рать”, “шамшир”, “колчан”, “қоронғулик”, “пўлат”, “қоровул”, “ясовул”, “атаман”, “пахлавон” ва ҳ.к.з. Ў.Сулейменов “Аз и Я” китобида “фақат тинчлик ва дўстлик пайтида славян тилига тарик, газлама, қоғоз, ҳарф, қалам, сўз, тил, уют, явь, туш, дўст, ўртоқ ва бошқа сўзлар кириш мумкин эди”, деб таъкидлайди. Бунинг барчаси мўғуллар давригача туркларнинг славянлар билан яқин алоқада бўлганидан гувоҳлик беради.

Қипчоқлар – XI–XIII асрларда Дунайдан Олтойгача ҳудудларда тарқалган, жаҳон цивилизация ривожланишига катта ҳисса қўшган қозоқларнинг бевосита аجدодларидир.



Турк қабилаларининг славянлар билан яқин алоқада бўлганидан гувоҳлик берувчи фактларни атанг. Қипчоқларнинг ўғузлар, Хоразм билан муносабатларига тасниф беринг.

Бу муносабатларнинг Қипчоқ давлатининг мустақамланиши ҳамда заифлашувига қандай таъсир кўрсатганини қараб чиқинг.



Замондошлар ва тарихчиларнинг гувоҳликлари

Эрон оқсуяги Ибн Хордодбех IX аср ўртасида шундай асарлар ёзилишида намуна бўлган “Йўллар ва провинциялар китоби” ни ёзди. У “Китоб”га турк халқларининг – шунингдек, “дарёнинг нариги томонида”, яъни Амударёнинг “ортида” яшаганларнинг рўйхатини киритди. Дарё “ортидаги” қабилаларнинг рўйхати залворли, жами ўн олти турк шаҳарлари ҳам тилга олинган.

Китода “қимақлар мамлақати” бор, қипчоқлар ҳам аталган. Шу тариқа мусулмон манбаларида биринчи бор икки, Қозоғистоннинг кейинги тарихи учун жуда муҳим бўлган энг йирик қабилавий иттифок тилга олинади.

Араб муаллифи Ибн Батутта шундай тушунтирди: “Дашт... туркчада чўл дегани. Бу чўл ям-яшил, гуллаган, унда дов-дарахт, тоғ, чўққи, тепалик йўқ... Бу чўлларда уловда юришади, олти ойлик йўлга ёйилган...”

1. “Йўллар ва провинциялар китоби” нимаси билан қимматли, турк халқлари ҳақида нима беради?
2. Ибн Батуттанинг маълумотидан Дашти Қипчоқ тўғрисида қандай хабарларни билиб олдик?



1. Саволлар ва вазифалар

Қипчоқларнинг бошқа халқларга таъсири шаклларига тасниф беринг ва қипчоқларнинг қандай меъёردа бошқа халқларга таъсир этганини аниқланг. Қипчоқларнинг тарихдаги маданий-тарихий ролини белгиланг. Дафтарга ёзинг.



1. Оchiқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. VIII–IX аа. ўрта аср муаллифларининг ёзувларида Шарқда – қипчоқлар, Русда – _____ ва Марказий Европада – _____ деб номланган қабила иттифоқи пайдо бўлди.
- 1.2. Форс шоири ва сайёҳи Носир Хусрав (XI а.) Олтойдан Волгагача бўлган ерларни _____ деб биринчи бўлиб ва асрларга оша номлади.
- 1.3. VIII -XI асрлар бошидаги қипчоқлар тарихи _____ лар тарихи билан яқин қўшилиб кетди.
- 1.4. XI аср ўрталарида қипчоқлар Эдил (Волга) дарёсидан ўтиб, қисқа вақтда _____ дарёсига етиб боришади.
- 1.5. Қипчоқлар ва хоразмийликларнинг кураши _____ ларнинг босиқинчилик юришлари билан барҳам топди.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. VIII–X асрларда Олтойдан Уралолдигача кенгликларда қабилалар яшашди
 - 1) тургешлар
 - 2) қипчоқлар
 - 3) найманлар
 - 4) қимақлар
 - 5) қарлуқлар
 - 6) қорахонийлар
 - 7) сомонийлар
 - 8) салжуқлар
- 2.2. Қипчоқлар Шарқий Европа халқлари билан алоқа қилишди, жумладан
 - 1) Рус
 - 2) Греция
 - 3) Македония
 - 4) Болгария
 - 5) Византия
 - 6) Хорватия
 - 7) Венгрия
 - 8) Руминия
 - 9) Польша

2.3. XI асрнинг биринчи ярмидан XIII аср бошигача Евроосиёнинг барча дашт зонасида ҳокимият қабила иттифоқи қўлига ўтди

- А) тургешлар
- В) қипчоқлар
- С) керейтлар
- Д) қарлуқлар
- Е) найманлар

2.4. Шарқий қипчоқ бирлашмаси пойтахти бўлган давлатни ташкил қилди

- А) Янгикент
- В) Болосоғун
- С) Сигноқ
- Д) Ўттор
- Е) Тараз

**“ҚОЗОҒИСТОН X АСР ЎРТАЛАРИ ВА XIII АСР БОШИДА”
бўлими бўйича такрорлаш умумлаштириш дарси**

Саволлар ва вазифалар

1. Қорахонийлар даврида иқта тизими шаклланиши рўй берди. Иқтанинг сизга таниш бўлган ғарбий Европа феодинга ўхшаш эканини далилланг.
2. Ғарбий Қорахонийлар ҳамда шарқий Қорахонийлар ерларидаги ҳокимиятнинг дуал (икки мустақил ва тенг ҳуқуқли) тизими шаклланиши сабабини айтинг.
3. Исломнинг Қорахонийларнинг давлат дини сифатида қабулланиши сабабини тушунтиринг.
4. Гурханлар ҳокимиятининг аёллар қўлига ўтиши мумкин бўлгани тўғрисида сизнинг мулоҳазаларингиз қандай?
5. Қипчоқ жамияти ва қипчоқ давлатчилиги шаклланиш босқичларига тавсиф беринг:
 - А) VII–VIII аа. – Ғарбий турк ҳоконлиги таркибига;
 - Б) VIII–XI аа.– Қимақ ҳоконлиги таркибига;
 - В) XI–XIII аа.– мустақил Қипчоқ хонлиги.
6. В.А.Пархоменко: “Руснинг Дашт билан доимий кураши ғоясининг келиб чиқиши аниқ сунъий ва ўйлаб чиқарилган” деб ёзган. Шу фикр билан келишасизми? Нима учун? §5, §14 материалларини ёдга олинг.

Мутаносибликка оид тест вазифалари

1.	Сиёсат	Хукмдорлар
	А) Қорахонийлар давлатига асос солди Б) Исломни Қорахонийларнинг давлат дини деб эълон қилди В) найманлар хукмдори Чингизхондан мағлубиятга учради Г) Жетисувда қорахитойлар давлатини ташкил қилди	1. Кучлук 2. Елюй Даши 3. Мусо ҳоқон 4. Сатуқ Бўғрохон

2.	қабилалар	динлар
	А) Қорахонийлар Б) найманлар В) керейтлар Г) қимақлар	1. Тангричилик эътиқоди 2. Аждодлар руҳи эътиқоди 3. Христианлик 4. Ислом

3.	Тарихий воқеалар	Саналар
	А) ўғуз жабғуси Киев князи билан хазарларга қарши ҳарбий иттифоқ тузди Б) хоразм шоҳи ва найманларнинг зарбаси остида қорахитойлар давлати қулади В) қирғизлар, меркитлар, найманларнинг Чингизхонга қарши қаратилган қурултойи Г) найманлар Жетисувда қорахитойларни мағлубиятга учратишди Д) Ғарбий турк ҳоқонлигининг парчаланиши жараёнида қимақларнинг бўлакланиши Е) ўғузлар князь Владимир билан иттифоқда Волга Булғориясини яксон этдилар	1. 1208 й. 2. 1212 й. 3. 1201 й. 4. 965 й. 5. 985 й. 6. 656 й.

Ҳодисалар кетма-кетлигини белгилаш учун тестлар

1. Мусо ҳоқон исломни Қорахонийларнинг давлат дини деб эълон қилади.
2. Қорахонийлар қорахитойлар гурханининг вассалларига айланишди.
3. Қорахитойлар қабилалари Жетисувга кўчиб ўтишди ва ўз давлатини қуришди.
4. Найманлар Кучлукхон раҳнамолигида Жетисувга кўчиб ўтишди.
5. Хоразмшоҳ ва найманларнинг зарбалари остида қорахитойлар давлати қулади.
6. Ғарбий турк ҳоқонлигининг парчаланиши жараёнида қимақларнинг бўлаклашиши.

15-§.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ

“Ипак йўли” қизиқарли мавзусини ўрганиб:

- Буюк Ипак йўлининг тарихи ва пайдо бўлиши сабабларини;
- унинг асосий йўналишлари ҳамда йўллари, хусусан, йўлнинг турк участкасини;
- Қозоғистон ҳудудидаги савдонинг хусусиятлари ҳамда аҳамиятини;
- Ипак йўли орқали қандай товарлар олиб ўтилганини билиб оласиз.

Буюк Ипак йўлидан фойдаланишнинг бошланиши. Халқаро савдо йўлининг тарихи Шарқий Туркистондан лазурит ва нифритнинг Эрон, Миср, Хитой ва Сурияга олиб кетилишидан, эрамиздан аввалги 3–2 минг йилликлардан бошланади. Шундай қилиб, таъкидланган вақтда, ўзига хос “лазурит йўли” ва “нифрит йўли” мавжуд эди.

Саклар, уйсунлар ва кангюйлар даврида, эрамиздан аввалги 1-йилликларда, савдо йўли орқали Қозоғистонга Рим ойнаси ва тангалари, кўзгулар ва лакланган идишлар, европача фибула-тугмалар ҳамда Эрондан тош-печаткалар киради.

Эрамиздан аввалги 138 йили Ғарбнинг кўз илғамас (қуёш ботадиган жойлари) мамлакатларига Хитойдан император У-ди юборган элчи карвони чиқади. У Хитойдан Марказий Осиёга биринчи бўлиб тик йўл билан ўтади. Императорга бу ҳақида батафсил баён қилинади ва унда Буюк Ипак йўлига асос бўлган савдо учун қулай йўллар кўрсатилади.

Буюк Ипак йўли қандай пайдо бўлди ва ундан ким манфаатдор эди?

Э.а. II аср тарихий манбаларида Буюк ипак йўлидаги доимий хатти-ҳаракатларнинг бошланган даври деб қабулланган. Хитой элчисидан сўнг шу йўлдан ипак ортилган карвонлар Ғарбга қараб юрди. Ўз навбатида, Римдан, Византиядан, Ҳиндистондан, Эрондан, Араб халифалигидан шу давлатларда ишлаб чиқарилган товарлар келарди. Буюк Ипак йўлининг энг катта аҳамияти – мамлакатлар, халқлар ва маданиятларнинг яқинлаштирилиши ва бир-бирини бойитишидир.

Нима учун тарихда э.а. II асрни Буюк Ипак йўлидаги хатти-ҳаракатларнинг бошланиши деган ҳисоблаш киритилган?

Савдогарларнинг ушбу қадимий йўллари тармоғи ўзининг ҳозирги номини фақат XIX асрда олди. Унинг номини немис олими, Осиё географияси бўйича асарлар муаллифи фон Рихтгофен таклиф қилди. Ҳозир унинг таклифи билан “Буюк Ипак йўли” номи барча жойда қабулланган.

Товарлар. Савдонинг бош товари ипак бўлди. Ипак олтин билан бирга халқаро валютага айланди, уни шоҳлар ва элчиларга армуғон этишар, ёлланган қўшинга маош ва давлат қарзларига тўлов сифатида қўллашган.

Ипак энгиллиги, қулайлиги, катта сўровга эгаллиги ҳамда қимматбаҳолиги эвазига савдо қилиш ва узоқ масофага етказишда қулай маҳсулот бўлган. Бошқа товарлар ҳам тарқалган. Уларнинг рўйхати чегараланмаган. Булар – жасмин суви, ладан ва хушбўй ислар, пишириқлар, мускат ёнғоғи, женьшень, илоннинг ўти, суратлар, бўёқлар, олмослар, ёқутлар, кораллар, мўйналар, кумуш ва олтин қўймалари. Ипак йўли орқали араб йўрғаларини, қарчиғайларни, тўтиқушларни, страусларни ва бошқа кўпгина нарсаларни ташишган.

Ипак йўли қадимий маданият ва санъатнинг ташувчиси бўлиб хизмат қилди. Ўрта Осиё ва Туркистондан чиққан мусиқачилар ва раққослар, акробатлар Хитой императори ҳовлисида ҳамда Византия саройларида томоша кўрсатишган.

Ипак йўли орқали Марказий Осиёдан Хитойга жуда юқори баҳоланадиган отлар, туяларни ташишган. Хитойликлар карвон савдоси туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – лобия, пиёз, бодринг, сабзи, анор, ёнғоқ ва бошқаларни ўзлаштиришди.

Марказий Осиёдан Хитойга ранг-баранг жун маҳсулотлари – кигизлар, ёпинчиқлар, гиламлар етказилди. Бу нарсалар юн ва гиламларни қайта ишлаш техникаси билан таниш бўлмаган хитойликларнинг ҳайратини оширди.

□ _____
Буюк Ипак йўли қандай цивилизация марказларини бирлаштирарди?
Буюк Ипак йўли орқали қандай товарлар ташишган?
Қаердан? Қаерга?


Буюк Ипак йўлидаги савдо маданияти. Ипак йўли орқали ўтган карвон савдоси катта даромадгагина эмас, хатарларга ҳам боғланган эди. Мана шунинг учун савдогар-



Ўтрон яқинидаги қазилмаларда топилган мис тангалар.



Саврон яқинидаги қазилмаларда топилган мис тангалар.



лар йўлга ёлғиз эмас, юзлаб қуролланган одамлардан иборат катта карвонлар билан чиқишган.

Карвонларда бир неча ўндан бошлаб бир неча юзгача ҳайвонлар бўлган. Ҳайвонларга хизматчилар ва сарбонлар қарашган. Карвонларда тилмочлар бўлган. Карвонлар билан бирга дипломатлар, миссионерлар юришган.

Карвон савдоси мураккаб хизмат кўрсатишни тақозо қилган. Шунинг учун бутун Буюк Ипак йўли бўйлаб қарвонлар ўтадиган шаҳарлар ва қишлоқларда карвонсаройлар қурилган (тўхтайдиган ҳовлилар). Уларда савдогарлар ва карвонга хизмат кўрсатувчилар учун ҳужралар (дам олиш хоналари), товарларни, ҳайвонларни сақлаш учун хоналар, керакли ҳашак ва озиқ-овқат бўлган. Карвонсаройлар савдогарни қизиқтирган товарларни сотиб олиш ёки сотиш мумкин бўлган жой ҳисобланган, энг муҳими, тижоратга оид сўнги янгиликларни, аввало, товарлар нархини билиш эди. Савдогарлар бир-бирига ўзлари бўлган жойлар тўғрисида, турли халқларнинг ҳаёт тарзи ҳақида сўзлашишган – ўша даврда ахборот шу тариқа тарқалган.

Айирбошлаш савдоси ривожланган. Пул муомаласи роли ҳам ўсди. Ҳар бир янги ҳукмдор нафақат ғалабалари, балки пул муомаласини йўлга қўйиш билан машҳур бўлган.

Ер соҳиблари бож тўловларидан даромад олишган. Бу даромадларни йўқотиб қўймаслик учун Марказий Осиё мамлакатларининг ҳукмдорлари савдогарларни ҳимоя қилган қатъий қонунлар қабуллашган.

Савдонинг ривожланишида кўчманчи-чорвадорлар сезиларли роль ўйнадилар. Улар карвонларга ҳамроҳлик қилишар, озиқ-овқат учун мол ва ҳайвонлар етказишарди, бутун сулолалар карвон савдосига ихтисослашишди. Карвон савдоси уларнинг иштирокисиз ривожлана олмасди.



Буюк Ипак йўлидаги савдони тасвирланг, у қандай олиб борилган?

Буюк Ипак йўлидаги шаҳарлар. Ўрта аср муаллифнинг маълумотлари ва археологик қазилмалар Ипак йўлидаги халқаро савдо энг юқори чўққисига IX–XIII аср бошида етган. Йирик савдо марказлари бўлиб, Исфижоб, Кедер, Ўтрор, Тароз, Навокент, Болосоғун танилди. Уларга шимолий-шарқий Жетисувнинг Қўялик, Икки Ўғуз шаҳарлари қўшилди.

Бу даврда Шу, Талас ва Сирдарё водийларида шаҳар марказлари шаклланди. Айниқса, бу шаҳарлар қолдиқлари Орололди қуруқ саҳро зонасида яхши сақланган. Ҳанузгача уларнинг қуёшда куйган сариқ деворлари кўзга ташланади, қорачиқлари текисликка нигоҳ ташлайди, тақирликлар остида эса йирик қадимий некрополлар яширинган. Улар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Тароз шаҳри яқинида Жамукат шаҳри бўлган. У VI асрдаёқ тилга олинади. Унинг қолдиқлари Талас водийсида, ҳозир уни Қўстобе – “қўш тепа” деб аташади. Ипак йўли эвазидан бир қатор янги шаҳарлар бунёд бўлиб, борлари ривожланади.

Буюк Ипак йўлидаги шаҳарларнинг имтиёзи миллатлараро тотувлик, турли динларнинг бирга бўлиши, ўзга урфлар ва анъаналарга ҳурмат эди. Ҳар қандай сайёҳ савдогар унда ўзининг маданиятини сақлай олар эди.

Қозоғистон Жануби ва Жетисув шаҳарлари аҳолиси
учун савдо айирбошлашуви аҳамиятини аниқланг.

? Саволлар ва вазифалар

Археологик топилмалар Буюк Ипак йўлидан олиб ўтилган товарларнинг ранг-баранглигидан ёрқин гувоҳлик беради. Уларни тавсифланг.

* 1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Шоҳлар ва элчиларга совға тариқасида, ёлланган қўшин аскарларига маош сифатида берилган ва давлат қарзларини олтин ва _____ билан тўлашган.
- 1.2. Ҳозирги “Буюк ипак йўли” номини савдогарларнинг бу қадимий йўл тармоғи _____ асрда олди.

! 2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Буюк Ипак йўлидаги савдо ўзининг энг юқори чўққисига етишди
 - А) IX–XIII аср бошида
 - В) IV–VI аа.
 - С) XII–XIV аа.
 - Д) XIV–XV аа.
 - Е) XIII–XIV аа.
- 2.2. “Лазурит йўли” ёки “нифрит йўли” бўлган
 - А) э.а 3-2 минг йилликларда
 - В) IV–VI аа.
 - С) XII–XIV аа.
 - Д) XIV–XV аа.
 - Е) XIII–XIV аа.
- 2.3. Буюк Ипак йўли доимий дипломатик ва савдо йўли сифатида фаолият бошлаган
 - А) IV а.
 - В) III а.
 - С) э.а. II а.
 - Д) V а.
 - Е) э.а. VI а.

Йўлнинг турк бўлагининг аҳамияти. II–V асрларда Ипак йўли, агар шарқдан қараб чиқилса, Хуанхэ ва Қошғариядан ўтиб, сўнг Фарғона ва Самарқанд орқали Бухоро ва Сурияга борган.

VI–XIII асрларда Хитойдан ғарбга қараб Жетисув ва Жанубий Қозоғистон орқали ўтган йўл энг қайнаган қисми бўлди. Йўлнинг бундай ўзгаришини бир неча сабаблар билан тушунтириш мумкин. Биринчидан, Жетисувда савдо йўлларининг назоратини ҳамда хавфсизлигини таъминлаган турк ҳоқонларининг қароргоҳи жойлашди. Иккинчидан, Фарғонадан ўтган йўл VII асрда ўзаро низолар туфайли хавфли бўлди. Учинчидан, бой турк зодагонлари денгиз орти товарларининг улгуржи тарздаги йирик харидорлари эдилар.

Юз йиллар мобайнида Ипак йўли ўзгаришларга дучор бўлди: айрим бўлаклари алоҳида аҳамият касб этса, бошқалари, аксинча, барҳам топар, улардаги шаҳарлар вайрона бўларди. Шундай қилиб, VI–VIII асрда Эронга қарши Ғарбий турк ҳоқонлиги ҳамда Византиянинг савдо-ҳарбий иттифоқи тузилганида асосий йўл уни айланиб ўтди. Минтақадаги сиёсий вазиятни дипломатлар, савдогарлар ва бошқа саёҳат қилувчиларнинг маршрут танлаши белгилаган.



Карвон келди.

VI асрнинг иккинчи ярмида турклар Буюк Ипак йўлининг катта қисмига хўжайинлик қила бошлашди. Худди шу турк даврида Хитойдан ғарбга қараб Жетисув ва Қозоғистоннинг Жанубидан ўтган трассаларда Буюк Ипак йўлида жонланиш сезилади. Бу бўлак энг асосийси бўлди, элчилар ва савдо карвонларининг асосий сони VI–XIII аср бошида шу ердан ўтди.

Ипак йўли турк қисмининг жонланиши бу жойда шаҳар маданиятининг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Жетисув ва Қозоғистоннинг Жанубида у янги шаҳар марказлари пайдо бўлишига, борларининг тез ривожланишига ёрдам берди.

Ипак йўлининг турк қисмидаги ўрта асрлар қазилмаларидан топилган буюмлар халқаро савдони ўрганишнинг муҳим манбаси ҳисобланади. Шундай топилмалар қаторига Ўтрордан топилган кумуш хазина киради. Тангалар йиғиндисининг таркиби ноёб. Унда Туркистондаги шаҳарлар, Кичик Осиё, Европа, Поволжье шаҳарларининг танга зарбхоналари тақдим этилган.

Буюк Ипак йўли трассаларида турк даврида Хитойдан ғарбга қараб Жетисув ва Қозоғистоннинг Жанубидан ўтган трассаларда нима учун жонланиш сезилиши сабабини тушунтиринг.

Қазилма ишлари давомида Ипак йўлида жойлашган амалдаги барча шаҳарларнинг ўзига хос “визит карточкаси” бўлган тақинчоқлар, маиший буюмлар, тангалар топилган.

Буюк ипак йўлининг трассалари. Ипак йўли тизимига карвон йўлларининг бир неча тармоғи кирган. Улар саҳроларни айланиб, тоғ тизмаларидаги турли довлардан ўтган.

Ипак йўлининг тармоғи қанча кўпаймасин, қайси томонга кетмасин, ҳамма йўлаклар Сирдарё соҳилидан бориб, аввал Шу, кейин Жетисув орқали Жунгар дарвозаларига етиш учун Орол денгизи ёнидан юрди. Бу жойдан “Прирний земля” Ганга (Ҳиндистон)га чиқиш ва тутзорлардан иборат Сарик дарё (Хитой)га энг қулай йўл бор эди.

Хитойнинг ипаклари, Ҳиндистоннинг ширинликлари ва ранг-баранг гуллари, Эроннинг кумуш буюмлари, Византия товарлари ортилган карвонлар Сариарқанинг ҳадсиз-ҳудудсиз чўлларидан юриб, Олтой ва Қоратов довларини босиб ўтарди. Карвон йўлларида Ўтрор, Урганч, Бухоро, Тароз, Болосоғун, Саврон, Талхиз каби бой шаҳарлар турди.

Буюк Ипак йўлидаги йирик шаҳарлардан бири Талас водийсидаги Тароз эди. Манбалар Тарозни “савдогарлар шаҳри” деб номлайди, у тургешларнинг, қарлуқларнинг, сўнгра, Қорахонийларнинг ҳам иқтисодий ва маданий

маркази эди. Худди шу жойда турк ҳоқони 568 йилда Византия императорининг элчихонасини кутиб олган.

Тароздан савдо йўли шимолий йўналишда – Иртишга, қимақлар ҳоқони қароргоҳига, кейин Енисейга, қирғизлар мамлакатига қараб юрди.

VII асрдаги Хитой йўлнома(йўл кўрсаткич)ларида Исфижоб (Оқ дарёдаги шаҳар), у анча кейинроқ Сайрам деб айтилди – шаҳри кўрсатилган. Исфижоб йирик савдо маркази эди. Бу жойдан йўл Сирдарё бўйлаб, Приаральега борди. Сирдарё бўйлаб юрган карвон йўлида Ўттор(Фороб) ва Човгар (Туркистондан 8 км олис) йирик шаҳарлардан бўлди, бу шаҳарлардан йўл ўғузлар пойтахти – Янгикентга борди. Янгикентнинг харобалари Қазали шаҳри яқинида. X–XII асрларда бу йўлда бутун бир янги шаҳарлар қатори, жумладан, Саврон, Женд, Ашнас шаҳарлари шаклланди.

Йўлнинг кесишган жойи Жетисувнинг энг йирик шаҳарларидан бири Навокент (янги шаҳар деб таржима қилинади) бўлди. Навокентдан йўл Жетисувнинг яна бир йирик шаҳри Суябга олиб келади. Суяб ҳақида араб ва хитой сайёҳлари X асргача ёзишган, сўнг у йилномалар саҳифасидан йўқолади. Ҳозир фақат ярим вайронага айланган саройлар, масжидлар, миноралар, шунингдек, қабр ёзувлари битилган катта қабристонлар бир вақтлардаги унинг қайноқ ҳаётидан гувоҳлик беради.



VI–XIII асрларда Буюк Ипак йўлининг турк бўлаги асосий бўлганини, барча йўллар кесишгани, элчихоналар ва савдо карвонлари шу жойдан ўтганини далилланг.

Ипак йўли трассаси Каскелен, Алмати ўрнидаги кичик шаҳарлардан ўтиб, Талхиз (Талғарнинг яқинида) гача етиб борган. Талхизда Ипак йўли тармоқланган. Жанубий йўналиш Иссиқ, Турген орқали Иле дарёсидан ўтган. Талхиздан кетган шимолий йўналиш эса Талғар дарёси бўйлаб, Қапчағай дарасига етган. Кейин йўл Қўялиқққа – қарлуқ жабғуларидан бирининг қароргоҳига борган. Шаҳар ўзининг бозорлари билан машҳур бўлган. Қўялиқ ҳозирги Антоновское қишлоғи ёнида эди. Шундан сўнг Ипак йўли Олакўл кўлидан ўтиб, Жунғор дарвозаси орқали ички Хитойга етган.

Жетисув ва Жанубий Қозоғистондан ўтган Ипак йўлининг асосий трассасидан ташқари йўллар шимол ва шарққа қараб кетган. Улар Марказий ва Шарқий Қозоғистонга олиб борган. Моллар, юн, тери, металл билан бой бўлган бу туманлар Ипак йўли тизимига кўпгина карвон йўллари билан тортилган эди.

“Буюк Ипак йўли трассалари” матни бўйича Қозоғистон ҳудудидан ўтган йўлни харитадан қараб чиқинг.

1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Талас водийсидаги Буюк Ипак йўлидаги шаҳар (манбалар уни “савдогарлар шаҳри” деб атайдилар) _____.
- 1.2. VII асрдаги Хитой йўлнома(сафарнома)ларида Исфижоб (Оқ дарёдаги шаҳар) шаҳри кўрсатилган, кейинги вақтда у _____ деб номланган

2. Ёпиқ шаклдаги тест вазифалари

- 2.1. X–XII асрларда Буюк Ипак йўлида бир қатор янги шаҳарлар шаклландилар, улар қаторида
 - 1) Саврон
 - 2) Исфижоб
 - 3) Ашнас
 - 4) Суяб
 - 5) Болосоғун
 - 6) Женд
 - 7) Янгикент
 - 8) Тароз

17-§.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Турк бўлагининг тарихий аҳамияти. Буюк Ипак йўлининг тарихида у бутунлай турк давлатлари томонидан назорат қилинган уч давр бўлган: турк ҳоқонлиги – VI–XIII аср боши, Чингизхон империяси – XIII аср иккинчи чораги – XIV асрлар ва Тимур империяси – XIV аср охириги чораги – XV аср бошида.

Буюк Ипак йўлининг узунлиги 7 дан 12 минг километр масофани ташкил этган, шунинг учун савдогарлар орасида бутун йўлни босиб ўтганлари бўлмаган. Асосан, уларнинг аксарияти маҳсулотларини ярим йўлда айирбошлашга ҳаракат этишган. Ярим йўлни турк бўлаги ташкил этган.

Йўлнинг турк бўлаги халқаро савдода етакчи қисмини ифодалаган. Савдонинг ривожланиши Буюк Ипак йўли эҳтиёжлари билан яшаган кўплаган шаҳарларнинг пайдо бўлишига, сўнгра эса уларнинг гуллаб-яшнашига олиб келди. Бу бўлак Шарқ ва Ғарб маданияти орасида боғловчи ўрта вазифасини бажариб, давлатлар шаклланишида, жаҳон цивилизацияси ривожланишида катта роль ўйнади.

Буюк Ипак йўлининг тарихида у бутунлай турк давлатлари томонидан назорат қилинган уч давр бўлган. Қачон? Қандай?



Савдо карвони йўлда.

Йўллар бўйидаги шаҳар ва кентлар нафақат савдо марказлари, балки фан ва маданият марказлари бўлди. Масалан, Ўтрор – буюк олим ал-Форобийнинг ватани, кейин келган Шарқ олимларининг барчаси – Ибн Сино, ал-Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Болосоғуний, Улуғбек ва бошқалар ўзларини унинг шогирди деб санаганлар.

Ипак йўлидан диний ғоялар, товарлар ва уларни ишлаб чиқаришга оид ахборотлар, яъни технологиялар тарқалган. Жумладан, ипак, қоғоз, порох ва замбаракларни тайёрлаш, рангли ойнани ишлаш, китоб босиш усуллари.

“Ипак йўли”ни “қоғозли” деб аташ мумкин, чунки унда хитойликлар бошқа дунёга яна бир гениал кашфиёт – қоғозни бердилар. Қоғоз ишлаб чиқариш Марказий Осиёга Хитойдан келди ва бу жойдан қоғоз ғарбга тарқалди ҳамда илгариги ёзув материали – пергамент ва папирусни сиқиб чиқарди.

Одамлар ва ғояларнинг эркин ҳаракатланиши бир қатор энциклопедистлар, олимлар, шоирлар ва файласуфлар ҳамда улар мактабларининг пайдо бўлишига ёрдам берди. Носавдо айирбошлаш – билимларни айирбошлаш жуда катта қимматга эга.

Абу Райхон Берунийнинг “Фармакология” энциклопедия трактати ҳамда Ибн Синонинг “Тиб илми қонуни” асари нафақат бутун шарқ оламига, балки Ғарбий Европа тиббиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Ўрта Осиё, Жанубий Қозоғистон ва Жетисуздан ўтган Ипак йўли Хитой ва Ҳиндистонга денгиз йўлларининг ўзлаштирилиши унинг сўнишига олиб келмагунча, яъни XV асргача фаолият кўрсатди.

“Ипак йўли” дастури. Буюк Ипак йўлининг ҳозирги иштирокчи давлатлари: Хитой, Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон ва бошқалар, Буюк Ипак йўлини жаҳон мероси рўйхатига киритиш тўғрисида ЮНЕСКОга мурожаат қилишган.

Буюк Ипак йўлининг цивилизация тарихидаги ноёб ролини инobatга олиб, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти “Ипак йўли” дастурини қабуллади.

Дастурнинг асосий ғояси – Буюк Ипак йўли бўйича кўп юз йиллар мобайнида мамлакатлар ва халқлар орасида мулоқот, савдо муносабатлари ва маданий алмашинувлар бўлганини кўрсатишдир. Дастурнинг ижросига турли мутахассислардан тузилган халқаро ташкилотлар киришишди.

“Ипак йўли” дастурининг асосий ғояси нимадан иборат?

Буюк Ипак йўлининг муҳим пунктларида бир қанча илмий семинарлар ўтказилди. “Буюк ипак йўли” дастурининг якуний анжумани Парижда ўтказилди. Шу жойда Марказий Осиё халқларининг турли юз йилликлардаги маданий ютуқларини намойиш этган ноёб кўргазма уюштирилди.

ЮНЕСКО қадимий халқлар томонидан қолдирилган бой меросни ўрганишнигина эмас, балки сақлашга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Қозоғистон “Буюк ипак йўли” номинациясида ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси объектлари рўйхатига 30дан ортиқ ёдгорликларни киритди.

Қозоғистон Президенти Н.Назарбаев “Ғарбий Европа-Ғарбий Хитой” йўли қурилиши лойиҳасининг ташаббускори бўлди. Қозоғистон ҳудудидан ўтган йўлнинг умумий узунлиги тахминан 3000 километрdir. Автокоридор беш вилоят ҳудудидан ўтиши керак. Минг йиллар илгари карвонлар юрган йўллар XXI асрда қайтадан инсониятнинг эътиборини тортмоқда.

Қозоғистон ҳудудидан Евроосиё қитъаларини бир бутун қилган ғарбий ва шарқий маданиятларни бирлаштирувчи кўприк ўтган. Дунё ҳамжамияти яна бир бор бу қадимий йўлларга эҳтиёж сезяпти.

Нима учун ЮНЕСКО халқаро ташкилоти “Ипак йўли” дастурини қабуллади?



Замондошлар ва тарихчиларнинг гувоҳликлари

629 йили будда зиёратчиси Сюань Цзян ва унинг йўлдошлари Ипак йўли орқали юриб, “Шаффоф Мовий кўл” (Иссиқ кўл)ни ўтиб, Суяб шаҳрига келишади ва турк ҳоқони билан учрашади. Сюань Цзян ҳоқон ва унинг сафдошларини шундай таърифлайди: “Бу ажнабийларнинг отлари гўзал эди. Ҳоқон яшил рангли ипакдан халат кийган; унинг боши фақат ипак белбоғ билан ўралган. Уни икки юздан ортиқ парчадан халат кийган, сочлари турмакланган тарханлар кузатарди. От ва туяларда кетаётганлар шунчалик кўп эдики, кўз билан илғаш мушкул эди”.

Уларга илтифот кўрсатган ҳоқоннинг қабулини тасвирлар экан, Сюань Цзян бир неча бор турк зодагонларининг шойи кийимлари ҳашаматли эканини қайд этади, шунингдек, “қизил рангли сатин ва элликта шойи парчасидан кийим-кечак мажмуасини ” совғага олганини хабар қилади.

1. Сюань Цзян ҳоқон ва унинг атрофидагиларни тасвирлаб нимани кўрсатмоқчи бўлди?
2. Сюань Цзян шойини бир неча мартаба эслатади, нима учун?



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Хитойдан Жетисув ва Қозоғистон жануби орқали ўтган Буюк Ипак йўлида жонланиш _____ даврида кузатилади.

“ҚОЗОҒИСТОН ҲУДУДИДАГИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ” тўртинчи бўлими бўйича такрорлаш умумлаштириш дарси

Мазкур мавзуларнинг бири бўйича эссе ёки реферат тайёрланг:

1. ЮНЕСКОнинг “Ипак йўли” дастури.
2. Буюк Ипак йўлида савдо маданияти.

“Ипак йўлидаги карвонсарой”ларнинг аҳамияти.

Дарслик маълумотлари ва қўшимча материаллар фойдаланилади.

Ўқувчилар турли давлатлардан келган, карвонсаройда, масалан, Ўтрорда учрашган савдогарларни ва зиёратчиларни кўрсатишади. Улар маҳаллий аҳоли билан ўз мамлакатлари, савдо-сотик, маҳсулотлар ва бошқа мавзуларда суҳбатлашишади.

Ўйин давомида маълум бўлади: карвон савдосининг аҳамияти, нима учун транзит учун турк бўлаги муҳим эди, савдо ва пулларнинг роли, бошқа халқлар маданияти ҳақида қимматли ва қизиқарли маълумотлар ва ҳ.к.

18-§. ШАҲАРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (X–XIII асрлар боши)

Мазкур мавзуни ўрганиб, билиб оласиз:

- X–XIII асрлар бошида шаҳарсозликнинг хусусиятлари;
- шаҳар, деҳқончилик округи ва кўчманчи даштнинг ўзаро таъсири йўналиши ва характери;
- ўрта аср шаҳрининг тузилиши ҳамда унинг вазифаси билан қандай боғланишини.

Эсга олинг: Нима учун шаҳарлар пайдо бўлди ва уларнинг роли қандай эди?

Шаҳарсозликнинг хусусиятлари. X–XIII асрлар боши – иқтисод, маданият гуллаб-яшнаган, шаҳар ҳаёти ривожланган давр. Бу даврда шимолий-шарқий Жетисузда, Иртиш бўйи ва Марказий Қозоғистон туманларида шаҳар маданиятининг янги туманлари вужудга келди. Умуман олганда бу давр кўчманчи ва шаҳар цивилизациясининг ўзаро яқин алоқаси вақти бўлди.

X–XIII аср бошида шаҳар маданияти ривожланишида сифат ўзгариши кузатилди. Бунда янги дин – ислом муҳим роль ўйнади. Мусулмон дини биринчи навбатда шаҳар аҳолиси орасида тарқалди.

Жанубий Қозоғистон ва Жетисузда шаҳарларнинг ўсиши Осиёнинг бошқа ҳудудларига қараганда кўчманчиларнинг ўтроқлашуви ҳисобига жадаллик билан борди. Бу ҳақида араб ва форс манбалари гувоҳлик беради. Бу даврдаги ўтроқлашувга, шаҳар ҳаётига ўтиш жараёни Ю.Болосоғуннинг “Қутадғу билиг” асарида ёзилган бўлиб, у деҳқонлар, хунармандлар, савдогарларни мақтайди.

X–XII асрларда Қозоғистон ҳудудида шаҳарларнинг тез ўсиши нима учун рўй берганини тушунтиринг. Янги шаҳарлар қаерда ва нима учун пайдо бўлди?

X–XII асрларда шаҳар аҳолиси VIII–IX асрлардагига қараганда кўчманчиларнинг оммавий тарзда ўтроқлашуви ҳисобига 20–30 баравар кўпайди. Кўчманчиларнинг оммавий ўтроқлашуви Қозоғистон шаҳар маданиятининг хусусияти ҳисобланади. X–XII асрларда йирикроқ шаҳарларда кўп минглик аҳоли яшаган: Исфижобда – 40 минг, Ўтрорда – 16 минг, Тарозда – 10 минг. Бу даврда шаҳарлар ва унинг аҳолиси сони нафақат ўсди, балки уларнинг ҳудудий кенгайиши ҳам рўй берди.



Қадимий Ўтрор.

Шаҳарларнинг ҳудудий ўсиши работлар – шаҳар чеккаси ҳисобига рўй берди. Шаҳар ҳаётининг тараққиёти хўжалик ва феодал муносабатлар ривожига билан тушунтирилади.

Шаҳарлар ва кентларнинг ривожланиши. X–XIII асрлар бошида Кедер, Ясси, Саврон, Сиғноқ, Женд, Барчкент ва бошқа шаҳарлар пайдо бўлди. Уларнинг баъзилари кичикроқ кент тарзида илгари ҳам бўлган, бироқ X–XIII асрлар бошида улар йирик шаҳар марказларига айланди.

Фақат Иле водийсида ўтган вақтдаги 10 шаҳардан ташқари X–XII асрларда яна 56 шаҳар пайдо бўлди. Шу ва Талас водийларида, Сирдарёда ўнлаб шаҳар манзиллари ташкил топди. Бир вақтнинг ўзида “эски” шаҳарларнинг ҳудудлари работлар ҳисобидан кенгайди. Работларнинг кўпайиши деворларнинг иккинчи доирасини қуриш заруратини туғдирди. Талғар шаҳри деворлари чегарасидан чиқиб, 28 гектар майдонни эгаллади (илгари 9 га бўлган).

Исфижоб ва Ўтрор Қозоғистоннинг жанубидаги йирик шаҳарлардан бўлиб қолаверди. “Исфижоб – катта шаҳарнинг номи... У Оллоҳнинг энг гуллаган ва гўзал диёрларидан бири, ерлари унумдор, дов-дарахтларга бурканган, оқар сувлари ва ажойиб боғ-роғлари бор...”, деб шаҳар ҳақида ўрта

аср муаллифларидан бири ёзган. Исфижоб харобалари Шимкент яқинида жойлашган.

Шаҳарларнинг ҳудудий ўсиши ва аҳолиси сони кўпайишига ёрдам берган сабабларни сананг. Кўчманчиларнинг ўтроқлашуви Қозоғистон шаҳар маданияти ривожига қандай таъсир қилди?

X–XIII асрларда Ўтрорнинг ҳудудий жиҳатдан ўсган даври бўлди. Ўтрор оазиси тўғрисида X аср манбаларида: “Фороб – бой округ, унинг бош шаҳри Кедер деб аталади. Бу – савдогарлар учрашадиган жойдир”, деб айтилган. Маданият ва фаннинг маркази сифатида Ўтрор кўпгина мадрасалар ва жуда бой кутубхонаси билан машҳур бўлган.

X–XIII асрлардаги энг йирик шаҳарларни айтинг ва харитадан кўрсатинг.

VII–IX асрларга қараганда Ўтрорнинг майдони бир неча баробар кенгайди ва 200 гектарни эгаллади. Деворлар билан нафақат марказий қисми, балки работлари ҳам ўралган эди. Шаҳарда водопровод тортилган, работ ҳудудида жамоат ҳаммомлари бўлган.

Шаҳарлардаги ерлар хусусий қўлларда эди, одатда, даромад келтирадиган бинолар (савдо расталари, карвон саройлар, ҳаммомлар) қурилишида фойдаланилган. Даромадли муассасалар катта фойда келтирган, шунинг учун феодаллар, жумладан, кўчманчи зодагонлар шаҳардаги ер участкаларига соҳиблик қилишган.

X–XIII асрлар бошида шимолий-шарқий Жетисузда шаҳар маданиятининг янги тумани шаклланди. Ўрта аср манбалари Икки Ўғуз ва Қўялиқ шаҳарларини тилга олади.

X–XI аср бошида Марказий Қозоғистонда, Иртиш водийсида ўтроқ ва шаҳар ҳаёти тарқала бошлади. Ёзма манбалар ўша даврда қимақларга тегишли бўлган Олакўл ва Иртиш бўйида ўнлаган шаҳарлар жойлашгани тўғрисида хабар беради. Женд, Сиғноқ ва Барчкент шаҳарлари XI–XIII аср бошида қипчоқларга тегишли бўлди.

Шаҳар-қароргоҳлар Ғарбий Қозоғистонда, Урал водийсида ҳам пайдо бўлди. Шаҳарлардаги қазилмалар ўтган даврлар билан таққослаганда қурилишлардаги рўй берган ўзгаришлар ҳақида тасаввур беради. XI–XIII асрларга шаҳарни квартал тарзида қуриш характерлидир. Бу даврдаги кварталларнинг қолдиқлари 8дан 10 тагача уйларни қамрайди. Қурилишларнинг квартал тарзида юритилиши феодал шаҳарларининг қариндошлик ришталари ёки умумий касб, дин билан ўзига хос тарзда одамларнинг гуруҳ бўлиб жамланиши билан характерланади.



Қадимий Туркистон.

X–XIII асрлардаги Жетисуздаги шаҳар уй-жойлари Талхиз шаҳрининг қазилмаларидан аён. Шаҳарнинг қазилмалари бу шаҳарнинг ҳам квартал тарзида қурилганини кўрсатди. Ҳовлилар деворлар билан ўралган. Уларда мол ва йилқилар учун қўралар бор. Баъзи хонадонлар ҳовлисида ўтовлар деталлари топилган. Бу деталлар Жетисуз шаҳри турғунларининг маиший турмушида ўтиш даври учун характерли бўлган кўчманчилар ҳаёти анъаналари сақланганидан гувоҳлик беради. Шаҳарлар ва шаҳар маданиятининг ривожланиши мўғуллар истилоси натижасида барбод бўлади. Европадан Осиёга денгиз йўлининг очилиши билан Буюк Ипак йўли ҳалокатга учрайди. Ипак йўли эҳтиёжлари билан кун кечирган, карвонлар савдосига қарам бўлган шаҳарлар йўқолади. Ўтроқ-деҳқончилик анъаналари чуқур бўлган шаҳарларгина яшаб қолади.



Европадан Осиёга қадар денгиз йўлининг очилиши билан ўрта аср Қозоғистон ҳудудидаги шаҳарлар нима учун ҳалокатга учради?



1. Очiq шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. X–XIII асрлар бошида шаҳар маданиятининг ривожидан янги _____ дини муҳим роль ўйнай бошлади.
- 1.2. X–XIII асрларда шаҳар қурилишининг янги унсури _____ бўлди.
- 1.3. Уй-жойнинг моллар учун қўралар билан мутаносиблашуви, ўтовларнинг бўлиши шимолий-шарқий Жетисув шаҳарлари турғунларида _____ хўжалиги анъаналари сақланганидан гувоҳлик беради.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.2. Қозоғистон жанубида ва Жетисувда шаҳарларнинг ўсиши _____ ҳисобига жадаллик билан борди
 - А) кўчманчиларнинг ўтроқлашуви
 - В) табиий кўпайиш
 - С) бошқа давлатлардан кўчиб келиш
 - Д) араб истилоси
 - Е) мўғуллар босқини
- 2.2. Шимолий-шарқий Жетисув, Иртиш бўйи ва Марказий Қозоғистон туманларида янги шаҳар тумани пайдо бўлди
 - А) XIV–XVI асрлар боши
 - В) X–XIII асрлар боши
 - С) XII–XIV асрлар боши
 - Д) XIV–XV асрлар боши
 - Е) XIII–XIV асрлар боши
- 2.3. X–XI асрлар бошида Олакўл ва Иртиш бўйидаги шаҳарлар тегишли эди
 - А) қарлуқларга
 - В) тургешларга
 - С) найманларга
 - Д) қорахонийларга
 - Е) қимақларга
- 2.4. Женд, Сигноқ, Барчкент шаҳарлари X–XIII асрларда тегишли эди
 - А) қипчоқларга
 - В) тургешларга
 - С) найманларга
 - Д) қорахонийларга
 - Е) қарлуқларга

Мазкур мавзунни тадқиқ қилиб, сиз:

- ўрта асрларда Қозоғистонда савдо ва деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятларига тасниф бера оласиз;
- шаҳар, деҳқончилик округлари ва кўчманчи даштнинг ўзаро алоқаси аҳамиятини баҳолай оласиз.


Савдо-сотик. X – XIII асрлар бошида халқаро савдодан ташқари шаҳар ва кўчманчи қабилалар, шаҳар ва ён-атрофлари орасида савдо ривожланади. Бу ҳақида топилган халқаро ва ички савдода қўлланилган тангалар гувоҳлик беради.

Ўрта аср муаллифларининг ва археологик қазилмалар исбот этишича, Буюк Ипак йўлидаги халқаро савдо X – XIII асрлар бошида жуда тараққий этган. Исфижоб, Кедер, Ўтрор, Навокент, Тараз, Болосоғун йирик савдо марказлари бўлишди. Уларга шимолий-шарқий Семиречьенинг Кўялик, ики Ўғуз шаҳарлари қўшилишди.


Араблар ва турклар чегарасида асосий позицияни Тараз шаҳри эгаллади. Шаҳар манбаларида ёзилишича, “муслмонлар ва туркларнинг савдо ўрни” сифатида чегарадаги энг муҳим савдо маркази бўлди. Тараз орқали



Ўрта асрдаги Исфижоб шаҳри.



Сопол идиш
(Тароз).



Суратли сопол идиш
(Талғар).



Марварид қадалган
сопол кўза
(Ўтрор).

Талас дарёсининг юқорисидан қазиб олинган кумуш чиқарилди. Шаҳарда олиб борилган қазилма ишлари натижасида:бу жойда танга устахонаси бўлганини аниқловчи буюмлар- кўплаб тангалар топилган.

Исфижобда Улуғ Даланинг барча мамлакатларига олиб борувчи савдо ва ҳарбий йўналишлар кесишганди. Шаҳарда *тим* деб номланувчи, катта газламалар билан савдо қилишга мослашган махсус хонали карвонсаройлар мавжуд эди.

X – XIII асрларда Исфижоб ва Таразнинг бойлиги халқаро савдо йўлагидаги стратегик шароити ҳамда ички бозордаги ҳукмрон роли билан ҳам белгиланди.

X асрда Сирдарёнинг қуйи қисмида ўғузларнинг пойтахти Янгикент шаҳри йирик савдо маркази бўлади.

Шаҳарлар ва Дала орасидаги савдо жонли олиб борилди. Воҳа ва шаҳарлар аҳолиси йилқи, қорамол, жун, тери, ипак, мўйна харид қилишар, кўчманчилар буларнинг эвазига газлама, нон, идиш-товоқ олишарди. Савдо икки тарафга ҳам фойда келтириб, бу ўринда салжуқийлардан бири битган ҳужжат эътиборни жалб қилади: “Улар (кўчманчилар)нинг даромад берувчи товарлари ва буюмлари ўтроқ одамларнинг фаровонлиги, тўқчилиги ва фойдаси ўсишининг сабабидир”.

Бу даврда шаҳар ва унинг атрофлари орасида савдо кенг ёйилади. Шаҳарга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, асосан, буғдой ва мевалар келтирилди. Дехқонлар шаҳарлик ҳунармандлардан: сопол, ойна, заргар буюмлари, газламалар харид қилишарди. Ярмаркалар кўринишини олган савдо айниқса, кўчманчилар дунёси билан чегарадош шаҳарларда самарали тарзда юритилди.

Матн асосида ҳунармандлар, дехқонлар ва кўчманчиларнинг ўзаро муносабатида Қозоғистон ҳудудида минтақанинг ўзига хос иқтисодий бирлиги қарор топиб, қиёсий барқарорликка эришилганини исботланг.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши. X – XIII асрлар бошла-рида товар-пул муносабатлари ўсиб, товар айирбошлаш сиқиб чиқарилади. Қозоғистоннинг йирик шаҳарларида зарбхоналар ишлади. Софлиги юқори кумуш тангалар кенг муомалада бўлди. Кумуш тангаларни зарблаш IX аср охиригача давом этди. XI – XII асрлар сўнггидан дирҳамларни устига кумуш суви юритилган мисдан зарблашди. Унга кумуш захираларининг камайиши, “кумуш таназзули” сабаб бўлди.

Қозоғистон аҳолиси муомаласида, шунингдек, халқаро савдо ва одатда, бойлик тўплаш воситаси бўлиб хизмат этган олтин динарлар ҳам бўлди. Олтин динарлар кўпгина зарбхоналарда ишлаб чиқарилди, уларнинг софлиги ва салмоғи бир-биридан фарқланди. Улар Шарқий Европа, Прибалтика ва Скандинавия мамлакатларининг ўрта аср ёдгорликларини қазиб чиқиш чоғида кўп учрайди.

Зарбхоналарда муомала ва тўловнинг энг оммавий воситаси, ички бозорда майда чакана савдода қўлланилган – мис фельслар зарбланган.



Тангалар зарбланган металлларнинг кўп бўлгани сабабини тушунтиринг.
XI аср сўнггидаги “кумуш таназзули” оқибатларини тушунтиринг.
Қандай тангалар халқаро савдо, шунингдек, бойлик тўплаш
воситаси сифатида хизмат этган?

Дехқончилик. Кўчманчи аҳолининг ўтроқлашуви шаҳар ҳаётининг ривожигагина эмас, балки дехқончилик ривожига ҳам таъсир кўрсатди. Шаҳар аҳолисининг ўсиши сотиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришни тақозо қилди.

Сунъий суғориш тизими такомиллашди. X – XII асрларда шаҳар атрофларини сув билан таъминлаган магистрал каналлар қурилди. 20-30 км узунликдаги каналлар қолдиқлари топилган. Ўтрор оазисида жуда мураккаб суғориш тизими бўлган. Унга магистрал каналлар, сув тақсимлагичлар, сув омборлари, сопол қувурлар, чиғириқлар – сувни юқорига чиқариш воситалари бўлган.

Илгаригидек, боғдорчилик, узумчилик, полизчилик, далачилик, уй чорваси шаҳарликларнинг хўжалигида муҳим рол ўйнаган.

X – XII асрларда Марказий Қозоғистонда дехқончилик маданиятининг гуллаган палласи бўлди. Оазислар бу минтақанинг кўплаган дарёлари ҳавзаларида мавжуд бўлиб, суғориш тизимлари топилган.

X – XIII асрлар бошида шаҳарнинг ҳунармандчилик, савдо ва қишлоқ хўжалиги маркази сифатидаги аҳамияти ортди.

Қайси минтақаларда деҳқончилик ривожланди? Нима учун?

Деҳқончилик ҳунармандчилик билан, деҳқончилик округлари шаҳарлар билан қандай боғланган?

* 1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Маданий-сиёсий ва савдо маркази, кўп мадрасалари ва кутубхоналари билан машҳур бу шаҳар _____.
- 1.2. Исфижобда ёпиқ расталар бўлган, катта карвон саройларнинг газлама-лар билан савдо қилиш учун мос бинолари бўлган ва улар _____ деб аталган.
- 1.3. Энг оммавий муомала ва тўлов воситаси, ички бозорда қўлланилган ва чакана савдо соҳасига хизмат кўрсатган _____лар _____дан зар-бланган.

20-§.

ШАҲАР ОБОДОНЧИЛИГИ ВА МЕЪМОРЛИК (X–XIII асрлар боши)

Мазкур мавзунни тадқиқ қилиб, сиз:

- ўрганилаётган даврда меъморлик ва ободонлаштириш ривожига таъсир қилган сабабларни очасиз;
- терракота, меъморий декор, мақбара. Минора тушунчалари билан танишасиз;
- ўрта асрда Қозоғистон ва Европа шаҳарларидаги умумийликни ва фарқни топасиз.



Ўрта аср сопол сув қувури қолдиқлари.

Шаҳар ободончилиги. X – XIII асрлардаги Қозоғистон шаҳарлари ўша давр учун юқори даражада ободонлашуви билан фарқланган. Уйлар канализация ва иситиш тизимларига эга бўлган. Йирик шаҳарлар учун водопроводлар оддий ҳол эди. Улар учун сопол қувурлар ётқизиладиган ер ости туннеллар қуришган. Шундай туннеллар қолдиқлари Ўтрорда топилган, унинг ичида сув омборидан бошланган икки қатор сопол қувурлар сақланган.

Таразда XI – XII асрлар қатламида сув қувурлари топилган. Сопол қувурлар бу жойда махсус тошдан ва ...ли “ёстиқ”ларга тахланган ва устидан тош плиталар ётқизилган. Сув қувурлари тармоқлари шаҳар марказига қараб сувни уйларга босим билан беришни таъминлаш учун қиялаб тортилган.

Сув қузури тармоғидан юқорида сувни ўз ҳолича беришни таъминловчи сув босими омбори топилган.

Қаратовнинг шимолий қисмидаги қазиш ишлари Бобо Отада шаҳарликлар водопровод қўллашганини кўрсатди. Улар атрофи тош билан ўралган қудуқда тўпланадиган булоқлардан фойдаланишган, сув қувурлар орқали рабoт ҳудудига чиқарилган.

Хонадонларда *тарнов* деб аталган оддий канализация воситалари ўрнатилган.

IX – XIII асрлар бошида шаҳар қурилишида хонадонларда жуда машҳур, меъморлик ёдгорлиги ҳисобланадиган ҳаммомлар кенг тарқалган. Ҳар бир шаҳарда жамоат ҳаммомлари бўлган.



Исломнинг тарқалиши, тиббий билимлар, савдо-сотиқнинг ривожини, аҳолининг ўсиши меъморлик ва шаҳар ободончилиги тараққиётига таъсир этганини исботланг.

Археологлар ҳаммом қурилишида шаҳарликларнинг юксак маданиятини таъкидлашади. Масалан, Тараздаги ҳаммомнинг умумий майдони 152 кв.м. бўлган. У ечиниш бўлмалари, ванналар ва бассейнлари бор чўмилиш заллари, нақш туширилган пар хоналарига эга эди. Қадимги шифокорларнинг ҳаммомлар деворини нозик дид билан безаш зарурат, деб қараганлари



Бобожи хотин мақбараси.



Айша биби мақбараси.

ва улар томоша қилган инсон ҳаётий қучларининг мустаҳкамлашувига ёрдам беришини X аср манбаси таъкидлайди.

Ибн Сино (X – XI аа.) ҳам яхши ҳаммомда “барқарор ҳарорат, ёруғ нур, гўзал суратлар ишланган кенг даҳлиз” бўлиши керак, деб таъкидлаган.

Археологлар томонидан ҳаммомлар Тараз, Ўтрор, Болосоғунда ҳам топилган. Ўтрор ҳаммоми XI асрда кенг тарқалган ва Шарқда бизнинг кунларгача сақланган хоч шаклидаги режаси билан характерланади.

Ҳаммомлар пол остидан иссиқлик ўтказувчи қувурлар билан иситилган. Сув қудуқдан олинган ёки шу даврда шаҳар ободончилигининг кенг тарқалган шакли – водопровод орқали етказилган.



Нима учун ўрта аср усталари ҳаммомларни безашга катта аҳамият беришган?
Ибн Сино бўйича ҳаммомлар қандай бўлиши керак?

Меъморлик. Мақбаралар. X – XII асрларда қурилиш материали сифатида куйдирилган ғишт, ёғоч, гипс, алебастрлар кенг тарқалган. Деворга ишлов беришда нақшли терракота ва гулли ғиштлар кенг қўлланилган. Қазилмалардан топилган қоплама ғиштларнинг 30 тагача тури бор эди.



Қорахон мақбараси.



Алаша хон мақбараси.

XI – XII асрларда уй-жойнинг янги типи пайдо бўлади. Уларга яшаш жойи ва хўжалик хоналарининг ҳовли атрофида гуруҳлашиб марказлашган режаси характерлидир. Бундай режалаш оддий одамларга ҳам, зодагонлар уйлари учун ҳам хосдир.

Янги типдаги уйлар – ўсимлик ва геометрик нақшлар билан безатилган айланма ва тўғри бурчакли манқал-сандааллар пайдо бўлади.

X – XIII асрлар бошида шаҳарлар қурилишида янги унсур – шахристон чегарасида бунёд этиладиган масжид (эҳромлар) ва мадрасалар (диний мактаб-семинарийлар) пайдо бўлди. Мадрасалар меъморий қиёфасининг масжидлардан фарқи, ҳовли галереясининг семинаристлар яшайдиган кичик хоналарга бўлиниши эди. Эрта қурилган масжидлар археологлар томонидан Кедер ва Култеша шаҳарларида қазилди. Эрта қурилган масжидлар камтарона бўлиши билан ажралади. Уларнинг декорида шакл берилган куйдирилган ғиштлар ишлатилган.



X – XIII асрлар бошида Қозоғистон ҳудудидаги шаҳар маданияти даражасига баҳо беринг. Ўрта аср меъморлари қандай қурилиш материалларидан фойдаланишган?

Тараз атрофидаги ибодат ёдгорликлари меъморчиликнинг ривожланганига гувоҳлик беради. Уларнинг дастлабкиси X – XI асрларда қурилган Бобожи хотун мақбарасидир. Мақбара куйдирилган ғиштдан, куб шаклида барпо этилган. Бино деярли манзарали безакларсиз, қатъий композиция бинога виқор бағишлайди.

Айша биби мақбараси ҳам (XI – XII аа.) меъморлик ёдгорлиги ҳисобланади. Мақбара гумбазли қопламали ва квадрат шаклда ишланган иншоотдир. Деворлар ва устунларнинг сирти ўсимлик ва геометрик характердаги ўйма нақшли терракотали плиткалар билан қопланган,

Қорахонийлар меъморлиги ёдгорлигига Тараз шаҳридаги портал-гумбазли Қорахон мақбараси ҳам тегишли.

Сирдарё қуёи қисмидаги Сирлитом мақбараси ҳам XI – XII асрларга тааллуқли. Терракотали нақшлар билан безатилган баланд порталли гумбазли мақбара яхши сақланган. Кириш қисмига арка ишланган, деворларда нишлар бор, сувоққа ўйма безак туширилган.



X – XI асрлар бошидаги меъморий ёдгорликларнинг характерли белгиларини аниқланг.

X – XII асрларда ёдгорликларнинг меъморий шакли ва декоратив безалишини шимолий туркистонлик меъморлик мактабига киритишади. Унга дашт санъати анъаналари билан яқин алоқалиги хосдир. Бу анъаналар асрлар давомида қозоқ халқи санъатида сақланмоқда.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Шимолий туркистонлик меъморлик мактабига _____ санъати анъаналари билан яқин алоқа характерлидир.
- 1.2. XI – XII аср бошларида _____ режалар характерли бўлган янги типдаги яшаш жойлари пайдо бўлди
- 1.3. XI – XII асрларга Сирдарё қуйи қисмидаги Сирлитом мақбараси киради.



Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Эрта қурилган масжидлар археологлар томонидан шаҳарларда топилган
 - А) Кедер ва Култепа
 - Б) Исфижоб ва Янгикент
 - С) Сайрам ва Туркистон
 - Д) Сиёб ва Тароз
 - Е) Фароб ва Олмалиқ
- 2.2. Бобожи хотун мақбараси шаҳар атрофида қурилган
 - А) Сайрам
 - Б) Исфижоб
 - С) Тароз
 - Д) Сиёб
 - Е) Туркистон
- 2.3. Асрга тааллуқли Айша биби мақбараси меъморлик ёдгорлиги ҳисобланади
 - А) VIII – IX
 - Б) IX – XII
 - С) IX – X
 - Д) VII – VIII
 - Е) VI – VII
- 2.4. Шаҳридаги Қорахон мақбараси қорахонийлар меъморлик ёдгорлигига киради
 - А) Сиёб
 - Б) Исфижоб
 - С) Сайрам
 - Д) Тароз
 - Е) Туркистон

Мазкур мавзуни тадқиқ қилиб, сиз:

- ўрганилаётган даврда ҳунар ва санъат ривожига сабаб бўлган омиллар, уларнинг характерли хусусиятлари ва белгиларини аниқлайсиз;
- сирланган идишлар, зооморф нақшлар каби янги тушунчалар билан танишасиз;
- ҳунармандларнинг ихтисослашувига ҳаёт тарзи ва ҳўжалик типининг таъсирини биласиз.

Ранг-баранг услуб, қадама нақш, ўйма нақш, сирланган сопол нималигини эсланг.

X – XIII асрларда ҳунармандчилик ривожининг хусусиятлари. Шаҳарлар сонининг ўсиши, шаҳар аҳолиси миқдорининг кўпайиши ҳунармандчилик ривожига кўринди. X – XII асрларда ҳунармандчилик устахоналари сони ортди. Айирбошлаш ва савдо ролининг ўсишига келтирган цех ташкилотлари шаклланиши кўзга ташланди.



“Ҳунармандлар”. Рассом *Б.Аканаев*.

Қозоғистон ҳудудида мусулмон тасвирий санъатининг шаклланиши Х асрга тааллуқлидир. У ёзувнинг нақшга ўзгариши билан характерланади. Бундан услубнинг вужудга келиши ислом динини қабуллаган турк сулоларининг гуллаши даврида содир бўлди. Араб ёзувининг нақшли имкони-ятларидан фойдаланилган сопол топилган. Ёзувларининг бир қисми фақат нақш характерида, бироқ айримларида турли эзгу тилаклар, насихатлар қайд этил.

Мусулмон тасвирий санъати нимаси билан характерланади, унинг ўзгачалиги нимада? □

Бадий ҳунармандчилик. Ўрта асрлар заргарлик ҳунарининг энг ривожланган палласи бўлди. Заргарлик ишининг характерли хусусияти *ранг-баранг услуб* анъанасининг давом этиши эди.

Ранг-баранг услубда Даштда катта эҳтиёжга эга бўлган **тўқималар, нишонлар, узангилар учун қоламалар**, белбоғлар, зираклар ва бошқа тақинчоқлар тайёрланарди. Семиречье кумуш буюмлар ишлаб чиқариш билан шуҳрат қозонган.

Олтин конлари хоннинг мулки ҳисобланар ва ажнабийлардан эҳтиёт сақланарди – бу ердан, ҳатто карвонларни ўтказиш таъқиқ этилган.

Заргарлик санъати ривожини баҳолагн, унинг характерли хусусиятларини белгиланг. □


Ўрта аср даврида турли бадий ҳунарлар гуллаши қайд этилган. Айниқса, кулолларнинг муваффақиятлари ва ютуқлари ёрқин бўлди. Сурат чизилган ва ўйма нақш ишланган сирланган идишлар кенг тарқалади. Рангларни қўллаш эвазига рассом-сополчилар геометрик, ҳарфли, ўсимликка оид, зооморф нақшлар яратишди.

Қозоғистон шаҳарларида ойна буюмларни ишлаб чиқариш IX асрга оид, уларнинг оммавий тарқалиши эса X – XII асрларга тўғри келади. Буюмларнинг энг кўп тарқалган турлари графинлар, кўзалар, ко-салар, кубоклар, кружкалар, флаконлар эди. Айлана шаклидаги дераза ой-налар тайёрланарди. Қозоғистон шаҳарларида ойна буюмларининг оммавий топилиши X асрга тааллуқлидир.

Металлургия ва темирчилик Қозоғистонда қадимдан ҳунармандчилик ишлаб чиқаришда банд аҳолиси учун муҳим бўлган соҳаларни ташкил этарди. Темирчилик кенг тарқалган ҳунар эди, темирчилар, одатда, алоҳида мавзеларда жойлашишган.

Металларни қайта ишлаш билан боғлиқ ҳунарларни характерлаб беринг. □

Темир рудаси қазиб олинган жойда қайта ишланди, темирчиларга темир ишланма ҳолда келтирилди.



Оддий типдаги ўтов.



Зодагон ўтовининг ички кўриниши.

Мисдан буюмлар ишлаб чиқариш шаҳарларда ҳамма жойда тарқалган эди. Ҳунармандлар орасида мисгарлар сон жиҳатидан кўпчиликти ташкил қилишди. Мисгарлар товоқ-қошиқ, **шамдон**, тақинчоқлар тайёрлашди. Айни пайтда улар заргарларлик ҳам қилишди. Халқ ҳунармандларининг юқори дидига гувоҳлик берувчи бронза шамдонлар бетакрор гўзаллиги билан ажралиб турган.



Шаҳарларнинг ўсиши ва уларнинг ободонлиги, ислом ва араб ёзувининг тарқалиши, савдонинг ривожини, аҳолининг ўсиши ҳунармандчилик ва санъатнинг ривожланишига ёрдам берганини далилланг.

Кўчманчиларнинг моддий маданият ёдгорликлари. Кўчманчилар ҳунармандчилигининг етакчи соҳалари орасида тери ва жунга ишлов бериш, ўтов тайёрлаш, темирчилик, аравасозлик, металлургия, ёғоч ва суякни қайта ишлаш, заргарликни аташ мумкин.

Ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг қадимий соҳаларидан бири – тери ва жунни қайта ишлаш. Одатда, ҳар бир кўчманчи керакли ҳамма буюмларни ўзи тайёрлаши мумкин эди. Бироқ ҳар бир жамоада умумий ишга раҳбарлик этувчи усталар, масалан, чиғириқ игиришда, мавжуд эди. Даштликлар турли буюмлар, масалан, ўтов қопламасидан бошлаб, кийим-кечаккача тайёрлашган. Рубрукнинг гувоҳлик беришича, “қипчоқлар ўтовни оқ қоплама билан ёпишган, ёрқин ялтираши учун уни тез-тез оқ оҳак ва тупроқ, суяк кукуни билан суртишган, баъзан қора наMAT ҳам олишган.

Айни шу қипчоқлар узум шингиллари ва дарахтлар, қушлар ва ҳайвонлар чизишиб, рангли наMAT тикишган”. Наматдан этиклар ичига ўраладиган пайпоқ, қалпоқлар, отлар учун ёлламалар тикилган.

Ёғоч, тери, жун ва бошқаларни қайта ишлайдиган ҳунарларни характерланг.

Ўтовлар ва аравалар тайёрлаш учун керакли дарахтлар навлари мўл бўлган жойларда яшайдиган алоҳида ҳунармандлар гуруҳи мавжуд эди. Турли станокларни ишлатиб, ҳунармандлар аравалар, ўтовлар асосини тайёрлашар, уларни сотишар ёки маҳсулот ва молга айирбошлашарди. Одатда, буюртма бўйича ишлашган.

Кўчманчилар жамоасида ҳунарманд қулай кичик устахонасини олиб, овул билан бирга жой алмаштирган. Металлурглр ва темирчилар, одатда, кичик манзиллар тарзида ўтроқ яшашган, бироқ ўзлари келиб чиқишган жамоа аъзолари бўлиб қолишаверган.

Кўчманчилар орасида қайси ҳунарлар етакчи бўлган?

Кўчманчиларнинг археологик ёдгорликлари қабристонлар билан намоён бўлади. Жасадларни ёғоч колодаларга, тахтали тобутларга жойлашган. Бир қатор лаҳадлар кўмилган жойларда ош-овқат қолдиқлари (суяк ва буғдой), ипак газламалар парчаси, темир пичоқлар, ўриндиқлар топилган. Эркаклар кўмилган жойлардан қурол-аслаҳа: қилич, найзадон ва найзалар, ёйлар, қалқонлар, совутли матоҳлар топилган. Гўрларда отнинг қурол-жабдуғи: , тизгинлар, юганлар, эгарлар ҳам бор.

Топилмалар кўмилган жойлардаги ёзма манбалар билан биргаликда кўчманчи қабилаларнинг хўжалик, ҳунармандчилик, ҳаёт тарзи, диний қарашлари тўғрисида тушунча олишга ёрдам беради.

Кўчманчилар моддий маданияти хусусиятларини аниқланг.

Ҳунарларнинг умумий ривожини ҳақида хулоса чиқаринг: қандай ҳунарлар кўчманчилар орасида, қайсилари шаҳарликлар орасида тарқалган эди? Нима сабабдан? Схема ёки жадувал тузинг.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. XI – XII асрларда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва _____ ташкилотларнинг шаклланиши рўй берди;
- 1.2. Қозоғистон ҳудудида мусулмон тасвирий санъатининг шаклланиши _____ асрга тааллуқли.
- 1.3. Ўрта асрларда заргарлик ҳунари ривожланишининг алоҳида даври бўлган. Заргарлар _____ услуби анъаналари ривожини давом эттиришди.

Мазкур мавзуни ўрганганингизда сизга керак:

- туркларнинг маънавий маданияти ривожда исломнинг роли ва аҳамиятини тушуниш;
- миссионер, сўфизм каби янги тушунчалар билан танишиш;
- X–XII асрларнинг нима учун турк маданиятининг “олтин даври” деб аталишини билиш ва далиллаш.

Тургешларнинг араблар билан курашини, Атлах жангини ва нима учун 960 йилда Муса исломни Қорахонийларнинг давлат дини деб эълон қилганини эсланг.

Қозоғистон ҳудудида Ислom динининг тарихи. Ислom – жаҳондаги энг йирик динлардан бири ҳисобланади. У тарих ва маданиятида катта роль ўйнаган ва ўйнайди ҳам. Ислomда, бошқа жаҳон динлари каби, ўзга диндагиларга таъсирини тарқатишга интилиш бор.

VIII–XI асрларда араблар Жанубий Қозоғистон ва Семиречье ҳудудига юришлар қилишган. Бу давр тарихий воқеалар – арабларга қарши характердаги қўзғолон ва кўтарилишларга тўла бўлди. Шулардан энг кучлиси Семиречьеда турклар томонидан қўллов топган Муқанна ҳаракатидир.

Жаҳондаги барча динларда ўзга диндагиларга таъсирини тарқатишга интилиш бор. Бунинг сабабини тушунтиринг.

VIII аср бошида араблар кейинроқ мусулмон маданияти фаол равишда тарқалган Мовороннаҳр шаҳрини босиб олишди. 751 йили турклар ва арабларнинг Атлах жангида Хитой қўшинлари устидан эришган ғалабаси турклар орасида ислом маданиятининг тарқалишига ёрдам берди.

Нима учун Атлах жангида Хитой қўшинлари устидан эришган ғалабаси турклар орасида ислом маданиятининг тарқалишига ёрдам берганини тушунтиринг.

Ислomлаштириш жараёни секин борарди ва у ўзига хос жиҳатларга эга эди. Ҳарбий хатти-ҳаракатлар исломнинг тинч тарқалиши билан алмаштирилганда янги динни қабуллаш жараёни тезлашди. Турклар дастлабки халқлар орасида биринчилардан бўлиб, уларга нисбатан “Мусулмонлар қурол-аслаҳани тарғиб этишни рад этиб, ишонч томонидан ютуққа эришгандилар”.

Қорахонийлар ҳукмдори Муса 960 йили илк бор исломни давлат дини, деб эълон қилди. Қорахонийларнинг сиёсий ва ҳарбий ютуқлари Марказий Осиёда ислом динининг тарқалишига ёрдам берди.

X – XII асрдаги ўрта аср шаҳарларида масжид ва мадрасаларни фаол қуриш бошланди. Бу даврда исломнинг кенг тарқалганини маиший буюмлар топилмалари ҳам тасдиқлайди. Масалан, арабча ёзув туширилган бронза кўзгуга “Оллоҳга ишонган хавфсиз бўлади” деб ёзилган.

Ислом туркларнинг асосий динига айланди, бироқ ўзига хос жиҳатларига эга эди. Туркларнинг қадимги дини (тангричилик) исломнинг маҳаллий шаклига таъсир қилди ва уни ҳозир ҳам кўриш мумкин. Турк исломи моҳиятига кўра, тангричилик ва исломнинг *синтези*(бирикиши)дир.

Турклар исломни, Ш.Валиханов таъкидлаганидек, икки дин шаклида қабуллашди. Туркий халқлар янги – ислом динига тангричилик хусусиятларини мослаштиришди. Шу синтез оқибатлари қозоқларда ҳозирги кунгача сезилади. Қипчоқлар тарқалган шимолий ҳудудларга ислом бирмунча кейинги даврда кирди.

Нима учун араблар туркийлар орасида исломни тарқатиш ишида “қуролдан воз кечиб, ишонтириш орқали муваффақиятга эришдилар?”

Исломнинг таъсири. XI – XII асрлар туркий маданияти учун чин маънода “олтин давр” давр бўлди. Араб халифалиги таъсирида ҳаётнинг ҳамма соҳалари араблаштириш ва исломлаштиришга учради. Мусулмонларнинг муқаддас китоби сифатида қуръон араб тилининг ислом оламида ягона давлатлараро тил сифатида ташкил топишига олиб келди.

Ислом маданияти, фани, санъати, меъморчилиги, адабиёти, айниқса, X аср ўрталарида ривожлана бошлади. Бу Қорахонийлар сулоласи бошчилигида туркийлар давлатининг шаклланиш даври эди.

Туркий ҳукмдорлари, манбаларнинг айтишича, билими билан ажралиб туришган, маънавий яратувчанликка алоҳида эътибор қаратишган. Улар иқтидорли ижодкор шахсларга ҳомийлик кўрсатиб, меценатлар ролида чиқишган ва яна форс, араб ва она тилида шеърлар ҳам ёзишган.

Мамлакатда иккитиллилик гуллаган, мусулмон маданияти таъсири салмоқли эди, бироқ туркийлар она тилини, дунёга ўзига хос қарашини сақлашди. Бунда туркийзабон адабиёт йирик намояндаларининг катта хизматлари бор.

Ал-Форобий, Ал-Берунийлар ўз асарларини араб тилида ёзишган бўлса, XI–XII асрларда йирик арбоблар Юсуф Болосоғуний, Махмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғонийлар асарларини турк тилида битишган.

Шу даврдаги турк давлатларида араб тили фан тили сифатида қўлланилди.

XI–XII асрларда турк маданияти ислом таъсирида ривожланди. Бу даврда мусулмон маданияти оламга маданият ва фан арбобларининг чинакам “юлдузли” номларини берди. Туркий Ал-Форобий, Беруний, Ю.Болосоғуний, М.Қошғарий, А.Югнакий, А.Яссавий, С.Боқирғонийлар “мусулмон ренессанси” ривожигагина эмас, жаҳон маданияти тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшдилар.



Нима учун X–XII асрлар туркий маданиятининг “олтин даври” деб номланади?

Хожа Аҳмад Яссавий (XII аср) – исломнинг турк йўналиши асосчиси, “Девони ҳикмат” (“Ҳикматлар тўплами”) китобининг муаллифи. Аҳмад Яссавийнинг шахс сифатида камол топиши ва фаолиятининг асосий даври Ясси (Туркистон) шаҳри билан боғланган.

Яссавий ислом мафкурасини турклар дунёқараши билан боғлади ва бу билан ислом тамаддунида туркийларнинг ҳиссасини белгилаб берди. Яссавий исломда билишнинг “туркий” йўли асосчиси ҳисобланади.



Х.А.Яссавий.

Яссавий таълимоти ислом ақидаларига қарши келмайдиган тангричилик унсурларини ўзига жамлади. Яссавийлик йўли анъанавий ислом йўли меъёрларидан фарқ қилиб, у ўзига қадимий туркийлар динини кўпроқ сингдирди.

Яссавий асарлари – барча туркий халқларнинг умумий маънавий хазинаси. Қипчоқ диалектида ёзилган бўлса-да, ҳануз барча туркийлар унинг “Ҳикматлар”ни таржимасиз ўқий олишади.

Туркий халқлар олдида Яссавий юксак ахлоқ ва баркамол инсон намунаси сифатида кўринади. Яссавий учун инсоннинг ахлоқий такомиллиги эришиши унинг билимга, билишга интилиши билан чамбарчас боғлиқ. Шогирдларига қарата “Ёрлиққа эга бўлмаган, Яратган томонидан қайтарилади”, деб мурожаат қилади.



Х.А.Яссавийнинг “Девони ҳикмат” китоби жилди.

Яссавий таълимотининг асосий ғояси нима? Нима учун уни Қозоғистонда ҳурматлашади? Қозоғистон ўрта аср тарихида у қандай ўрин тутади?

А.Яссавийнинг устози унга катта таъсир кўрсатган Арслонбоб эди. Хожа Аҳмад ёзади: “Арслонбобнинг сўзлари муқаддас, уларни тингланг, бу сўзларда иккиюзламачилик, ёлғон, ҳасад қораланади ва ахлоқий баркамолликка чақириқ янграйди”.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмон қадамжолари иерархиясида Арслонбоб юқори пиллапояни эгаллайди. Буни унинг ҳозирги кунда ҳам анъанавий зиёратгоҳ экани тасдиқлайди. Унга кўра, аввало, Арслонбоб зиёрат қилинади, сўнгра Хожа Аҳмад мақбарасига борилади: “Арслонбобда туна, Хожа Аҳмадда тила”, дейилади.

Ҳақим ота сифатида ҳам машҳур бўлган Сулаймон Боқирғоний Аҳмад Яссавийнинг шогирди бўлган. Бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон мадарасаларида унинг асарлари диншуносликдан дарслик сифатида бир неча юз йиллар мобайнида қўлланилган. Шоир инсонларни эзгулик ва ҳақиқатга чақирди.

Аҳмад Яссавийнинг шогирди С.Боқирғонийнинг хотирасини нима учун эълозлаймиз?

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмон қадамжолари иерархиясида Арслонбоб нима учун юқори пиллапояни эгаллайди? Буни нима тасдиқлайди? Арслонбоб ва Аҳмад Яссавий мақбараларига зиёрат қилиш тартиби қандай?



Савол ва топшириқлар.

1. Араб ҳалифалиги ҳукмронлиги ўрнатилиши билан ҳаётнинг ҳамма соҳалари араблаштириш ва исломлаштириш рўй берди. Бу нимада кўринди?
2. X–XII асргача даврлар нима учун исломлаштирилган мамлакатлар учун уларнинг маънавий ривожланишида муҳим босқич бўлди?



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Турклар орасида ислом маданиятининг тарқалишига турклар ва _____нинг Хитой қўшинлари устидан _____ йилдаги Атлах жанггида биргаликда эришган ғалабаси ёрдам берди.
- 1.2. Туркларнинг қадимий эътиқодлари исломнинг маҳаллий шаклларига таъсир кўрсатди, турк исломи _____ ва _____нинг синтези ҳисобланади.
- 1.3. Ижодий шахсларга ҳомийлик кўрсатишиб, турк ҳукмдорлари _____ролида чиқишган.
- 1.4. Ҳанузгача барча турклар Яссавийнинг “Девони ҳикмат”ини таржимасиз ўқий олишади, чунки у _____диалектида ёзилган.
- 1.5. Хожа Аҳмаднинг устози _____эди, шогирдлари эса _____лар бўлди.



Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Арабларнинг қўшинлари Жанубий Қозоғистон ва Жетисув ҳудудига ушбу асрларда юришлар қилишган
- А) IX – XII
 - В) VI – XII
 - С) IX – X
 - Д) VII – III
 - Е) VI – VII
- 2.2. Абу Носир ал-Форобий ва ал-Беруний ўз асарларини ёзган тил
- А) сўғд тили
 - В) қипчоқ тили
 - С) араб тили
 - Д) форс тили
 - Е) қозоқ тили
- 2.3. Ислом асослари ва тангричилик унсурлари жамланган таълимот яратди, “Девони ҳикмат” муаллифи
- А) Муҳаммад Ҳайдар
 - В) Юсуф Болосоғуний
 - С) Маҳмуд Қошғарий
 - Д) Аҳмад Яссавий
 - Е) Қодирали Жалоирий
- 2.4. Ушбу олим бўйича инсоннинг ахлоқий камоли унинг билишга интилишидан ажралмайди
- А) Сотуқ Бўғрохон
 - В) Аҳмад Яссавий
 - С) Маҳмуд Қошғарий
 - Д) Муҳаммад Ҳайдар
 - Е) Қодирали Жалоирий

23-24-§§.

IX – XIII АСР БОШИДА ФАН ВА АДАБИЁТ

Мазкур мавзуни ўрганиш мобайнида сиз:

- X–XIII аср бошида турк дунёсида маънавий маданият юксалишига таъсир этган асосий шароитларни кўриб чиқасиз;
- бу даврдаги турли алломаларининг умумий жиҳатлари ва фарқларини биласиз;
- X–XII асрлардаги турк олимлари кўтарган муаммоларни мушоҳада қилишга уриниб кўринг, уларнинг бугунги долзарблигини белгиланг.

IX–XIII аср бошларида Ўтрор, Исфижоб, Тароз, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар фан ва маданиятнинг марказларига айланди. Бу ерда буюк

олимлардан ал-Форобий, ал-Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Болосоғун, Аҳмад Югнакий, Яссавийлар яшаб ижод этдилар. Уларнинг барчасини келиб чиқиши бирлаштиради – турк ўртасидан чиқдилар.

Олимлар VI асрдан – XV асргача турк халқлари томонидан фан ва адабиётда яратилган нарсалар уларнинг умумий дурдоналари бўлиб ҳисобланади, деган бир фикрдалар.

Турклар ҳеч қачон ўзларининг қайси миллатга мансублигини аниқлашга интилмаганлар. Ю.Болосоғун ҳам, Алишер Навоий ҳам ўз асарларида бошқа миллат эмас, турк сифатида ёзишган. Ўша даврнинг бошқа буюк мутафаккирлари ҳам шундай йўл тутишган. Уларнинг барчаси ўзларини туркмиз, тилини эса, турк тили деб мағрур аташган.

VI асрдан – XV асргача турк халқлари томонидан фан ва адабиётда яратилган нарсалар уларнинг умумий дурдоналари бўлиб ҳисобланиши сабабини түшунтиринг.



Аль-Фараби.

Аль-Фараби. Турк олимлари орасида алоҳида ўринни ал-Форобий эгаллайди. Унинг асарлари ўрта аср фани асосини ташкил этди, унинг таъсирида Ибн Сино, Ўмар Ҳайём, Бэкон, Леонардо да Винчи ва бошқа мутафаккирларнинг дунёқараши шаклланди.

Абу Наср ал-Форобий 870 йили Фороб (Ўтрор) шаҳрида, буюк мутафаккирлар, шоирлар плеядасининг ватанида туғилди.

Астрономия, мантиқ, мусиқа назарияси, математика, социология, этика, тиббиёт, психология, фалсафа ва ҳуқуқ, бу – ал-Форобий ривожланиши билан шуғулланган фанларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати. У Арасту “Органони”нинг бутун мажмуасини жамлаб, тартибга солди, унинг барча асарларига изоҳлар ёзди.

Унинг хизматлари шу қадар катта эдики, унга “Муаллим ас сано” – “Иккинчи устоз” унвони берилганди. Шарқ Биринчи устоз сифатида Арастуни тан олган. Арасту ва бошқа юнон алломаларининг асарлари Шарқ мутафаккирлари туфайли сақлангани, шунингдек, инквизиция гулханларида ёниб кетмагани маълумдир.

Форобий жаҳон даражасидаги олим эди, у араб, форс, юнон, ҳинд ва турк фани ва маданияти ютуқларини яқинлаштирди ва бирлаштирди. Фаннинг ислоҳотчиси сифатида ўз даврининг билимларини тизимга солди ва бу унинг “Фан классификацияси ҳақида сўз” трактатида намоён бўлди. Ал

Форобий фанларни назарий (мантик, математика) ва амалий (этика, сиёсат) деб бўлди.

Бахтга олиб борувчи йўллар ҳақида фикр юритиб, унга билимсиз эришиб бўлмаслигига қатъий ишонган эди.

Ўтрор кутубхонасини тўплашда ал-Форобийнинг катта роль ўйнагани тан олинган.

Ўтрор кутубхонаси мўғул давригача бўлган. Ўтрор Буюк Ипак йўлида жойлашганини ҳисобга оламиз. Демак, бу ерда китоблар ҳам араб, ҳам хитой, ҳам европа ва албатта, турк тилларида бўлган. Кутубхона кўламига кўра, Александрийск шаҳридан кейинги иккинчи деб ҳисобланган.

Ўтрор кутубхонасида қанча китоб бўлган? Ҳеч ким аниқ айтолмайди. Ўтрорнинг вайрон этилиши давридан олдинги йилларга тааллуқли афсона бизгача етиб келган. Хисомуддин исмли донишманд Ўтрорнинг сўнгги ҳукмдори Қайрхонга келади. Олим билан ўтган суҳбат қайрхонни шунчалик лол қолдирадики, у меҳмонни хурсанд этиш мақсадида: “Нимани хоҳласанг, ҳаммасини бажараман!” дейди. “Менга ҳеч нима керак эмас. Менга шу кутубхонада ишлашга ижозат бер”. Хисомуддин кутубхонанинг бош хазинабони этиб тайинланади. У китобларни мавзу бўйича бўлиб, уларни рўйхатга олишни бошлайди. Ўтрорнинг мўғул талофотидан аввал Хисомуддин кутубхонани қутқариш бўйича ишларни ташкил этган бўлиши мумкин. Китоблар қайсидир ер ости омборларига яширилган, улар эртами, кечми, топилиб қолиши ҳам мумкин.

Ал-Форобий илмий қарашларининг қозоқ халқининг миллий тафаккурига таъсирини очиб беринг.

Абу Райхон Беруний. Ўрта аср энциклопедисти Абу Райхон Беруний 973 йилда Қят шаҳрида туғилди, тахминан 1050 йили вафот этган. 20 ёшида Беруний таниқли аллома бўлиб етишди, 27 ёшида қимматбаҳо “Ўтган авлодлар ёдгорлиги” асарини ёзиб тугатди.

Берунийнинг илмий мероси катта, у 150дан ортиқ асарлар ёзган. Фақат астрономиянинг ўзидан 45 иш ёзган.

“Мазгудов жадвали” китобида йил ҳисоби тизими баён қилинган, тригонометрия асослари илк бор берилган, астрономия масалалари қаралган.

Беруний илк бор Коперник ва Галилейлардан бир неча юз олдин Ернинг Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги ғояни илгари сурди, коинотнинг гелиомакролашганини далилла-



Абу Райхон Беруний.

ди ва Ернинг диаметрини деярли тўғри ҳисоблаб берди. Берунийнинг географик асарларида у ўз замонасидаги юздан ортиқ шаҳарлар координаталарини белгилаб берган хариталар бор.


У Ернинг ривожланишига доир диний қарашларга қарши эди. Беруний минерология ва геологияга катта ҳисса қўшди.

Беруний буюк тарихчи эди. Ўзининг кўпгина асарларида Марказий ва Ўрта Осиё халқлари ҳаётига оид фавқулодда жуда қизиқарли фактларни хабар қилади.

Илмий изланиш услубларининг прогрессивлиги, буюк алломанинг ўлмас асарлари уни жаҳон фани тарихида биринчи ўринлардан бирига қўяди. Жаҳон олимлари XI асрни Абу Райҳон Беруний асри деб аташган.



Юсуф Болосоғуний.



“Қутадғу билиг” китобининг титул varaғи.

Юсуф Болосоғуний. Юсуф XI асрнинг биринчи ярмида Қорахонийлар давлатининг пойтахти Болосоғун шаҳрида таваллуд топди. Маълумотни ўша даврнинг маданий марказлари Фороб, Қошғар, Бухорода олди. У фалсафа, назмни ўрганди, шахмат ўйнади, араб ва форс тилларини мукаммал билди.

Болосоғуний ўзининг машҳур “Қутадғу билиг” (Саодатга элтувчи билим) поэмасини ёзди. Назм орқали фалсафани намоён қилиш ўрта аср Шарқининг анъанаси эди. Поэма диалоглар, нақллар ва насихатлар тарзида қурилган. Поэманинг асосида билим – барча ҳукмдорлар ва халқ учун фаровонлик манбасидир, деган ғоявий мазмун ётади. Давлатни маърифатли, халқнинг барча қатламларига фаровонлик келтирувчи билимли ҳукмдор бошқариши керак, деб таъкидлайди Юсуф. Агар ҳар ким ўз бурчини бажарса, жамият гуллаб-яшнайдди. (Юсуф ҳоқондан бошлаб, оддий ҳунармандгача ҳар бир ижтимоий гуруҳ аъзоси нима бажариши лозимлигини батафсил ёзади).

“Қутадғу билиг” турк тилидаги биринчи энциклопедик асар ҳисобланади. Бу ундаги насихатларнинг ҳар бир туркка тушунарли бўлиши истаги билан изоҳланади.

Юсуф болосоғуний ўз асарини Қорхонийлар ҳукмдорига бағишлади. Бу асари учун унга “бош вазир” унвони берилди. “Қутадғу билиг” – назм йўлидаги

сиёсий трактатдир, у ўрта асрлар давридаги турк халқларининг маънавий ҳаёти ва анъаналари тўғрисидаги маълумотлар манбаси ҳисобланади.

“Қутадғу билиг” поэмасидан билим ва маърифатнинг фойдаси,
турк тили учун фахр тўғрисидаги парчани ўқинг.

Маҳмуд Қошғарий. Қошғарий XI асрнинг иккинчи ярмида Қорахонийлар зодагонларининг оиласида дунёга келди. У ўрта аср фанининг ҳамма соҳаларида чуқур маълумот ва асосли билим олди.

Маҳмуд Қошғарий кўп йилларни турк қабила ва халқлари орасида саёхатларда ўтказган. У туркларнинг маиший ҳаёти, уларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналарини ўрганди ва “Девони луғот-ат турк” – “Турк тиллари луғати” деб ном олган ноёб асарини яратди.

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғот-ат турк” асари турк маданиятининг ёдгорлиги ҳисобланади. Унинг иши нафақат тилшунослик бўйичадир, ундан турк халқларининг тарихи ва географияси, этнографияси ва иқтисоди, маданияти ва сиёсий ҳаёти тўғрисидаги материалларни ҳам топиш мумкин.



Маҳмуд Қошғарий.

Қошғарий туркология фани асосини қурди. Замонавий лингвистларнинг таъкидлашича, Қошғарий биринчи бор қўлган тилшунослик услублари ўз давридан 8 асрга олдинга ўзган. Унинг услублари лингвистикада фақат XIX аср охирида кенг қўлланила бошлади. Китобда халқларнинг қайси тилларда сўзлашганигина эмас, уларнинг қаердан келгани ва ерларининг чегараси ҳақида ҳам айтилади.

Қошғарийнинг меҳнати туфайли йўқолиб кетган урф-одатлар, анъаналар, турк даврининг адабий ёдгорликлари бизгача етиб келди.

“Девону луғот-ат турк”ка муаллифнинг ўзидан яхшироқ қилиб характеристика бериш мумкин эмас. “Бу китобни, – деб ёзади Қошғарий, – мен алфавит тарзида туздим, уни мақоллар, сажлар(қофияли наср), маталлар, шеърлар билан бегадим... Мушкулни осон қилдим, тушунарсиз нарсани тушунтирдим ва йиллар бўйи ишладим... мен китобда эслатилган буюмлар ва машҳур сўзларни жамладим ва шундай қилиб, китоб катта мавқега кўтарилди ҳамда бебаҳо устунликка эришди”.

“Девони луғот-ат-турк”ка билимнинг қайси қисмлари кирди?
Қошғарий ўз меҳнатини қандай характерлайди? Ю.Болосоғунийнинг
“Қутадғу билиг” ва М.Қошғарийнинг “Девони луғот-ат турк” асарлари таълим
тизимиди қандай жой олиши кераклиги ҳақида ўз фикрингизни айтинг.

Аҳмад Югнакий. Қорахонийлар даври шоири турк тилида ижод қилган. Бизгача унинг “Ҳақиқатлар армуғони” поэмаси етиб келган. Унда муаллифнинг билим, ахлоқ ва одобни эгаллаш ҳақидаги чақириқларини кўрамыз. У келгуси авлодларга ростгўй ҳаёт олиб бориш, яхши бўлиш тўғрисида мурожаат қилади.

Шундай қилиб, ўрта аср турк олами жаҳон цивилизацияси умуминсоний маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирларни берди.



Аҳмад Югнакийнинг келажак авлодларга мурожаати долзарблигини далилланг. IX–XIII аср бошидаги турк олимлари асарларининг каталогини тўзинг.

Дафтарингизга “Ислоннинг таъсири” жадвалини тўлдилинг.

меъморлик ва санъатга	сиёсий ҳаётга	аҳолининг кундалик ҳаётига	адабиёт ва фанга

X–XII асрлар турк маданиятининг “олтин асри” ҳамда ислоннинг қайта туғилиши даври эканини далилланг.



Замондошлар ва тарихчиларнинг гувоҳликлари

Юсуф Болосоғуний биринчилардан бўлиб она тилининг байроғини баланд кўтаради ва “Қутадғу билиг” асарида ғурур билан ёзади:

Энгяхши сўзларким тафаккур, тилда,
Бунда жам, кўр, бўлса ҳамки қай элда.
Билким, бу туркий тил ажойиботи...

Маърифат ва билимнинг фойдаси ҳақида қуйидагича ёзади:

Уқув – ул зулматни ёритар машғал,
Билим – ул ёритган нур сени ял-ял.
Билим, идрок билан кишидир киром,
Бу икки ортидан топур эҳтиром.

Билар эдим шундай донишманд сўзин:
Билим-ла дўзахий қутқармиш ўзин.
Кимёдир билим, турар қуюлиб,
Ё дониш ўрдуси каби уюлиб.

Билимни бил худди ифорли ҳаво,
Бирлашса ажратиб олмоқ нораво.
Ҳиди билдиради, яширсанг ифор,
Бекитиқ билимни тил этар ошкор.

Билим қадни букмас, бойликдир тайёр,
Ололмас қўл чўзиб ҳеч ўғри, айёр.
Билимни буюк бил, ақл-идрокни йўл,
Улуғдир икковин тута билган қул.

Идрок қайда бўлса, улуғлик шунда,
Билим кимда бўлса, буюклик унда.
Эсламайлик қанча замонлар зўрин,
Билимлига теккан улуғроқ ўрин.

Ким доно бек бўлса ҳам билимпарвар,
Даврасида хирандмандлар ўтирар.
Билим маъносин бил, яхши билим ол,
Билимни бил мушкул ерингда қурол.

? 1. Саволлар ва вазифалар

1. Қорахонийлар давлатининг турк халқлари маданиятининг ривожланишидаги аҳамияти тўғрисида сўзланг.
2. Қозоқ халқи миллий тафаккурининг ривожланишида турк мутафаккирлари Болосоғуний, Маҳмуд Қошғарий, А.Яссавийнинг роли ва аҳамиятини очиб беринг.

* 2. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 2.1. Ал-Фаробий бахтга _____ етиб бўлмаслигига ишонган эди.
- 2.2. Коперник ва Галилейгача бир неча юз йиллар илгари гелиомарказлашув тўғрисидаги ғояни илгари суриб, Ернинг Қуёш атрфида айланишини далиллаган олим _____.
- 2.3. Ислоҳотчи сифатида ал-Фаробий ўз даврининг билимларини тизимлаштирди, бу унинг _____ трактатида ифодасини топди.
- 2.4. XI асрни жаҳон олимлари _____ асри деб аташди.
- 2.5. Юсуф Болосоғуний ўз асарини _____ давлати ҳукмдорига бағишлади ва бунинг учун _____ унвонига сазовор бўлди.



3. Ёпиқ тест вазифалари

- 3.1. Жаҳон миқёсидаги аллома, араб, форс, юнон, ҳинд ва турк фанлари ютуқларини бирлаштирди
- А) Муҳаммад Ҳайдар
 - В) Қодирали Жалоирий
 - С) Маҳмуд Қошғарий
 - Д) ал-Форобий
 - Е) Юсуф Болосоғуний
- 3.2. Йил ҳисоблари тўғрисидаги биринчи маълумотлар, тригонометрия асослари, астрономиянинг саволлари Абу Райҳон Берунийнинг асарида берилган.
- А) “Қутадғу билиг”
 - В) “Фуқаро сиёсати”
 - С) “Бахтга етишиш тўғрисида”
 - Д) “Мазғудов жадвали”
 - Е) “Девони ҳикмат”
- 3.3. Турк жамиятининг ижтимоий муносабатлари ҳамда ижтимоий тафаккури ифода этилган турк тилидаги биринчи энциклопедик асар
- А) Болосоғунийнинг “Қутадғу билиги”
 - В) Яссавийнинг “Девони ҳикмати”
 - С) Қошғарийнинг “Девони луғот-ат турки”
 - Д) Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашиди”си
 - Е) Қодирали Жалоирийнинг “Жомий аттавориҳ”и
- 3.4. Қорахонийлар даврининг шоири, турк тилида ёзган, бизгача “Ҳақиқатлар армуғони” поэмаси етиб келган
- А) Аҳмад Югнакий
 - В) Қодирали Жалоирий
 - С) Маҳмуд Қошғарий
 - Д) Муҳаммад Ҳайдар
 - Е) Юсуф Болосоғуний

Мазкур мавзунини ўрганиб, сиз:

- турк маданиятининг Евроосиё халқлари маданиятига таъсири сабабларини аниқлайсиз;
- турк даврида Марказий Осиёда маданиятлараро интеграция йўллари ҳамда унинг тарихий аҳамиятини биласиз;
- маданиятларнинг бир-бирига ўзаро таъсирини ўрганиш учун тил ва ёзувнинг бебаҳо материал эканини англайсиз.

Бугунги кунда “Мангу эл” миллий ғоясининг мақсади миллий тафаккури ҳамда миллатлараро муомала маданияти юқори даражадаги шахсни шакллантириш ҳисобланади.

Қозоқ халқининг миллатлараро ҳамда динлараро диалогга тайёр туришининг илдизлари турк даврига бориб тақалади. Маданиятлар диалоги уруш ва низолар пайдо бўлишининг олдини олишда огоҳлантирувчи омил сифатида чиқади. Фақат маданиятларнинг ўзаро ҳаракати ва ўзаро таъсири жараёнидагина маданиятда буюк кўринишлар туғилади.

Турк маданиятининг Европа халқлари маданиятига таъсири сабаблари. Турклар инсоният тарихида прогрессив роль ўйнадилар ва жаҳон цивилизациясига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Улар ўша давр учун юқори бўлган иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишга эришдилар. Олтойнинг хомашё бойлиқлари тоғ иши, металлургия ҳамда ҳунармандчиликнинг ривожланишига ёрдам берди. Турклар шундай хабарлар тизимини яратдиларки, улар ўтроқ тамаддунларга нотаниш эди. Турклардан олдинги авлодлар (гунларнинг), турклар ва турк-мўғуллар қабилаларининг кўчиши ўрта аср даври маданий ютуқларининг Евроосиё кенгликларида тез ёйилишига ёрдам берди.

Ўтроқ қабилалар учун қабила ичидаги ривожланиш характерли бўлса, кўчманчи қабилалар учун ташқи – қабилалар орасидаги ривожланиш тааллуқлидир.

□ Турклар қандай қилиб ўтроқ халқлардан устун турувчи хабарлар тизимини яратишга муваффақ бўлдилар?

Турк таъсири кенг ташқи олам билан фаол контакт эвазига бирлаштирувчи характерга эга бўлди. Евроосиёнинг ҳар бир қисмида маҳаллий ва келгинди турк унсурларининг аралашуви жараёни борди. Турли халқларнинг бир-бирига ўзаро ҳаракати жараёнида уларнинг аралашуви рўй берди ва шунинг мобайнида янги этнос вужудга келди.

Масалан, шундай қилиб, булғорлар келиб чиқди: жанубий славянлар ва фракийликлар Дунайнинг қуйи қисмида яшаганлар, сўнгра бу жойда турк-булғорлар пайдо бўлишди ва турк хонларинг ҳокимиятини ўрнатишди ҳамда барча аҳоли “булғорлар” атамасини қабул қилди, бироқ этноснинг славян асоси сақланиб қолди. Тахминан худди шу каби бугунги можорлар, молдованлар ва бошқа шарқийевропалик этнослар ҳам шаклланишди.

“Турк таъсири бирлаштирувчи характерга эга эди ва этнослар синтези натижасида янги этносларнинг пайдо бўлиши рўй берди” деган қонданинг маъносини тушунтиринг. Мисоллар келтиринг.

Барча этнослар мураккаб ўзаро таъсирда ва аралашувда бўлади, айниқса, бу жараёнлар **ўрта асрлар даврида** фаол кечди. Бунда катта ролни маҳаллий аҳоли билан аралашиб, янги элатлар пайдо бўлишини бошлаб берган ўрта аср турк қабилалари ўйнадилар.

Туркларнинг кўпгина ютуқлари: белбоғ жамламалари, қиличлар, отнинг ҳамма жабдуқлари, жумладан, темир узангили қаттиқ эгарлар ҳамда бошқа нарсалар Евроосиёдаги барча халқларнинг мулки бўлиб қолади. Тангричилик илми ёши нисбатан кичикроқ динларнинг асосини ташкил қила бошлади.

Тил ва ёзув – маданиятлар ўзаро таъсирини ўрганиш учун катта материалдир. Қадимий турк ёзуви ва тилининг ғарбга тарқалиши туркларнинг худудий силжиши билан бирга борди.

Тилшунослик соҳаси бўйича маълумотлар кутилмагандир. Улар мўғуллар давригача славянларнинг турклар билан яқин алоқада эканини кўрсатади.

Турклардан олиш мумкин бўлган нарсаларнинг асосий қисмини улар XIII асргача ўзлаштиришган. Тил ва маданиятга таъсир қилмаган ис-тило – ҳеч нима эмас. Бироқ тилда янгиликка элтувчилар, янгиликни билдирувчи сўзлар бўлмаса, таъсир ҳам бўлмайди. VI–VIII асрларда турклар янги тушунчаларни олиб киришди ва улар слвяян тилига кириб борди.

Олтойдан Шарқий Европагача мўғуллар келгунига қадар ва Олтин Ўрда даврида қипчоқ тилида сўзлашишган, бу тил умумий бўлди. Масалан, молия тизимига у “деньга”, “олтин”, алоқа ва почтани ташкилотларига – “ямшчик” сўзларини олиб келди.

Турклар томонидан тангаларни номлаш, уларни тайёрлаш технолгияси ва пул тизими ҳам кириб келди. “Хазина” сўзи ҳам туркча ҳисобланади. У давлатга тегишли қимматли нарсаларни, буюмларни англатади.

Рус ёрлиқларида туркчадаги олтиндан олинган “алтин”, “бешалтинли” сўзлари бор. “Не было не гроша, да вдруг алтын” нақли ҳам шундай келиб чиққан. Рус тарихчиси Н.М Карамзинда шундай сўзларни ўқиймиз: “Бухоро ва Қипчоқнинг шахсий қумуш ва мис тангалари бўлган.: биринчиси “танга”, иккинчиси “пул” деб аталган. Россияликлар ҳам бу ном билан қумушини “деньги”, мисини – “пул” деб атадилар. Турк тангаларини муомалага қабуллаган Русь уларнинг атамаси ва белгиларини ҳам ўзлаштирди.

□ — Маданиятлар ўзаро таъсирини тил ва ёзув қандай қилиб ифодалашини тушунтиринг.

Бир маданиятнинг бошқа бирига таъсири – инсоният тарихидаги доимий жараён. Одатда, бу нарса қўшни маданиятлар ўзаро алоқасида кузатилади, яъни маданиятларнинг таъсири бир вақтда юради.

□ — Ўрта аср даври маданиятлар ўзаро хатти-ҳаракати ва бирга ижоди вақти эканини далилланг.

Буюк Ипак йўли Евроосиёни бирлаштирган. Ўрта асрларда ер юзининг тўрт бурчида жойлашган жаҳоннинг тўрт подшоҳлиги тўғрисидаги ақида таралган эди: жанубда – филлар шоҳи (Ҳиндистон), ғарбда – қимматли тошлар шоҳи (Византия), шимолда – отлар шоҳи (турклар ҳоқонлиги), шарқда – одамлар шоҳи (Хитой). Ипак йўли мана шу тўрт шоҳликларни бирлаштирди.



Буюк Ипак йўли трассалари.

Ипак йўлидан диний ғоялар ҳам тарқалди, миссионерлар эса ўз эътиқодларини уммон ортига ташидилар. Ҳиндистондан Марказий Осиёга буддизм келди, Сурия, Эрон ва Арабистондан – христианлик ва кейинчалик ислом кириб келди.

Суриянинг бой савдогарлари ва ҳунармандлари Ўрта Ер денгизи соҳилларидан “Осмон ости империясигача” ўз савдо факторияларига эга бўлишган. Мана шу йўлнинг бутун мобайнида сурияликларнинг ёзув ва динга таъсирига гувоҳликлар учрайди. Ипак йўлида турли маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитишига қулай замин яратилган эди.

Қадимий қабристонлар маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитишини ўрганишда асосий манбалар ҳисобланади. Масалан, Черниговдаги X асрга тааллуқли йирик қўрғонлардан бирида кайфи чоғлик қилишда қўлланиладиган маиший буюмлар ва жамланма топилган. Ҳамма буюмларда турк афсоналари ва ривоятларидан кўринишлар ифодаланган. Бу қўрғон черниговлик воеводага тегишли бўлган.

Олим Г.Н. Потанин ўзининг “Ғарбий Европа эпосида Шарқ мотивлари” китобида маданиятни ўзлаштириш фақат “агар икки халқ ҳам бир маънавий ҳаёт кечиринган, бир эътиқод, бир урф-одатларга эга бўлса амалга ошади; чунки у даврда бир қабиладан иккинчиси олиб турган эмас, ўзаро хатти-ҳаракат ва ўзаро ижод бўлган”, деб ҳулоса қилади. Икки халқнинг қисқа учрашувида кўп нарсаларни – уй жиҳозлари ва буюм номларини олиш мумкин, лекин дафн урфини механик ўзлаштириб бўлмайди.

Қадимий қабрлар маданиятнинг ўзаро таъсири ҳақида нима дейди?

Ўрта асрлар даврида Шарқий Европа Шарқ ва Ғарбнинг, бир томондан – турк қабилаларининг, иккинчи тарафдан – славянларнинг доимий этник ва маданий алоқалари зонаси бўлди. Моддий ва маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири ва ўзаро бир-бирини бойитиши VI–VIII асрлардаги Евроосиё қитъасининг деярли барча халқлари ўрта аср ёдгорликларида кўринган.

Турк маданияти таъсири сабаблари: туркларнинг маънавий маданияти сифат жиҳатидан ажралиб турган; бошқа халқлар учун қизиқарли ва аҳамиятли эди, улар ўзлари учун яқин ва тушунарли нарсаларни топишди; турк ҳукмдорлари истило қилинган жойлардаги маданий бойликларни йўқотишмаган... давомлатинг.

1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Барча этнослар доим мураккаб аралашувда ва боғлиқликда бўлган ва бу аралашув жараёнлари фаол кечган давр бу _____ .
- 1.2. Турк қабилалари маҳаллий аҳоли билан аралашиб, янги _____ пайдо бўлишини бошлаб берган.
- 1.3. Ўрта аср даври халқларининг мураккаб ўзаро таъсири натижасида янги этнослар пайдо бўлди ва бунда _____ қабилалари катта роль ўйнади.
- 1.4. _____ нинг Ўрта Ер денгизи соҳилларидан “Осмон ости ипмариясигача” савдо факториялари бўлган.
- 1.5. Ҳиндистондан Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон орқали _____ Сурия, Эрон ва Арабистондан _____ келди.

2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Турклар империясида тоғ иши, металлургия ва ҳунармандчиликнинг ривожланишига хом ашё бойликлари ёрдам берди
 - А) Жетисувнинг
 - В) Олтойнинг
 - С) Манғистовнинг
 - Д) Мовароуннаҳрнинг
 - Е) Қошғариянинг
- 2.2. Ўрта асрларда жаҳоннинг тўрт подшоҳлиги концепцияси тарқалган эди ва турк ҳоқонликлари қуйидагича аталган
 - А) шимолдаги отлар шоҳлиги
 - В) жанубдаги филлар шоҳлиги
 - С) ғарбдаги қимматли тошлар шоҳлиги
 - Д) шарқдаги одамлар шоҳлиги
 - Е) шоҳлар шоҳлиги
- 2.3. Евроосиё барча халқлари ёдгорликларида маданиятнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши акс этди
 - А) XII–XIV аа.
 - В) XIV–XVI аа.
 - С) VI–VIII аа.
 - Д) XIV–XV аа.
 - Е) XIII–XIV аа.
- 2.4. Халқлар орасидаги маданиятларнинг ўзаро таъсири ҳақида “Ғарбий Европа эпосларида Шарқ мотивлари” китобида ёзади
 - А) Малов
 - В) Баскаков
 - С) Потанин
 - Д) Левшин
 - Е) Радлов

Такрорлаш-умулаштириш дарси

БИРИНЧИ БЎЛИМГА ХУЛОСА

Такрорлаш-умулаштириш дарсида сиз:

- Қозоғистон ва бутун Евроосиёнинг кейинги тарихи учун турк даврининг аҳамиятини муҳокама қилишингиз;
- турк давридаги Қозоғистон ҳудудидаги давлатлар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишининг характерли хусусиятларни умумлаштиришингиз;
- VI–XIII аср бошидаги давр мобайнида моддий ва маънавий маданиятдаги ўзгаришларни баҳолай олишингиз лозим.

Евроосиё тарихида эрамининг I–XIII асрларида уч марта “Халқларнинг буюк кўчиши” бўлди. Ҳар учала ҳолда ҳам халқларнинг кўчишига прототурклар (гунлар), турклар, турк-мўғул қабилалари туртки берди. Турк қабилаларининг миграцияси эрамининг I-минг йиллигида Евроосиё қитъасидаги этнослар харитасининг аста-секин ўзгаришига олиб келди.

VI–XIII аср бошида турк қабилалари томонидан синхрон ва ба-восита тарзда бир қанча йирик давлат бирлашмалари тузилди: Турк ҳоқонлиги, Шарқий турк ҳоқонлиги, Ғарбий турк ҳоқонлиги, шунингдек, тургашлар, қарлуқлар, Қорахонийлар, қорахитойлар, ўғузлар, қимақлар, қипчоқлар давлатлари. Бу вақтни турк даври деб аташ қабулланган.

Харитадан хронологик ва ҳудудий тартибда турк давлатларини топинг.

Худди шу даврда ҳозирги турк халқларининг тўғридан-тўғри аجدодлари бўлган этносиёсий бирлашмалар пайдо бўлди. Шундай қилиб, биз қозоқ халқи учун бешик ҳисобланадиган Қозоғистоннинг кенг ҳудудларидаги тарихий жараёнларнинг ривожланишини кўздан кечирдик. Қимақлар, ўғузлар ва қипчоқлар давлати жўшқин сиёсий ҳаёт билан яшаганини билдик. Аммо Қозоғистон тарихида алоҳида ўринни Қипчоқ давлати эгаллайди. Қипчоқлар нафақат қўшни (Византия, Хоразм, Русь), балки олисдаги, узоқ вақт турк сулолари бошқарган (Миср, Ҳиндистон) давлатлар сиёсий ҳаётига ҳам таъсир кўрсатишди.

Турк давлатлари орасидаги ўзаро алоқани кузатинг, бу давлатлар учун умумий хусусиятлар (пойтахт, ҳудуд ва ҳ.к.з.)ни топинг.

Умуман олганда, VI–XIII асрлар қозоқ халқи учун катта аҳамиятга эга. Протоқозоқ ва бошқа турк қабилалари тарихий саҳнага чиқишиб, замонавий тил ва этносларнинг шаклланиши жараёни борди. Турк тили биринчи бор араб алифбосига ўтказилди ва турк тилида йирик адабий асарлар яратилди.

Бу даврда мамлакатимиз келажак тарихини белгилаган пойдевор бунёд этилган. Турк ҳоқонлиги бир майдонда яхлит турк маданиятини ташкил қилиб, дашт ва шаҳарни, кўчманчилар ва деҳқонларни бирлаштирди.

Хулосада таъкидлаймизки, Қозоғистонда VI–VIII аср бошида истиқомат қилган халқларнинг маданияти сак-гун даври маданиятининг табиий давомидир ва жумладан, қозоқ халқи маданиятининг ривожланиши учун пойдевор бўлди.

Сизнинг мазкур давр ҳақида тўла тасаввур олишингиз учун, схема берилмоқда. Жетисув ва Қозоғистоннинг жануби, шунингдек, Шимолий-Шарқий, Ғарбий ва Марказий Қозоғистон ҳудудида алоҳида турк давлатлари пайдо бўлишининг хронологик ва мантиқий тартибини кўздан кечиринг.





Жетисув ва Қозоғистоннинг жануби, шунингдек, Шимолий-Шарқий, Ғарбий ва Марказий Қозоғистон ҳудудида алоҳида турк давлатлари пайдо бўлишининг хронологик тартибини кўздан кечиринг.

Вазифалар:

1. Биринчи бўлимни такрорланг, сиз тушуниб олишингиз керак: давлатларнинг ташкил топиши тартиби; уларнинг ворислиги ва ўзаро тобеллигини аниқ билиб олиш; Қозоғистон ҳудудида давлатлар қандай ва нима учун алмашган?
2. VI–VIII аср мобайнида моддий ва маънавий маданият қандай ўзгарди?
3. Турк даврининг Қозоғистон ва бутун Евроосиё учун сиёсий ва маданий аҳамияти қандай?

ҚОЗОҒИСТОННИНГ ТУРК ДАВРИ ТАРИХИ (VI–VIII аср боши)





Схемани ўрганинг: Бу давлатлар тарихини тушуниб, уларнинг ворисийлигини ҳамда бир-бирига боғлиқлигини аниқ билиб олишингиз керак.

Олтинчи боб

XIII – XV АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА
ҚОЗОҒИСТОННИНГ СИЁСИЙ ТАРИХИ

26-27-§§.

ҚОЗОҒИСТОН ҲУДУДИДА
МЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ

Мазкур мавзуни ўрганиб, сиз:

- Қозоғистон тарихида Мўғул империясининг тарихий ролини биласиз;
- мўғуллар истилоси характерини аниқлайсиз;
- Яса, баскаклар, чингизийлар, нўёнлар каби янги тушунчалар билан танишасиз;
- Чингизхоннинг ғалабаларига, мўғулларнинг истило этилган ерларда узоқ ҳукмронлик қилишига ёрдам берган омилларни билиб оласиз.

Мўғул давлатининг ташкил топиши. XII аср охири ва XIII аср бошида Мўғулистон ҳудудида Тимучин ҳокимияти остида йирик кўчманчилар давлати ташкил топди. Тимучин – бўлғуси Чингизхон – тахминан 115 йили туғилди. У эрта етим қолади ва ёшлигида кўп хўрликлар, таҳқирликлар кўради. Тенгқурлари қаторида кучи ва ақли билан ажралиб турган Тимучин вояга етиб, ўзига садоқатли дружина тўплашга эришди. Ўзи билан низолашган қабилалар устидан эришган бир неча ғалабаларидан сўнг XII аср охирида мўғуллар даштининг ҳукмдорига айланди.



Чингизхон.

1203–1204 йилларда у кереитлар, найманлар, меркитларни тор-мор этди. Ўзининг асосий рақибларини бўйсиндириб, Мўғулистонни бирлаштиришни тугатди.

1206 йил баҳорда мўғуллар зодагонларининг *қурултойида* у барча мўғулларнинг ҳукмдори деб эълон қилинади ва кейинроқ унинг исмига айланган Чингизхон мақомини олади. Шу тариқа тарқоқ қабилаларни бир халқ қилиб бирлаштирган Мўғулистон давлати ташкил топиб, ўзаро низоларга барҳам берилди. Чингизхон халқига қарата: “Мен кичик князларнинг эркинликларини итоатимга бўйсиндирдим, дарбадарлик ва хўрликда дайдиған одамларни бир жойга жамлаб,

бирлаштирдим”, деди. Шу қурултойда Чингизхоннинг сўзларидан, ҳарбий ва фуқаровий қонунлардан тузилган “Буюк Яса” (Жасоқ) эълон қилинди. Чингизхоннинг ўзи ҳам риоя этган бу қонунчиликнинг мўғуллар ва уларга қарам халқларга таъсири катта бўлди. У “ўзи чиқарган қонунларга бўйсинишнинг” намунаси эди.



Мўғул империяси тарихида Чингизхоннинг “Буюк Яса”си қандай роль ўйнади?
Чингизхоннинг босқинчилик урушлари сабабини тушунтиринг.

Чингизхон бир халқ қилиб бирлаштирган қабилалар юз чақиримга сочилган бўлиб, кўчманчилар каби эркинликни қаттиқ севишган. Тадқиқотчи М.И.Иванин: “Инсон ўзининг қарамлигига бу халқларни бўйсиндириши ва уларни қатъий тартибга итоат қилдириши учун қанчалик прода кучи ва қобилятга эга бўлиши керак эди?”, деб ёзади.

1207–1211 йилларда мўғуллар Сибирь халқларини бўйсиндиришади. 1211–1215 йилларда Шимолий Хитой истило қилинади.



Юриш даврида ҳарбийлар.

Ижтимоий тузилиши. Чингизхон давлатининг ҳудуди ва аҳолиси учта ҳарбий-маъмурий округ(аймоқ)ларга бўлинганди: ўнг қанот, чап қанот ва марказ. Ҳар бир аймақ бир неча туманлардан ташкил топган. Туман 10 минг аскардан иборат, ҳар бир минглик 10та юзликдан, юзлик 10та ўнликдан ташкил топди. Давлат фуқаровий ва ҳарбий жиҳатдан қатъий бўйсинишга асосланди. Армия темир интизом ва юксак жанговарлик билан ажралиб турди. Шимолий Хитой бўйсиндирилгандан сўнг мўғулларда пайдо бўлган ўша даврга мос замонавий ҳарбий техникага эга бўлди: девор тешгич, тош отқич, ва ўт отиш аслаҳалардан иборат эди. Давлат пойтахти Мўғулистондаги Қорақурумда бўлди.

Чингизхон давлати қандай ақидаларга асосланди? Жавобингизни асосланг.

Манбалар гувоҳлик беришича, Чингизхон юришларга пухта тайёрланган. Рақибнинг ички аҳволини ва ҳарбий кучларини ўрганиб бўлиб, сўнгга хатти-ҳаракат режасини тузган.

Чаққонлик, разведка ва алоқани ажойиб тарзда ташкил этилиши, бошқарув лавозимларига келиб чиқишидан қатъий назар, биладиган, дадил кишиларни кўтариши – бу ва бошқа кўпгина нарсалар унинг ғалабаларига ёрдам берди. Наполеон унинг ҳарбий устунлигини тан олиб: “Ғалабаларимда мен Чингизхондек бахтли бўлмаганман”- деган эди.

Халққа буйруқларни етказиш учун у барча итоатдаги ерларга найзалардек тарқаладиган курьер (чопар, хабарчи)лар отрядини ташкил этди. Мўғулистон мамлакати бўйлаб курьерлар дарҳол отларини алмаштира оладиган “ямлар” тармоқлари ташкил қилинади. Йирик масштабда доимий курьерларни ташкил қилиш Чингизхонгача ҳеч қаерда амалга оширилмаган эди.

Давлатнинг расмий дини бўлмаган эди. Чингизхон инсон тафаккурининг энг яхши дурдоналари қаторига қўшишга арзирли нақллар қолдирган: “Ҳамма тўртови(Будда, Муҳаммад, Исо, Мусо)ни ҳурмат қилиб, эъвозлайман ва ҳақиқатда уларнинг қайсиниси кўпроқ бўлса, у менинг ёрдамчим бўлсин”; “Яратувчи ягона, ҳар ким ўзи танлаб олиши учун йўлларни кўп қилиб яратди”.

Чингизхоннинг диний эътиқоди маъносини тушунтиринг.

Нима учун уларни инсон тафаккурининг энг буюк дурдоналари қаторига қўшиш мумкин?

Чингизхоннинг, кейинроқ унинг ворислари қароргоҳида бўлган барча замондошлари у жойда одамлар турли диний эътиқодларга итоат қилишади, улар орасида буддачилар, христианлар ва мусулмонлар бор, деб ёзишади.

□ Чингизхоннинг ғалабаларига ёрдам берган омилларни санаб чиқинг.
Мўғуллар армияси қандай сифатлари билан ажралиб турди?

Ўзи саводсиз бўлган Чингизхон фозилликни ҳурмат қилган ва фарзандларининг энг яхши билимларни эгаллашлари учун чоралар кўриб, бу борада ютуққа эришди. Шу даврнинг машҳур тадқиқотчилари “Чингизийлар билим бўйича ўз даврдан юқори турдилар”, деб ёзишди. Ўша даврнинг энг яхши алломалари унинг ўғилларига устозлик қилишди.

□ Тадқиқотчи М.И.Иванин: “Чингизийлар билим бўйича ўз даврдан юқори турдилар”, деб ёзади. Бу билан келишасизми? Нима учун?

Истило арафасида Қозоғистон ҳудуди. XIII аср бошида Иртишдан Дунай-гача дашт кенгликларида қипчоқларнинг кўчманчи манзиллари жойлашди. 1204 йили мўғуллардан зарба олган найманлар Кучлук бошчилигида қочиб, Жетисувга жойлашишади. Муслмонларни тазйиқ қилган Кучлук динлараро тўқнашувларни келтириб чиқарди.


XIII аср бошида Хоразм ўз қудратининг чўққисиди эди, у нафақат Хоразм, Мовароуннахр, Эроннинг, балки Жанубий Қозоғистон ерларини ҳам бирлаштирди.

□ XIII аср бошида Қозоғистон ҳудудидаги давлатлар сиёсий аҳволининг беқарорлиги сабабини аниқланг.

Чингизхоннинг Хитойдаги ғалабалари ҳақидаги хабар хоразмшоҳини Муҳаммадни ташвишлантирди. Бу истилочи тўғрисида батафсил маълумот олиш ниятида у Мўғулистонга элчихона юборади ва тинчлик ҳамда савдо тўғрисида шартнома имзоланади. Элчилар айир бошлангач, 1218 йили ёзда Чингизхон 450 одам ҳамроҳлигида олтин, қумуш, ипак, мўйна ва бошқа маҳсулотлар билан тўлдирилган 500 туядан иборат савдо карвонини жўнатади.

Ўтрор ҳукмдори, қипчоқ Қаирхон савдогарларни жосусликда айлаб ва келганлар “савдогар кўринишида, лекин савдогарлар эмас” деб эълон қилиб, уларни йўқотишни буюради. Қочиб тирик қолган бир одам Ўтрор даҳшатини Чингизхонга етказишга муваффақ бўлади. Ҳазабланган Чингизхон Қаирхонни беришни талаб қилиб элчиларни юборади, аммо хоразмшоҳи бош тортади. Бинобарин, Муҳаммад элчиларни қатл этишни буюради. Мўғуллар буни асло кечиришмайди.

Тарихга “Ўтрор офати” номи билан кирган Ўтрор шаҳрида мўғул карвонларининг йўқ қилиниши Чингизхонга уруш эълон қилиш учун сабаб бўлди.



Уруш муқаррар бўлиб, бунинг сабаби хоразмшоҳ ёки Қаирхоннинг ноҳўя ҳаракати эмасди. Манбалар кўрсатадики, Чингизхоннинг режасига бутун Осиё ва Шарқий Европани босиб олиш кирган. Иртишгача бўлган ҳудудда ҳали бўйсиндирилмаган ҳамма мамлакатларни – “мўғул отлари туёқлари етадиган жойлар”ни у аввалдан катта ўғли Жучига улуш қилиб берган эди.

Истило сиёсати Чингизхонга мўғул зодагонларининг унга садоқат сақлаши ва уларни ўзаро низолардан ушлаб туриш учун керак эди. Уруш бойлик орттириш, янги яйловларни эгаллаш, шунингдек, мўғул жамиятини бирлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилган эди.



Чингизхоннинг истило урушлари сабабларини тушунтиринг.

Мўғуллар томонидан Қозоғистон ҳудудини истило қилишнинг бошланиши. 1218 йили мўғуллар ўзаро диний қарама-қаршиликдан фойдаланиб, Жетисувни эгаллашди. Аҳолини ўз тарафига оғдириш мақсадида қўшинларга ўлкада зўравонлик ва талончиликни таъқиқловчи буйруқ берилади. Диний бағрикенглик билан ажралиб турувчи мўғуллар ва Чингизхоннинг ўзи ҳам мусулмонларга диний маросимларни ўтказиш учун рухсат берарди ва бу нарса аҳолининг мўғуллар тарафига ўтишига ёрдам берди. Болосоғун турғунлари ўзлари мўғулларга дарвозаларни очиб беришди. Бу шаҳар “Гўбалик” (ювош шаҳар) номини олди. Кучлук қаршилик кўрсата олмай қочиб кетди. Чингизхон учун Хоразм сарҳадларига юришга йўл очилди.

Хоразмшоҳнинг мўғулларни очик далада кутиб олишга ҳадди сиғмади. У ўз армиясини бир неча қисм ва гарнизонларга бўлди ва амалда уларни мағлубиятга учратди.



Жетисув аҳолисининг мўғуллар тарафига ўтишига олиб келган воқеаларни тасвирланг.

Қозоғистон ҳудудига юришни Чингизхон тахминан 150 минг кишилик қўшинлар билан бошлади. Ўтрорга яқин келганида мўғуллар ҳукмдори ўз кучларини бўлди: бир қанча туманларни ўғиллари Чигатой ва Угедэй бошчилигида Ўтрорни қамал қилиш учун қолдирди; Жўчи бошчилигидаги бошқа қисмини Сирдарёдан қуйи томонга юборди; ўзи асосий кучлар билан Бухорога йўл олди.

Ўтрор қамали олти ой давом этди. Ҳукмдор Қаир хон бошчилигида шаҳарни мардоновор ҳимоя қилишди. Фақат ҳарбий қўмондонлардан бирининг хоинлиги Ўтрорнинг таслим бўлишини тезлаштирди. Мўғуллар шаҳарга бостириб киришди. Қўшинлар ва аҳолининг бир қисми цитаделга яшириниб, курашни давом этказди. Қаир хон тирик қолган сафдошлари билан мўғулларга асир тушди. Ўтрорни вайрон этиб, Чигатой ва Угедэй асир олинган Қаир хонни Чингизхонга элтишди. У қаҳрамонни фахр билан қатл этишни буюрди.

Иллюстрация ва параграф мазмунидан фойдаланиб, Ўтрорнинг қахрамонларча мудофаасини сўзлаб беринг.



Ўтрор мудофааси.

Қозоғистоннинг уч шаҳри – Ўтрор, Сиғноқ, Ашнас – ашаддий қаршилик кўрсатгани учун мўғуллар томонидан батамом вайрон қилинди.

Хоразмшоҳ Эронга қочди, уни қувиб етиш ва жанг қилиш учун Чингизхон икки туманни ортидан юборди. Муҳаммадни қувалаб юриб, мўғуллар йўлдаги давлатларни босиб олишди. Шимолий Эрондан Кавказ орқали мислсиз отлиқ юриш қилиб мўғуллар Ғарбий Дашти Қипчоққа келиб қолишди. Бу жойда улар қипчоқ қабилаларининг қаршилигига дучор бўлишди. Қипчоқлар ва русларнинг бирлашган қўшинлари Калке дарёсида 1223 йили мўғуллар билан тўқнашди. Хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштира олмаган иттифоқчилар мағлубиятга учради. Бироқ мўғуллар Руснинг ичкарасига кириб бормадилар. 1224 йили улар шимолий-ғарб томондан ҳозирги Қозоғистон даштлари ҳудудига киришди. Шарқий қипчоқларни бўйсиндиришиб, улар асосий кучлари билан қўшилишга кетишди. Шундай қилиб, 1219–1224 йилларда Қозоғистон ҳудуди мўғуллар томонидан босиб олинган эди.


Худди шу тариқа мўғул армиясининг Чингизхон бошқарган асосий корпуси ҳаракат қилди. Кампания натижасида 1220–1221 йилларда бутун Ўрта Осиё истилочилар қўлида эди. Шундай қилиб, 1224 йили Чингизхон шарқда Амурдан тортиб, ғарбда Амударёгача ўзининг ҳокимиятини тарқатди. 1227

йилнинг охирида Чингизхон вафот этди. Бироқ уруш тугамади: уни Чингизхоннинг ворислари давом этказишди.

Улусларнинг ташкил топиши. Чингизхоннинг ўғил ва қизлари кўп эди. Рашид ид Динга кўра: “тақдир шундай бўлдики, алоҳида обрўга эга одамлар” хотинлар ичида “энг ҳурматлиси ва тўнғичи” бўлган Бўртедан туғилган тўрт ўғил бўлди.

Чингизхон ҳаётлигидаёқ ўғилларининг ҳар бирига ерларни бўлиб берди. Тақдим этилган ерлар улуслар деб аталди. Кичик ўғил Тулуй ота ерлари – Мўғулистонни мерос қилиб олди.

Қозоғистоннинг ҳудуди уч катта ўғилларнинг улуслари таркибига кирди. Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўчининг улуси Иртишдан ғарбга қараб Волгагача ерларни, шунингдек, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмини эгаллади. Чиғатойнинг ерлари Жанубий ва жанубий-шарқий Қозоғистон ва бутун Ўрта Осиёни қамради. Угедэйнинг улушига Қозоғистон ҳудудидан Жетисувнинг шимолий-шарқий қисми ўтди. Жетисувда уч мўғул улусларининг чегаралари кесишди.



Мўғуллар томонидан шаҳар қамалининг ташкил этилиши.

Сизнинг фикрингизча, яхлит бошқарув тарафдори бўлса-да, нима учун Чингизхон ўз давлатини улусларга бўлди? Қозоғистон ҳудудида қандай улуслар бўлган?

Ҳамма аслзодалар отасининг вакили сифатида ўз улуслари ҳудудида ҳокимиятни бошқаришди. Бу жойда улар йўллар, кўприклар қуришди, шаҳарларни тиклашди. Улуслар империя бошчисига бўйсинди.

1227 йилнинг бошида отасининг вафотидан ярим йил олдин Жўчи кўз юмди. Жўчининг ўлиmidан сўнг ҳамма ўғиллари орасидан Боту (Ботий) отасининг вориси деб тан олинди. Хон ўз набирасига шундай деди: “Ўзингга отангнинг ҳокимиятини ол ва у боришни хоҳлаган ерларга йўлга туш!”. Шундай қилиб, Чингизхон ҳамма набиралари орасидан Ботуни ажратади ва Жўчининг вориси ҳақидаги масала батамом ечилади.

Қозоғистон ҳаёти учун Чингизхон томонидан киритилган бошқарув тизими қандай аҳамиятга эга эди?



Замондошлар ва тарихчиларнинг гувоҳликлари

Марко Поло Чингизхон тўғрисида шундай фикр билдиради: “Бирон вилоятни босиб олиб, у аҳолини ранжитмаган, уларнинг мулк ҳуқуқини бузмаган, фақат улар орасига ўзининг одамини ўтказган, бошқалар билан кейинги истилоларга йўлга чиққан. Бўйсиндирилган мамлакатларнинг одамлари уларни ҳимоя қилаётганини англашганида ва унинг ҳокимияти томонидан ҳеч қандай ёмонлик кўришмаётганини билишганида, шунингдек, ҳукмдор сифатидаги унинг олижаноблигини кўришганларида собиқ душмандан унинг учун бор вужуди ва руҳи билан хизмат қилувчи садоқатли хизматчига айланишарди”.

Мўғул империясининг тарихи шундайки, Чингизхоннинг тўрт ўғлигина мўғуллар улуси ҳукмдорларининг бошловчилари бўлишди.

“Чингизхоннинг бу тўрт ўғли ақлли, довюрак, жасур, отаси, қўшин ва халқ томонидан қадрли эди. Чингизхон давлатига улар тўрт устундек хизмат қилишди. Уларнинг ҳар бирига давлат тайёрлаб берди ва уларни тўрт кулуклар деб аташган. Кулуклар деб, ажралиб турадиган, бошқалардан устун бўлган ва олдинда турадиганларни айтишган”.

Олий ҳокимиятнинг Ботуга ўтказилиши ҳақидаги ушбу ҳикоя XVI асрда Ўтемиш хожи томонидан ёзилган “Чингизнома”да келтирилди. Жўчи вафот этганида, деб ёзади у, ўғилларнинг ҳар бири тахтни бошқасига беришни хоҳлаганди. Баҳсни ечиш учун Чингизхонга боришади. “Буюк бобо шаҳзодаларни қабуллаб уч ўтов тикишни буюради: олтин бўсағали оқ ўтов (оқ бўсағали оқ ўрда)ни – Боту учун; кумуш

бўсағали кўк ўтов (кумуш бўсағали кўк ўрда)ни – Ўрда Ежен учун; пўлат бўсағали бўз ўтов(пўлат бўсағали бўз ўрда)ни – Шайбон учун тиктиради.

Машҳур Марко Поло Чингизхонни қандай сифатлайди? Чингизхоннинг кўп ўғиллари орасидан унинг бевосита меросхўрлари Бўртедан туғилган тўрт ўғли бўлганини манбалар қандай тушунтиради?

* 1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Тимучин барча мўғуллар ҳукмдори деб эълон қилиниб, _____ мақомини олган мўғул зодагонларининг қурултойи _____ йили баҳорда ўтди.
- 1.2. _____ Чингизхоннинг нақл сўзларидан, ҳарбий ва фуқаровий қонунлардан олинган эди.
- 1.3. Истило қилинган ҳудудлардаги мўғулларнинг узоқ ҳукмронлиги сабабларидан бири уларнинг _____ эди.
- 1.4. Қозоғистон ҳудуди Чингизхоннинг катта ўғиллари _____ улуслари таркибига кирди. Иртишдан ғарбгача бўлган катта ҳудудларни тўнғич ўғли _____ олди.
- 1.5. Жанубий ва жанубий-шарқий Қозоғистон ва барча Ўрта Осиё _____ улуси таркибига кирди, Жетисувнинг шимолий-шарқий қисми _____ улусига ўтди.

! 2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Тимучин Мўғулистон асосий қабилаларининг бирлашувини тугатди
А) 1218–1223 йй.
В) 1203–1204 йй.
С) 1220–1225 йй.
Д) 1221–1226 йй.
Е) 1222–1225 йй.
- 2.2. Девор қулатувчи, тош отувчи ва оташ отувчи аслаҳалар мўғулларда бўйсиндирилгандан кейин пайдо бўлди
А) Шимолий Хитой
В) Ҳиндистон
С) Мовароуннаҳр
Д) Қорахонийлар
Е) Эрон
- 2.3. Мўғуллар истилоси арафасида Мовароуннаҳр, Эрон ва Қозоғистон жанубини бирлаштирган
А) Тароз
В) Қўқон
С) Хоразм

- Д) Ўтрор
- Е) Болосоғун

2.4. Қозоғистон ва Ўрта Осиёга Чингизхоннинг юришининг бошланиши учун сабаб бўлди

- А) “Ўтрор офати” сабаб бўлди
- В) Хоразмшоҳ Муҳаммад ҳокимиятининг заифлашуви
- С) Мўғулистоннинг ўзидаги жут
- Д) Жўчи хоннинг вафоти
- Е) “Суяб офати” сабаб бўлди

28-29-§§.

МЎҒУЛ ИМПЕРИЯСИ ТАРКИБИДА ҚОЗОҒИСТОН

Мазкур мавзуни ўрганиб, сиз:

- Олтин Ўрда шаклланиш шароитлари, ривожланиш хусусиятларини аниқлашни, Қозоғистон ва умуман Евроосиё тарихи учун унинг аҳамиятини;
- басқақ, султон, бекларбек, ёрлиқ, девон, вазир каби янги тушунчаларнинг маъносини билиб оласиз.


Ботийнинг ғарбий юришлари. Олтин Ўрданинг ташкил топиши. Умуммўғул қурултойида ғарб мамлакатларига Боту хон раҳнамолигида юриш қилиш ҳақида қарор қабулланади. Боту армиясининг катта қисмини қипчоқлар, мўғулларнинг ўзи барча кучларнинг учдан бирини ташкил қиларди.

Армия 1236 йили юришни бошлайди. 1241 йил баҳорда Боту отрядлари Европа армияларини тор-мор этиб, Адриатика денгизига чиқишади. Бирок, буюк Эгедэй хоннинг вафоти ҳақида хабар олиб, мўғуллар орқага қайтишади. “Европа ўзининг халос бўлишига тасодифий ҳол – Угедэй вафотидан қарздор”, деб ёзган М.И.Иванининг фикри билан келишмаслик қийиндир. Боту Волганинг қуйи қисмига қайтди ва ўзининг Олтин Ўрда деб ном олган улушини ташкил қилиш билан шуғулланди. У ўзининг пойтахтга айланган Волгадаги ободонлаштирилган Сарой шаҳрини қурди.

1235 йили умумий мўғул қурултойи Боту хонга ғарбдаги ерларни истило қилишни давом этказишни топширди. Нима учун шундай қарор қабулланганини тушунтиринг.

Ўрта аср муаллифларининг ёзмаларида Олтин Ўрдани: Жўчи Улуси, Улуғ Улус, Ўзбеклар давлати деб аташади.

Адриатика денгизигача борган мўғуллар нима учун ортга қайтдилар?
Манбалар буни қандай тушунтиради?



XIII асрдаги давлат тузилмалари.

1236–1242 йиллардаги Ботунинг истилолари Евроосиё сиёсий хари-тасини ўзгартириб юборди. Тарихда биринчи марта Иртишдан Дунайгача Буюк Дашт кенглиги бир сулола – Жўчилар ҳукмронлиги таркибида қолди. Жанубда чегара Сирдарёнинг ва Амударёнинг ўрта оқимини эгаллаганди. Бартараф этилган рус князликлари Олтин Ўрданинг вассал қарамлигига киришди. Рус князлари хонлар қўлидан “князлик ёрлиқлари”ни олишар, эҳсон тўлашарди. Олтин Ўрда ҳудудининг кенглигига кўра ўрта асрдаги энг йирик давлат тузилмаси бўлди.

Олтин Ўрдага Рус князларининг тобелиги нимада ифодаланди?

Олтин Ўрданинг аҳолиси асосий қисмини турк қабилалари, асосан, қипчоқлар ташкил қилган. Олтин Ўрдада ўзи мўғуллар жуда кам эди. Қозоғистон ҳудудига келиб қолиб, XIV асрга келганда мўғуллар батамом туркийлашишган эди.

Боту (1227–1255), Олтин Ўрда асосчиси “барча шахзодаларнинг каттаси” деб ҳисобланар, жуда катта обрўга эга эди. Қипчоқлар уни Боту Саин хон (ақлли хон) деб аташган. Жўчи улуси йирик Мўғул империясининг тўртдан бир қисмини ташкил этган.

1236–42 йиллардаги юриш чоғида Боту хон Адриатика денгизигача етиб борди. Бироқ у бу ерларни империя ҳудудига киритмади, Иртишдан Дунайгача бўлган Дашти Қипчоқ чегараси билан кифояланди. Нима учун?

Боту вафотидан сўнг унинг укаси Берке хон ҳукмдор бўлди (1256–1266 йй.). Берке хонлардан биринчи бўлиб исломни қабул қилди ва барча мўғуллар буюк хонидан мустақил сиёсат юрита бошлади. Унинг даврида шаҳарсозлик фаоллашди, янги пойтахт – Сарой-Бекре қурилди (Волгада Сарой-Ботудан юқори). Хон Эрондан ва Мисрдан олимлар, диншунослар, шоирларни, Хоразмдан – ҳунармандлар ва савдогарларни таклиф қилди. Шарқ мамлакатлари билан савдо ва дипломатик алоқалар сезиларли жонлана бошлади. Берке хоннинг ҳукмронлиги йилларида Олтин Ўрда ва Миср 1262 йилда расмий элчилари билан алмашишди.

Нима учун Берке исломни қабул қилиб, уни куч билан жорий этмади?

Мисрда қипчоқ даласидан чиққан Султон Бейбарс ҳукмронлик қилди. Шахсин хусусиятлари билан Бейбарс қулдан давлат бошқарувчисигача кўтарилди ва тарихга саркарда ҳамда маърифатпарвар сифатида кирди.


Қорақурумдан сиёсий мустақилликни Олтин Ўрда Мангу Темир (1267–1280 йй.) бошқаруви йилларида олди. У Жўчи ҳукмдорлари орасида биринчи бўлиб ўз номидан тангаларни зарблаб, ёрликлар (фармойишлар) бера бошлади.

Шундай қилиб, XIII асрнинг 60-йилларида Жўчи улуси империя марказидан ажралади ва жаҳондаги энг йирик ҳамда бой мустақил давлатга айланади.

Давлат тузилиши. Ўрдада хон бўлиш ҳуқуқига, фақат муносиб деб топилиб, қурултойда тасдиқланган Чингизхоннинг “олтин ўрдаси”га аъзоларгина эга эди. Хон мақомига номзод ҳар бир чингизид бўлмаган шахс нафақат

ХІІІ АСРДАГИ МЎҒУЛЛАРНИНГ ИСТИЛОЛАРИ

№7 ХАРИТА



жиноятчи, балки Худо иродасига қарши чиққан қўзғолончи деб танилиб, қатл қилинади. Бу қоида амалда истисносиз қўлланилди.

Давлатда хондан кейинги шахс *бекларбек* – қўшинларнинг бош қўмондон ва ташқи сиёсат билан шуғулланувчи эди. Муҳим давлат ишларини ҳал этиш учун қурултой чақириларди.

Ижро ҳокимияти органи *девон* бўлиб, молия, солиқ, ички сиёсат билан шуғулланар, уни вазир бошқарди.

Олтин Ўрда давлат тузилишини тасвирланг. Хусусиятларини айтинг.

Боту даврига давлатни икки қисм – ўнг ва чап қанотларга ажратиш киради. Ўнг қанот Поволжьедан Дунайгача ҳудудларни қамраган. Маркази Волганинг қуйи қисмида жойлашди ва Боту авлодларидан чиққан хонлар томонидан бошқарилди.

Чап қанот Шарқий Дашти Қипчоқ ерларини ва Сирдарё водийсини эгаллаган. Бу жойни Жўчининг катта ўғиллари Ўрда Ежен ва унинг авлодлари бошқаришган. Чап қанотнинг пойтахти Сиғноқ бўлган. Боту ва Ўрда улуслари ўз навбатида Жўчининг бошқа ўғиллари бошқарган улусларга бўлинишган. Жўчининг ўғли Шайбон Қозоғистоннинг шимолий-ғарбий ерларини олди.

Бутун ҳудудда ягона ҳуқуқий меъёрлар – Чингизхоннинг “Ясо”си қўлланилди. Исломнинг таъсири кучайиши билан мусулмон ҳуқуқи – *шариат* тарқала бошлади.

Олтин Ўрдада солиқни йиғишнинг – 1/10 қисми тизими мавжуд эди. Бундан ташқари, аҳоли доимий қўшинларни ушлаш, чопарларни таъминлаш, почта станцияларини ушлаш учун кетган харажатларни қоплаган. Солиқ йиғиш *басқақлар* томонидан бажарилган. Улар бўйсиндирилган мамлакатларда хоннинг вакили ҳисобланган. Басқақ қошида қурулланган отряд бўлиб, улар ҳар доим шаҳар чеккасида яшашган. Бу жойлар “татарлар манзиллари” номи билан машҳур эди. Агар биронта князь хоннинг фармонини бажармаса ёки бадални тўламаса, басқақ отряди билан чора қўллаган.

Басқақларнинг эгалланган ҳудудлардаги вазифасини тушунтиринг.

XIII аср охиридан солиқлар ва ўлпонларни йиғиш маҳаллий зодагонлар томонидан амалга оширила бошлади. Масалан, рус ерларидаги буюк князликка бир князгагина “ёрлик” берилиб, бошқаларни унга бўйсинишга мажбур қилишди. Хон у орқали ўз фармонларини бериб турди.

Нима учун Боту ва унинг авлодларига турли халқларни бирлаштирган бўлса-да, барқарор давлат ўрнатиш насиб қилди?

Олтин Ўрданинг гуллаб-яшнаши. XIV асрнинг биринчи ярмида Ўзбек хон (1312–1342 йй.) ва унинг ўғли Жанбибек (1342–1357 йй.)нинг ҳукмронлиги даврида Олтин Ўрда ўзининг энг гуллаб – яшнаган палласига эришади. Ўзбек хон Ботунинг авлодидан эди. Замондошлари уни “савлатли, гўзал ахлоқли, шараф ва жасурлик соҳиби” сифатида тавсифлашган, у бир неча тилларни билганлиги ҳақида манбаларда кўрсатилган.

Ўзбек хон исломни Олтин Ўрдалиқ давлатнинг расмий дини қилди (1312 й.), марказий ҳокимиятни кучайтирди ва қурултойларни чақиришни бекор этди. Ўзбек хоннинг ҳукмронлиқ қилган йилларида манбаларда биринчи бор *ўзбек мамлакати* (ўзбеклар давлати) сўз бирикмаси пайдо бўлади. Аста-секин Олтин Ўрда ҳукмдори Ўзбек хоннинг номи Жўчи улуси аҳолисининг атамасига айланади.

Ўзбек хон кўп эътиборни карвон савдоси ривожланишига қаратди. Ўрда Ғарбий Европа, Кичик Осиё, Миср, Ҳиндистон, Хитой мамлакатлари билан жўшқин савдо олиб борди. Савдо йўллари хавфсизгина эмас, ободонлаштирилди, Генуя ва Венециянинг савдо факториялари очилди.



Ўзбек хон (1312–1342 йй.) ва унинг ўғли Жонибек (1342–1357 йй.) ҳукмронлиги пайтида Олтин Ўрданинг энг гуллаб-яшнаган даври бўлганини тушунтиринг.

Кучли давлат шаҳарсозликнинг гуллаштини ҳам рағбатлантирди. Сиғноқ ва Ўтрор яна ҳунармандчилик ва савдо марказлари бўлди. Ўтрорда XIII асрнинг 30-йилларида уч хил кўринишдаги танга (олтин динорлар, кумуш дирҳамлар, мис фельслар) чиқарадиган танга зарбхоналари бор эди. Бундан ташқари, XIII-XIV асрларда кўп шаҳарлар пайдо бўлди.

Олтин Ўрда шаҳарлари ҳимоя иншоотларининг йўқлиги билан ажралиб турди. Марко Полонинг (XIII а.) гувоҳлик беришича, шаҳарларга “қўшинлар киришига қаршилик қилмасликлари учун девор ва дарвозаларга” эга бўлиш ман этилган.

Кўпгина шаҳарлар нафақат шарқда, балки бутун дунёда энг йирик деб тан олинган эди. Масалан, Сарой Ботунинг аҳолиси 100 мингдан ортиқ эди.

Олтин Ўрданинг парчаланиши. Жонибекдан сўнг тахтга унинг тахтсуяр ва жуда қаттиққўл ўғли Бердибек (1357–1359 йй.) ўтирди. У тахтга умидвор рақиблирини йўқотиш билан шуғулланди, натижада Ботудан тўғридан-тўғри тараган авлодларнинг биронтаси қолмади. Олтин Ўрдада низо ва сарой тўнтаришлари даври бошланди. 1359 йилдан 1379 йилгача тахтга йигирмага яқин хонлар келиб-кетди.

Шу сиёсий бошбошдоқлик даврида Жўчи улуси ҳудудида бир қатор мустақил эгаликлар пайдо бўла бошлади. Масалан, 1359 йили Олтин Ўрданинг ғарбий чеккасида Молдова князлиги ташкил топди. XIV асрнинг

иккинчи ярмида Олтин Ўрдадан Ўрда Еженнинг авлодлари Ақ Ўрдани ташкил қилиб, батамом ажаралиб кетишди.

1380 йили навбатдаги муваққат хон Мамай руслар томонидан Куликово даласида мағлубиятга учради. Чингизий Тўхтамиш хон Мамай мағлубиятидан фойдаланиб, Амир Темурнинг қўллови ёрдамида Олтин Ўрдадаги ҳокимиятни босиб олди. Ҳарбий ғалабалари билан ўз ҳокимиятини мустақкамламоқчи бўлиб, у 1382 йили Москвани ёндиради ҳамда рус князлари томонидан ўлпон тўлашни тиклайди.

Тез орада Тўхтамиш Жўчиларнинг барча ерларини бирлаштирди ва мамлакатда кучли ҳокимиятни тиклади. Олтин Ўрда ва Оқ Ўрданинг Тўхтамиш ҳукмронлиги остида бирлашишини Амир Темур ўз давлатига хавф сифатида қаради.

Тўхтамиш ва Темур тўқнашуви сабаблари ва натижаларини кўрсатинг.

1389, 1391 ва 1395 йиллардаги уч марта юриш натижасида Темур Олтин Ўрдани вайрон этди. Олтин Ўрданинг барча шаҳарлари вайрон қилинди, савдо ва ҳунармандчилик қулади. Ёнғин оловида қанча қимматли ва ноёб ёзувлар, жумладан, замондошлари ҳайратланган Берке хоннинг бой кутубхонаси кулга айланди. Темурнинг мана шу қароқчилик юришларидан сўнг Олтин Ўрда ўзига келолмади ва унинг парчаланиши бошланди.

1395 йили бўйсиндирилган олтинўрдалик хон Тўхтамиш Тюмень (туркча – “қуйилик”) яқинида 1404 йилда ҳалок бўлди.

Нима учун Тўхтамиш Олтин Ўрданинг бирлигини тиклай олмади?

Олтин Ўрданинг заифлашуви билан шарқда унинг ҳудудида Оқ Ўрда ва Нўғой Ўрда ташкил топди. XV асрнинг 50-70-йилларида Олтин Ўрда давлати батамом парчalandи ва унинг вайронларида бир неча янги турк давлатлари: Қрим хонлиги, Қозон хонлиги, Астрахан хонлиги, Сибирь хонлиги пайдо бўлди. Уларнинг ҳаммаси кейинроқ рус давлати таркибига киришди. 1552 йили шоҳ Иван Грозний Қозонни эгаллади ва Қозон хонлиги барҳам топди. 1556 йили руслар Астрахан хонлигини эгаллашди. Шарққа томон янги ерларни эгаллаб Рус славян ҳудудидан, ўз давлатининг ўзагидан ташқарига чиқди.

Олтин Ўрданинг парчаланиши ҳақида гапириб беринг. Сабабларини сананг.

Мўғуллар истилоси оқибатлари. Умуман, ҳар қандай урушда бўлганидек, мўғул истилоси босиб олинган мамлакатлар учун жуда катта ҳалокат эди. Моддий ва маънавий маданиятга катта талофот етказилган эди.

Шаҳарлар, кентлар билан бирга маданият ўчоқлари, кутубхоналар йўқотилди. Араб тарихчиси Ибн ал-Асир мўғул истилосига шундай баҳо беради: “Бу – инсоният кун ва тун яралганидан бери билмаган кулфат эди. Йилномаларда шунгача ўрин олган бундай офат қайд этилмаган”.

Мўғулларнинг истилоси мобайнида Жанубий Қозоғистоннинг деҳқончилик ва шаҳар маданиятига оғир зарба етказилди. Жетисувда истило даврида шаҳарларнинг тўғридан-тўғри йўқ қилиниши рўй бермаган. Бироқ бу ерда улус хонлари ва уларнинг амалдорларининг қароргоҳлари бўлди, бу жойга мўғул кўчманчилари келишди. Далалар ва боғлар йилқилар подасининг оёқлари остида эзилди ва бу Жетисув шаҳарларининг иқтисоди асосини бузди.



Мўғулларнинг катапюльта(қалъаларни қамал қилганда тош, ёниб турган смола отадиган машина)ни қўлланиши.

Мўғуллар истилоси турли қабилаларнинг ўзаро янада аралашувиغا олиб келди, Евроосиё аҳолисининг антропологик қиёфасига ўзгаришлар киритди. Мўғул империяси илгари тарқоқ бўлган қабилаларни бирлаштиришда ижобий роль ўйнади. Мўғуллар, марказлашган давлат тўғрисидаги ғоясига кўра, империяда майда эгаликлар кўп бўлишига йўл беришмади. Улар учун бир ҳокимиятга бўйсиниш ақидаси “бўлиб олда, бошқаравер” қоидасидан тўғрироқ кўринди. Шу тариқа мўғуллар халқларни жамлашга киришишди.

Мўғул ҳокимияти эвазига майда князликлар ва қабилалар яхлит қилиб қўйилди. Масалан, мўғул истилосидан сўнг бирлаштирилган Хитой, яхлит мамлакат бўлди. Иван Калитадан бошлаб, Москва князлари буюк князликка ёрлиқларнинг соҳиблари сифатида олтинўрдалик хонларнинг қўлловига эга бўлишди. Натижада “... қадимий русни чарчатган



Мўғулларнинг хоч кўтарувчилар билан жангги.

ички низолар пасайди. Унинг вайроналарида Москва подшолиги пайдо бўлди”.

Мўғул ҳукмдорлари халқаро муносабатларнинг ривожланишини қўллаб-қувватладилар, илгари оралари узоқ бўлган халқлар ўртасида савдо ва маданий алоқаларни ўрнатдилар. Кенг ҳудудларда ахборотларни етказиш учун шароит яратиб, ҳамма жойда ям хизматини жорий қилдилар, почта трактлари қуришдилар. Солиқ йиғиш учун аҳолининг умумий рўйхатга олиш юритилди, умумий пул бирлиги белгиланди.

Бир қатор таниқли тарихчилар, жумладан, В.Бартольд, Л.Гумилёв, Хара-Даван ва бошқалар Мўғул империясининг ташкил топиши ижобий ва марказлаштириш ролини ўйнади, деган хулосага келишди. Тарихчи Хара-Даван: “мўғул истилоси ёввойи ўрдаларнинг босқини эмас, чунки улар ғалабага эриша олмаган, жаҳон тарихида мисли кўрилмаган империяни ташкил этмаган бўларди”, деб ёзди.

Худди шундай нуқтаи назар Хитой тарихчиларида ҳам бор. Жумладан, Хен Жу-Минь шундай ёзди: “Чингизхон Шарқ ва Ғарб орасидаги чегарани янчиб ташлади, иқтисодий ва маданий муносабатларга тўғаноқ бўлган қалъа ва истехкомларни яксон этди ва шундан сўнг Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро алоқалари гуллаб-яшнади”.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Боту армиясининг катта қисмини _____ лар, учдан бир қисмини _____ лар ташкил этган.
- 1.2. 1241 йили Боту отрядлари европаликлар армиясини тор-мор этиб, _____ денгизига чиқишди.
- 1.3. _____ князликлари Олтин Ўрдага вассал қарамлигига тушиб қолишди.
- 1.4. Мўғуллар Олтин Ўрдада кам эди, XIV асрга улар тўла _____
- 1.5. Олтин Ўрда якуний сиёсий мустақилликка _____ (1267-1280 йй.) ҳукмронлиги йилларида эришди, у тангалар зарблаб, _____ берди.
- 1.6. Мамлакатни бошқариш ижро ҳокимиятининг органи _____ орқали амалга оширилди.
- 1.7. Уч мўғул улусларининг чегараси _____ да кесишди.
- 1.8. Олтин Ўрдадаги бошбошдоқлик ва сарой фитналари даври _____ йиллардан _____ йилгача давом қилди, тахминан _____ хон тахтда алмашди.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Ботунинг юриши пайтида Иртишдан Дунайгача майдон ушбу авлодлари ҳукмронлиги остида бўлди.
 - А) Чигатойнинг
 - В) Угедэйнинг
 - С) Тулуйнинг
 - Д) Кебекнинг
 - Е) Жўчининг
- 2.2. Олтин Ўрда асосчиси Боту ҳукмронлик қилди
 - А) 1230–1240 йй.
 - В) 1238–1250 йй.
 - С) 1240–1262 йй.
 - Д) 1227–1255 йй.
 - Е) 1232–1262 йй.
- 2.3. Исломни қабуллаб, марказдан мустақил сиёсат юритган Олтин Ўрданинг биринчи хони
 - А) Ўзбек
 - В) Жўчи
 - С) Берке
 - Д) Тўхтамиш
 - Е) Боту
- 2.4. Қўшинларнинг бош қўмондони, ташқи сиёсат идораси раҳбари ҳамда Олтин Ўрдада хондан кейинги иккинчи шахс бўлган
 - А) бекларбек

- В) жабғу
- С) бек
- Д) нўён
- Е) басқақ

2.5. Давлат молияси, солиқ, ички сиёсатни девон раҳбари юритди

- А) жабғу
- В) вазир
- С) бек
- Д) нўён
- Е) басқақ

30-§.

ШАРҚИЙ ДАШТИ ҚИПЧОҚНИНГ СИЁСИЙ МАҲДУДЛАШУВИ. ОҚ ЎРДА

Мазкур мавзунни ўрганиб, сиз:

- Оқ Ўрданинг маҳдудлашуви шартлари ва унинг тарих учун аҳамиятини аниқлайсиз;
- Оқ Ўрда сиёсий – тарихий бошқичлари билан танишасиз;
- Оқ Ўрданинг яхлит қозоқ халқи шаклланиши учун шароит яратишдаги ролини биласиз.

Олтин Ўрданинг парчаланishi сабабларини эсланг.

Мўғулдан кейинги давр (XIV–XV аа.). Мўғулларнинг катта улуси феодализмга парчаланиб кетди. Хўжалиги, этник асоси ва умумий тарихий тақдири бир давлатлар ташкил этилди.

Мўғуллар давридан кейинги вақтда Қозоғистон ҳудудида бир неча давлатлар: Оқ Ўрда, Мўғулистон, Абулхаир хонлиги, Нўғой ўрдасининг маҳдудлашуви юз берди. Мўғул давридан кейинги давлатларда турк халқлари: қозоқлар, ўзбеклар, қирғизлар, татарлар, нўғойлар шаклланди. Қозоқ халқи ва унинг давлати – Қозоқ хонлиги ташкил топишининг тарихий жараёни бошланди.

Қозоғистон ҳудудидаги мўғуллар давридан кейинги вақтни таснифланг.

Оқ Ўрданинг пайдо бўлиши. Шарқий Дашти Қипчоқ ҳудудида XIII аср ўрталари – XV аср бошида Оқ Ўрда давлати ҳаёт сурди.

Рашид ад-Диннинг гувоҳлик беришича, Жўчининг шарқий улус қисмини унинг катта ўғли Ўрда Ежен олди. Абулғози (X а.) ёзишича, Жўчининг шарқий улуси қисмига ҳукмронликни Ўрда Ежен акаси Боту хондан олган. Бир нарса аниқ, бу ерлар, яъни Шарқий Дашти Қипчоқ Ўрда Ежен ва унинг ворисларининг улус ерлари бўлган. Улар амалда расмий жиҳатдан ўзларини Боту хон авлодларининг вассаллари деб тан олган мустақил бошқарувчилар – “ўз ерларининг мустақил ҳукмдорлари” бўлишган.

Оқ Ўрданинг ҳудуди аста-секин шаклланиб, Олтин Ўрда заифлашуви билан кенгайиб борган. Оқ Ўрда энг юқори юксалишга XIV асрнинг иккинчи ярмида эришди: бу давр Сарой шахридаги бошбошдоқликлар ва саройдаги фитналар палласи бўлганини яхши эслаймиз. XIV асрда Ўрда Ежен авлодидан бўлган ҳукмдорлар нинг ҳокимияти Жетисувни истисно қилганда, ҳозирги Қозоғистоннинг бутун ҳудудига тарқалди.

□ —————
Параграф мазмунига таянган ҳолда Оқ Ўрданинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил давлат бўлганини далилланг.

Оқ Ўрданинг пойтахти Сиғноқ шахри бўлди. Оқ Ўрда ерлари шунингдек, Ўзбек улуси деб аталди.


Давлатда турк тилли қабилалар ва Чингизхон билан келган мўғуллар жойлашишди. Мўғул қабилалари XIV асрга келиб батамом турклашишди.

Оқ Ўрда ўз сулоларига ҳамда мустақил ташқи сиёсатига эга сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил давлат бўлди. XIV–XV асрлар чегарасида Оқ Ўрда Шарқий Дашти Қипчоқ ҳудудида қабилалар ва халқларни бирлаштиришда муҳим роль ўйнади.

□ —————
Параграф мазмунига суяниб, Оқ Ўрданинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил давлат бўлганини далилланг.

Сиёсий тарихи. Оқ Ўрданинг сиёсий тарихини уч босқичга бўлиш мумкин. *Биринчи босқич* Шарқий Дашти Қипчоқ ҳудудини Олтин Ўрда ҳокимияти қўл остидан озод этиш учун олиб борилган узоқ кураш билан характерланади. Олтин Ўрдага қарамликни бутунлай узиб ташлашга XIV асрнинг ўрталарида Ерзен ва Муборак хўжа хонлари муваффақ бўлишди.

Иккинчи босқич – XIV асрнинг 60–70-йилларида ҳукмронлик қилган Ўрус хон даврида Оқ Ўрданинг кучайиши рўй бериб, Оқ Ўрда бирмунча мустақамланди ҳамда бутун Олтин Ўрдани бирлаштирувчи сифатида кўринди.



Амир Темурнинг аҳоли билан учрашуви.

Давлат тарихининг учинчи, якуний босқичи – Мовароуннахр Амири Темурнинг агрессиясига (босқинчилик) қарши кураш даври. Оқ Ҷрдани Темурдан ҳимоялаш ва унга қарши курашишнинг асосий юки Ҷрус хонга тушди.

XIV аср ниҳояси ва XV аср бошида Оқ Ҷрда Мўғулистоннинг қўшни давлатлари каби амир қўшинларининг бир неча бор бостириб киришига дучор бўлди.


Оқ Ҷрданинг сиёсий тарихи босқичларини таснифланг.

Давлатнинг қулаши. XIV асрнинг 70-80-йилларида темур Оқ Ҷрда ва Мўғулистоннинг ҳудудларига ўн марта босқинчиликлар қилди. Натижада икки давлат ҳам заифлашган, аҳолининг кўп қисми жисмонан йўқотилган ёки асирликка олинган эди. Жанубий Қозоғистоннинг кўчманчилар ҳаёти учун муҳим тумани Сигноқ, Ҷтрор, Саврон, Ясси, Сайрам каби шаҳарлари билан бой берилган эди.

Босқинчилар билан кураш мобайнида Оқ Ҷрда ва Мўғулистоннинг кучлари бирлашишди. Биргаликдаги кураш муҳим тарихий аҳамиятга эга эди, чунки у Шарқий Дашти Қипчоқ ва Ҷетисув аҳолисининг бирлашувига ёрдам берди.







XIV АСР – XV АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА ҚОЗОҒИСТОН

№8 ХАРИТА



МАСШТАБ
1:10 000 000

ИЗОХ: харитада дарё ва суё омборларининг ҳозирги номлари берилган;
— · — · — Қозоғистон Республикасининг ҳозирги chegarasi

-  Олгин Ўрда, Мўғлистон ва Тимурийлар давлати chegaralari
-  1377 й.
-  Тимурнинг қориллари (саналар кўрсатиллиб)
-  Йилриқ жангләр жойи
-  Мўғлистон хуҳуди
-  Тимурийлар давлати хуҳудлари

Урушлар ва ички низолар оқибатида XIV – XV аср бошида Оқ Ўрда сезиларли даражада заифлашди. 1423–1428 йилларда Оқ Ўрдадаги ҳокимиятни Ўрусхоннинг набираси Бароқ бир мунча вақт мустаҳкамлади. 1425 йили Бароқ амир Улуғбекка қарши юришга чиқди ва темурийлардан Сирдарёнинг оқимидаги Сигноқ шаҳрини тортиб олди. Бироқ 1428 йили Бароқ ҳалок бўлади ва Оқ Ўрда ҳудудидаги ҳокимиятни бошқариш Шайбоннинг меросхўри Абулхайрга ўтади. Ўрус хон ва Бароқнинг авлодлари ўз ҳокимиятларини фақат мерос қолган ерлар – Қозоғистоннинг жанубий туманларидагина сақлаб қолишди. Оқ Ўрда ва Мўғулистонга нисбатан Тимурнинг тажовузкор сиёсати қозоқ қабилаларининг бирлашуви ва давлатчилик ривожланишини тўхтатиб қўйди.

Қозоғистон тарихида бутун дашти Қипчоқни бир давлатга бирлашуви, сиёсий онгнинг ўсиши ҳамда иқтисодни тиклаш учун шароит яратишда Оқ Ўрданинг роли.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Оқ Ўрда ўзининг юксалишига _____ асрнинг иккинчи ярмида эришди.
- 1.2. Оқ Ўрданинг пойтахти _____ шаҳри, Оқ Ўрда ерлари, шунингдек, _____ улуси деб аталган.
- 1.3. Ўрусхон ва Бароқнинг авлодлари ўз ҳукмронликларини мерос қолган ерлар – Қозоғистоннинг _____ туманларида сақлашди.



2. Бир ёки бир неча тўғри жавобли ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Мўғуллар даврдан кейин бир неча давлатларнинг маҳдудлашуви рўй берди
 - 1) Қимақ ҳоқонлиги
 - 2) Қипчоқ хонлиги
 - 3) Абулхайр хонлиги
 - 4) Нўғой Ўрдаси
 - 5) Қорахонийлар давлати
 - 6) Хазар давлати
 - 7) Мўғулистон
 - 8) Оқ Ўрда
- 2.2. Тимурнинг қароқчилик юришларидан сўнг давлатларнинг қулаши рўй берди
 - 1) Олтин Ўрданинг
 - 2) Нўғой Ўрдасининг
 - 3) Абулхайр хонлигининг
 - 4) Мўғулистоннинг
 - 5) Оқ Ўрданинг
 - 6) Хазар давлатининг
 - 7) Қипчоқ хонлигининг
 - 8) Қимақ ҳоқонлигининг

- 2.3. Ўрда Ежен ва унинг ворисларининг улус ерлари
- А) Шарқий Дашти Қипчоқ
 - В) Ғарбий Дашти Қипчоқ
 - С) Уралдан Волгагача
 - Д) Уралдан Кавказгача
 - Е) Волгадан Дунай қуйи қисмигача
- 2.4. XIV аср ўрталарида Ерзен ва Муборак хонларга батамом ажралишга имкон туғилди
- А) Тимур давлатидан
 - В) Мўғулистондан
 - С) Абулхайр хонлигидан
 - Д) Нўғой Ўрдасидан
 - Е) Олтин Ўрдадан
- 2.5. XIV аср ниҳояси ва XV аср бошида Оқ Ўрда ва мўғулситон босқинларга дучор бўлди
- А) Мангу хоннинг
 - В) амир Пўлатчининг
 - С) Ўзбек хоннинг
 - Д) амир Темурнинг
 - Е) Беркенинг

31-§.

МЎҒУЛИСТОН (XIV аср ўрталари – XVI аср бошлари)

Мазкур мавзунни ўрганиб, сиз:

- Мўғулистоннинг маҳдудлашуви сабаблари ва унинг Қозоғистон тарихидаги аҳамиятини аниқлайсиз;
- нима учун Чиғатой улуси шарқий ва ғарбий қисмларга ажралгани ва турли йўл танлаганини билиб оласиз.

□ Чиғатой улуси қайси ҳудудда ташкил топганини эсланг. Чиғатой улуси Жўчи улусидан нимаси билан фарқланди?

Чиғатой улусидаги сиёсий шароит. Чингизхоннинг иккинчи ўғли – Чиғатойнинг ҳукмронлик ерлари Шарқий Туркистон, Жетисувнинг катта қисми ва Мовароуннаҳрни ташкил этган. Унинг асосий шаҳри Иле водисидаги Олмалиқ шаҳри эди.

Барча ўрта аср манбаларида Чиғатой қаттиққўл, ҳеч қачон “ўз чеҳрасида табассум зоҳир қилмаган” одам сифатида характерланади. У ўз улусини ободонлаштириш билан фаол шуғулланди. Масалан, унинг буйруғи билан Шарқий Туркистондан Урумчи ҳамда тоғ довони орқали Иле водийсига йўл

қурилган. Бунинг учун қоялар бузилиб, шу қадар кенг 48та кўприк бунёд этилгандики, улардан икки арава бир вақтда ўта оларди. Чиғатой бутун империяда чинакам обрў-эътиборга сазовор бўлганди.

Чиғатой ўзининг акаси – буюк хон Угедэй (1229–1241)дан бир неча ой ортиқ яшаб, вафот этади ва Иле водийсига дафн қилинади.

Чиғатой авлодидан бўлган Кебекхон(1307–1326) ҳукмронлиги даврида хон исми ёзилган, кебек номини олган кумуш тангалар муомалага чиқарилади. Кебек шаҳарларни тиклади ва барча эгаликларни бир бутун қилиб бирлаштирди. Унинг даврида мусулмон маданияти фаол жорий қилинди. Кебек кўчманчи анъаналари билан батамом хайрлашди ва Мовароуннаҳрға кўчиб кетди. Жетисув давлат марказидан чекка жойга айланади.

Қабила ва авлод зодагонларининг вакилларини ўз тарафига тортиш учун Кебекхон ислохотлар ўтказди. Бу ислохот бўйича давлат турк-мўғул зодагонлари бошқарган маъмурий округларға бўлинди.

Кебекхоннинг пул ислоҳоти қандай аҳамиятга эга эди, деб ўйлайсиз?

XIV асрнинг ўрталарида Чиғатой хонлиги икки алоҳида давлат бўлиб парчаланди. Чиғатой улусининг ғарбий эгаликларида – Мовароуннаҳрда – Чиғатой авлоди ўз ҳукмронлигини йўқотади ва ҳокимият турк-мўғул зодагонлари (амирлари) қўлига ўтади. Чиғатой хонлигининг шарқий вилоятида аҳвол бошқача эди.

Мўғулистоннинг ташкил топиши. Давлатнинг шарқий қисми амирлари (беклар) олий ҳокимиятни қўлга олишмай, чингизий хонни тахтға кўтардилар. Батафсил маълумотларни муҳаммад ҳайдар келтиради. Мўғул давлатларида анъанаға кўра фақат чингизий олий ҳукмдор бўла олган. Шунинг учун ҳатто дулат қабиласи бошчиси, шарқий вилоятлар амирларидан энг обрўлиси амир **Пўлатчи** ҳам ўзини хон деб эълон қилишға журъат этмади. У тахтға Мўғулистон ҳукмдорлари сулоласининг асосчиси Чиғатойнинг вориси **Туғлуқ Темур (1347–1363)**ни ўтирғизди. Ўз номзодини хон қилгач, дулат амирлари мамлакатнинг етакчи сиёсий кучи сифатида ўз ҳокимиятини мустаҳкамладилар.

Нима учун амир пўлатчи ўзини хон деб эълон қилолмай.

Тахтға Чиғатойнинг вориси Туғлуқ Темурни кўтарди?

Нима учун амир Пўлатчи Мовароуннаҳр амирлари

йўлидан бормади?

Шундай тарзда Чигатой улусининг шарқий қисмида манбаларда Мўғулистон, ёки мўғуллар улуси деб аталган давлат пайдо бўлди. Амир Пўлатчи тарихга бу давлатнинг асосчиси сифатида кирди.

Мўғулистон “мўғуллар мамлакати” деган маънони беради.



Мўғулистон давлати ташкил топиши сабабларини айтинг.
“Мўғулистон” сўзи келиб чиқишини тушунтиринг.

Аҳолиси ва ҳудуди. Мўғулистон аҳолиси таркибида кўплаган турклар ва туркийлашган мўғул қабилалари бўлди.

Мўғулистоннинг чегараси сиёсий аҳволга қараб ўзгариб турган ва “7–8 ойлик йўлга” чўзилган. XIV–XVI асрлар бошида “Тарихи Рашидий”га мувофиқ, бу Жетисув ва ҳозирги Қирғизистоннинг ҳудуди бўлган.

Туғлуқ Темурнинг қароргоҳи Олмалиқда жойлашган. Туғлуқ темурхоннинг ҳукмронлиги ҳақида манбаларда айтилишича, унинг ҳоқимияти “бутун Мўғулистон”га тараган ва ўз ҳоқимиятини мустақамлаш учун исломни давлат дини деб эълон қилади.



Мўғулистонга ҳозирги Қозоғистоннинг қайси қисми кирган?

Ижтимоий тузилиши. Мўғулистонда давлат раҳбари ва ернинг олий соҳиби хон бўлган. Далвтни бошқаришда хонга дулат қабиласининг амир авлодидан чиққан улусбек ёрдам берган, бу лавозим меросга қолдирилган.

Мўғул афсоналарига кўра, Туғлуқ Темурхон Иле водийсига, Олмалиқ яқинига дафн қилинган. Хоннинг қабри устига ажойиб мақбара ишланган эди. В.В. Бартольднинг айтишича, Мўғулистон биринчи хонининг мозори “Ўрта Осиёда биз кўрган меъморлик ёдгорликларини ўзининг анчагина ортида қолдирган”.

Туғлуқ Темурнинг вориси Илёс Хўжанинг ҳукмронлиги қисқа бўлди. Маълумки, Илёс Хўжа мўғул қўшинларига раҳбарлик қилиб, Батпақти (Ботқоқ) жангги вақтида 1365 йили Темур бошчилигидаги Мовароуннаҳр амирларининг бирлашган кучини яқсон қилган эди. Бу сафар Амир Темур қочган эди.

Мўғулистоннинг сиёсий тарихи. Дастлабки мўғул хонлари XIV асрнинг 60-йилларида ҳоқимият бир неча амирлар қўлида бўлган Мовароуннаҳрда чигатойликларнинг ҳоқимиятини тикламоқчи бўлишди. Бироқ XIV асрнинг 70–80-йилларида Мўғулистон ҳукмдорларига Амир Темур тажовузига қарши узоқ ва қатъий кураш олиб боришларига тўғри келди.



Мўғул жангчиси.

Ашаддий жанглар натижасида мўғуллар хони Хизир Хўжа ўзини Темурнинг вассали деб тан олишга мажбур бўлди.

Мўғулистоннинг ташқи сиёсати асосий йўналишларини айтинг.

Хизир Хўжанинг ўғли Муҳаммадхон (1408–1416 йй.) даврида шароит бирмунча мустаҳкамланди. Унинг даврида Мўғулистон Темурийлардан мустақил бўлди. Бирок янги ноқулайликлар бошланди. Мўғулистоннинг шарқий сарҳадларига ўйротлар ҳамла қила бошлашди.

XV аср ўрталарига келиб ҳокимият Есен Буға қўлига ўтди. Есен буға даврида 50-йилларнинг охирида Жонибек ва Керей султонлар раҳбарлигида бир қисм қозоқлар Жетисувга кўчиб ўтишди.

Мўғулистон ҳукмдорлари, уларнинг ички ва ташқи сиёсат тарихидаги роли ҳақида хронологик тартибда сўзлаб беринг.

XVI аср бошида мўғул ҳукмдорлари Жанубий-шарқий Қозоғистондаги эгаликларини йўқотишди. Шайбонийлар ва қозоқлар тазйиқи остида мўғуллар Жетисувдан сиқиб чиқарилиб, Шарқий Туркистонга кўчишади. Мўғулистоннинг сўнгги хонларидан бири Қошғарияга бостириб кириб, тарихда Қошғария номини олган янги мўғул давлатига асос қўйди.

XVI асрнинг 20-йилларида мўғуллар қозоқлар томонидан Жетисувдан батамом сиқиб чиқарилади. Жетисув ҳудудида қолган мўғуллар қабилалари аста-секин қозоқлар таркибига аралаша бошлади. Мўғулистон барҳам топди.

Мўғулистоннинг барбод бўлишига турли сабаблар бор эди. Улардан: Чиғатойликлар сулоласидаги низолар; қабила зодагонларининг ўзаро ички курашлари; Темур билан жанглар ва ўйротларнинг босқинчиликлари; омавий кўчишлар шаклидаги кетиб қолишлар, беқарорлик ва пул йиғишдан норозиликлар.

Маълум бир босқичда Мўғулистон муҳим тарихий роль ўйнади. *Биринчидан*, келгусида қозоқларнинг Улуғ жузини ташкил қилган Жетисув қабилаларининг бирлашиш жараёни ниҳоясига етди. *Иккинчидан*, Тянь-Шань бўйи қабилаларининг қирғиз элатига бирикуви жараёни тугаллан-

ди. Мўғулистон этник жиҳатдан бир турдаги давлатлар – Қозоғистон ва Қирғизистоннинг пайдо бўлишига шарт-шароит яратди.



Мўғулистоннинг барбод бўлишини келтириб чиқарган сабабларни тушунтиринг. Қозоғистон тарихида Мўғулистоннинг ролини очиб беринг.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Чиғатой мамлакатининг бош шахри Иле водийсидаги _____ эди.
- 1.2. Чиғатой сулоласининг биринчи умумий давлат тангаси _____
- 1.3. Кебек кўчманчи анъналаридан воз кечиб, _____ кўчиб келди ва унинг даврида _____ марказий шаҳардан чекка манзилга айланди.
- 1.4. XIV–XVI асрлар бошида “Тарихи Рашидий”га кўра, Мўғулистонга _____ ва ҳозирги _____ ҳудудлари кирди.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Ислом динини Мўғулистоннинг давлат дини деб эълон қилди
 - А) Вайс хон
 - В) Туғлуқ Темур
 - С) Есен Буға
 - Д) Жонибек
 - Е) Ўрус хон
- 2.2. XIV аср ўрталарида Чиғатой улусининг шарқий қисмида давлат пайдо бўлди
 - А) Темур давлати
 - В) Оқ Ўрда
 - С) Кўчманчи ўзбеклар давлати
 - Д) Нўғой Ўрдаси
 - Е) Мўғулистон
- 2.3. Чиғатой хонлиги икки давлатга бўлинди
 - А) XIV аср ўрталарида
 - В) XVII аср охирида
 - С) XV аср охирида
 - Д) XVI аср ўртасида
 - Е) XVI аср бошида
- 2.4. Мўғулистон ҳукмдорлари сулоласи асосчиси эди
 - А) Ўзбек хон
 - В) Жўчи хон
 - С) Туғлуқ Темур
 - Д) Мангу хон
 - Е) Тўхтамиш хон

Мазкур мавзуни ўрганиб, сиз:

- Мовароуннаҳрда ҳокимиятга амир Темурнинг келиши сабабини аниқлайсиз;
- Темурийлар давлати ривожланиши ва унинг Қозоғистон тарихи учун аҳамиятини биласиз;
- Темур ва Чингизхоннинг истилолари орасида ўхшашлик ва фарқни белгилайсиз.



Амир Темур (Тамерлан).

Давлатнинг тузилиши. Темурнинг шахсияти. XIV асрнинг **40-йиллари** ўрталарида Чигатоё мамлакати икки: ғарбий ва шарқий давлатларга ажради. Ғарбийсида, яъни Мовароуннаҳрда ҳокимият қабила зодагонлари – амир (бек)лар қўлида эди. Мовароуннаҳр амирлари орасида узоқ давом этган кураш 1370 йили Темурнинг галабаси билан тугади.

Амир Темур турклашган мўғулларнинг барлос қабиласидан ва у Ўрта Осиёда 1370–1405 йилларда ҳукмдорлик қилди.

Замондошларининг айтишича, Темур етакчилик қобилиятини эрта намоён этган, тиришқоқ ва қатъий ўсмир бўлиб ўсади. Темур ўзининг сиёсий ўсишини XIV асрнинг 60-йилларидан, барлос қабиласи устидан ҳукмронлик қилганидан

бошлайди. Олган жароҳатлари туфайли унинг ўнг оёғи чап оёғидан қисқа эди ва бунинг учун у Темурланг (форсчада ланг – оқсоқ, туркчада – оқсоқ), европача Тамерлан атоғини олган.

Давлатнинг тўла ҳукмдорига айлангач, у амир мақомини олди, хон мақомини ҳеч қачон эгалламаган. Унинг ўзи тахтга чингизийларни хон этиб ўтирғизарди ва ўзини “тахт соҳиби” вакили деб таништирарди. Одатларга кўра давлат раҳбарига кўсатиладиган эҳтиромларни Темурнинг ўзи қабуллаган. Ҳордиқ ва байрамларда, элчиларни қабуллашда хон оёқларини тагига қистириб, камтарона ўтирарди. Темурнинг ўзи қўшинлар кўригини ўтказар, барча ҳарбий эҳтиромларни қабул этарди.

Темурнинг шиори форсчасига “расти ва русти” (“куч адолатдадир”) эди. Бу шиор Темурнинг узуги ва муҳридан жой олган. Темур Самарқандда мустақкамланган пойтахтни яратди. Чигатоё улуси ғарбий қисмининг кейинги тарихи шундай шаклландики, Мовароуннаҳрда мамлакатни XVI аср бошигача бошқарган Темурийлар сулоласи пайдо бўлди.

Давлатнинг сиёсий тузилиши. Темур аввалги сиёсий тизимни барбод қилди. Биринчи навбатда у шахсан Темурга бўйсинадиган содиқ ҳарбий бошлиқлар корпусини ташкил қилди. Янги элитани Темурнинг сафдошлари ва оила аъзолари ташкил қилишди. Аввалги қабила авлодлари оқсуякларини ҳокимиятдан четлатди. Махсус йўналишдаги доимий қўшинларни ташкил этди. Кўчманчи ва ўтроқ аҳоли алоҳида тарзда бошқарилди.

Темур-ҳукмдор уч: сулола, дин, ҳарбий ақидаларга амал қилди. Сулола ақидасига кўра, Темурнинг мерорсхўрлари ва яқин туғишганлари ҳаёти дахлсиз эди.

Темурнинг диний ақидаси эса, ислом динига ва унинг вакилларига ҳурмат кўрсатишдан иборат бўлди.

Ҳарбий ақидага кўра, унинг лашкарларида мўғул тартиблари, қатъий тартиб ҳукмронлик қилди. Темур ўзининг истилоларини Чингизхон империяси тартибларининг тикловчисиман, деб оқлади.



Темур ўз давлатида қандай сиёсий тизимни жорий қилди?

Темурнинг истилолари. XIV асрнинг 70 йиллари бошида у ҳарбий кампанияларнинг бир нечасини бошлади.

Иртишдан Деҳлигача, Рязанб ерларидан Ўрта Ер денгизигача бўлган кўп мамлакатлар Темур қўшинлари зарбаларини синаб кўришди. Бироқ Темур ўз давлатига Каспий бўйи давлатларинигина, Эрон, Афғонистонни қўшиб олди. Унинг Мўғулистон, Оқ Ўрда, Олтин Ўрда, Сурия, Ҳиндистон ва бошқа ҳудудларга юришлари вайронагарчилик босқинчиликлари характериға эга эди.

Олтин Ўрда ва Оқ Ўрданинг Тўхтамиш хон ҳокимияти остида бирлаштирилиши АмирТемур қудратига хавф солаётган эди. Темур уч марта Олтин Ўрдага босқинчилик юришини қилади. Унинг 1395 йилдаги сўнгги юришида Олтин Ўрда батамом тор-мор этилади. Ушбу юришлари вақтида Темур Олтин Ўрданинг барча шаҳарларини вайрон қилади, Қозоғистон, Кавказ, Жанубий Руснинг ерларини тўнади. Олтин Ўрда ўзига келолмади, ва унинг қулаши бошланади. Олтин Ўрданинг қулаши рус ерларининг мўғуллар ҳукмронлигидан озод этилишиға олиб келди.

Унинг қароқчилик юришлари Мўғулистон ва Оқ Ўрданинг қулашиға олиб келди. Темур енгилмас деб ҳисобланган, Европаға хавф солган султон Боязидни тор-мор этиб, Ўсмон империясига ҳам зарба берди. Европа монархлари Темурға миннатдорчилик билдиришади.

Кўрамизки, Темур Евроосиёдаги барча турк давлатларини тор-мор этиб, қулашиға сабаб бўлди.

Темур 1405 йили, Хитойға юришға тайёргарлик кўраётганида вафот этди, фақат унинг Ўтрордаги ўлими бу хавфни чекинтирди. У катта мамл-

катни мерос қолдирди, бироқ ўғиллари ва набиралари ўзаро уруш бошлади-лар. Ўша таҳликали йилларда Темур эгаллаб олган мамлакат ва вилоятлар-ни унинг авлодлари қўлдан бой беришди.



Темур юришларининг йўналиши – шимолий-ғарбий – Дашти Қипчоқ, шарқий – Мўғулистон, Хитой, жанубий-шарқий – Ҳиндистон, жанубий-ғарбий – Эрон ва Туркия.

XV аср охирига келиб Темурийлар давлатининг ички аҳволи янада оғирлашди. Мовароуннахрнинг йирик шаҳарларида ўзаро низолашувчи мустақил ҳукмдорлар пайдо бўлди. Темурийлар давлатининг тарқоқлиги XVI аср охирида бу сулоланинг қулашига олиб келди. Мовароуннахрда ҳокимият Шайбонийлар сулоласи бошчилигидаги кўчманчи Дашти Қипчоқ ўзбеклари қўлига ўтади.



Амир Темурнинг юришлари Евроосиё тарихига қандай таъсир кўрсатди?
Темурнинг қўшни давлатлар иқтисодини барбод этгани, транзит савдо асосини бузгани, унга замондош бутун турк дунёсини вайрон қилганини далилланг.



Замондошлар ва тарихчиларнинг гувоҳликлари

Темур ҳақида Дамашқда Темур томонидан асир олиниб, Самарқандга олиб кетилган унинг душмани Ибн Арабшоҳ ёзади. Кейинчалик Ибн Арабшоҳ ватанига қайтиб, 1436–1437 йилларда Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китоб ёзган. Муаллиф Темурнинг худо берган ҳукмдор бўлганини ва унинг кўпгина буюк хислатлар: олижаноблик, ғурур, билимга чанқоқлик ва ҳ.к.з.ларга эгаллигини ёзади. Ҳамма нарсадан кўра у ов ва шахмат ўйинини хуш кўрган, жумладан, бу борада анча натижага эришган. Ташкилотчилик қобилиятига эга, сохталикни ёқтирмаган, нечоғлик аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни тан олган. Мағлуб бўлганида руҳ тетиклигини йўқотмаган, ғолибликда беҳад қувонмаган. Темур жасур ва мард сипоҳиларни ёқтирган, улар ёрдамида “тоғ чўққиларини ўгирган” ва олий даражада муваффақият қозонган.

Темурнинг Ибн Арабшоҳ хабар қилган қандай хислатлари унга давлат бошқарувида ёрдам берган?



1. Очиқ шаклдаги тест саволлари

1.1. Чиғатой улусининг қулаши оқибатида унинг ғарбий қисмида _____ давлати ташкил топади.

- 1.2. Темур 1370 йили ўзаро низолар вақтида кўришиб, _____ да ҳокимиятни қўлга олди.
- 1.3. Амир Темур Ўрта Осиёда _____ йиллари ҳукмдорлик қилди.
- 1.4. Олтин ва Оқ Ўрданинг бирлашуви Амир Темурга хавф солар эди.
- 1.5. Амир Темур қўшинларининг уч марта юришидан сўнг _____ вайрон қилинган.

2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Амир Темурнинг босқинчиликлари туфайли заифлашдилар
 - 1) Рус князликлари
 - 2) Нўғой Ўрдаси
 - 3) Олтин Ўрда
 - 4) Абулхайр хонлиги
 - 5) Мўғулистон
 - 6) Оқ Ўрда
 - 7) Афғонистон
 - 8) Жунғория
- 2.2. Амир Темурнинг қудратига Тўхтамиш хон ҳукмронлиги остидаги бирлашма таҳдид солар эди
 - А) Рус князликлари
 - В) Олтин ва Оқ Ўрда
 - С) Нўғой Ўрдаси ва Абулхайр хонлиги
 - Д) Нўғой Ўрдаси ва Мовароуннаҳр
 - Е) Оқ Ўрда ва Мўғулистон
- 2.3. Олтин Ўрданинг қулаши ва рус ерларининг озод этилишига икки давлат орасидаги кураш сабаб бўлди
 - А) Амир Темур ва Тўхтамиш хон
 - В) Амир Темур ва Ўрусхон
 - С) Амир Пўлатчи ва Абулхайрхон
 - Д) Чигатойзодалар ва Шайбонийлар
 - Е) Амир Темур ва Қосимхон
- 2.4. Амир Темур кўп маротаба босқинчиликлар қилди
 - А) Мовароуннаҳрга
 - В) Нўғой Ўрдаси ва Кўк Ўрдага
 - С) Русия ва Абулхайр хонлигига
 - Д) Афғонистонга
 - Е) Оқ ўрда ва Мўғулистонга

“Абулхайр хонлиги” мавзусини ўрганиб, сиз:

- Абулхайр давлатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихини;
- Абулхайр хонлигининг Қозоғистон тарихидаги аҳамиятини;
- Кўчманчи ўзбеклар давлатининг қулаши сабаблари ва оқибатларини билиб оласиз.

Абулхайр хонлигининг ташкил топиши. XV асрнинг 20 – йилларида Шарқий Дашти Қипчоқнинг чўл майдонларида Абулхайрнинг хонлиги ташкил топди. Янги хонликнинг шаклланиши Оқ Ўрданинг қулаши натижаси эди. Кўчманчи қабилаларнинг айрим йўлбошчилари ва Шайбонийларнинг қўллаб-қувватлаши билан 1428 йили Абулхайр хон деб эълон қилинганди. Шайбонийлар – Жўчининг ўғли Шайбон шаҳзоданинг авлодларидир.

Жўчийлар орасидаги ҳокимият учун кураш давлат ташкил топишида қандай роль ўйнади? Абулхайр қандай сулолага тегишли эди?

Тарихий адабиётда бу давлат бошқа ном – кўчманчи ўзбеклар Давлати деб аталади. Абулхайр хонлиги ҳудуди ғарбда Ёйиқ (Урал) дарёсидан шарқда Балхашгача, жанубда Сирдарё қуйи оқимидан, шимолда Иртишгача чўзилган эди.

Хонликнинг асосий аҳолисини турк қабилаларининг қипчоқ ва қарлуқлари, шунингдек, туркийлашган мўғул қабилалари ташкил қилди. XIV аср охири – XV аср биринчи ярмида бу қабилалар “ўзбеклар” деган умумий ном билан танилишган эди.

Сиёсий тарихи. Абулхайрга мустақил хонликни қуриш ва ҳокимиятни 40 йил ушлаб туриш насиб этди. Унинг ҳукмронлиги бор даври ўзаро низо ва курашларга тўлган эди.

Ҳокимиятга келгач, Абулхайр марказлаштириш ва улуслар ҳукмдорлари имтиёзларини чеклаш сиёсатини юритди. Замондошлари Абулхайр давлатидаги ўзаро низолар ва курашлар сабаби ҳақида “давлатни бошқариш урфлари аввалги тартибларга тўғри келмас ҳамда ўтмиш одатларига риоя қилинмасди”, деб ёзишди. Бунинг барчаси бошида чингизийлар, жумладан, Жонибек ва Керей турган оппозициянинг пайдо бўлишига олиб келди.

Абулхайр хонлигидаги ички шароитни характерланг, унинг ички сиёсатидаги асосий қарама-қаршиликларни тушунтиринг.

Абулхайр ўз хонлигидан ташқарида – Ўрта Осиёда, Қозоғистоннинг жанубида истило урушлари олиб борди. У Хоразмни ва Сирдарёдаги бир қанча шаҳарларини босиб олди. Сигноқ давлатнинг пойтахти бўлди.

Шаҳарларни уни қўллаган қабила йўлбошчиларига улушлар (сойюргал) тарзида бўлиб берди. XV асрнинг 50-йилларида у Темурийларнинг ички низоларига аралашиб, Мовароуннаҳрга юришларини давом этказди. Бу Абулхайрнинг сўнгги ғалабалари эди, шундан сўнг бир қатор ички ва ташқи сиёсий мағлубиятларга учради.



Абулхайрнинг ҳарбий юришлари ва унинг ташқи сиёсатини таснифланг.

Аҳвол ўйротларнинг босқинлари туфайли оғирлашди. 1457 йили Сигноқ яқинида Абулхайр ва ўйротлар лашкарлари орасида жанг бўлди. Абулхайр қаттиқ мағлубиятга учради ва шаҳар деворлари ортига яширинишга мажбур бўлди. Ўйротлар қаршилиққа учрамай, бутун Сирдарё водийсини таладилар. Туркистон, Тошкент, Ўттор шаҳарлари эгаллаб олинди.

Абулхайр душманлари билан шармандали тинчлик битимига келишга мажбур бўлди. Шундан кейин унинг обрўси батамом тушиб, давлат заифлашди.

Абулхайр ҳокимиятининг заифлашуvidан фойдаланган кўпгина чингизийлар унга бўйсинишдан бош тортишди. XV асрнинг 50-йиллари охирида султон Жонибек ва Керей бошчилигидаги бир қанча қабилалар Абулхайрдан ажралиб, Мўғулистонга кўчиб кетишди. Хон улрадан ўч олмоқчи бўлди ва ҳатто Жетисувга юриш ташкил қилди, бироқ 1468 йили йўлда у вафот этди ва лашкарлар ортга қайтиб кетди.

Абулхайр хонлигининг парчаланиши. Унинг вафотидан сўнг хонлик тарқалиб кетди. Шайбонийлар Шарқий Дашти Қипчоқда олий ҳокимиятни йўқотишди, бироқ сиёсий курашдан воз кечишмади. Шайбонийлар раҳбарлигига Абулхайрнинг ёш, қувватли ва довюрак набираси Муҳаммад Шайбоний келди. Лашкар тузиб, Шайбонийлар ҳокимиятини тиклаш учун кураш бошлади. Бироқ Муҳаммад Шайбонийга бобосининг тажрибасини тақрорлаш насиб этмади – уни жуда кам одамлар қўллаган эди.

Шунда Муҳаммад Шайбоний ўз тарафдорлари билан давлати шу вақтда қулаш арафасида турган Темурийларга қарши чиқди. 1500 йилда



Жанг.
XV аср миниатюраси.

мухаммад шайбоний Самарқанд, Бухоро ва бир қанча қалъаларни эгаллади. Самарқандни ўз пойтахти деб эълон қилди. Шундай қилиб, XVI аср бошида Мовароуннаҳрда Темурийлар ўрнига ҳокимиятга янги сулола – Шайбонийлар келади. Мовароуннаҳр Абулхайр хон авлодлари ҳукмронлигида XVI аср охиригача қолди.

Кўчманчи ўзбеклар Давлатининг қулашига қуйидагилар сабаб бўлди:

- 1) давлатнинг алоҳида қисмлари ўртасида пухта алоқа бўлмаганлиги;
- 2) доимий низолар;
- 3) кўчманчиларнинг Абулхайр сиёсатидан норози бўлиши, уларнинг бошқа ҳудудларга кўчишига олиб келди;
- 4) қабилалар консолидациясининг кучайиши.

Қозоқ хонлигининг ташкил топиши билан Шарқий Дашти Қипчоқ ҳудудида Шайбонийлар ҳокимияти барҳам топди.

Абулхайр хонлигининг тарихий аҳамияти шундаки, унинг даврида Шарқий Дашти Қипчоқдаги ўзбекларнинг қудрати кучайди. Унинг даврида Дашт турғунларининг бир қисми Мўғулистонга кўчиб кетиб, ўзбек-қозоқлар ёки қозоқлар атамасини олди. Ўзбек улусидан ажралиб чиққан қисми аҳолисининг бошида Қозоқ хонлигининг асосчилари, Ўрда Еженнинг авлодлари султонлар Керей ва Жонибеклар бўлишди.



Параграф мазмунига суяниб, кўчманчи ўзбеклар давлати парчаланиши сабабларини белгиланг. Замондошларининг айтишича, Абулхайр давлатидаги ғалаён ва низоларга сабаб нима бўлди?



1. Очиқ шаклдаги тест саволлари

- 1.1. Кўчманчи ўзбеклар Давлатининг қулашига Абулхайрнинг ўйротлардан _____ йилда _____ шахри яқинидаги мағлубияти сабаб бўлди.
- 1.2. Муваффақиятли истило урушларидан сўнг Абулхайр давлатининг пойтахти _____ шахри бўлди.
- 1.3. XV асрнинг 50-йилларида Абулхайрдан ажралган қабилаларнинг бир қисми Мўғулистонга султонлар _____ ва _____ бошчилигида кўчиб кетишди.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. XV асрнинг 20-йилларида янги давлатнинг шаклланиши Оқ Ўрданинг қулаши натижаси бўлди
А) Абулхайр хонлигининг
В) Кўк Ўрданинг
С) Темурийларнинг
Д) Мўғулистоннинг
Е) Астрахань хонлигининг

- 2.2. Тарихий адабиётда Абулхайр хонлиги яна шундай аталади
- А) кўчманчи ўзбеклар Давлати
 - В) Кўк Ўрда
 - С) Нўғой Ўрдаси
 - Д) Мўғулистон
 - Е) Астрахань хонлигининг
- 2.3. XV асрнинг 50-йилларида Абулхайр хон ички низоларга аралашиб, Мовароуннаҳрга босқинчиликларни давом этказди
- А) Аштархонийларнинг
 - В) Темурийларнинг
 - С) Сомонийларнинг
 - Д) Шайбонийларнинг
 - Е) Чигатойларнинг
- 2.4. XVI асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда Темурийлар ўрнига ҳокимиятга бошқа сулола келди
- А) Аштархонийларнинг
 - В) Шайбонийларнинг
 - С) Сомонийларнинг
 - Д) Жўчийларнинг
 - Е) Чигатойларнинг


34-§.

НЎҒОЙ ЎРДАСИ. СИБИРЬ ХОНЛИГИ

Мазкур дарс мобайнида сиз:

- Нўғой Ўрдаси ва Сибирь хонлигининг маҳдудлашуви, ривожланишининг ўзгачалиklarини, унинг Қозоғистон тарихи учун аҳамиятини аниқлайсиз;
- Нўғой Ўрдасининг маҳдудлашувига ёрдам берган ва қаршилик кўрсатган омилларнинг белгилайсиз;
- Сибирь хонлиги ва Нўғой Ўрдасининг ўхшашликлари ва фарқларини белгилайсиз.

Нўғой Ўрдасининг ташкил топиши. Олтин Ўрда қулаб, Оқ Ўрда заифлашуви мобайнида пайдо бўлган давлатлардан бири Нўғой Ўрдаси бўлди. Нўғой Ўрдасининг асосий ҳудуди Волга ва Урал орасида эди. Маркази Ёйиқ дарёсининг қуйи оқимидаги, ҳозирги Атиров шаҳри яқинидаги Саройчиқ шаҳри эди. Шаҳарга Жўчийлар томонидан XIII аср иккинчи ярмида асос солинган. Нўғой Ўрдасининг пойтахти бўлгач, Саройчиқ маъмурий ва савдо маркази сифатида ўзининг гуллаб-яшнаган палласига етди. XVI аср охирида шаҳар донлик ва волгалик казаклар томонидан эгалланиб, таг-тубигача вайрон қилинган.



Қадимий Саройчиқ
харобалари.

мобайнида беклар беги бўлди. Унинг сиёсати кўчманчи зодагонлар ролини мустаҳкамлаш ва хон ҳокимиятини заифлаштиришга қаратилди. Эдиге Тўхтамиш билан Олтин Ўрдада ҳукмронлик учун курашди ҳамда 1398 йилги жангда уни ва иттифоқчиларини батамом бартараф этди.

Эдигейнинг бошқаруви даврида Нўғой Ўрдаси Олтин Ўрдадан ажралиб, мустақил эгаликка айлана бошлади.

Ўрданинг номланиши Олтин Ўрда ҳарбий қўмондони Нўғой номидан келиб олинган. **Нўғой** катта улусни бошқарган, давлатда аҳамиятига кўра иккинчи *беклар беги* лавозимини эгаллаган.

Урал ва Волга оралиғидаги қабилаларнинг бирлашмаси Нўғой улусига кирган манғитлар қабиласининг номи билан Манғит юрти деб аталди. XV асрнинг биринчи ярмида Мағит юрти (Нўғой Ўрдаси)нинг шаклланиши тугади.

Нўғой Ўрдасининг этник таркиби Оқ Ўрда ва Абулхайр хонлигида бўлгани каби, турклар ва турклашган мўғуллардан иборат эди. Нўғой Ўрдаси аҳолисининг асосини манғитлар қабиласи ташкил қилди.

Мустақил эгалик сифатида Нўғой Ўрдасининг маҳдудлашуви Эдиге даврида бошланди. Эдиге Олтин Ўрдада кўп йиллар

Харитадан Нўғой Ўрдасининг ҳудудини кўрсатинг. Давлатнинг этник таркиби ва “нўғой” этноними пайдо бўлиши ҳақида сўзланг.

Нўғой Ўрдасининг сиёсий тарихи. Нўғой Ўрдаси батамом XV аср ўтасида Эдигенинг ўғли Нур-ад Дин даврида ажралиб чиқди.

Нўғой Ўрдасининг чегараси ташқи сиёсий шароитга қараб ўзгариб турди. XV асрнинг иккинчи ярмига келиб, нўғойлар Урал чап соҳилининг сарҳадларидан “ўзбеклар” томонга қараб чиқишди. Сирдарё шаҳарларини эгаллаш билан банд бўлган Абулхайр улар ҳам қарамлар сафини тўлдиришлари мумкин деган умидда нўғойларга қаршилик қилмади.

Нима учун Абулхайр нўғойлар Урал чап соҳилининг сарҳадларидан чиқиб, ўзбеклар ҳудудини эгаллаганида уларга қаршилик қилмади?

Нўғой Ўрдаси бир неча улуслардан ташкил топди. Улус бошида ўз эгаликларида чекланмаган ҳокимиятга эга мирзалар (турк қабилалари

йўлбошчиси) турди. Оддий кўчманчи-молчилар ўз мирзаларига эҳсон бериб, ҳарбий юришлар чоғида қуроли билан келишлари зарур эди.

Катта кенгаш ҳоқимиятнинг олий органи бўлиб, унга олий зодагонлар ва Эдигенинг авлодлари киришган. Кенгаш уруш ва тинчлик масаласини ечган, Эдигенинг авлодлари орасидан олий бийни сайлаган. Бий ижро ва суд ҳоқимиятининг бор имкониятига эга бўлган, олий амалдорларни тайинлаган. Бундан ташқари махсус бошқарув органи бўлиб, иш юритишни бошқарган ва аҳолидан солиқ йиғилишини мувофиқлаштирган.

Нўғой Ўрдасининг давлат тузилишини ёзинг.
Ўрдада амалда ернинг соҳиби ким бўлган?

Нўғой оқсуяклари жуда кўп сонли молларга эгалик қилган. Улар авлоднинг умумий мулки ҳисобланса-да, яйловларга, ов майдонларига хўжайинлик қилишган.

XVI аср бошида Нўғой Ўрдаси емирила бошлади. XVI асрнинг 50-йилларида (Қозон ва Астрахань хонликлари Россияга қўшиб олингандан кейин) Нўғой Ўрдаси бир неча мустақил эгаликларга парчалашиб кетди. Нўғой Ўрдасининг кўчманчи уруғлари бир қисми Кичик жуз таркибига кирди. Қабиланинг Нўғой Ўрдасига кирган бошқа бир қисми Шимолий Кавказда нўғой элатини ташкил қилди.

Ўрдани ташкил этган қабилалар қозоқ халқининг этник шаклланишида муҳим роль ўйнади. Шўқон Валихонов нўғойлар ва қозоқларни “икки қондош ўрдалар” деб номлаган.

Эдиге, Қамбар ботир, Эр-Турғин ва бошқаларга бағишланган кўплаган қахрамонлик эпослари Нўғой Ўрдаси гуллаб-яшнаган даврнинг ифодасидир.

Нўғой Ўрдаси қабилалари унинг емирилишидан сўнг қайси бирлашмаларга кирди?
Нўғой Ўрдасида бийларнинг роли қандай эди?

Сибирь хонлиги. Ғарбий Сибирь ва Шимолий Қозоғистон ерлари Жўчи улуси таркибига кирган ва унинг ўғли Шайбон сулоласига тегишли эди.

Сибирь хонлигининг асосий аҳолисини турк тилли қабилалар, асосан керейлар, ташкил этди. Пойтахти Чимги Тура (ҳозирги Тюмень) шаҳри бўлди.

1428 йили Абулхайр Ғарбий Сибирга юриш қилди ва бу ҳудудни бирлаштириб олди. Абулхайр хонлиги парчалангач, Шимолий-Шарқий Қозо-

ғистоннинг бир қисмини ўз таркибига олган мустақил Сибирь хонлиги ташкил топди.

Хонликенинг асосчиси Шайбоний Ибак хон бўлди. Унинг даврида Сибирь хонлиги дўстлик ва иттифоқ тўғрисида қозоқ хонлари ва рус шоҳи билан шартнома тузди ва улар билан савдо муносабатлари ўрнатди. Бироқ Ибак хон вафотидан сўнг давлатдаги ҳукмронлик шароити маҳаллий зодагонлар – Тойбўғинлар (асосчиси – Тойбўға) турк сулоласи қўлида бўлди. Тойбуға уруғидан олий ҳокимиятга эга Сибирь мирзалари чиқди. XVI аср охирида пойтахт Искер шаҳрига кўчирилди.

1563 йили хонлик устидан ҳукмронликни шайбоний Кучум хон қайтарди. Бироқ у ташқи сиёсатни ўзгартирди ҳамда нўғойлар ва қозоқ ерларига босқинчиликлар қилди, Рус давлати билан алоқани узиб ташлади.

1581–83 йилларда атаман Ермак бошчилигидаги рус казак отрядлари Искер ва хонликнинг бошқа жойларини босиб олишди. XVI аср охирида руслар Сибирнинг энг сўнгги “татар” хони Кучумни мағлубиятга учратишди. Шундай қилиб, Ғарбий Сибирда Шайбон уруғининг шоҳи ўз тарихини тугаллади. Россия янги ҳудуд – Ғарбий Сибирни олди, собиқ Сибирь хонлигидаги бошқа дашт қабилалари Қозоқ хонлиги таркибига кирди.

XVI асрнинг иккинчи ярмидан Россия давлатининг Евроосиё майдонида кенгайиши билан турк-мўғул (XIII–XV аа.) бирлашмаси ўрнига янги – рус-турк (XVI–XX аа.) бирлашмаси вужудга келади.

Харитадан Сибирь хонлигининг ҳудудини кўрсатинг.
Давлат этник таркибининг ўзгачалиklarини аниқланг.

1. Очиқ шаклдаги тест саволлари

- 1.1. Нўғой Ўрдаси ҳудудининг асосий қисми маркази _____ шаҳрида _____ ва _____ дарёлари оралиғидаги чўлларда бўлган.
- 1.2. Саройчиқ шаҳрига Жўчилар томонидан _____ асрнинг иккинчи ярмида асос солинган, бироқ _____ аср охирида шаҳар донлик ва волгалик казаклар томонидан таг-тубигача вайрон қилинган эди.
- 1.3. Нўғой Ўрдасидаги олий ҳокимият органи _____ кенгаши бўлди.
- 1.4. XVI асрнинг 50-йилларида _____ ва _____ хонликлари Россияга қўшиб олингач, Нўғой Ўрдаси бир неча мустақил эгаликларга парчалашиб кетди.
- 1.5. Ғарбий Сибирь ва Шимолий Қозоғистон ерлари Жўчи улусининг таркибига киритилиб, _____ сулоласига тегишли бўлди.

2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Олтин Ўрданинг парчаланиши ва Оқ Ўрданинг заифлашуви мобайнида давлат пайдо бўлди
- А) Оқ Ўрда
 - В) Нўғой Ўрдаси
 - С) кўчманчи ўзбеклар
 - Д) Мўғулистон
 - Е) Темур
- 2.2. Нўғой Ўрдаси Олтин Ўрдадан шу хоннинг ҳукмронлиги даврида ажара-ла бошлади
- А) Пўлатчининг
 - В) Ботийнинг
 - С) Нўғойнинг
 - Д) Эдигенинг
 - Е) Темурнинг
- 2.3. Нўғой Ўрдасининг пойтахти Сарочиқ XVI аср охирида эгалланиб, вай-рон этилган
- А) олтинўрдалик хонлар томонидан
 - В) жўнғорлар томонидан
 - С) Амир Темур томонидан
 - Д) Абулхайр хон томонидан
 - Е) донлик ва волгалик казаклар томонидан
- 2.4. Нўғой Ўрдасига кўчманчи зодагонлари ролини ошириш учун юборилган сиёсат эди
- А) Нўғойнинг
 - В) Ботийнинг
 - С) Эдигенинг
 - Д) Пўлатчининг
 - Е) Темурнинг

Олтинчи бўлим бўйича такрорлаш-умумлаштириш дарси

XIII–XV аср биринчи ярмида ҚОЗОҒИСТОННИНГ СИЁСИЙ ТАРИХИ

1. Дарслик материалларига асосланиб, Чингизхон истилоларининг сиёсий ва иқтисодий сабабларини аниқланг. Жадвал тузинг.
2. Чингизхоннинг ғалабаларига ва мўғулларнинг эгалланган жойлардаги узоқ ҳукмронлигига ёрдам берган омилларни сананг.

3. Сизнингча, нима учун Чингизхон бир ҳокимият бошқаруви тарафдори бўлса-да, ўз давлатини улусларга бўлди? Қандай улуслар, қайси ҳудудларда ташкил этилди?
4. Ўз эгаликлари қитисодини кўтариш билан бир қаторда Темур қўшни мамлакатлар иқтисодини барбод қилди, замонавий турк дунёсини, жумладан, Ўсмон империясини емирилишига олиб келди. Деган фикр бор. Агар мўғуллар бирлаштирувчи куч сифатида чиқишиб, давлатни мустаҳкамлашган бўлса, Темур уни барбод этди. Бу фикрни тасдиқланг ёки бекор қилинг.
5. Амир Пўлатчи чингизий сифатида бошқа амирларга қараганда Тўғлуқ Темурнинг олий ҳукмдорликка ҳуқуқи борлигига, яъни легитимлироқ эканига ишончи бор эди. Унинг атрофида нафақат қабилаларни, балки бутун минтақани бирлаштириш мумкин. Амир Пўлатчи хон тахтига чингизийни ўтирғизиб тўғри қилган, деган фикр билан келишасизми? Ўз фикрингизни далилланг.
6. Мўғулистоннинг асосий ҳукмдорларини атанг, улар ташқи сиёсатининг йўналишларини таснифланг.
7. Нўғой Ўрдасининг маҳдудлашувига ёрдам берган ва бунга қаршилик кўрсатган омилларни айтинг.
8. Олтин Ўрда давлат тузилишини ёзинг. Турк ҳоқонлиги давлат тузилишидан ўзгачаликлари ва фарқларини айтинг.

Тест саволлари

1.

Оқибат	Воқеалар ва жараёнлар
<p>А) Шаҳарлар ва шаҳар маданияти ривожланишининг пасайиши</p> <p>Б) Истило қилинган халқлар устидан мўғулларнинг узоқ ҳукмронлиги</p>	<p>1. Мўғулларнинг босиб кириши.</p> <p>2. Ҳокимият савдо ва халқаро муносабатлар ривожланишини рағбатлантирди.</p> <p>3. Диний тўзимлиликнинг кўриниши.</p> <p>4. Истило қилинган халқларнинг тили ва маданиятини ўзлаштиришди.</p> <p>5. Европадан Осиёга денгиз йўлининг очилиши.</p> <p>6. Марказлашган ҳокимият ғояси жорий қилиниб, илгари ташкил қилинмаган қабилаларни бирлаштиришди.</p>
2.

Тарихий воқеалар	Саналар
<p>А) Мўғуллар давлатининг ташкил топиши</p> <p>Б) мўғуллар томонидан шимолий Хитойнинг босиб олиниши</p> <p>В) мўғуллар томонидан Қозоғистоннинг бутун ҳудудининг босиб олиниши</p> <p>Г) Боту хоннинг Европа юришлари</p> <p>Д) Олтин Ўрданинг ташкил топиши</p>	<p>1. 1211–1215 йй.</p> <p>2. 1206 г.</p> <p>3. 1219–1224 йй.</p> <p>4. 1242 й.</p> <p>5. 1236–1242 й.</p>

3.

Сиёсий фаолият	Ҳукмдорлар
А) Мўғулистоннинг Амир Темурдан вассал қарамлигини тан олди	1. Тўғлуқ Темур
Б) Мўғулистон ҳукмдорлари сулоласига асос солди	2. Хизир Хўжа
В) Нўғой Ўрдасига асос солди	3. Муҳаммад хон
Г) Мўғулистон давлатига асос солди	4. Амир Пўлатчи
Д) Темурийлардан Мўғулистоннинг мустақиллигига эришди	5. Эдиге
Е) Оқ Ўрдани кучайтириб, сезиларли даражада мустақкамлади	6. Ўрусхон

Тўғри кетма-кетликни ўрнатиш учун тест саволлари

I. Воқеаларнинг тўғри тартибини белгиланг:

- 1) мўғул қўшинларининг Хитой ҳудудига кириши
- 2) Чингизхон томонидан найманларнинг тор-мор қилиниши
- 3) мўғулларнинг Жанубий Қозоғистон ҳудудига бостириб кириши
- 4) мўғулларнинг Жетисувга бостириб кириши

II. Воқеаларнинг тўғри тартибини ўрнатиш:

- 1) Ислон Олтин Ўрданинг давлат дини деб эълон қилинди
- 2) Мўғул савдо қарвонининг Ўтрорда ҳалокати ва тўналиши
- 3) Ботийнинг Европа юришлари
- 4) Сирдарё бўйларини эгаллаш учун ўғулларнинг ҳарбий кампания-

лари

III. Хонлар ҳукмронлигининг тўғри тартибини ўрнатиш:

- 1) Ўзбек
- 2) Тўхтамиш
- 3) Ботий
- 4) Берке

Х III– XV АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ
ТУЗИЛИШИ, ИҚТИСОДИ ВА МАДАНИЯТИ

35-§.

ХIII–ХV асрнинг биринчи ярмида ДАВЛАТЛАРНИНГ
ИЖТИМОЙ ВА СИЁСИЙ ТУЗИЛИШИ

Мазкур мавзунни ўрганиб, сиз:

- Олтин Ўрда, Оқ Ўрда, Мўғулистон, Абулхайр хонлиги, Нўғой Ўрдасининг ижтимоий ва сиёсий тузилиши умумий жиҳатлари ва ўзгачалиklarини ҳамда уларнинг Қозоғистон тарихи учун аҳамиятини аниқланг;
- мўғуллардан кейинги даврда давлатларнинг сиёсий тузилишидаги умумий жиҳатлар сабабини аниқланг.

Ижтимоий-сиёсий аҳвол. Мўғуллар томонидан бўйсиндирилган мамлакатларда фақат чингизий хон бўлиши мумкин эди. Чингизийларнинг ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи одатга айланди ва умумий эътироф топди.

Чингизийлар ёпиқ олий табақани ташкил этдилар ва ҳукмрон сулолани ифодадилар. Хон бўлиш ҳуқуқи “олтин уруғ” аъзолари – чингизийлардагина сақланди. Хон авлоди аъзосини фақат хон судга бериши мумкин эди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Чингизхондан тарқалганига қандай аҳамият берилган?

Ҳукмдор хон давлатдаги ҳокимиятнинг ташувчиси эди. Хон ўз қарамоғидагилар ва қўшинлар тўғрисида “ўз болаларидек” қайғуриши, фуқаролар ва қўшинлар эса давлат раҳбарини “ўз оталаридек” кўришлари лозим эди. Хон ҳокимияти маълум ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан белгиланган. Хонда бу ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг камида бештаси бор эди.

1. Хон барча ерлардан ўз истагича фойдалана олган: унинг асосий вазифаси – мамлакатни ташқи душманлардан ҳарбий ҳимоя қилиш.

2. Хонга уруш ва тинчликни эълон қилиш ҳуқуқи берилган, у – қўшинларнинг олий бош қўмондони.

3. Хонга чет эл давлатлари билан музокаралар олиб бориш ҳуқуқи берилган, у давлатнинг ташқи сиёсатини белгилаган.

4. Хонга ўз қарамоғидагиларни ўлдириш ёки тирик қолдириш ҳуқуқи берилган – у олий судья.



Курултой.

5. Ниҳоят, хонга жамиятнинг ҳамма аъзолари учун мажбурий бўлган қонунлар, фармонлар чиқариш ҳуқуқи берилган – у жамият тузилиши ва тартибнинг сақловчиси.

Хоннинг кенгашчилари вазирлар эди. Ҳокимиятнинг олий органи курултой эди.

Оқ Ўрдада, Абулхайр хонлигида, Мўғулистонда турк қабилаларининг йўлбошчиларини амирлар, Нўғой Ўрдасида эса мирзалар деб аташди. Давлат тахтининг меросхўри тарбиячиси – *отабек* лавозимига катта аҳамият берилди.

□ _____ Хоннинг ҳокимияти қандай ҳуқуқ ва функциялар билан белгиланган?

Дехқончилик ва солиқ. Аҳолини ташкил қилишнинг улус тизими кўчманчиларга маълум миқдорда яйлов ва сув омборларига эга бўлиш имконини берди. Бу бошқа улус бирлашмалари билан тўқнашувларнинг олдини олди.

Бошқарувчи сулоланинг ҳамма аъзолари улус ҳуқуқига эга эдилар. Уруғ-қabila гуруҳларини бошқарган кўп сонли зодагонлар ерга дахлсиз ҳуқуққа – *тарханликка* эга бўлишди. *Тарханлар* деб, мўғуллардан кейинги давлатларда тархан ҳуқуқини олган зодагонларни айтишди.

Манбаларда деҳқончилик ва ерга эгаликнинг бошқа шакллари ҳам тилга олинган. Чингизхоннинг авлодлари томонидан аҳолиси билан бирга олинган ерлар *инжу*, маъноси “сеп”, деб аталди; мусулмон диний муассасалари ва уларнинг хизматчилари олган ерлар – *вақф* ерлари деб аталди.

Ерга эгаликнинг бошқа турлари, *икта ва сойюргул* ҳам мавжуд эди. Бундай ерлар мерос қолдирилмасди. Масалан, сойюргул кўчманчи зодагонларнинг ўтроқ-деҳқонлардан ҳукмронлиги шакли эди, бу ерлар хонга садоқат билан хизмат этган ҳарбий бошчиларга берилар ҳамда сотқинликда бирон шубҳа уйғонганда тортиб олинарди.

Кўчманчи туманларда молларга хусусий мулкчилик мавжуд эди, яйловлар эса умумий фойдаланишда бўлган.

Оддий кўчманчилар ва деҳқонлар *хонларга* ва зодагонларга солиқ тўлашган. Манбалар бир неча турини атайди: ушур – деҳқонлардан ундирилган солиқ, одатда, ҳосилнинг 1/10 қисми; бож – деҳқонлар ва ҳунармандлардан ундирилган солиқ; хараж – деҳқонлардан олинган солиқнинг яна бир тури; закот – кўчманчи-чорвалардан ундирилган солиқ, одатда, молнинг 1/20 қисми; сўқим – қишки гўшт тайёрлаш чоғида чорвадор-кўчманчилардан ундириладиган солиқ.

Солиқлардан ташқари аҳоли: ҳарбий, улов, почта ва ҳ.к.з.га турли эҳсонлар тўлаган.



Замондошлар ва тарихчиларнинг гувоҳликлари

Энди мўғуллар буюк хонининг ягона олий ҳокимиятини характерловчи манбалардан мисоллар келтирамиз. “Хоннинг фармони ёки қарорини ўзгартириш одатдан ташқари эди, – деб ёзади Рашид-ид Дин. – кимда-ким бундай қилса, жинятчи ҳисобланарди”.

Мўғул хонига Плано Карпини тасниф беради: “Бу татарларнинг императори ҳамманинг устидан ғаройиб ҳукмронлик қилади. Ҳеч кимса, агар император бунга кўрсатма бермаса, бошқа давлатда бўла олмайди. Унинг ўзи йўлбошчиларга қаерда бўлишни, йўлбошчилар мингликларга, мингликлар юзликларга, юзликлар ўнликларга қаерда бўлишни кўрсатади. Бунинг устига, уруш ёки ўлим ва ҳаёт ҳақида ҳукм чиқарса, ҳамма иккиланмасдан бўйсинади...”

Рашид-ид Дин ва Плано Карпини хабарларидан хоннинг ҳокимияти ҳақида қандай аниқликларни билиб олдик? Бу манбаларда қандай ўхшашликлар бор?



1. Очиқ шаклдаги тест саволлари

- 1.1. Мўғуллар томонидан бўйсиндирилган мамлакатларда фақат _____ хон бўлиши мумкин эди.
- 1.2. Хоннинг маслаҳатчилари _____, ҳокимиятнинг олий органи _____ эди.
- 1.3. Чингизхоннинг авлодлари бор аҳолиси билан олган ерлар _____ номни олди, бунинг маъноси _____ дегани эди.

- 1.4. Оқ Ўрдада, Абулхайр хонлигида, Мўғулистонда турк қабилалари йўлбошчилари _____ деб айтилди.
- 1.5. Деҳқонлардан ундирилган солиқлар _____ ва _____ эди.
- 1.6. Кўчманчи-чорвалардан олинган солиқ _____ ва _____ эди.
- 1.7. Хонга садоқат билан хизмат қилган ҳарбийлар ва амалдорларга берилган ерлар _____ мерос қилиб қолдирилмаган.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Уруғ-қабилалар гуруҳлари бошқарган зодагонлар ерга дахлсиз ҳуқуқ олишган эди
- А) сойюргал
 В) тарханлик
 С) вақф
 Д) мулк
 Е) хирож
- 2.2. Мусулмон диний муассасалари ва улар хизматчиларининг ери
- А) иқта
 В) тарханлик
 С) сойюргул
 Д) вақф
 Е) хирож
- 2.3. Сойюргул кўчманчи зодагонларнинг деҳқончилик билан шуғулланадиган аҳоли устидан ҳукмронлиги шакли эди, унинг ўзига хослиги буб
- 1) у шахсларга хонга садоқат билан хизмат учун берилган
 2) улар мерос сифатида қолдирилган
 3) фақат чингизийларга тегишли эди
 4) у хон уруғидан бўлганларга туҳфа этилган
 5) Улар мерос қилиб қолдирилмаган
 6) ер эгаси хон фойдаси учун солиқ йиққан
 7) ер эгаси ўз фойдаси учун солиқ йиққан
 8) фақат диний шахсларга тегишли бўлган

Тартибга туширинг:


Тушунчалар	Аҳамияти
А) мирзалар Б) мулк В) тарханлик Г) улусбек Д) отабек	1. Мусулмон диндорларининг хусусий мулк ерлари; 2. Уруғ-қабила ҳукмдорлари ва зодагонларнинг ерга дахлсиз ва алоҳида ҳуқуқлари; 3. Тахт вориси тарбиячиси лавозими; 4. Мўғулистонда хондан кейинги иккинчи олий мартабали шахс; 5. Нўғой ўрдасидаги турк қабилалари йўлбошчилари.

Мазкур мавзуни ўрганиб, сиз:

- мўғул ва мўғулдан кейинги давр давлатлар иқтисодий ривожланишининг умумий жиҳатлари ва ўзгачалиklarини ҳамда унинг Қозоғистон тарихи учун аҳамиятини аниқлайсиз;
- ўтган даврлардан XIV–XV асрларга қандай моддий маданият қолганини ва бу маданиятнинг ҳозирги вақтимиз учун қимматини биласиз.

Иқтисоднинг ривожланиши. Мўғуллар истилосидан кейинги хўжалик ҳаёти тикланди, XIII аср охирида кўпгина шаҳарлар ва деҳқончилик округлари қайта туғилди.

1269 йили Талас соҳилида Чигатой давлати кўчманчи зодагонларининг қурултойи ўтди. Қурултойда ўтроқ аҳоли ҳаётига аралашмаслик, белгиланган солиқлар билан чегараланиш ҳақида келишилди. Шу туфайли Мовароуннаҳрда ва Жетисувнинг жанубий-ғарбида шаҳар ҳаёти жонланди.



Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси.



Арслонбоб мақбараси.

Айниқса, хўжалик ҳаётига буюк Мункэ хоннинг сиёсати самарали таъсир кўрсатди. Мункэ эски меъёрлашмаган солиқларни бекор қилди ва жон бошига ягона тўлов белгилади. Унинг пул ислоҳоти алоҳида аҳамиятга эга. Олтин динарлар, кумуш дирҳамлар ва мис фельслар барча йирик шаҳарларда зарбланди.

Келгуси ислоҳот Кебек хон томонидан 1321 йилда амалга оширилди. Янги кумуш танга – “кебеклар” ҳам ички, ҳам ташқи савдони жонлаштиришга ёрдам берди, бинобарин, тангалар Чигатойлар давлатида ҳам ва Олтин Ўрдада ҳам бир хил бўлди.

Янги шаҳар марказларининг пайдо бўлиши Осиёдан Европага Қозоғистон ҳудуди орқали карвон йўлларининг ривожланишига олиб келди. Карвон йўллари ободонлаштирилди. Олтин Ўрда хонлари буйруғи билан савдо йўлларида қудуқлар қазилди, карвон-саройлар қурилди. Марказлашган давлатда савдо хавфсиз ва фойдали бўлди.



Мўғул ҳукмдорлари томонидан уларга қарам ерларда савдо ва иқтисодни ривожлантириш учун нима ишлар қилинди? Қандай ислоҳотлар ҳам ички, ҳам ташқи савдони жонлантиришга ёрдам берди?

Меъморчилик ва шаҳарсозлик. XIV–XV асрларда шаҳар ва деҳқончилик ҳаётининг ўсиши асосан Жанубий Қозоғистон ерларида рўй берди. Қурилиши

мўғул ҳукмдорлари томонидан таъқиқланган қалъа деворлари тикланди. Шаҳарларда хунармандчилик ишлаб чиқариш ривожланди.

Сигноқнинг (Оқ Ўрда хони пойтахти) , Ўтрорнинг, Саройчиқнинг (Нўғой Ўрда пойтахти) танга зарбхоналари ишлаб турди. Деҳқончилик округлари тикланиб, уларнинг ҳаёти ривожланишда давом этди.

Олтин Ўрдадаги шаҳар ҳаётининг гуллаган палласи XV аср бошига тўғри келади. Ислоннинг давлат дини сифатида қабулланиши билан шаҳарларда масжидлар, мадраса ва саройлар қурила бошлади. Монументал эътиқод иншоотларининг қурилиши кенг тарқалади. Айниса, Марказий Қозоғистон бунақа қурилишларга бой. Бу жойда ислонгача давр анъанавий услубида қурилган Жўчи хон мақбараси бор. Унинг яқинида Алаша хон мақбараси жойлашган.

Мўғул истилосидан кейин хўжалик ҳаёти тиклана бошлаганидан нима далолат беради?

XIV–XV аср чегарасидаги энг аҳамиятли иншоотлардан бири, Аҳмад Яссавий қабри устига қурилган меъморилик мажмуаси ҳисобланади. Мақбара Амир Темур фармони билан Ясси(Туркистон) шаҳрида қад ростлаган. Мақбарани тиклар экан амир ислонга итоат қилувчи халқларнинг бирлигини ва ўз давлатининг қудратини таъкидламоқчи бўлган. Меъморларга унинг талаби биргина: тенги йўқ мақбара қуриш бўлган эди. Бинода Аҳмад Яссавий ҳонақоқидан ташқари, кутубхона, ошхона, шунингдек, турли мақсадларга мўлжалланган 30дан ортиқ заллар ва хоналар бўлган. Энг катта зал – “қозонлик”, умумий майдони 330 квадрат метр, Марказий Осиёда энг катта гумбаз билан ёпилган.

Ўрта асрнинг машҳур меъморий ёдгорликларидан бири Ўтрордаги Арслонбоб (XIV а.) мақбараси ҳисобланади.


XIV–XV аср меъморий қурилишларидан: Абулхайр хон қабри – Сигноқдаги Кўк-Кесене мақбараси; Марказий Қозоғистондаги Алаша хон мақбараси; Туркистондаги Рабиға Султон Бегим мақбараси машҳурдир.

Ўрта асрлардаги меъморилик санъатининг ноёб ёдгорлиги Кўк-Кесене (XIV а.) мақбараси ҳисобланади.

Асрларда қандай меъморилик ёдгорликлари тикланган?

Аҳмад Яссавий мақбарасини қуришга буйруқ берганида Темур қандай мақсадни кўзлаган?

Анъанавий хўжалик. XIII–XV асрларда Қозоғистон аҳолисининг асосий машғулоти худди илгариги асрлардагидек, кўчманчи чорва бўлиб қолди. XIII–XV асрларда кўчманчи чорвачилик ҳеч қандай ўзгаришга учрамади.



Уй-аравалар.

Бироқ шу даврда климат ўзгаришлари билан боғлиқ бўлган кўчишларнинг анъанавий маршрутларининг ўзгариши рўй беради. Даштларнинг аста-секин Эдил (Волга)дан ғарбга қараб намланиши аҳолининг ҳаракатланишига олиб келди. Кўчманчилар қишлоқ учун нисбатан қуруқ жойларни излашди. Кўчманчи қабилаларнинг Волга ва Жетисувдан шарққа қараб келиши кучайди.

Кўчманчиларнинг кийим-кечаги ва турар-жойида алоҳида ўзгаришлар рўй бермади. Анъанавий ўтовлар ва уй-аравалар яшашда давом этди. Олтин Ўрданинг ўтроқ туманларида доира шаклидаги лой ғиштдан ясалган уйлар тарқалади. Бундай тип уйлар учун асосий бўлиб ўтов шакли олинди. Деворлар бўйлаб супа – карвот ўрнини босган баландлик жой олди. Деворлардан бирини печка эгаллади, унинг тутун қувурлари супа остидан ўтиб, уйни иситди.

Жетисув. XIV аср охирига келиб, Жетисувда деҳқончилик ва шаҳар маданияти оғир аҳволга тушди. Аста-секин Болосоғун, Олмалиқ, Тароз, Қўялиқ каби қадимий шаҳарлар йўқолди. Жетисувнинг қулашига мана шу минтақада мўғул қўшинларининг узоқ ва доимий ҳаракат қилгани, XIII асрда янги кўчманчи қабилаларнинг келиши сабаб бўлди. Яйловга илгари деҳқончилик, полиз ва боғлар учун фойдаланилган ерлар берилди. Бунга XIII асрда Жетисув орқали ўтган В.Рубрукнинг сўзлари иллюстрация бўлади. У Иле водийси ҳақида шундай ёзади: “...илгари бунда кўп шаҳарлар бўлди, бироқ бу жойда энг яхши яйловлар бўлгани учун, ўз подаларини ёйишга имкон олиш мақсадида, асосан, татарлар томонидан вайрон қилинди”.

Мўғуллар истилоси оқибатларидан бири – шаҳарларнинг қулаши. Сабабларини кўрсатинг.

Жетисулда кўчманчи чорва маҳаллий аҳолининг асосий хўжалик соҳасига айланди. Шу ва талас дарёлари водийсида деҳқончилик ҳаётининг излари ҳамон сақланган.

Чорваларнинг деҳқончилик аҳолиси билан савдо айирбошлаши жанубда шаҳар ҳамда деҳқончилик хўжалигининг, шунингдек, Даштдаги чорвачиликнинг ривожланишига ижобий таъсир ўтказди. XIII–XV аср бошида асоси қўйилган моддий маданият ривожланиши базасида XV–XVII асрларда қозоқларнинг ўзига хос маданияти ўсди.

1. Очиқ шаклдаги тест саволлари

- 1.1. XIV–XV асрлар меъморий мажмуаси, _____нинг қабри устида қад ростлаган. Мақбара _____нинг буйруғи билан Туркистон шаҳрида қурилган.
- 1.2. Волгадан ғарбга қараб даштларнинг намланиши аҳолининг сезиларли ҳаракатини келтириб чиқарди, шунинг учун _____ дарёсидан ва _____ шарққа кўчманчи қабилаларнинг қўшилиши кучайди.

2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. XIV–XV асрларда шаҳар ва деҳқончилик ҳаётининг ўсиши асосан ерларида рўй берди
 - А) Жанубий Қозоғистон
 - В) Жетисув
 - С) Мовароуннаҳр
 - Д) Шарқий Қозоғистон
 - Е) Ғарбий Қозоғистон
- 2.2. Мўғул қўшинларининг мунтазам ҳаракатлари ва шарқдан кўчманчи қабилаларнинг қўшилиши шаҳар маданиятининг қулашига олиб келди
 - А) Жетисув
 - В) Жанубий Қозоғистон
 - С) Мовароуннаҳр
 - Д) Шарқий Қозоғистон
 - Е) Ғарбий Қозоғистон

Мазкур мавзуни тадқиқ этиб, сиз:

- XIII–XV асрларда Қозоғистондаги маънавий маданият ривожланиши билан танишасиз, ўтмиш даврига қараганда унинг янгиликларини аниқлайсиз;
- Қозоқларнинг эътиқоди ва ўрфларида бизнинг кунимизгача тангричилик қарашлари етиб келганини аниқлайсиз;
- ўтроқ давлатларга қараганда Дашти Қипчоқдаги оғзаки адабиёт катта аҳамиятга эгалигини биласиз.

□ XIII асрда Чиғатойликлар давлатида ҳамда Дашти Қипчоқда қандай динлар ҳукмрон бўлганини эсга олинг.

Дин. XIII–XV аср бошида диний қарашлар турли-туманлиги билан ажралади. Кўчманчи аҳоли орасида ҳамон тангричилик ҳукмронлик қилади. Шу билан бирга ислом кенг ривожлана бошлайди.

Кўчманчилар исломни қабуллашди, бироқ эски эътиқодларга сиғинишда давом этишди. Унда Оллоҳ, Тангри ва Худо бир хил – Худо маъносини англатди. Кўчманчилар дунёқарашида асосий жойлардан бирини эгаллаган аждодлар арвоқларига сиғиниш ҳам ўз маъносини йўқотмади. Бинобарин, ислом асосан, Жанубий Қозоғистоннинг ўтроқ полосасида ҳукмрон дин бўлиб қолди.

Қозоғистонда исломни ташвиқот қилиш учун қипчоқ тилида махсус трактат ва диний тадқиқотлар ёзишди. Жумладан, XIV–XV асрларда Қуръоннинг шартларини тушунтирувчи ва изоҳловчи бир қатор асарлар ёзилди.

□ XIII–XV асрларда Дашти Қипчоқ қабилалари қарашларидаги тангричилик ва ислом унсурларининг алоқасини тушунтиринг.

Олтин Ўрда ҳукмдорлари христианликка тўзимлилик билан қарашган. Ботунинг ўғли, тахт вориси Сартак чўқинтирилгани ҳам маълумдир.

Тил ва ёзув. Мўғулларнинг истилолари мўғул тили ва ёзувининг ёйилишига олиб келмади. XIII–XV асрлар – турк тилининг янада ривожланиши давридир. XIV–XV асрларда турк тиллари қипчоқ гуруҳидан қозоқ тили ажралиб чиқди.

Боту хон даврида барча далат ҳужжатлари қипчоқ тилида юритилган. У бошқарган XIII–XIV асрларда кўп миқдорда адабий ёдгорликлар ва халқ оғзаки ижоди намуналари яратилган.



XIII–XIV асрларда қайси турк тили гуруҳидан қозоқ тили ажралиб чиқди?



“Куманикус кодекси” китобининг муқоваси

Қипчоқ тилини ўрганишга эҳтиёж туғилиши муносабати билан қипчоқлар ва уларнинг тилига оид бир қанча асарлар яратилди.

“Куманикус кодекси” (“Куманлар китоби”, яъни қипчоқлар) XIV аср боши қипчоқ тилининг энг ёрқин ёдгорлиги ҳисобланади. Қўлёзма Петрарка кутубхонасидан топилган бўлиб, ҳозир Венецияда сақланади. Китоб европаликларнинг қипчоқ тилини ўрганиши учун мўлжалланган эди. Шу билан бирга “Кодекс” бизга жуда кўп миқдорда ҳозирги қозоқларникига ғаройиб тарзда ўхшаш қипчоқ мақоллари, матал ва топишмоқларини етказди.

Қипчоқ тилининг ушбу хазинасида биз ноёб, чинакам турк нутқини кўраемиз.

Бундан ташқари, қипчоқ тилини ўрганишга бағишланган жуда кўп бошқа ишлар ҳам маълум. Жумладан, XIV–XV асрларда “Турк тили тўғрисида тушунтириш ёзуви”, “Турк тилини ўрганувчилар учун ёзилган тўла тўплам” ва бошқа асарлар ёзилган эди.



XIII–XV асрларда қипчоқлар ва уларнинг тилига бағишланган кўплаган асарлар пайдо бўлганининг сабабини тушунтиринг.

“Куманикус кодекси” китоби нимаси билан қимматли? У қандай мақсадда ёзилган?

Фан ва адабиётнинг риожланиши. XIII–XV аср бошида Қозоғистон ҳудудида тилшунослик ва тарих фанлари бирмунча ривож топа бошлади. XIII асрнинг иккинчи ярмида машҳур олим Хусам-ад Дин яшаб, ижод қилди. Хусам-ад Дин ўз асарларини уч тилда ёзди: қипчоқ, араб ва форс. XIII асрнинг иккинчи ярми олими Жамол Қарши Хусам-ад Дин асарлари ҳақида шундай деб ёзган: “Унинг араб асарлари тилининг бойлиги, форсчаси – ўткирлиги, туркчаси – ҳақиқати ва сўзларнинг оддийлиги билан ажарлиб туради”.

Жамол Қаршининг асарларидан унинг араб тилида ёзилган тарихий трактатлари машҳур. Уларда ўзига замондош шаҳарлар, маҳаллий сулола-лар, ҳукмдорлар, машҳур олимлар тўғрисида маълумотлар бор.

XIII–XIV асрларда Олтин Ўрданинг гуллаб-яшнаши қипчоқ тилидаги ёзма адабиётнинг ўсишига олиб келди. Улар орасида диний китоблар ва форсча ҳамда арабчадан таржималар, шунингдек, машҳур шарқ афсоналари кўпроқ эди.

Бизгача қипчоқ тилида ёзилган ҳамда қозоқлар орасида кенг тарқалган “Қиссаи Рабғузий” китоби етиб келган.

Озарбойжон шоири Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” поэмаси Шарқда катта шуҳрат қозонган эди. Қипчоқ тилига таржима муаллифи, Ўзбек хон саройида яшаган Қутбдир.

Хоразмий томонидан икки: қипчоқ ва форс тилларида ёзилган “Муҳаббатнома” достони Олтин Ўрда даври қипчоқ адабиётида муҳим ўринни эгаллайди. Ўз асарининг ёзилиш жойи тўғрисида “Муҳаббатнома” муаллифи шундай ёзади: “Муҳаббатнома” сўзларини бу ерда мен ёздим, Сир бўйларида меҳнатимни тугатдим”. Достоннинг асосий мазмуни – муҳаббат, ҳақиқат, инсонийлик ҳақидадир.



“XIII–XV асрларда фан ва адабиётнинг ривожланиши” мавзусида кенгайтирилган ҳикоя режасини тузинг.

Оғзаки адабиёт. Дашти Қипчоқда ижрочилар (жировлар) ижоди ривожланди. Халқ бирлиги ҳамда ватанга муҳаббатни куйлаган Сипира жиров, Қўдон Тойши, Асан Қайғининг номи белигилидир. Қипчоқ қаҳрамонлик эпоси шаклланди.

Найманлар қабиласидан чиққан афсонавий жиров Кетбуғининг ижоди XIII аср бошига тўғри келади. Халқ орасидаги ривоятлар унинг ижодига Жўчи ўлими ҳақидаги, унинг отаси Чингизхонга аталган қўшиқни киритади.

XIV аср шоири Сипира жировнинг кўп қўшиқлари сақланган. Тўхтамиш даврида яшаган шоир кўп қўшиқларини унинг Темур билан курашига бағишлайди. Тўхтамиш ҳокимиятдан бадарға қилинганида жиров дашт кезган ва халқни бирликка чақириб, хон номидан сўзлаган. Сипира жировнинг ижоди кейинги даврдаги бошқа қозоқ шоирлари учун намуна бўлди.

Шоирлар Қўдон Тойши а Асан Қайғиларнинг ижоди XV асрга тааллуқлидир. Қўдан Тойши – арғинлар қабиласини бошқарган, даштдаги машҳур жиров ва сиёсий арбобдир. Абулхайрнинг рақиби бўла туриб, у султонлар – Ўрус хоннинг ворислари – Жонибек ва Керейларни фаол қўллади.

Ўша даврнинг машҳур қозоқ жирови Асан Қайғидир. Асан султонлар Жонибек ва Керейларни қўллаб-қувватлади ҳамда улар билан бирга Шу дарёси водийсига кўчиб кетди. Қозоқ хонлигининг биринчи жирови бўлган Асан ўз қўшиқларида халқни бирликк, аждодлар васиятларига содиқликка

чақирди. Асан Қайғининг қўшиқлари ҳамда унинг ҳақидаги ривоятлар қозоқ халқи орасида ҳануз яшамоқда.

XIII–XIV асрлар эпосида Олтин Ўрдада рўй берган воқеалар аксини топган. “Қўбланди ботир” эпоси қипчоқларнинг форслар шоҳи билан кураши ҳақида ҳикоя қилади. XIV аср охирида Эдиге ва Тўхтамишнинг ҳокимият учун кураши “Эдиге ботир” эпосига асос қилиб олинган. “Эр-Саин” эпосида халқ қаҳрамони қилиб ифодаланган Боту хоннинг жасоратлари ҳақида ҳикоя қилинади. Тахминан шу вақтда “Алпомиш” қаҳрамонлик эпоси яратилади.

Шундай қилиб, XIII–XV аср боши Қозоғистон аҳолисининг ҳам моддий, ҳам маънавий маданияти гуллаган вақт бўлди. Бу даврнинг давлати ёзма адабиёт, фан ва оғзаки ижод ривожига қулай шароит яратди. Умуман, бу даврда қозоқларнинг моддий ва маънавий маданияти асослари барпо этилди.

Биринчи қозоқ мутафаккирлари Асан Қайғи, Сипира жиров, Кўдан Тойши ижодининг қозоқ маънавий маданияти ривожидagi аҳамиятини очиб беринг.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. XIII–XV аср бошида кўчманчи халқлар орасида анънавий _____ дини ҳукмронлик қилишда давом этади.
- 1.2. Кўчманчилар дунёқарашидаги асосий жойни _____ қараши эгаллади.
- 1.3. Боту хон даврида барча давлат ҳужжатлари _____ тилида юритилди.
- 1.4. XIII–XV аср бошида Қозоғистон ҳудудида _____ ва _____ фанлари жуда ривожланади.
- 1.5. Жиров Қўдон Тойши султонлар _____ ва _____ ларни фаол қўллаб-қувватлаган.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. XIII–XIV асрларда адабий ёдгорликлар яратилган, халқ оғзаки ижоди ривожланди
 - А) ўзбек тилида
 - В) уйғур тилида
 - С) нўғой тилида
 - Д) қипчоқ тилида
 - Е) қозоқ тилида
- 2.2. Қипчоқ тилидаги ёзма адабиётнинг гуллаган даври
 - А) XV–XI асрлар
 - В) XIV–XV асрлар
 - С) XIII–XV асрлар
 - Д) XVI–XVII асрлар
 - Е) XVII–XVIII асрлар

2.3. Озарбойжон шоири Низомийнинг достони Шарқда машҳур бўлди

- А) “Қиз Жибек”
- В) “Муҳаббатнома”
- С) “Эдиге ботир”
- Д) “Хусрав ва Ширин”
- Е) “Айман-Шўлпон”

Такрорлаш-умумлаштириш дarsi

ИККИНЧИ БЎЛИМГА ХОТИМА

Такрорлаш-умумлаштириш дarsi мобайнида сиз:

- Мўғул империяси ва XIII–XV асрлардаги давлатларнинг Қозоғистон тарихидаги тарихий ролини муҳокама этинг;
- XIII–XV асрларда Қозоғистон ҳудудидаги давлатлар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишининг характерли жиҳатларини умумлаштиринг;
- мўғул а мўғуллардан кейинги давр барча тушунчалари ҳамда саналарини такрорланг.

Мўғуллар истилоси ўрта аср даври учун умуман олганда ҳарбий-сиёсий ҳамда ахлоқий жиҳатлардан ҳалокат бўлди. Ҳалокатли оқибатлари билан бирга у бир қанча ижобий томонларга ҳам эга бўлди.

Тарихда биринчи марта бир сулола ҳокимияти остига турли қабилалар ва халқлар, Евроосиёнинг мамлакатлари ҳамда давлатлари бирлаштирилди.

Мўғуллар ҳокимияти халқаро алоқалар, савдо-сотиқни рағбатлантирди, ҳамма жойга почта хизмати тизимини жорий этди. Илгари узоқ бўлган халқлар орасида савдо ҳамда маданий алоқалар йўлга қўйилди. Улуслар ҳудудида савдо карвонлари, дипломатик миссиялар тўсиқсиз ҳаракат қилди. Саёҳатчилар олис элларга сафарга чиқишди.

Мўғуллар Даштга марказлашган ҳокимият тушунчасини олиб келишди, илгари тарқоқ қабилаларни бирлаштирди. Давлатчиликни ташкил этишнинг кўп шакллари кейинчалик мўғуллардан сўнг пайдо бўлган давлатларда фойдаланилди.

Чингизхоннинг “Ёсо”си – оддий ҳуқуқ йиғиндиси – ҳаёт меъёрларини мувофиқлаштирди. Кейинчалик “Ёсо” меъёрлари қозоқларнинг қонунлар кодекси “Жети жарғи”ни яратишда қўлланилди. Мўғуллар истилоси Қозоғистон ҳудудидаги этник жараёнлар боришига кучли таъсир кўрсатди.

Катта мўғул империяси кўп турмади ва XIII асрнинг иккинчи ярмида у бир неча давлатларга парчаланиб кетди. Олтин Ўрда(Жўчи улуси)нинг ҳамда Чигатой улусининг парчаланиши оқибатида бир қанча янги турк давлатлари пайдо бўлди. Оқ Ўрда, Абулхайр хонлиги, Мўғулистон, Нўғой Ўрдаси, Сибирь хонлигининг ташкил топиши Қозоқ хонлигининг ташкил топишида, қозоқ халқининг шаклланишида муҳим босқич бўлди.


Чингизхон билан келган мўғул қабилалари вақт ўтиши билан забт этилган мамлакатлар халқларининг тили ва динини қабул қилишиб, омухталашиб кетишди. Хитой ҳудудида мўғуллар хитойлашишди, Шарқий Европа ҳудудида шарқий слаянлар билан омухталашишди. Қипчоқ даштларида XIII–XIV асрда мўғуллар батамом туркийлашишди.

XIV–XV асрларда қозоқ элатининг турли туркитли а мўғул тилли қабилалардан шаклланиши жараёни тугади. Аста-секин мўғуллар истилосининг оғир оқибатлари бартарф этилди: деҳқончилик , шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик қайта жонланди, савдо алоқалари тикланди.

XIII–XV асрлар талотўпларнигина эмас, моддий ва маънавий жиҳатдан бойиш вақти бўлганини кўрамиз. Қозоқ халқининг маънавий ривожланишига катта ҳисса қўшган кўпгина адабий асарлар пайдо бўлди.

1. Иш дафтари материаллари бўйича блиц-сўров.
2. Тарихий лото (исмларни, саналарни ва воқеаларни мустаҳкамлаш).
3. “Қозоғистон XIII–XV асрда” жадвали бўйича ишлаш.

XIII–XV аср биринчи ярмида ҚОЗОҒИСТОН



Саккизинчи боб

ҚОЗОҚ ХОНЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА МУСТАҲКАМЛАНИШИ

38-39-§§.

ҚОЗОҚ ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИНИНГ ТАРИХИ

Мазкур мазуни ўрганиб, сиз:

- Қозоқ халқининг ташкил топишига ёрдам кўрсатган асосий омилларни аниқлайсиз;
- Қозоғистон ҳудудидаги асосий этник жараёнлар босқичларига характеристика бера оласиз;
- қозоқ элати этногенезида умумий тил, маданият, умумий қиёфа ҳамда бир давлатда бирлашув қандай роль ўйнаганини белгиланг.



Турк этноси шаклланишида қандай омилларни ҳисобга олганимизни эсланг ва такрорланг: этнос, антропология, антропологик образ, этник тафаккур, этноним.

Этнос ва этногенез нима. Қозоқ элати шаклланиши тўғрисида гапиришдан олдин, *этнос* ва *этногенез* тушунчаларини аниқлаб оламиз.

Этнос сўзи юнонча – “ethnos” сўзидан келиб чиқади. Халқ – қабила, элат, миллат – бу умумий ташқи ўхшашлик, маънавий ва моддий маданиятга эга одамларнинг йиғиндиси. Ҳар бир халқ бир-биридан фарқланувчи ўзининг хусусиятларини англайди ва ўз номи – *этнонимига* эгадир.

Этногенез тушунчаси (“этнос” – халқ, “генезис” – келиб чиқиш) халқнинг шаклланиш жараёнини билдиради. Қозоқ халқининг келиб чиқиши (этногенези), ҳар қандай бошқа халқларники каби, жуда мураккаб.

Ҳар қандай халқнинг шўклланиши учун ҳудудий ҳамда тарқалиш яхлитлиги муҳим аҳамият касб этади. Одамларда умумий белгилар, умумий

тил, ягона маданият пайдо бўлиши учун улар бир-бирлари билан доимий ва узоқ вақт алоқа қилишлари зарур. Бу қабилаларнинг мазкур ҳудуд чегарасида бирлашуви шароитидагина мумкинدير.

Этноснинг шаклланиши учун зарур шартларни айтинг.

Асрлар давомида Қозоғистон ҳудудида кўплаган қабилалар ва элатларнинг тақдирлари аралашиб келган. XV–XVI асрларда асосан қозоқ элатининг ва унинг ҳудудининг қозоқлар бугунги кунда эгаллаган чегараларда шаклланиши жараёни тугалланди.

Қозоқ элатининг шаклланиш босқичлари. Қозоғистон ҳудудида халқнинг (этногенез) пайдо бўлиши жараёни тарихи икки катта босқичга бўлиш мумкин: ҳиндевропа а турк. Аҳоли тилининг шаклланиши (лингвистик асоси) ва жисмоний қиёфаси (антропологик асос) бир вақтда кечди.

Биринчи босқич бронза ва темир даврларини қамрайди. Бу даврда нафақат Қозоғистон, балки Евроосиёнинг сезиларли қисми ҳиндевропа тили оиласига кирди. Бу давр қабилаларининг ташқи қиёфасида европоид хусусиятлари аниқ кўринди.

Бронза даврида Қозоғистон ҳудудида андронов қабилалари – қозоқларнинг узоқ аجدодлари яшадилар. Худди ўшалар қозоқ элати шаклланиши асосида турдилар. Демак, қозоқ халқи пайдо бўлиши бошида европоид ирқининг аждодлари туришди.

Қозоқ элатининг этник асоси қандай?

Қозоғистон ҳудудида эрта темир даврини ўрганиш кўрсатдики, минтақанинг барча аҳолиси бу даврда европоид бўлиб қолди.

Бироқ темир асри даври мўғулоид унсурларининг Қозоғистон қадимий қабилалари қиёфасига кириш даври бўлди. Бу Қозоғистон ҳудудига гуннлар қабилаларининг кўчиши билан боғлиқдир.

Қозоғистондаги этник жараёнларнинг **иккинчи, ҳал қилувчи босқичи** туркларнинг бизнинг эрамининг 1-минг йиллиги ўрталаридан оммавий тарқалиши билан боғлиқ. Турклар қадимий сак, сармат, уйсун, кангюйларнинг авлодлари билан аралашиб, Қозоғистон ҳудудида лингвистик ва антропологик шароитни ўзгартирдилар.

VI–XIII аср бошида Қозоғистон ҳудудида турк давлатларининг ташкил топиши аҳоли қиёфасида мўғулоид жиҳатларининг кўпайишига ҳамда турк тилининг тарқалишига ёрдам берди.

Ўрта асрлар давлатлари меъёрларида халқларнинг бирикиши кучайди. Жумладан, Қорахонийлар давлати Жетисув, Жанубий Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг катта ҳудудлари аҳолисини бирлаштирди.

Қипчоқ хонлиги Дашти Қипчоқ деб аталмиш катта минтақанинг кўпгина турк қабилаларини бирлаштирди. XI–XIII асрлар бошида ушбу катта майдоннинг турғунлари ўзларини қипчоқлар деб аташди ва кейинги юз йилликларда қозоқ элатига киришди.

XIII аср бошига аҳолининг бирлаштириш жараёнига: биринчидан, эрта феодал давлатларнинг ташкил топиши; иккинчидан, хўжалик ва маданиятнинг умумий шакллари; учинчидан, турк тилининг асосий деб тасдиқланиши; тўртинчидан, кўчманчи, деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг ривожланиши ҳамда ўзаро алоқаси ёрдам берди.

Қозоқ элатининг этник асосини андроноецлар, саклар, уйсунлар, кангуйлар, хунларнинг кўп кўп сонли қабилаларидан тортиб, Қозоғистон ҳудудида турли даврларда яшаган кўп сонли турк қабилалари (тургашлар, қарлуқлар, ўғузлар, қимақлар, қипчоқлар, найманлар, арғинлар ва бошқалар) ташкил этдилар.

Этноснинг кейинги шаклланиш жараёнлари мўғул истилоси билан тўхтаб қолди. Аҳолининг кўпгина қисми қирилди ёки Қозоғистон ҳудудидан ташқарига кетди. Қозоғистоннинг қолган турк қабилалари бир қисми янги давлат тузилмалари – Жўчи, Чиғатой, Угедэй улуслари билан ажратилиб юборилди. Янги этник гуруҳлар – мўғулларнинг қабилалари қўшилишди. Мўғул истилоси маҳаллий аҳоли қиёфасида мўғулоид жиҳатларининг кучайишига олиб келди.

Этник жараёнлар асосий босқичларини таснифланг ва жадвал тўлдилинг.

Босқич	Қандай этник жараёнлар бўлди?

Қозоқ элати шаклланишининг тугалланиши. Қозоғистон ҳудудида қабилалар бирлашуви жараёнининг давом этиши мўғуллардан кейинги давр давлатлари – Оқ Ўрда, Абулхайр хонлиги, Нўғой Ўрдаси, Мўғулистон тарихи билан боғланган. Улар этник жиҳатдан яқин қабилалар ҳудудларини бирлаштиришди, ҳаётнинг ҳамма шаклларида ўзаро таъсир кўрсатишига

ёрдам берди. Бу давлатлар қабиаларга умумий иқтисод ва маданиятнинг ривожланиши учун имкон берди.

Оқ Ўрда, Абулхайр хонлиги, Нўғой Ўрдаси ва Мўғулистон қозоқ этноси шаклланишининг якуний босқичида катта роль ўйнади.

Мўғул истилосининг қозоқ элати шаклланишидаги таъсирини далилланг.

Қабиаларнинг элат бўлиб қўшилишининг муҳим шарти хўжалик ва хўжалик алоқаларининг ривожланиши ҳисобланади. Кўчманчи-чорвадорлар деҳқончилик ва шаҳар маданияти ҳудудлари билан хўжалик ҳамда савдо алоқаларини боғлашди. Оқибатда иқтисоднинг турли соҳалари бўлган яхлит минтақа ташкил топди. Аҳолининг барқарор хўжалик, маданий, сиёсий алоқалари ўрнатилди. Тафовутларга барҳам берилиб, умумий этник жиҳатлари шаклланди.

Тилларнинг ўхшашлиги асосида XIV–XV асрларда қабиаларнинг, кейинчалик қозоқ тили деб аталган умумий тили шаклланади. Аҳоли яхлит антрополигик типга эга бўлди.

XV асрнинг иккинчи ярми – XVI асрда асосий қозоқ қабиаларининг бир Қозоқ хонлигида бирлашуви билан элатнинг шаклланиши туғалланди. Мўғул истилосидан кейин биринчи марта Шарқий Дашти Қипчоқ, Жетисув ва Жанубий Қозоғистоннинг деярли барча турк қабиалари бир давлатга бирлаштирилган эди.

“Қозоқ” атамаси. Нима учун халқ қандай аталса, шундай атай бошлашди? Русларни – руслар, украиналикларни – украинлар, қозоқларни – қозоқлар ва ҳ.к.з. Тадқиқотчилар орасида халқнинг номланиши кўп баҳслар келтириб чиқаради, олимлар орасида мунозараларга сабаб бўлади. Халқ номининг келиб чиқиши тўғрисида кўпгина афсоналар бор.

“Қозоқ” этнонимининг келиб чиқиши ҳам узоқ вақт кўпгина баҳс-мунозаралар предмети бўлди.

Қозоқ хонлиги тарихи тадқиқотчиси, олим Б.Қарибаевнинг фикрича, “қозоқ” – туркча сўз. Дастлаб у *эркин, озод* маъносини берган. “Қозоқ” сўзи ўз халқи ёки ўз давлатидан ажралиб чиққан, мустақил ҳаёт тарзида яшочи ҳар қандай эркин инсонга нисбатан қўлланилган. Бошқача айтганда, “қозоқ” атамасининг келиб чиқиши – ижтимоий, бу бир инсоннинг ёки одамлар гуруҳининг эркин ҳолатидир. Таниқли ва обрўли тадқиқотчиларнинг фикрича, “қозоқ” туркча сўзи ҳар доим эркин, озод ҳаёт тарзини сурувчи одамларга нисбатан қўлланилган.



“Эркин инсон” маъносидаги “қозоқ” атамаси XV аср ўртасида эркин одамларнинг ўз мустақил давлати – Қозоқ хонлигини ташкил этган қозоқлар миллий тафаккурининг асосларидан биридир.

XV аср ўртаси, 1459–1460 йилларда қабилалар гуруҳи – тахминан жами 100 минг киши – Жонибек ва Керей султонлар раҳбарлигида Ўзбек улусидан Жетисулга кўчиб кетишди. Бу ҳодиса, олимлар фикрича, қозоқ халқининг шаклланиши жараёнида фавқулодда муҳим роль ўйнади. Т.И. Султановнинг ёзишича, “элатнинг ўзининг келажакдаги атамаси билан тарихий учрашуви” содир бўлди.

Жонибек ва Керей хонлигининг мустақкамланиши билан унга тобе аҳоли ўзларини қозоқлар деб аташа бошлади. “Қозоқлар” атамаси аста-секин Шарқий Дашти Қипчоқ, Жетисув ва Жанубий Қозоғистон элатини белгилаш учун этноним сифатида қўлланила бошланди.

X аср бошида Шайбонийлар томонидан Темурийлар давлати босиб олинган, “ўзбек” этнонимининг Шарқий Дашти Қипчоқдан Ўрта Осиё ҳудудига кўчиши рўй берди. “Қозоқ” этноними аста-секин Қозоғистон ҳудудида яшовчи барча туркий тилли қабилалар томонидан қабул қилинди.

□ — “Қозоқ” этноними келиб чиқишини далилланг.

Шундай қилиб, Марказий Осиё кенгликларидаги турклар иштирокида VI асрда бошланган этник жараёнлар қарийб минг йил давом этди. Тарих харитасида этник тафаккури аниқ ифодаланган, шунга мос ўз номига эга янги этнос – қозоқлар – Улуғ Дала мамлакати аҳолиси пайдо бўлди.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Этногенез тушунчаси _____ нинг ташкил топиши жараёнини билдиради.
- 1.2. Қозоғистон ҳудудидаги этник жараёнлар тарихини икки катта босқичга бўлиш мумкин: _____ ва _____ .
- 1.3. Бронза ва темир даврида Қозоғистон ҳамда Евроосиёнинг сезиларли қисми _____ тил оиласига мансуб бўлди.
- 1.4. Қозоқ элати шаклланиши жараёнининг биринчи босқичи _____ даврини ҳамда эрта _____ асрини қамрайди.
- 1.5. Қозоғистон қабилалари қиёфасига мўғулоид унсурларининг кириши _____ ларнинг кўчиб келиши билан бошланади.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 1.1. Қозоқ элати ва унинг этник ҳудуди шаклланиши жараёни тугалланди
А) XIII–XIV аа.
В) XVI–XVII аа.
С) XV–XVI аа.
Д) XII–XIII аа.
Е) XIV–XV аа.
- 2.2. Қозоғистондани этник жараёнларнинг иккинчи босқичи бизнинг эрамининг 1-минг йиллиги ўрталарида бошланиб, қабилаларнинг тарқалиши билан боғланган
А) гунлар
В) турклар
С) мўғуллар

- Д) араблар
Е) қипчоқлар
- 2.3. XI–XIII аср бошида Қозоғистоннинг катта қисми аҳолиси ўзларини қипчоқлар деб аташди, бироқ этноснинг кейинги шаклланиши тўхтаб қолди
- А) мўғул босқинчилигидан
В) араб истилосидан
С) ўсмонлар истилосидан
Д) гунларнинг кўчиб келишидан
Е) жўнғор босқинчилигидан
- 2.4. Қозоғистон ҳудудидаги қабилаларнинг бирлашуви жараёни мўғул истилосидан кейинги давлатларнинг ташкил топиши ҳамда мустақкамланиши тарихи билан боғланган
- 1) Қарлуқ ҳоқонлиги
2) Абулхайр хонлиги
3) Нўғой ўрдаси
4) Қорахонийлар давлати
5) Оқ ўрда
6) Турғаш ҳоқонлиги
7) Ғарбий турк ҳоқонлиги
8) Мўғулистон

40-41-§§.

ҚОЗОҚ ХОНЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Мазкур мавзуни ўрганиб, сиз:

- Қозоқ хонлигининг ташкил топиши шартлари ҳамда боришини аниқлайсиз;
- унинг пайдо бўлиши қонуниятлари ва биринчи қозоқ хонлари сиёсатининг асосий йўналишларини аниқлайсиз;
- Қозоқ хонлиги ташкил топиши ҳақида хабар берувчи манбалар билан танишасиз.

Давлат нима эканини эсланг; Қозоғистон ҳудудида қандай давлатлар бўлди?

Қозоқ хонлиги ташкил топиши сабаблари. Қозоқ давлати келиб чиқиши, ҳаёт тарзи ва маданияти жиҳатидан бир туркийзабон қабилалар авлодларининг бирлашувидан пайдо бўлди.

Қозоқ халқи давлатчилигининг ривожланишидаги муҳим босқич Оқ ўрда, Мўғулистон, Абулхайр хонлиги, Нўғой ўрдасининг ташкил топиши бўлди. Бу давлатларнинг умумий жиҳатлари кўп эди: бу улус тарзидаги аҳоли, хон ҳокимияти, ҳарбий

қўшинларни ташкил этиш ақидалари, солиқ тизими ва ҳ.к.з. Ушбу давлатлар қабилаларга кун кўриш ҳамда ривожланиш учун имконият яратишди. Ташки агрессияга қарши ташкил бўлиб курашишга замин ҳозирлаб, бирлашиш учун шароит беришди. Шу билан бирга қозоқ уруғларининг бир неча давлатга кириши, шунингдек, ички низолар Қозоқ давлатининг шаклланиши жараёнини тўхтатиб турди.

Қозоқ хонлиги ташкил топишининг аниқ бориши икки давлат – XV асрнинг иккинчи ярмида таназзул ҳолатини бошдан кечиришаётган Абулхайр хонлиги (кўчманчи ўзбеклар Давлати) ҳамда Мўғулистоннинг ички сиёсий аҳволига боғланган эди. Ҳар икки давлатда ҳам кўчманчи зодагонларнинг қудрати ҳамда уларнинг мустақилликка интилишлари кучайиб борарди.

□ **Абулхайр хонлиги ва Мўғулистоннинг таназзули нимада кўринди?**

Қозоқ хонлигининг шаклланиши Шарқий Дашти Қипчоқ, Жетисув ва Жанубий Қозоғистондаги иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг қонуний натижаси бўлди.

Қозоқ давлатчилигининг ташкил топиши Жонибек ва Керейнинг номлари билан боғлиқ. Уларнинг сулолага қизиқишлари, Даладаги ҳокимият учун кураш уруғ зодагонларининг ҳам, оддий чорвалар ва деҳқонларнинг ҳам манфаатлари билан тўғри келди. Улар халқнинг мустақил давлат қуришга интилишларини намоён этди.

Бу шароитлар қозоқ давлатчилиги шаклланишининг объектив сабаблари ва шартлари бўлди.

□ **Қозоқ хонлиги ташкил топиши учун замин бўлган иқтисодий, сиёсий, этник ҳамда маданий сабабларни аниқланг.**

Қозоқ давлатчилиги ташкил топиши жараёни. Абулхайр хоннинг ҳокимияти заифлашган даврда Керей ва Жонибек кўчманчи ўзбеклар давлатидан кўчиб кетишди. Кўчиб кетиш султонлар норозилиги шакллариининг бир кўриниши эди. Шу билан бирга у қозоқ давлатчилиги пайдо бўлишида ҳамда янги давлат номини белгилашда маълум роль ўйнади. Манбаларда хон давлати мустаҳкамлиги хон сиёсатининг унинг турғунлари манфаатига мос келишига боғлиқ бўлганига кўп мисоллар топишимиз мумкин. Бу халқ хоҳиши билан мос бўлмаган ёки дала оқсуякларининг ҳуқуқларини поймол қилган ҳолларда фуқаролар ўз ҳукмдорларидан бошқа ёққа кетиб қолишган. Ўз давлати сарҳадларини тарк этишга турли сабаблар бўлган: ўзаро тўқнашувлар, ҳукмдорнинг салбий хислатлари, ҳукмдорнинг қасос олишидан қўрқиш ва ҳ.к.з.



“Керей хон”.
Н.Каримсақов
сурати

Абулхайр хон марказий ҳокимиятининг қулашига ҳамда Керей ва Жонибекнинг кўчиб кетишига нима сабаб бўлган эди? 1457 йили Сиғноқ яқинида Абулхайр ўйротлардан мағлуб бўлди. Шундан сўнг унинг обрўси батамом тушиб кетди. Хонга ўйротлар истилосидан кейин жабр кўрган эгаликларини тартибга келтиришга тўғри келди, солиқлар ва бошқа тўловлар оширилди. Мана шунинг ҳаммаси турғунлар асосий оммасининг норозилигини келтириб чиқарди. Норозилик аҳоли сонининг камайишига ва давлатнинг қулашига олиб келган кўчиб кетиш орқали намоён бўлди.

Қозоқ хонлиги ташкил топиши учун Оқ Ҷрда,
Абулхайр хонлиги, Мўғулистон ва Нўғой Ҷрдаси
давлатлари тайёрлаган шартларни тушунтиринг.

Манбалар айтишича, Абулхайр “жамиятни эсанкиратиб юборди”. Хоннинг сиёсатидан норозилардан ташкил топган шундай “эсанкираган жамият” бошида Керей ҳамда Жонибек туришди. Абулхайрнинг заифлашувидан фойдаланган, бироқ хон билан курашишга имконияти бўлмаган улар қадрдон ерларини ташлаб, “қувилиш йўлига тушиб, Мўғулистонга юришди”.

Керей ва Жонибекнинг мўғул хони ерларига келиши 1459–1460 йилларга тўғри келади.

Керей ҳамда Жонибек султонларнинг Мўғулистон сарҳадларига кетиши ўзига хос стратегик чекиниш эди. У кейинчалик қулай бўлган бир пайтда кўчманчи ўзбеклар Давлатидаги ҳокимиятни эгаллашни кўзлаб қилинган кадам эди. Бундай фурсат кўп кечикмай туғилди.



“Жонибек хон”.
А.Бухарбаенинг
сурати

Мўғуллар хони Есен Буғанинг султонларга нисбатан дўстона муносабати, биринчидан, унинг шу вақтда ўзининг ҳудудига шимолий қўшниси тажовузкорлик ҳаракатларига қарши чиқа олишга имконияти йўқлигидан бўлса, иккинчидан, Керей ва Жонибек ҳамда уларнинг жангчилари тимсолида ўз ерларини Абулхайр ва ўйротлардан ҳимояловчиларни кўрди, учинчидан, “Есен Буға Жонибек ҳамда керейларнинг келишидан манфаат кўрди”, зеро, уларни ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун фойдаланмоқчи бўлди.

Шунинг учун Есен Буға “август шаҳзодаларини хайрихоҳлик ҳамда шараф билан қабул қилди ва уларга Мўғулистоннинг ғарбий қисмини”, Шу ва Талас водийсини армуғон этди.

Ушбу саволларни муҳокама қлинг: нима учун мўғуллар хони Есен Буға Жонибек ва Керейни қабул қилди ҳамда уларга шимолий-ғарбий ҳудудларни берди?

Ўрус хоннинг авлодлари мўғулистонга кўчиб кетишди, бироқ кейинчалик ҳам Абулхайр хонлигидан халқ уларга келиб қўшилаверди, қўшилаверди. Керей ва Жонибек ҳукмронлигида йиғилганлар сони 200 кишини ташкил этди. Ўзининг давлатини ташкил қилиш сабаблари қуйидагилар бўлди: янгидан келиб қўшилганлар ҳисобидан Керей ва Жонибекларнинг кучайиши; Мўғулистоннинг заифлашуви; XV аср ўрталарида кучайган ўйротлар тазйиқини ушлаб туриш зарурати.

1465 йили Шу ва Талас водийларида Қўзибасида қароргоҳига эга бўлган Қозоқ хонлиги эълон қилинди. Керей (1465–1474 йй.) биринчи хон бўлди.

Қозоқ хонлигига қаерда ва қачон асос солинди?
Унинг дастлабки ҳудудини кўрсатинг.

Тарихий манбалар (Муҳаммад Ҳайдар, ибн Рўзбихон, Камол ад-Дин ва бошқалар)га кўра, Керей Жонибек ҳамда бошқа қозоқ чингизийларига нисбатан қозоқларнинг катта хони сифатида чиқади.

Мўғулистонга кўчиб кетган Керей ва Жонибекларнинг яқинлари сони кўпайиши сабабларини тушунтиринг.

Керей ва Жонибекларнинг кучайиши, табиийки, кўп минг сонли “ўзбек-қозоқлар” бошида турган Абулхайр хоннинг хавотирини туғдирган эди. Шунинг учун кўчманчи ўзбекларнинг ҳукмдори Мўғулистонга пухта тайёргарлик билан юриш бошлади. Бу ҳақда батафсил маълумотни Маҳмуд ибн Валининг номаларидан топамиз. “Шу қадар йирик қўшинлар тўпланган эдики, бунчалик суворийлар учун даланинг майдони тор бўлиб кўринарди. Қўшинлар Иети Қудуқ манзилига етиб келиб, лагерга жойлашганларида, ўзбекларнинг хатти-ҳаракатларини сиқувга олган кучли шамол туриб, жала қуйди, сўнгра қалин қор ёғди ва ундан сўнг қаттиқ совуқ бўлди. Шу вақтда Абулхайр бетобланиб қолди. Бир неча кундан сўнг у 57 ёшида вафот этди”. Бу воқеа 1468 йили содир бўлди.

Абулхайр вафотидан сўнг кўчманчи ўзбеклар Давлатидаги сиёсий таназул, айниса, чуқурлашиб кетди. “Ўзбек хонлари салтанатларида парокандалик пайдо бўлди”, деб ёзади XVI асрда яшаган ва бу ишлардан яхши хабари бор муаллиф. 1469–1470 йилларда Керей ва Жонибек ўзининг қозоқлари билан Мўғулистондан Дашти Қипчоққа қайтишди ҳамда Далада ҳукмронлик қилиш учун кураш бошлашди. Қозоқлар раҳнамолари ва Абулхайр ворислари орасида бошланган урушда сўнггилари батамом мағлубиятга учрадилар.

Шарқий Дашти Қипчоқнинг катта қисмида таъсирини ўтказа оладиган ҳукмдорлар Керей ва Жонибек эдилар. Уларга дала аҳолисининг салмоқли қисми қўшилди. Шундай қилиб, 1469–1470 йй.да Қозоқ хонлиги мустақил давлат сифатида сиёсий саҳнага чиқади.

Шарқий Дашти Қипчоқда ҳокимият яна Ўрус хоннинг авлодлари қўлига ўтди ва улар ўзбек-қозоқларнинг ёки оддийгина қозоқларнинг ҳукмдорлари бўлишди.

Шундан бери “қозоқ” сўзи ҳозирги қозоқ халқининг ўз номига айланди.

Икки султон – Керей ва Жонибек томонидан асос солинган Қозоқ хонлигининг пайдо бўлиши тарихи шундай. Жўчиларнинг шажарасидан кўринадики, улар бир-бирига қариндош бўлишган, Ўрус хон ҳар иккисига умумий, катта бувадир. Керей хон ҳамда Жонибек хонларнинг дафн этилган жойи номаълум, бироқ хотираси қолган, авлодлари бор, улар ташкил қилган хонлик узоқ йиллар ҳаёт сурди.



Дастлабки қозоқ хонларининг сиёсий вазифаларини белгиланг,
уларнинг аҳамиятини баҳоланг.

Сирдарё шаҳарлари учун кураш. XV асрнинг охири чорагида Жонибек ҳамда Керейга эгаллаган позицияларини кўп маротаба ҳимоя қилишга тўғри келди. Улар ўйрот қабилалари зарбаларини қайтаришди, Муҳаммад Шайбоний, манғит амирлари ҳамда ўртаосиёлик ҳукмдорларга қарашли Сирдарё бўйидаги шаҳарларни қўшиб олиш учун курашишди.

Жонибек ва Керей хонлар юритган фаол сиёсат туфайли Қозоқ хонлигининг ҳудуди сезиларли даражада кенгайди. Бу вақтга Марказий Қозоғистон, Ғарбий Жетисув, Сирдарёнинг қуйи қисмлари кирди. Бироқ мустақам давлат қуриш учун Сирдарё бўйи минтақасининг, кўчиб кетишдан олдин Керей ва Жонибек бошқарган туманлар керак эди. Хонлар бу ҳудудларга ўз ҳуқуқларини тасдиқлашга ҳаракат қилишди, чунки улар мерос қолган бўлиб, иқтисодий ҳамда стратегик жиҳатлардан катта аҳамиятга эга эди.

Сирдарё бўйидаги шаҳарлар дашт ҳамда ўтроқ туманлар аҳолиси савдо-иқтисодий алоқаларининг муҳим марказлари эди. Улар ўз даврлари учун ажойиб қўрғонлар эдилар, шунингдек, маъмурий-сиёсий марказлар ҳам бўлишди. Бундан ташқари, Сирдарё ерлари қозоқ кўчманчи қабилалари

учун қишки яйлов учун зарур эди. Бироқ бу яйловлардан фақат шаҳар-қалъаларга эга бўлибгина фойдаланиш мумкин эди.

Қозоқ хонлари мустақил давлат қуриш учун қайси давлатлар билан курашишди?



Замондошлар ва тарихчиларнинг гувоҳликлари

Қозоқ давлатининг ташкил топиши ҳақида унинг биринчи тарихчиси Муҳаммад Ҳайдар шундай ёзади: “Ўша даврда Дашти Қипчоқда Абул хайр хон ҳукмдорлик қилди... Жонибек ҳамда Керей хонлар ундан қочишиб, Мўғулистонга келишди. Есен Буға хон уларни хайрихоҳлик билан қабул қилди ҳамда Шу округи ва Қўзи Бошини тақдим қилди. Улар шу жойда туришганларида Абулхайр хоннинг вафотидан сўнг ўзбек улуси парокондаликка учради; бу жойда катта келишмовчиликлар содир бўлди. Абулхайр хоннинг кўпгина одамлари Керей хон ҳамда Жонибек хонларга кўчиб ўтишди, шу тарзда уларнинг атрофидагиларнинг сони икки юз мингга етди. Уларни ўзбек-қозоқлар деб аташа бошлашди. Қозоқ султонлари ҳокимиятининг бошланиши – саккиз юз етмишинчи йилдан (яъни 1465–66 йй.). Хуллас, Оллоҳ яхши билади”.

“Жонибек хон ва Керей хонлар, – деб ёзади Маҳмуд Ибн Вали, – ўша ҳудудда узоқ вақт тўхтаганида (яъни Мовароуннаҳрда), зодагонлар ва оддий одамлар орасидан Абулхайр хонга норозилик билдирмоқчи бўлганларнинг ҳар бири улардан паноҳ топишди”.

Ўрта асрлик муаллифлар Керей ҳамда Жонибекларнинг Мўғулистонга боришини қандай тушунтиришади?



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Қозоқ хонлигининг ташкил топиши _____ ҳамда _____ ларнинг номи билан боғлиқ.
- 1.2. Жонибек ҳамда Керей _____ хоннинг заифлашуvidан фойдаланиб, бироқ у билан курашишга кучлари бўлмасдан, _____ қараб йўл олишди, уларни Есен Буға хон қабуллади ҳамда _____ ва _____ дарёлари водийсидан жой берди.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Оқ Ўрда, Абулхайр хонлиги, Мўғулистон, Нўғой Ўрдасининг сиёсий тузилишида умумий ўхшашлик кўп эди. Булар:

- 1) аҳолининг улус тарзида ташкил топиши
- 2) доимий қўшин

- 3) ҳарбий кучларни шакллантириш принциплари
- 4) солиқ тизими
- 5) ҳоқон ҳокимияти
- 6) хон ҳокимияти
- 7) аҳолининг ташкил қилишнинг жуз тизими
- 8) солиқ тизимининг йўқлиги

2.2. Қозоқ хонлиги ташкил топишининг бориши XV асрнинг иккинчи ярмида таназзулни бошидан кечирган икки давлатнинг ички сиёсий аҳволига боғлиқ бўлди

- 1) Абулхайр хонлиги
- 2) Мўғулистон
- 3) Оқ Ўрда
- 4) Нўғой ўрдаси
- 5) Темур давлати
- 6) Олтин Ўрда
- 7) Чиғатойлар давлати
- 8) Шайбонийлар давлати

2.3. 1457 йили Сиғноқ яқинида Абулхайр хон ўйротлардан мағлубиятга учради ва бу қуйидаги оқибатга олиб келди

- 1) халқ Абулхайр атрофига жамланди
- 2) ўйротлар Сирдарё водийсини таладилар
- 3) халқ Абулхайрни қулатди
- 4) солиқ ва бошқа тўловлар ортди
- 5) ўйротлар Суяб, Болосоғун, Янгикент шаҳарларини босиб олдилар
- 6) ўйротлар Урал водийсини таладилар
- 7) Абулхайр шармандали шартни имзолади
- 8) ўйротлар Туркистон, Тошкент, Ўтрор шаҳарларини босиб олдилар.

2.4. Абулхайр давлатининг қулашига 1457 йилги мағлубият олиб келди.

- А) Нўғой Ўрдасидан
- В) Олтин Ўрдадан
- С) Оқ Ўрдадан
- Д) ўйротлардан
- Е) Мўғулистондан

Мазкур мавзунни ўрганиб, сиз:

- XV аср охири – XVI аср бошида Қозоқ хонлигидаги ташқи сиёсий ҳамда ички вазият тўғрисида;
- Қозоқ ҳумдорлари сиёсатининг асосий йўналишлари ва Мурундук ҳамда Қосимнинг тарихий шахс сифатидаги ролини;
- XV аср охирида Қозоқ хонлиги учун ташқи хавфлар ҳамда қулай шароитлар тўғрисида биласиз.

Ташқи сиёсий аҳвол. XV аср охири – XVI аср бошида Қозоқ хонлиги учун ташқи сиёсатдаги асосий вазифа Сирдарё бўйи минтақасида ўз ҳокимиятини ўрнатиш эди.

Сирдарё бўйи минтақасининг Қозоқ хонлиги учун аҳамияти ва ролини далилланг.

XV асрнинг 70-йиллари бошида ўз тарафдорлари жамлаган Муҳаммад Шайбоний Сирдарёга қараб юриш бошлади. Аввал унга омад кулиб боқди, Сигноқни эгаллашга муваффақ бўлди, бироқ шу билан муваффақиятлар туғади. Ҳарбий кампаниянинг тақдирини Керейнинг ўғли – султон Мурундук раҳбарлигидаги қўшинлар ҳал этди. Муҳаммад Шайбоний лашкарлари батамом тор-мор этилиб, у қочиб тушди.

80-йиллар бошидан Сирдарё бўйидаги шаҳарлар учун уруш қозоқлар, мўғуллар ва ўзбеклар орасида кечди. Кураш у ёки бу томоннинг устунлиги билан давом этиб, XV аср охирига келганда Сирдарё водийси учта – Ўзбеклар, Қозоқлар ва Мўғуллар давлатлари томонидан бўлиб олинди.

Қозоқ хонлигининг мустақамланиши ҳамда XV аср охирида унинг ҳудудининг кенгайишига ёрдам берган воқеаларни ёзинг.

Шайбонийлар билан кураш. Абулхайрнинг набираси Муҳаммад Абулхаир авлодлари ҳокимиятини тиклаш учун Шарқий Дашти Қипчоқда кураш олиб борди. Бу кураш мобайнида Шайбонийзодалар манғит мирзалари ҳамда Темурийларнинг ёрдамидан бир неча бор баҳраманд бўлишди. Бироқ Муҳаммад Шайбонийга ўз бобосининг хонлигини тиклаш насиб этмади: қозоқ ҳумдорлари нафақат аскарлар сони билан, балки аҳоли кўпчилигининг манфаатларини ифодалаганлари билан ҳам жуда кучли эдилар.

Абулхаир хоннинг олий ҳокимиятини тиклаш умиди синаётганини кўрган Муҳаммад Шайбоний 1500 йилда ўз лашкарлари билан жанубга юриб кетди. Темурийларнинг заифлашувидан фойдаланиб, у Самарқанд, Бухоро ва яна бир қанча қалъаларни эгаллади. Мовароуннаҳрда ҳокимият Тему-

рийлардан бу ерда қарийб юз йил ҳукмронлик қилган (1500–1598) Шайбонийларга ўтади.

Мовароуннахрнинг янги ҳукмдорлари Қозоқ хонлигининг кучайишига қаршилик кўрсатишга интилишди. XVI асрнинг биринчи ўн йиллиги қозоқларнинг ва Муҳаммад Шайбоний билан аёвсиз курашлари вақти бўлди.

1509–1510 йилларда Муҳаммад Жонибек ва Керейнинг ворисларига қарши бир неча юришлар қилди. 1510 йилнинг бошида амалга оширилган энг сўнгги юриш унинг учун муваффақиятсиз якунланди: Сигноқ яқинида Қосимнинг лашкарлари томонидан тор-мор қилинди. Бу мағлубиятдан кейин Муҳаммад Шайбоний Эрон шоҳи Исмоил билан жангга киради. 1510 йилнинг кузида Марв яқинидаги жангда Муҳаммад аскарлари енгилди, унинг ўзи ўлдирилди. Марв фожеасининг натижаси Шайбонийлар эгалиklarининг икки давлатга парчаланиб кетиши бўлди: бири маркази Бухорода (кейинчалик Бухоро хонлиги деб аталди), иккинчисининг қароргоҳи Хивада (кейинчалик Хива хонлиги деб аталди) эди. Минтақадаги шароитнинг бундай ўзгариши Қозоқ хонлигининг мустақамланиши учун қулай бўлди.



XIX асрда қозоқлар.
М. В. Горелик
реконструкцияси.

Қўрамазки, XV асрнинг охири – XVI асрнинг боши Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ҳаётида жуда муҳим воқеалар билан тўлган эди. Ушбу бурилиш даврида қозоқ хонлигини бошқариш Мурундуқ хон (тахминан 1474–1511) ва Қосим хонлар (1511–1518) зиммасига тушди.

Қозоқ хонлигининг ҳудуди учун қозоқ хонларининг Муҳаммад Шайбоний билан курашлари тўғрисидаги ҳикоя режасини тузинг.

Мурундуқ (Бурундуқ) Керейнинг ўғли эди. Манбаларда у X аср 70-йиллари ўрталаридан, яъни ҳукмронлик қила бошлаган 1474 йилдан бошлаб, манбаларда воқеалар қайд этилганидан у қозоқларнинг катта хони деб аталади.

Мурундуқ хон таҳликали, курашлар ва ўзгаришларга тўла вақтда ҳукмронлик қилди. У Керей ва Жонибекларнинг васиятига қатъий амал қилди: улар ташкил қилган давлатни сақлади ва мустақамлади. У шахсан ўзи аскарларни жангга бошлаб кирди ва жангларда бир неча бор яраланди. Тарихчилар Мурундуқ хонни Дашти Қипчоқнинг қудратли ҳукмдори деб таърифлашади. “Ҳар қандай вақтда, – деб ёзган эди Ибн Рўзбихон, – қозоқларнинг

хамма томонига: “Отланинг, душманга қарши чиқамиз!” деб буйруқ юборса, шу заҳотиёқ тўрт юз минг найзадорлар, яъни ҳар бири ўнтадан навқирон сипоҳига арзигулик ботирлар йиғиларди”. Мурундуқ хон Жетисув, Марказий Қозоғистоннинг кўчманчи қабилаларини бирлаштиришга муваффақ бўлди.

Мурундуқ 30 йилдан ортиқ хонлик қилди, бироқ олий ҳокимиятни умрининг охиригача ушлаб қололмади. Тарихий манбалар унинг тақдири ҳақида фожиали ҳикояни сақлаб қолишган. Муҳаммад Ҳайдарнинг ай-тишича, 1509–1510 йилларга Қосим лашкарлар орасида жуда қудратли таъсирга эга бўлди, Мурундуқ хон бўлиб ҳисобланса-да, бор ҳокимият Қосим султоннинг қўлида эди. Хонликнинг икки обрўли шахслари орасидаги талаш ҳар томонлама кучли ва ғайратли султоннинг ғалабаси билан тугади. 1511 йилдан эртарақ Мурундуқ хон ўзининг яқинлари билан Самарқандга жўнаб кетди, дейилади “Тарихи Рашидий”да.

Манбалар Мурундуқ хонга қандай тасниф беришади?



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Абулхайрнинг серқувват ҳамда довюрак набираси _____ Шайбонийларнинг раҳнамоси бўлди
- 1.2. Марв фожиасининг натижаси Шайбонийлар мамлакатининг икки давлатга ажралиши бўлди: бири – маркази _____ шаҳрида, иккинчиси – қароргоҳи _____ билан.
- 1.3. Марв фожиасидан сўнг Ўрта Осиёдаги сиёсий шароит _____ хонлигининг мустақамланишига қулай келди.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Муҳаммад Шайбоний 1500 йилда Самарқанд, Бухоро ва яна бир қанча шаҳарларни уларнинг заифлашувидан фойдаланиб, босиб олди.
А) Жўчиларнинг
В) Аштархонийларнинг
С) Сомонийларнинг
Д) салжуқийларнинг
Е) Темурийларнинг
- 2.2. Муҳаммад Қосимнинг лашкарлари томонидан 1510 йилда мағлубиятга учраган эдию.
А) Ўтрорда
В) Ашнаса
С) Тарозда
Д) Бухорода
Е) Сигноқда

Мазкур мавзуну ўқиб чиқиб, сиз:

- Қосимнинг ташқи сиёсати асосий йўналишларини муҳокама қилинг;
- ички сиёсат вазибалари ҳақида ҳамда уларнинг Қосим томонидан қандай ечилганини билинг;
- Қозоқ хонлигининг Қосим ҳукмронлиги охирига келганидаги ташқи ва ички сиёсати натижаларини баҳоланг.

Қосим Жонибек хоннинг ўғли эди. XV аср охири – XVI аср бошида Қозоқ хонлиги тарихида Қосимга марказий ўрин тегишлидир. Ислохотчи-ҳукмдор Қосим ёш Қозоқ давлатининг мустақамланиш жараёнига тўғри келган даврда бошқарди.

Катталарга бўйсиниш анъанасига амал қилувчи Даштнинг чинакам фарзанди сифатида Қосим султон ҳамма нарсада Мурундуқ хонга бўйсинган эди, деб ёзади Муҳаммад Ҳайдар. Қосим султон ҳақидаги манбаларда унинг Мурундуқ хон қўшинларининг “шавкатли ботирларидан бири ҳамда суворийларининг етакчиси”, деб қайд этилади. Қосимнинг шавкатли жангчи сифатидаги шухрати XV–XVI асрларда уни қозоқларнинг реал доҳийсига айлантирди.

Мурундуқ хонлигининг сўнгги йилларида, Муҳаммад Ҳайдарнинг таърифича, Қосим Мурундуқдан олисда туришга ҳаракат қилди, чунки “яқинда бўла туриб, керакли ҳурматни кўрсата олмасанг, бу хонга қарши чиқишни билдирар, унга бўйсинишга эса қалб изн бермасди”. XVI аср бошига, Муҳаммад Ҳайдарнинг айтишича, Қосим “ҳали хон мақомини олмаган, бироқ унинг ҳокимияти шу қадар катта эдики, ҳеч ким Мурундуқ хон тўғрисида ўйламасди”.



Сиз нима деб ўйлайсиз, нима учун Қосим ва Мурундуқ ўртасида ўзаро низо юз бермади?

Қартайиб бораётган Мурундуқни илтифотлар билан Самарқандга жўнатгачгина, 1511 йилдан эрта эмас, Қосим давлатни бошқариш ҳамда хонлик мақомини ўз зиммасига олди. “Тарихи Рашидий”да айтилишича, “Қосим хон бутун Дашти Қипчоқнинг ҳукмдорига айланди ва Жўчи хондан бошқа ҳеч кимга насиб этмаган шу қадар машҳурлик ҳамда қудратга эга бўлди”.

Шундан буён ва XIX асрда хон ҳокимияти йўқотилгунича Қозоқ даласидаги олий ҳокимият Жонибек хон авлодлари қўлида қолди.



Тарихий манбалар Қосимнинг қандай шахсий сифатлари ҳақида маълумот беради?

Ташқи сиёсат. Қосим, унинг ортидан қўшинлари ўтга ҳам, сувга ҳам тушадиган, тан олинган доҳийдир. Йилномачилар унинг қанча марта жанрларга кирганини санаб бериш мумкин эмаслиги ҳақида ёзишади.

1512 йили Қосим хон Сирдарё бўйи ҳудудларига юришлар қилади. 1513 йили қозоқ қўшинлари Сайрамга келишади. Шаҳар ҳукмдори Қосим томонга ўтиб, шаҳарни жангсиз унга беради. Муаффақиятли жанговар ва дипломатик хатти-ҳаракатлардан сўнг Сирдарё бўйи шаҳарларининг бир қанчаси қозоқ хони ҳукмронлигига ўтишади.

Ғарбий Жетису ҳамда Жанубий Қозоғистонда Қозоқ хонлиги позицияларини мустаҳкамлаб, Қосим хон ўзининг ташқи сиёсатини шимолий-ғарбга – Нўғой Ўрдасига қаратди.

Манғит юрти бу вақтда таназулли бошидан кечириётган эди. Мирзалар, уруғлар раҳбарлари ўзаро ҳокимият учун курашардилар. Қосим томонидан қўлланилган фаол чоралар нўғой мирзаларининг бир қисмини Ёйқдан Волгага кўчиб кетишга мажбур этди. Манғит юртини уруғлари ҳамда қабилаларининг бошқа бир қисми қозоқ хонлиги ҳукмронлигига ўтди. Шундай қилиб, Қосимнинг ҳудудий эгаликлари Уралнинг нариги томонигача чўзилиб ўтди.

Қосим хоннинг мўғул ҳукмдорлари билан муносабатлари муваффақиятли кечди. Мўғулистоннинг асосий тумани – Жетисув – Қозоқ хонлиги таркибига кирган эди. Мўғул хонлари доимий раишда қозоқ хони билан иттифоқ изладилар.

Шундай қилиб, Қосим хон ўзининг ҳукмронлигини кенг дашт майдонларига тарқатди. Жанубда ва жанубий-шарқда хонлик чегаралари Сирдарёнинг чап соҳилларини ҳамда Жетисувнинг катта қисмини эгаллади, шимолий-шарқда эса Иртишгача етиб борди.

Манбаларга кўра, Қозоқ хонлиги ҳудудини кенгайтириш муаммосини Қосим хон ҳарбий кураш йўли билан ҳам, сиёсий йўл билан ҳам ҳал этди. Бу ҳақида Россия архивларининг Василий III ҳукмронлик қилган дарининг дипломатик ҳужжатлар гувоҳлик беради. Қозоқ хонлиги аста-секин ўша даврнинг халқаро муносабатларига тортила бошлайди.

Қосим хон даврида Қозоқ хонлиги ҳамда Москва давлати билан биринчи марта алоқалар ўрнатилган эди. Бундан ташқари, худди шу даврда қозоқларнинг Ғарбий Европада ҳам биринчи бор таниқли бўлишганлиги ҳақидаги маълумот XVI аср биринчи ярмидаги немис дипломатининг “Номалари”да қайд этилган.

Қосим хоннинг қозоқ халқининг бирлашуви ва мустаҳкамланишидаги хизматларини далилланг.

Қосимнинг ички сиёсати. Олий ҳукмдор сифатида Қосим хон ҳокимиятини мустаҳкамлаш, урф-одатлар ҳамда қонунчиликка риоя қилишда йирик муваффақиятларга эришди. Бобурнинг гувоҳлик беришича, Қосим унга таниқли ҳукмдорлар орасида ўз халқини қатъий итоатда ушлаган. Муҳаммад Ҳайдарнинг маълумотларига кўра, Қосим хонга тобеларнинг сони бир миллиондан ортиқ кишини ташкил этган, ҳарбий жангчиларни у 300 мингтагача етказа олган.

Жамоат ва давлат ҳаёти меъёрларини мустаҳкамлаш учун Қосим оддий ҳуқуқни силоҳот қилади. “Қосим хоннинг қашқа йўли” – шундай ном билан халқ ёдида Қосим хоннинг қонунлари сақланиб қолган. Ҳуқуқнинг ушбу жамланмаси беш асосий бўлимлардан иборат эди:

1. *Мулк қонуни.* Унга ер, мол ҳамда мулкка оид баҳсларни ечиш низомлари киритилган.

2. *Жиноий қонун.* Бунда турли жиноий ишлар ва уларга нисбатан чоралар кўрилган.

3. *Ҳарбий қонун.* Унда халқнинг ҳарбий шароитдаги қўшинларни ушлаб туриш учун тўлайдиган эҳсонлари ҳамда ҳарбий хизмат учун жавобгарлиги, бўлинмаларни шакллантириш ақидалари, ҳарбий ўлжани бўлишиш тартиблари белгиланган.

4. *Элчилик одатлари.* Бу бўлимда халқаро ҳуқуқ масалалари ҳамда элчилик этикети ҳақида гапирилади.


5. *Жамоатчилик қонуни.* Бу бўлим обшиналар ўртасидаги ўзаро ёрдамга, шунингдек, байрамларни ташкил этишдаги қоидалар ҳамда сарой этике-тига бағишланган.

Қосим хон, шак-шубҳасиз – Қозоқ давлатининг буюк ҳукмдорларидан биридир. Ўзининг “хайрли ишлари, қатъий иродаси ҳамда сиёсий донишмандлиги” билан у қозоқлар давлатини кучли қилишга эришди, унда “фаровонлик ҳукм сурди ва бошқа давлатлар унга ҳавас билан қарашди”.

Муҳаммад Ҳайдарнинг хабар беришича, Қосим хон 1518 йилда Саройчиқда вафот қилди ҳамда шу жойда дафн этилди.



Қосим хон ҳукмронлиги давридаги давлатнинг ички шароитини, Қозоқ хонлигини мустаҳкамлаш учун нима қилинганини тасвирланг.





Замондошлар ва тарихчиларнинг гувоҳликлари

Қосим – рицарларга хос номус соҳиби, у қариндошлик алоқаларини муқаддас санаган. XVI аср бошидаги Ўрта Осиё тарихчилари ҳикоя қилишади: қозоқ ҳукмдорлари Савронни эгаллаб, Шайбонийхоннинг кичик укаси Муҳаммад султонни оиласи билан асир олишганларида Мурундуқ хон уни илгаридан рақиб бўлгани учун ўлдиришга ҳукм қилади. Бироқ Маҳмуд султон билан яқин қариндошчилик алоқалари бўлган Қосим – уларнинг оналари опа-сингил эди – хоннинг қарори билан келишмайди. У асирни ўлдиришдан бош тортибгина қўймай, Маҳмуд султонни озод этади ҳамда ўз одамлари ҳимоясида уни акасининг олдига жўнатади. Қозоқ султонининг бу ҳаракати Шайбоний хон тарихчиларини ҳайратлантиради ва уларнинг барчаси Қосимнинг тантилигига қойил қолишган.

Қосим ҳақида Муҳаммад Ҳайдар ва бошқа кўпгина қозоқ хонининг замондошлари, масалан, Ибн Рўзбихон, Бобурлар ҳам ижобий фикрларни билдиришган. Қосим хон номига битилган мақтовларнинг айримлари қуйидагилардир: “ўша даврдаги қозоқлар орасидаги машҳур курашчи”; “Қосим – қозоқлар уруғининг кўзи ва нури”; Қосим – “Дашти Қипчоқнинг буюк ҳукмдорларидан бири ҳамда ўша даврнинг қудратли ҳукмдори”, у “ўзининг қудрати билан шуҳрат қозонган ва Даштнинг барча ҳукмдорларидан жасурлиги ҳамда ўзига тобе халқларнинг кўп сонлилиги билан устун турган”.

Қосим хон фаолияти ҳақида гувоҳлик берувчи манбаларни айтинг, уларда хонга қандай тасниф берилган?



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Муваффақиятли ҳарбий хатти-ҳаракатлар ва _____ ҳукмдорларининг ўзаро курашлари натижасида қозоқ хонлиги ҳукмронлигига _____ бир қанча шаҳарлари ўтди.
- 1.2. Қосим хон даврида Қозоқ кўчманчи манзилларининг ғарбий чегаралари _____ ва _____ дарёлари оралиқларигача чўзилган эди.
- 1.3. Тарихчи Муҳаммад Ҳайдар Қосим ҳақида унинг одамлари _____ киши бўлганини, _____ минг ҳарбийлари борлигини қайд этади.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. XV аср охири – XVI аср бошидаги Қозоғистон тарихида марказий ўринни эгаллайди
 - А) Қосим
 - В) Абилай
 - С) Мурундуқ

Д) Ақназар

Е) Есим

2.2. Қосим хондан бошлаб, XIX асрда хон ҳокимияти тугатилгунича қозоқ даштларидаги олий ҳокимият авлодлари қўлида бўлди

А) Керейнинг

В) Жонибекнинг

С) Ботийнинг

Д) Абулхайрнинг

Е) Ўзбек хоннинг

2.3. Қосим Жетисув ва Жанубий Қозоғистонда ўз позицияларини мустаҳкамлаб, ташқи сиёсатини қаратди

А) Рус давлатига

В) Нўғой Ўрдасига

С) Сибирь хонлигига

Д) Астрахань хонлигига

Е) Қрим хонлигига

44-§.

ТАҲЛИКАЛИ ДАВР. ҲАҚНАЗАР ТОМОНИДАН ҚОЗОҚ ХОНЛИГИ БИРЛИГИНИНГ ТИҚЛАНИШИ

Мазкур мавзу билан танишиб, сиз:

- 1520–1580 йй. Қозоқ хонлигининг ташқи сиёсий ҳамда ички шароитини аниқлайсиз;
- Ҳақназар сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда унинг фаолияти натижаларини белгилайсиз;
- Қосим хон ҳамда Ҳақназарнинг олиб борган сиёсатини, улар фаолиятининг умумий ва фарқли томонларини қиёслайсиз.

Олтин Ўрдадаги “таҳликали давр”ни эсланг.

“Таҳликали давр” тушунчаси нимаси билан характерланади?

Таҳликали давр. Муҳаммад Ҳайдарга кўра, 1518 йили қосим хоннинг афотидан кейин тахтга унинг ўғли Мамаш ўтирди. Бироқ Мамаш хон жанглardan бирида 1522 йили халок бўлиб, бу таҳликали давр бошланганидан дарак берди.

Таҳликали давр бу – Қозоғистон тарихининг XVI асрдаги 20–30-йиллари қамраган бир даври. Бу даврда хон тахтини Жонибекнинг авлодлари Мамаш хон, Тохир хон, Бўйдош ва бошқалар навбати билан эгаллашган.

Таҳликали давр ўзаро ички низолар, қўшнилари билан доимий урушлар, давлат ҳудуди бир қисмининг йўқолиши ва натижада Қозоқ хонлигининг за-

ифлашуви билан характерланади. Қозоқ ҳукмдорларига қарши мўғул ҳамда ўзбек хонлари иттифоқи тузилади. Мўғуллар хони қозоқ ҳукмдорлари билан қариндошлик ришталарини узиб ташлади, дўстликдан воз кечиб, душманга айланди. Мовароуннаҳр ўзбеклари билан шартнома имзолаб, мўғуллар қозоқлар билан жангга киришдилар.

Қозоқ хонлиги ҳукмдорлари ўзбеклар, мўғуллар ва ўйротлардан бир неча бор йирик мағлубиятларга учрадилар. Мамаш хон вафотидан сўнг хонликнинг барча султонлари жалб этилган катта бўлишиш даври бошланди: ҳокимиятни, улус одамларини, яйловларни а ҳ.к.з.ларни бўлишишди. Олий ҳокимият учун курашда омад **Тохирга** кулиб боқди. Бу ҳақида форс тарихчиси “Тарихи Ҳайдар” асарида ёзади. Мамаш хоннинг вафотидан сўнг қозоқ хонлигида “катта келишмовчилик пайдо бўлди: Дашти Қипчоқ султонлари бир-бирлари билан кўп урушишди. Охир оқибатда Тохир султон хон деб эълон қилинди”.

Тохир даштнинг зодагонлари ҳамда ўз халқи билан тил топиша олмади. Тохирни жуда яхши билган Муҳаммад Ҳайдарнинг гувоҳлик беришича, “табиатан бу инсон золим ва қаттиққўл, ҳар нарсадан шубҳаланувчи эди”. У бир қанча ҳарбий мағлубиятларга, дипломатик муваффақиятсизликларга учрайди. “Шу сабабга кўра, – деб ёзади Муҳаммад Ҳайдар, – маърифатли султонларнинг юраклари ундан юз ўгирди. Ва бу халқ бирдан ажралиб, уни тарк этди”. Халқнинг кўпчилиги тарк этган Тохир хон ўзга юртларда вафот этди.

□ — Нима учун Тохир хон халққа, султон, бийларга керак бўлмади?
Тохир хон тақдиридан қандай тарихий хулоса чиқариш мумкин?

Тохир хоннинг тарихи монархнинг тақдирини нафақат унинг тахт учун бўлган ҳуқуқларининг “қонунийлиги”, балки унинг сиёсати белгилайди, деган қоидани тасдиқлайди.

□ — Хон ҳокимиятининг қатъийлигини у олиб борган сиёсатнинг одамлар манфаатларига тўғри келиши белгилашини тасдиқланг.

Тохир хон ҳукмронлиги давридаги воқеа унинг биринчилардан бўлиб қалмоқлар (ўйротлар) билан урушга киргани эди.

□ — Қозоғистон тарихида таҳликали давр деб ном олган вақтга характеристика беринг.

Ҳақназар хон (1538–1580). Қозоқ хонлиги тикланиши ҳамда мустақамланишининг янги даври Қосим хоннинг ўғли Ҳақназар султон номи билан боғланган. У серғайрат ҳамда ўзгарувчан, ўзидан олдинги таҳликали

давр ҳукмдорларига қараганда узоқни кўзлаб иш юритувчи ҳукмдор сифатида тарихга кирди.

Қосим хон афот этган йилда у гўдак ёшида эди ва шунинг учун отасидан хон унвонини мерос қилиб олмади. 1538 йили Ҳақназар бу даврда нўғой мирзаларининг ҳокимияти тарқалган Ғарбий Қозоғистонда хон этиб сайланади.

Бироқ Ҳақназар қозоқ қабилалари орасида ўз позицияларини шу қадар мустаҳкамладики, натижада у нўғойлар ҳокимиятидан қутулишга муваффақ бўлди. У мустақил ҳукмдор бўлади. Катта хон мақомини у тахминан 1559 йили олди.

Ҳақназарнинг ташқи сиёсати. Ҳақназарнинг барча сиёсий фаолияти қозоқ жамиятини бирлаштиришга ҳамда унинг хавфсизлигига қаратилган эди. Бу мақсадга етишиш учун у шимолий ҳамда жанубий қўшнилари билан нейтралитетни таъминлади ва уларнинг қўллаб-қувватлашига эга бўлди. XVI асрнинг 50-йилларида Москва давлати билан алоқа ўрнатиб, Шайбоний билан муносабатларни мувофиқлаштирди.

Хон тахтига ўтиргач, Ҳақназар биринчи навбатда Қозоқ хонлиги позицияларини Ёйиқ (Урал) бўйларида мустаҳкамлашга, бу жойлардан нўғой мирзаларини Волга томонга сиқиб чиқаришга йўл тутди.

Ҳақназар ҳокимият тепасига келган сиёсий вазиятни тавсирланг.

XVI асрнинг 50-йилларида Нўғой Ўрдаси жиддий ўзгаришларни бошдан кечираётган эди. Манғит мирзаларининг бир қисми рус эгалигини, бир қисми қозоқларникини қабулламоқчи эди. XVI асрнинг 60–70-йилларида Ҳақназар Нўғой Ўрдасига қарши бир неча бор юришлар қилди. У Шимолий Орол бўйи ҳамда Ёйиқ дарёси ерларини ўзига қаратди. Натижада нўғой уруғларининг катта қисми қозоқ эгалигини қабул қилди.

XVI асрнинг 60–70-йилларида Ҳақназар хон бошқуртлар ҳамда нўғойларнинг айрим қабилаларига ҳокимиятини ўрнатиб, улардан бож тўплади ва “қозоқлар ҳамда нўғойлар хони” деб аталди. Жанубий қўшнилари – қирғизлар билан шундай муносабатлар ўрнатилдики, тарихчилар Ҳақназарни “қозоқлар ва қирғизлар хони” деб аташди.

Айни шу вақтда Сибирь хони билан аёвсиз курашлар олиб борилди ҳамда Сибирь хонлигига кирган уруғларнинг бир қисми унинг томонига ўтди.

Қозоқ хонлигининг жанубий чегаралари ҳам нотинч эди. XVI асрнинг 70–80-йилларида Мовароуннаҳрда Бухоро ҳукмдори Шайбонийзода Абдуллоҳ раҳнамолигида кучли давлат ташкил топади. Ҳақназар хон у билан “дўстлик а ҳарбий иттифоқ тўғрисида қасамёд шартномаси” тузади. Иттифоқ Тошкент ҳукмдори Бобо султонга қарши қаратилган эди. Шу шарт-

номага кўра, Ҳақназар Абдуллоҳнинг Бобо султонга қарши курашида иштирок қилди.

Ҳақназар бошчилигидаги қозоқ отрядлари тошкентлик ҳукмдорни Туркистон ҳамда Саврондан сиқиб чиқаришиб, уларни Қозоқ хонлигига қўшиб олишга муваффақ бўлишди. 1579 йилнинг охирида Бобо султон музокараларга келган Ҳақназарнинг икки ўғлини ўлдиришга буйруқ беради. Тошкент ҳукмдори билан аёвсиз қарама-қаршилиқ мобайнида Ҳақназар 1580 йили вафот этади.

□ Ҳақназар хоннинг ташқи сиёсати тўғрисида ҳикоя режасини тузинг.

Ҳақназар хон фаолиятининг тарихий аҳамияти. Ҳақназар Қосим хон вафотидан кейин парчаланиб кетган ерларни қайтаришгагина муваффақ бўлмай, балки унинг чегарларини кенгайтиришга эришди. Унинг ҳукмронлиги охирига келиб хонлик чегаралари ғарбда – Ёйиқ (Урал)дан, шимолда – Есил (Ишим)дан, шарқда – Балхаш ортидан ўтди. Жанубда қозоқ ерлари Тошкентга яқин келиб қолди.

1571–1572 йй. Ҳақназар хон Иван Грознийнинг Москва ҳукумати билан дипломатик муносабатлар ўрнатади.

□ Ҳақназар хонни ўз отаси Қосим хоннинг сиёсий йўналиши давомчиси дейиш мумкинми? Фикрингизни асосланг.

Ҳақназарнинг ҳукмронлиги қозоқлар, бошқуртлар, нўғойлар тарихида сезиларли из қолдирди. Халқ ривоятларида Ҳақназарнинг номи шон-шухрат билан йўғрилган. Унинг хотираси нафақат қозоқларда, балки бошқурт ва нўғойларда ҳам қолган. Хон тахтида оталари ўрнини босишга лойиқ Ҳақназарнинг фарзандлари қозоқ ерлари учун жангларда халок бўлишди ва ҳокимият Жонибек авлодининг бошқа бутуғига ўтди. XVII асрнинг тарихчиси Қодирали Жалоирий: “Унинг авлодлари энди ҳукмронлик қилмайди”, – деб ёзади. Бироқ Ҳақназар ва унинг ўғилларининг қаҳрамонлиги эвазига хонлик ҳудуди тикланиб, кенгайди ҳамда қозоқ давлатчилиги мустаҳкамланди. Ҳақназар шахсини таснифланг.

□ Нима учун “унинг авлодлари энди ҳукмронлик қилмайди”?



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Таҳликали даврда қозоқ ҳукмдорларига қарши _____ ҳамда _____ хонлари иттифоқи тузилди.
- 1.2. Тохир хон ҳукмронлиги даврининг воқеаси унинг қозоқ ҳукмдорларидан биринчилардан бўлиб _____ билан урушга киргани бўлди.
- 1.3. Таҳликали даврдан сўнг қозоқ хонлигининг мустаҳкамланиши ___ йилларда бошчилик қилган Қосим хоннинг ўғли ___ султон номи билан боғлиқ.

- 1.4. X асрнинг 50-йилларида Ҳақназар хон _____ давлати билан алоқа ўрнатишга ҳамда _____ билан муносабатларни мувофиқлаштиришга ҳаракат қилиб кўрди.
- 1.5. Ҳақназар хон _____ соҳилларида Қозоқ хонлиги позицияларини мустаҳкамлаш ҳамда бу жойлардан нўғой мирзаларини _____ га сиқиб чиқаришга йўл тутди.
- 1.6. Ҳақназар хон _____ ҳукмдори Бобо султонга қарши Бухоро ҳукмдори билан “дўстлик ҳамда ҳарбий иттифоқ тўғрисида қасамёд шартномаси”ни тузади.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Қозоғистон тарихида таҳликали давр характерланади
 - 1) Темурийлар истилоси
 - 2) қўшнилари билан доимий урушлар
 - 3) сиёсий беқарорлик
 - 4) давлат ҳудуди бир қисмининг йўқотилиши
 - 5) сиёсий барқарорлик
 - 6) Шайбонийлар сулоласининг тикланиши
 - 7) хонлик ҳудудининг тикланиши
- 2.2. Таҳликали давр бу – Қозоғистон тарихининг маълум бир даврини эгаллайди
 - А) XVII асрнинг 50–70-йиллари
 - В) XVI асрнинг 20–30-йиллари
 - С) XVII асрнинг 20–50-йиллари
 - Д) XV асрнинг 20–50-йиллари
 - Е) XVII асрнинг 10–20-йиллари
- 2.3. “Қозоқлар ва нўғойлар хони” ва “қозоқлар ва қирғизлар хони” деб таърихчилар ўз асарларида аташган
 - А) Абилай хонни
 - В) Ёсим хонни
 - С) Ҳақназар хонни
 - Д) Тавке хонни
 - Е) Шиғой хонни
- 2.4. Ҳақназар ҳукмронлигининг охирида хонлик чегаралари ғарбда ўтган
 - А) Орол
 - В) Ёйиқ
 - С) Каспий
 - Д) Волга
 - Е) Ишим
- 2.5. Ҳақназар ҳукмронлигининг охирида хонлик чегаралари шарқда ортидан ўтган
 - А) Каспий
 - В) Орол
 - С) Балхаш
 - Д) Волга
 - Е) Есил

Мазкур мавзунни ўрганиб, сиз:

- XVI аср охирларида қозоқ-ўзбек муносабатлари ривожланишини биласиз;
- нима учун Тауекел хонга Абдуллоҳ билан иттифоқ керак бўлганини, нима учун кейинчалик у билан алоқани узганини тушунасиз;
- Тауекел ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини ҳамда унинг бошқаруви натижаларини белгиланг.

Шиғой. Ҳақназар ва унинг ўғиллари вафотидан сўнг уруғ зодагонлари қурултойида Жонибекнинг набираси Шиғой султон хон этиб сайланади. Шиғой 1580 йилда хон бўлди.

Шиғой хон тўғрисида батафсил маълумот Қодирали Жалоирийда келтирилади. Унинг ёзишича, Шиғой хон ва унинг ботирлиги ҳақида ривоятлар “ҳануз халқ хотирасида тирик”, у “жанглари кўрган ва қилич билан кесган” султонлар сирасидан эди.

□ Нима учун Ҳақназар вафотидан кейин танлов Шиғойга тушди?

Шиғой хон кўп меросхўрлар қолдирди. Бу насабнинг вакиллари қозоқ даштларида икки юз йилдан ортиқ вақт бошқардилар. Қозоқ хонлигининг муваффақиятлари ҳамда кучайиши даврлари Шиғой хон авлодлари номи билан боғланган. Охириги марта манбаларда Шиғой хон номи 1582 йилда қайд этилади.

□ Манбаларда Шиғой хон ҳақида нима дейилади?
Қозоғистон тарихида Шиғой хон авлодлари номи билан нималар боғланган?

Тауекел.(1582–1598 йй.) Тауекел сўзи (арабчадаги “таваккала” феъли) ўзини яратганнинг иродасига топшириш” маъносини беради. XVI асрнинг 80-йилларида Шиғойнинг ўғли Бухоро хони Абдуллоҳнинг аёнлари қаторида эди. Хон Тошкент ҳукмдори Бобо султон билан курашда қозоқларга иттифоқчи эди. Уқувли қозоқ султони ўзбек хонининг кўнглидан чиқади ва Шайбонийлар саройида Тауекелга “ҳурмат а эътибор нигоҳи” билан қарашди.

1582 йилда Тауекелге ниҳоят, Бобо султонга чиқиш насиб эатди. Жанг бошланиб, Тауекел ғалаба қозонади, Бобо султонни асир олиб “бедарак бошни кесиб ташлайди. 1583 йилнинг ёзида Бухорога навбатдаги саёҳатларидан

қайтаётиб, Тауекел Абдуллоҳни нохайрихоҳликда айблаиди ҳамда ўз юртига, қозоқларга, даштига қайтиб кетади”.

Тауекелнинг бундай қадами сабаблари тушунарлидир. Биринчидан,у Абдуллоҳ билан қолиб, ўз халқининг мустақил ҳукмдори бўла олмасди. Иккинчидан, Бобо султон билан урушни якунлаган Бухоро ҳукмдори қозоқларни умумий душманга қарши курашда иттифоқчи сифатида қарамаган эди. Учинчидан, қозоқ султонлари энди Абдуллоҳ тимсолида иттифоқчини эмас, Сирдарё бўйи шаҳарларини эгаллашда рақибни кўришган эди. Умуман, Тауекел Мовароуннаҳрни Даштда кучини йиғиб олиб, Абдуллоҳни ўзига қарши кураш олиб бориш учун тарк этади.

Тауекел хонлик тахтига мураккаб даврда ўтирди. Бир томондан шайбонийзода Абдуллоҳ, иттифоқчидан хафли рақибга айланганди; бошқа тарафдан – қозоқларнинг мўғуллар ва ўйротлар билан муносабатлари таранглашган эди.

Тауекел хоннинг Бухоро хони Абдуллоҳ ҳузурида бўлгани ҳамда унинг Мовароуннаҳрдан Дашти Қипчоққа қайтиши сабаблари ҳақида гапириб беринг.

Ташқи сиёсат. XVI аср сўнггида Тауекел хон ташқи сиёсатининг асосий йўналиши Сирдарё бўйи шаҳарларини эгаллаш ҳамда Сибирь хони Кучум билан курашиш бўлди.

Муваффақиятли ҳарбий юришлар ҳамда уқувли дипломатия эвазига Тауекел қозоқлар эгаллаган майдонларни кенгайтирибгина қўймай, халқаро ишларда хонликнинг аҳамиятини кўтаришга ҳам муваффақ бўлди. Ўз ўғилларидан бирини қорақалпоқ уруғларидан бирини бошқаришга тайинлади, укасини эса қалмоқларни бошқаришга қўйди. Бир вақтнинг ўзида қозоқ хони Қошғардаги мўғул давлатининг ички сиёсатини ҳам ҳал этар эди. Манбаларнинг ёзишича, “бу эгаликнинг тахтида кимнинг ўтириши масаласини ечишда Тауекелнинг нуқтаи назари ҳал қилувчи эди”.

Нима учун Тауекелни хон тахтида ўтиришга лойиқ деб ҳисоблашди?

1594 йили Тауекел Москвага Ўроз Муҳаммад султонни асирликдан қутқариш; Моска давлати билан ҳарбий иттифоқ тузиш; рус подшосидан “оловли жанг”ни (ўт отиш қуролини) олиш мақсадида элчихонасини юборади.

Москвадаги қозоқ элчиси “оловли жанг” қозоқ хонига “Бухоро шоҳи билан курашиш” учун кераклигини айтган. Россияга эса Бухоро ҳамда Сибирь хонлиги билан Тауекелнинг мустақил курашиши керак эди. У “оловли жанг”ни беришга тайёр эди, бироқ иттифоқ бўлиб ҳаракат қилишга ваъда бермади. Қозоқлар Бухоро хонига қарши биргаликда курашиш учун форс шоҳи билан ҳам ҳарбий иттифоқ тузишга ҳаракат этишди.

□ XVI аср охирида Тауекел хоннинг ташқи сиёсати асосий йўналишларини белгиланг. Москва давлатидан Тауекел нимани кутарди?

Сирдарё бўйи вилоятлари учун кураш. Хонликнинг ташқи сиёсатидаги асосий йўналиш Сирдарё бўйи шаҳарлари учун кураш бўлиб қолди.

1586 йили Тауекел Бухоро хонлиги ерларига босиб кирди. Тошкент ва қозоқ қўшинлари Тошкент округида тўқнашдилар. Қозоқлар ёмон қуролланишган эди: “шуба ва ергаклар уларга совут ўрнида хизмат қилди”. Бундай томошани кўриб, тошкентликлар қозоқларга ҳеч хавотирланмасдан ташланишарди, бироқ тор-мор қилиниб, батамом янчилдилар.

□ Нима учун Тауекелнинг асосий сиёсий йўналишларидан бири Сирдарё бўйи шаҳарларини эгаллаш бўлди?

Қозоқ хони ўз мақсади – Сирдарё бўйи шаҳарларини эгаллаш учун ғаройиб тарзда матонат кўрсатди. Бунинг учун қулай вазият 1597–1598 йилларда пайдо бўлди. Бухоро хони ҳамда Тауекел қўшинлари Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳарларида дуч келишди. Бухоро қўшинлари аёвсиз тарзда мағлубиятга учрадилар ва “... тирик қолганлари юпун ҳамда бахтсиз қиёфада Бухорога қочишди”.

Тауекел қисқа вақт ичида Сайрам, Тошкент, Туркистон, Андижон, Самарқандни эгаллади. Бироқ қозоқларнинг шиддатли юришлари қадимий Бухоро деворлари олдида тўхтатилди. Бу шаҳар гарнизони рақибнинг тажовузига бардош берди.

□ Тауекелнинг Сирдарё бўйи шаҳарларини эгаллаш учун кураши қандай ривож топди ҳамда у нима билан яқунланди?

Бухоро яқинидаги жанглардан бирида Тауекел оғир яраланади ва **1598 йили** вафот этади. У жанг майдонида олган жароҳатидан сипоҳи ўлими билан вафот этди. Бироз муддатдан сўнг унинг вориси Есим хон Бухоро билан тинчлик шартномасини тузди: қозоқлар ўзлари билан Тошкент, Сайрам, Туркистон ва бир қанча бошқа қалъаларни олиб қолишди, бироқ Самарқанддан воз кечиб, уни Бухоро амирига қайтаришди.

Тауекел Марказий Осиёда иқтидорли лашкарбоши ҳамда уқувли дипломат сифатида шуҳрат қозонди. Замондошларининг гувоҳлик беришича, у латофатли ташқи кўринишга, хуш хулқ-атворга ҳамда шоирлик талантига эга эди. Абдуллоҳ хоннинг сарой тарихчиси Ҳафизий Тониш Тауекел ҳақида шундай ёзган: “жасурлиги, мардлиги ва жасорати бўйича у дунёда ягона эди ҳамда Дашти Қипчоқда шуҳрат қозонганди ”.

Тауекел хоннинг ташқи сиёсатининг якуний натижаси қуйидагилар бўлди: 1) ўрта Сирдарёдаги шаҳарларнинг қозоқлар қўлига ўтиши; 2) рус ҳукумати билан алоқанинг ўрнатилиши; 3) Қозоқ хонлиги таъсир доирасининг нўғойлар ҳамда Бошқурдистоннинг чегарадош ерларига тарқалиши; 4) Сибирь хони Кучум ҳукмронлиги остидаги ерларнинг қайтарилиши.

Тауекел хоннинг ташқи сиёсати тўғрисида хулоса чиқаринг. Ҳукмронлик натижаларига кўра Тауекел хонни ким билан таққослайсиз? Жавобни далилланг.

1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. XVI аср охирида ва кейинги 2 юз йилликда қозоқ хонлигининг кучайиши _____ хон ворислари номи билан боғлиқдир.
- 1.2. XVI асрнинг 80-йилларида Тауекел ўзининг лашкарлари билан қозоқларнинг иттифоқдоши _____ хон аъёнлари таркибида бўлди ҳамда унинг _____ лар билан курашида қатнашди.
- 1.3. Тауекел ташқи сиёсатининг асосий йўналиши _____ минтақаси учун кураш бўлди.
- 1.4. _____ яқинидаги курашлардан бирида Тауекел хон оғир яраланиб, _____ йили вафот этади.

2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. XVI аср охирида Тауекел хон Сирдарё бўйи шаҳарларини эгаллаш учун кураш олиб борди
А) Сибирь хони билан
В) Бухоро хони билан
С) Хива амири билан
Д) Қўқон хони билан
Е) Жунғор хунтайжилари билан
- 2.2. Қозоқлар форс шоҳи билан уларга бирга қарши курашиш учун ҳарбий итти.фоқ тузишга ҳаракат этишди
А) Хивага
В) Россияга
С) Бухорога
Д) Қўқонга
Е) Жунғорияга
- 2.3. Тауекелга “олов жангини” беришга ҳозир эди, бироқ ҳукумат иттифоқ бўлиб ҳаракат қилишни ваъда бермади
А) Хитой
В) Россия
С) Жунғория
Д) Қўқон
Е) Хива

Мазкур мазуни ўрганиб, сиз:

- Қозоқ хонлигининг янада ривожланиши учун Есим хон сиёсатининг аҳамиятини тушунасиз;
- қандай ислохотларни қандай мақсадда ўтказганини аниқлайсиз;
- Есим хоннинг ислохотлари натижасида давлатни бошқариш қандай ўзгарганини биласиз;
- Есим хон сиёсати натижасини хулосалаб, яқун чиқарасиз.

Ташиқ сиёсат. Тарихда ва халқ хотирасида чуқур из қолдирган ҳукмдор ҳамда қонунчи Шиғой хоннинг ўғли Есим хон бўлди.

XVII асрнинг биринчи чорагида Сирдарё шаҳарлари учун қозоқ-ўзбек мусобақаси яна жиддий ва даҳшатли тус олди. Бухоро хони тинчлик тўғрисидаги шартномани бекор қилди ҳамда Қозоқ хонлиги ҳудудларига янгидан юриш бошлади. Сирдарё бўйи минтақаси учун урушнинг янги якуний босқичи 20 йилдан ортиқ (1603–1624 йй.) давом этди. Бухоронинг мақсади, биринчидан, Тошкент, Сайрам, Андижон шаҳарларини қайтариш, иккинчидан, қозоқларни Сирдарё ортига қувиш эди. Шуни таъкидлаш керакки, мана шу 20 йиллик уруш мобайнида бухороликлар қозоқларга қарши 7 марта юриш қилишиб, ҳаммасида тор-мор бўлишади.

1603 йилнинг кузида бухороликлар Самарқанддан Тошкентга қараб чиқишади. Бирлашган қозоқ-қирғиз лашкарлари Айғир Жар манзилида бухороликларни батамом мағлуб этишади.

1611 йили Тошкент яқинидаги жангда Бухоро хони яна мағлубиятга учрайди ва Есим хон билан сулҳ тузади. Сулҳ шартлари яна бухороликлар томонидан бузилади. Бунга жавобан Есим хон кўп сонли қўшинлари билан Самарқандни эгаллайди. 1621-24 йилларда Есим хон раҳнамолигида бир неча жанг бўлиб, натижада бухороликлар тўла янчилади.

Есимхон марказий осиелик ҳукмдорлар билан Сирдарё шаҳарларини эгаллаш учун олиб борилган икки юз йиллик урушни ғолибона тарзда тугаллайди. Тошкент, Туркистон шаҳарларининг қозоқ хонларига ўтиши ҳам курашнинг натижаси бўлди. Есим хоннинг қароргоҳи Туркистон шаҳри бўлди. Шундан бошлаб икки юз йил давомида Туркистон Қозоқ хонлигининг бош сиёсий маркази ролни ўйнади.

603–1624 йй.да Сирдарё бўйи минтақаси учун олиб борилган урушнинг якуний босқичи воқеалари бориши режасини тузинг.

Бу даврда қозоқлар билан қорақалпоқларнинг муносабатлари қийинлашди. XVI асрнинг охирида Тауекел хон қорақалпоқ қабилаларининг ил-

тимосига кўра уларга Орол бўйидаги ерларни ажратиб берди. Бироқ бир неча йилдан сўнг қорақалпоқлар қозоқларга қарши чиқишди. Есим хон қўзғолончиларни босиб, уларни бу жойдан кетишга мажбурлади.

Айни пайтда **XVII асрнинг бошидан** Қозоғистоннинг худудига ўйрот қабилалари босқинчилик қила бошлашди. Бу даврнинг бир қатор йирик жангларида ўйротлар мағлубиятга учрадилар.

Хонликнинг ички сиёсий аҳволи. Манбалар Есим хоннинг сиёсий рақибларидан Турсун султонни ажратишади. **1613 йилда** Тошкент ҳокими Турсун Есим хонга қарши қўзғолон кўтаради, қатағон уруғи ҳукмдорлари ҳам бўйсинишдан бош тортишади.

Тез орада Турсун ўзини хон деб эълон қилади, ўзининг тангаларини зарблашни бошлайди. У мустақил сиёсат юритади ва амалда жанубий минтақанинг ҳукмдори бўлди. Турсуннинг ҳокимиятга интилиши, Есим хонни тан олмаслиги икки ҳокимиятчиликка олиб келди.

Бироқ Есим бу икки ҳокимиятчиликка ақл билан тинчликда қарайди. 1627 йили Есим ўйротларга зарба бериб, юришдан қайтаётганида Турсун унинг қароргоҳи – Туркистонга ҳамла қилади. Турсун томонидан айёрона “ортдан урилган зарба” қозоқ уруғларида ҳайрат уйғотди. Есим қўшинлар билан Тошкентга юриб кетди.

Икки ҳокимиятчилик пайтида Есим хон ўзини қандай тутди?

Жанг Тошкент атрофида рўй берди. Турсун мағлубиятга учраб, шаҳарга яширинди, бироқ ўз яқинлари қўлидан ўлим топди.

Худди шу вақтда Есим хон қатағон уруғини йўқ қилиб юборишни буюради. Абулғозининг айтишича, қатағонлар Турсунхоннинг таянчлари эди. Есим хон саёҳатда бўлганида улар Туркистон шаҳрини тўнашда иштирок этишади ҳамда унинг оиласини асирга олишади. Жазодан қутулиш учун тирик қолган қатағонлар Афғонистонга бўлиниб кетишади, бир қисми уйғурлар ва қирғизлар орасига кириб қутулишади. Бу воқеа тарихга *Қатағон қирғини* сифатида кирган.

Есим хоннинг қатағон қабиласига нисбатан хатти-ҳаракатлари сабабларини тушунтиринг.

Есим хоннинг ички сиёсати. Есимга яқуни Қозоқ давлатининг сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишдек оғир ички сиёсий курашга чидашига тўғри келди.

Ислохотнинг моҳияти шундан иборат бўлдики, чингизийларнинг ҳукмронлиги бий ва оқсоқолларнинг етакчилигига алмаштирилган эди. Ўзига хос бий тўнтариши рўй бериб, чингизийларнинг сиёсий ҳуқуқлари чегараланди ҳамда қабила ва уруғ йўлбошчиларининг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Бу тўнтаришнинг яқуни ҳамда бийлар таъсирининг кучайиши кейинроқ, Тавкехон бошқарган даврда рўй берди.

Юридик жиҳатдан бу бу ўзгаришлар қозоқларнинг риоятларида “Есим хоннинг эски йўли” деб номланувчи “Уложения”да қайд этилган. Бу ҳуқуқий актда хон, бий ва ботирларнинг ваколатлари, шунингдек, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчлари белгиланган.

Бир йилда бир марта, асосан, Туркистонда чақириладиган қурултой қонун чиқарувчи ҳокимият бўлиб қолди. Унинг таркибига қозоқ уруғлари ҳамда султонларининг обрўли вакиллари киришди. Қурултой уруш ва тинчлик, яйловлар ва сув ҳавзаларининг тақсимланиши, хонни сайлаш масалаларини ечган.

XVII асрнинг бошида улус тизими ўрнига жузли ташкил қилиш ўрнатилди. Қозоқ ерлари учта хўжалик-ҳудудий бирлашмалари – жузларга бўлинган эди. Жузларнинг бошида кучли ва нисбатан кўп сонли қабилаларнинг раҳбарлари – бийлар туришди. Бийлар ҳокимияти биргина шахсий обрў эвазига турди ва хон ҳам у ёки бу бийни тавсия этишга таъсир ўтказолмасди.

Қисман давлат бошқарувидан четлатилган султонлар барча – бийлар томонидан суд қилинмаслик, ҳарбийдан бошқа ҳар қандай тўловлардан озод бўлишлик имтиёзларини сақлашарди. Султонлар жузлар бошига фақат XVIII аср бошидан келишди, худди шу даврда қозоқ жузларида бийлар ўрнига чингизий хонлар пайдо бўлишди.

XVII асрда Қозоқ хонлигининг доимий пойтахти – Туркистон деб белгиланди. Есим хоннинг қонунлари бирликнинг мустаҳкамланиши ва мамлакатнинг ҳимояланишга олиб келди.

□ Хон ва бийларнинг ваколатлари, шунингдек, ҳуқуқий актда берилган ҳуқуқ ҳамда бурчларини ёзинг.

Хоннинг замондоши ва тарихчи Маҳмуд Ибн Вали Есим хоннинг 1628 йили вафот этганини ҳамда Аҳмад Яссавий мақбараси ёнига иззат-ҳурмат билан дафн қилинганини хабар қилади.

Есим хон шахсий ва жамоат ҳаётида очиқ ҳамда ҳалол хатти-ҳаракат қилган ҳукмдор бўлди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, у “ғурур ва шахсиятпарастликдан озод”, хушқалом ва содда одам бўлган. Турсун билан курашган оғир дамларда ҳам, Абулғозийнинг ёзишича, “у ҳамон муомалада оддий, меҳмондўст ва нозик таъб эди”. Ўзининг фаройиб жасурлиги билан танилган “жуда катта қилич” соҳиби Есим хон Турсун билан “тавозелик” чегарасини ушлаган.

Кўпгина инсоний хислатлар соҳиби Есимхон ўзидан яхши хотиралар қолдирди. XIX аср манбалари Есим хонга қозоқлар “ҳануз алоҳида ҳурмат билан қарашларини” ёзишади.

□ Есим ва Қосимнинг қонунларини таққосланг. Ворисликни нимада кўрасиз? Манбалар Есим хоннинг шахсини қандай таърифлашади?



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Сирдарё бўйи минтақаси учун кураш натижаси _____ ва _____ шаҳарларининг қозоқларга ўтиши бўлди.
- 1.2. Есим хоннинг ташқи сиёсати Жанубий Қозоғистон учун кураш билан чегараланмади, қозоқларнинг билан муносабати қийинлашди ва _____ га босқинчиликлар бошланди.
- 1.3. 1613 йилда Есим хонга қарши Тошкент ҳукмдори _____ бош кўтарди, _____ уруғи раҳбарлари ҳам хонга бўйсинишдан бош тортишди.
- 1.4. Есим даврида сиёсий тизимни ислоҳ қилишнинг натижаси _____ ҳокимиятини чегаралаш ҳамда _____ ваколатларини кенгайтириш бўлди.
- 1.5. Сиёсий тизимни ислоҳ қилиш дашт қонунларининг йиғиндиси қайд этилган эди ва уни қозоқлар _____ деб аташган.
- 1.6. Султонлар жузлар бошига _____ асрларда келишди, худди шу даврда жузларда бийлар ўрнига _____ пайдо бўлди.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Сирдарё бўйи минтақаларини эгаллаш учун курашни ғолибона тугаллайди
 - А) Ҳақназар хон
 - В) Қосим хон
 - С) Абилай хон
 - Д) Тауке хон
 - Е) Есим хон
- 2.2. Бухоро қарийб 20 йилдан ортиқ давом этган урушнинг янги босқичини бошлади
 - А) 1512–1531 йй.
 - В) 1603–1624 йй.
 - С) 1580–1602 йй.
 - Д) 1523–1543 йй.
 - Е) 1460–1480 йй.
- 2.3. Есим ислоҳот ўтказди ва кенг ваколатлар берди
 - А) уруғ ва қабила йўлбошчиларига
 - В) толенгутлар қабиласига
 - С) чингизийларга
 - Д) диндорларга
 - Е) ҳарбий сословиёга
- 2.4. X асрда Қозоқ хонлигининг янги пойтахти белгиланди
 - А) Тароз
 - В) Сайрам
 - С) Фороб
 - Д) Туркистон
 - Е) Болосоғун

Мазкур мавзу билан танишиб, сиз:

- Қозоқ халқининг қахрамон хонларидан бири – Салкам Жангир тўғрисида биласиз;
- ўз давлатини ҳимоялаш учун Жангир хон томонидан кўрилган чоралар;
- нима учун жунғорлар қозоқларга хавф туғдиришди ва улар кимлар эканини;
- машҳур Ўрбулоқ жанги ҳамда унинг тарихий аҳамияти тўғрисида биласиз.

Жунғорлар (қалмиқлар, ўйротлар) кимлар? Қозоқ ҳукмдорлари биринчи марта қалмиқлар билан урушга XVI асрнинг биринчи ярмида киришдилар ва бу кураш XVIII асрнинг ўрталаригача давом қилди. Тарихий манбалар ўйротлар олиб келган кўпгина талофотлар, ўша давр қозоқ ҳукмдорларининг улар билан бўлган жанглари ҳақида хабар беради.

Қарийб икки юз йил қозоқларга тинчлик бермаган қабилалар кимлар эди? Қалмиқ-ўйротлар иттифоқини ташкил қилган ғарбий мўғулларнинг туркча номи.

XVII асрнинг бошида ўйрот иттифоқи парчаланиб кетди, унинг бир қисми Шимолий Кавказ орқали қуйи Волгага кўчиб кетди ҳамда шу жойда Қалмиқ хонлигини тузди. Қолган ўйрот қабилалари 1635 йили юқори Иртиш соҳилларида бошқа бир ўйрот хонлиги – Жунғор хонлигини ташкил қилишди. Улар нафақат Қозоқ давлатига, балки Хитой ҳамда Россиянинг чегара туманларига хавф солишди.

□ Нима учун XVII асрнинг 30–40 йилларида қозоқ-жунғор муносабатлари мураккаблашди?

Жунғор хонлиги ташкил топгандан буён қозоқлар ва ўйротларнинг кураши узоқ ҳамда сурункали урушларга айланди. Сабаби – Жетисув ва Жанубий Қозоғистоннинг серҳосил яйловлари, деҳқончилик ҳамда ҳунармандчилик туманларига эгалик қилиш.

□ Жунғор хонлигининг ташкил топиши қозоқларга қандай хавф солди?

Жангир хоннинг ўйротлар билан кураши. Есимнинг ўғли Жангир хоннинг (1629–1652 йй.) ҳукмронлиги тарихи жунғорлар билан курашга боғланган.

У тарихга ҳали хон мақомини олмай туриб халқ ботири сифатида кирди. Шахсий жасурлиги ҳамда ҳарбий ютуқлари учун қозоқлар уни Салкам Жангир (даҳшатли, довруқли) деб атаб кетишди. Қалмиқлар билан жангда хон



“Жунғорлар босқини”. Рассом Цзяе Бин Чжень.

Қошғария мўғулларининг ёрдамидан фойдаланди, шунингдек, қирғизлар билан ҳам иттифоқ тузди.

Жангир хонга характеристика тузинг. Нима учун унга Салкам Жангир деб ном беришганини тушунтиринг.

Бу даврга тааллуқли манбалар қозоқлар ва ўйротлар орасидаги бир неча йирик жангларни эслатишади. Шулардан бири 1643 йили содир бўлди. Ўша йилнинг қиши якунида жунғорларнинг кўп минг кишилиқ лашкарлари Қозоқ хонлиги ҳудудига бостириб киришди. Йилнинг бу даври жунғорлар томонидан бекор танланмаган эди.

Ўзлари кўчманчилар бўлиб, жунғорлар бу даврнинг ўзига хос томонларини билишарди. Қиш охирида молнинг болалашни бошланади, тойчоқлар, қўзичоқлар туғилади ва кўчманчилар тез ҳаракат қилиша олмайди. Қишқи яйловлар молларни боқишга катта майдон бериш учун бир-биридан олисда жойлашади. Бундай шароитда қаршилиқ кўрсатиш учун қўшинларни бир пасда йиғиш ҳам қийин.

Жунғорлар ўз юришларини қишнинг охирида бошлашини тушунтиринг. Жунғор босқинчиликлари сабабларини дафтарингизга ёзиб қўйинг.

Шундай қилиб, 1643 йили *хунтайжи* Ботир Қозоқ хонлиги ҳудудига босиб кирди. Душманнинг истилоси ҳақида хабар топган Жангир унга қарши чиқди. Бу урушда Жангирнинг қанча қўшин қўйгани – номаълум. Муҳими, бу даврга келиб лашкарбоши Жангир ўқ отиш қуролини ўзлаштиришни бошлаган эди. 1643–1644 йиллардаги қозоқ-ўйрот урушида у ўқ отиш аслаҳалари бор бўлган махсус бўлинмага эга эди. Бу Марказий Осиёнинг ҳарбий санъатида ғайри оддий ҳол бўлди.

Жангир хон жанг майдонида Дашт учун янги бўлган илғор ҳарбий усулларни қўллади. У тоғли жойдан унумли равишда фойдаланди, ўз отрядини шундай тарзда бошқардики, ажойиб ғалабага эришди. Ўша даврдаги рус ҳужжатларида кўрсатилишича, Жангир “оловли жангли” ўз одамларининг ярмига тоғ ораларида ҳандак қазишни буюрди, ўзи эса уч юз аскар билан “тош ортига яшириниб”, яъни дара ён бағирларида жойлашиб турди. Ўйротлар дарага киришганларида уларни милтиқдан ўқ ёғдириб кутиб олишди, душманнинг ён томондан айланиб ўтишга ҳаракатини эса Жангир бошчилигидаги қозоқ ботирлари қўл кураши билан қайтаришди. Тез орада қозоқларга ёрдамга Самарқанднинг ҳукмдори бошчилигидаги 20 минг аскар етиб келди, у жунғорларнинг орқа томонидан ҳамла қилди. Ўйротлар янчиб ташланди, “бу жангларда ўн минг одамини” йўқотиб, улар чекинишди. Ҳал қилувчи жанг ўтган жой Жунғор Олатови туманидаги Ўрбулоқ манзилдир.



Жангир хон даврида қозоқларнинг ҳарбий санъатида янги нима пайдо бўлди?

Ҳарбий ҳаракатлар бу билан тугамади, балки йирик масштабли урушга айланиб кетди. Бу ҳар икки томон барча кучларини сафарбар қилган кўп ойга чўзилган уруш эди. Жангир хон 1643–1644 йиллардаги урушда ҳал қилувчи ғалабага эришди.



1643–1644 йиллардаги ҳарбий воқеалар тўғрисидаги ҳикоянинг режасини тузинг.

Бирлашган ўйрот армиясининг тор-мор этилиши шавкатли воқеалардан бири бўлди. Бу даврда қозоқ халқининг оммавий қаҳрамонлиги кўринди, улар орасидан бир қатор халқ ботирлари чиқди. Аждодларимизнинг шарафли ҳаракатлари хотирасига муносиб баҳо берилиб, 1993 йили республика-мизда ушбу буюк ғалабанинг 350 йиллиги нишонланган эди.

Жангир хон бошқарган пайтда қозоқ хонлиги Марказий Осиёда сезиларли таъсир кўрсатишга эришди. Бунга Жунғор хонлиги устидан қозонилган ғалаба ҳамда қўшни давлатларга нисбатан фаол ташқи сиёсат имкон яратди.

Қозоқ хонлиги ва Бухоро орасидаги муносабат Жангир хон даврида, умуман олганда, тинч бўлди. Қошғария хонлари билан Жангир яқин

қўшничилик муносабатларини сақлади ҳамда элчилар билан алмашди. Замондошнинг хабар беришича, қозоқ элчилиги бирининг бошида Жангирнинг ўғли Тауке султон турган.

Жангир даврида Қозоқ хонлиги билан Бухоро ҳамда Қошғария орасида қандай муносабатлар ўрнатилган эди?

Қозоқ ларнинг 1643–1644 йиллардаги зарбаларидан ўзига келган хунтойжи Ботир яна Қозоқ хонлиги томон юришга чиқди. 1652 йили жанглардан бирида Жангир хон вафот этди. Афсонавий хоннинг жасадини лашкарлар жанг майдонидан кўтариб олиб чиқишди ва иззат-икром кўрсатиб, Туркистонда дафн этишди. Бу ҳарбий кампанияда қозоқлар мағлубиятга учраб, Олатоғ этакларини тарк этишга мажбур бўлишди.

Қозоқ хонлари Жангир, Қосим, Ҳақназарнинг сиёсати орасидаги ўхшашлик ҳамда фарқларни белгиланг.



1. Оқич шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Қозоқ ҳукмдорлари биринчи бор қалмиқлар билан _____ асрнинг биринчи ярмида урушга киришди ҳамда бу кураш _____ асрнинг ўрталаригача борди.
- 1.2. 1635 йили ташкил топган _____ хонлиги нафақат Қозоқ хонлигига, балки _____ ва _____ давлатларининг чегарадош туманларига ҳам хавф туғдирди.
- 1.3. 1643–1644 йилги жунғорлар ва қозоқлар орасидаги урушда _____ ғалаба қозонишди.
- 1.4. 1652 йили жанглардан бирида _____ вафот этди ва у _____ дафн этилди.



2. Бир ёки бир неча тўғри жавоби бор ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Ҳукмронлиги Жунғор тажовузи билан боғлиқ бўлган хон
 - А) Қосим
 - В) Жангир
 - С) Шиғой
 - Д) Ҳақназар
 - Е) Мурундуқ
- 2.2. Қалмоқлар билан жангда Қошғария мўғуллари ёрдамига эга бўлди ҳамда иттифоқ тузди
 - А) руслар билан
 - В) қирғизлар билан
 - С) нўғойлар билан
 - Д) хиваликлар билан
 - Е) бошқирлар билан

- 2.3. 1643–1644 йилларда Жангирн хонжанг майдонида дашт учун янги бўлган аслаҳани қўллади
- ўқ отиш қуроли
 - деворни тешиш асбоблари
 - тош отиш қуроллари
 - тулғам тактикаси
 - замбараклар
- 2.4. 1993 йили Қозоғистонда ўйротлар устидан қозонилган ғалабанинг 350 йиллиги нишонланди
- Ўрбулоқда
 - Булантида
 - Аниракайда
 - Аягузда
 - Иледа

48-49-§§.

ТАУКЕ ХОН ДАВРИДА ҚОЗОҚ ХОНЛИГИ (1680–1715/18 йй.)

Мазкур мавзунни ўрганиб, сиз:

- Тауке хон сиёсатининг асосий йўналишларини ва Қозоқ давлати тарихида унинг ролини белгилайсиз;
- Қозоқ-жунғор муносабатлари мураккаблашуи сабабларини аниқлайсиз;
- Тауке хоннинг ички сиёсатида ўз олдига қўйган вазифаларни ҳамда уларнинг нима учун эканини тушунасиз.

Таукехон. Тауке Жангирнинг ўғли эди. Тауке хон ҳукмронлик қилган вақт мусулмон, хитой, рус муаллифлари ёзмаларида, шунингдек, қозоқларнинг халқ оғзаки ижодида ёритилган. Халқ ривоятларида Тауке хон бошқарган вақтни “халқ осудаликда яшаган: тартиб барқарор, қонун ҳамда одил суд бўлган” давлатнинг “Олтин асри” билан боғлашади.

Тауке хон этиб жанг майдонида кўрсатган қаҳрамонона жасорати учун сайланган эди.

Хонликдаги тартиб ва муваффақиятли ташқи сиёсатни Тауке нафақат ҳарбий куч эвазига, балки асосан, дипломатик ҳамда нотиклик маҳорати туфайли таъминлади. Бу хусусиятлари Тауке хоннинг ҳар учала жузда тез танилишига ёрдам берди. Манбалар ёзишича, Тауке “баҳслашаётган одам-



«Тауке-хон».
Н. Каримсаковнинг
сурати

ларни яраштиришнинг нодир санъати орқали ва сўзамоллик иқтидори билан юракларни асир олишга” эришди. У “куч ишлатишдан кўра, ақл ва сўз санъати билан ҳаракат қиларди”. Бу унга бирлаштириш сиёсатини юритиш ҳамда давлатнинг парчаланишини тўхтатишга имкон берди.

Таукенинг хон бўлиб сайланишига сабаб сифатларини баҳоланг.

Тауке ўз атрофига ақлли одамларни жалб этган ҳукмдор эди. Бу хонликда кенгашнинг аъзолари уч жузнинг обрўли бийлари бўлишди. Масалан, Кичигида – Айтекебий, Ўртасида – Қазибекбий, Улуғида – Тўлебий.

Тауке хон ҳукмронлик қилган йилларни даштликлар образли қилиб шундай ифодалашди: “совлиқларнинг елкасида булбуллар тухум кўйишди”. Бу сўзлар Даштда барқарорлик, осудалик ҳамда халқ фаровонлигига эришилганидан, деб тушунилади.

Тауке хоннинг ички сиёсати. XVII асрда Тауке нинг хон ҳокимияти барча уч қозоқ жузига тарқалди. Унинг даврида Сирдарё бўйидаги қозоқларга тобе шаҳарлар сони 32тага етди. У яшаган асосий манзил Туркистон шаҳри бўлди.

Тауке хоннинг бошқаруви ўз халқини бирлаштириш, ўз мамлакатини ташқи таҳдиддан хавфсизлантириш истагида ўтди. Вақтнинг шароити ислохотлар ўтказишни тақозо этарди. Тауке Сирдарёнинг Қул Тўбе дарасида ўз бийларини тўплайди ва улар биргаликда “Жети жарғи” номи билан маълум қонуний акт яратадилар.

“Хон Таукенинг кўрсатмалари”га XVII аср қозоқ жамияти эҳтиёжларига жавоб берадиган кўрсатмалар киритилди. Шу тарзда Тауке хон жузлар орасида алоқаларни тиклади ҳамда Қозоқ хонлигининг сиёсий парчаланишига йўл қўймай, барча кучни ташқи душмандан ҳимояланишга сафарбар қилди.

“Жети жарғи” қонунлар жамланмасининг яратилиши сабаблари ва аҳамиятини тушунтиринг.

Тауке хоннинг ташқи сиёсати. Ўзининг узоқ умри мобайнида Тауке фаол ташқи сиёсат юритди. Ўз отаси Жангир хон ҳукмронлиги даврида элчиликларни бошқарди.

Тауке даврида Бухоро ҳамда Қозоқ хонлиги ўртасида катта урушлар бўлмади. Аммо қозоқлар ҳамда ўйротлар орасидаги ҳарбий ҳаракатлар “но-

доимий” урушлар характерини олди. Бу узоқ урушда Тауке хон ўз лашкарларини уддабуронлик билан бошқарди.

Тауке хон бошқарган даврда (14680–1715/18) Россия билан аста-секин яқинлашиш бошланади. Бунга, *биринчидан*, X асрда Олтойда Қозоқ хонлиги ҳамда Россия чегаралари Жунғор хонлиги билан дуч келган ва бу жойда жунғорлар, қозоқлар ҳамда русларнинг манфаатлари кесишган эди. *Иккинчидан*, жунғорларнинг тазйиқи остида қозоқларнинг хонликнинг шимолий туманларига кўчиши бошланади, бу Россия қарамоғидаги волгалик қалмиқлар, бошқурдлар, сибир казаклари билан тўқнашувга олиб келди.

□ Нима учун Тауке Россия билан муносабатларни риовжлантиргиси келди ва бунинг учун нима иш қилди?

Жунғория билан кўп йиллик уруш Қозоқ хонлигининг Россия билан яқинлашувига ёрдам берди. Тауке хон даврида элчиларнинг бир-бирига ташрифлари тез-тез содир бўлиб турди. Рус-қозоқ музокараларининг бош мавзуси: Кичик ҳамда Ўрта жузларнинг шимолий сарҳадларида аҳволни мувофиқлаштириш; асирларни алмаштириш; чегара чизиқларида савдони ривожлантириш ҳамда жунғорлар билан биргаликда курашиш масалалари бўлди.

XVII–XVIII асрлар бўсағасида жунғор тахтига хунтойжи Цэван Рабдоннинг келиши билан Жунғориянинг ташқи сиёсати янада фаоллашди. У бошқарган йилларда қозоқ-ўйрот урушлари бирининг кетидан бири бўлиб турди.

□ Жунғор босқинчиликлари қозоқларга қандай хавф солди?

XVIII аср бошида истилочиларнинг кўп сонли отрядлари Ўрта жузнинг шимолий-шарқий туманларига кириб боришди. Тауке хон 1710 йили Қорақум туманида ҳамма қозоқ жузлари вакилларини тўплади. Қурултойнинг асосий мақсади – жунғорларга қаршилик уюштириш эди. Бирлашган қўшинлар тузилди ва улар жунғорларни шарққа улоқтириб ташлашди.

Қозоғистон тарихида тауке хоннинг роли. Тауке хоннинг сиёсати ўйротлар билан кураш борган оғир йилларда Қозоқ хонлигининг бирлигини сақлашга таъминлади. Тауке бизгача етиб келган Қозоқ хонлиги ҳуқуқининг ёдгорлиги – “Жети жарғи”нинг бош ташаббускори ҳамда яратувчиси эди.

Тауке бутун давлатда ҳокимияти ҳеч иккиланишсиз тан олинган сўнгги қозоқ хони эди. У узоқ бошқарди, воқеаларга бой бўлган умр


кечирди ва қартайиб вафот этди. Унинг вафотидан сўнг “калта хонлар” (кичик хонлар) бош кўтаришди ҳамда қозоқнинг барча уч жузида ўз ҳукмдорлари пайдо бўлди.

Қосим, Есим ва Тауке хонларнинг сиёсатини таққослаб, умумийлик ва фарқларни аниқланг.

Тауке табиатан ҳукмдор эди: у атрофидагилардан жасорати, ақли, юмшоқ табиати, ҳақиқатпарварлиги билан ажралиб турди. Бунинг ҳаммаси Таукега ҳаётлигидаёқ ҳурмат, авлодларида эса улуғ шуҳрат олиб келди. Манбалар уни шундай таърифлашади: “Тауке қиргисларда (қозоқларда) ақлли одам ҳамда буюк ҳурматда бўлди”. XIX аср олими А.И.Левшин Тауке хонни улуғ римлик қонунчи билан таққослаб, уни “қозоқлар ўрдаси Ликурги”, деб атади.

Тауке хонни аз-Тауке, у бошқарган вақтни “Олтин аср” деб аташди. Нима учун?

Қозоқларнинг улуғ бийлари – Тўле, Қазибек, Айтеке – Тауке хоннинг “Жети жарғиси” ҳам муаллифлари.



Тўлебий.

Тўлебий – жамоат арбоби, шуҳрат қозонган нотик, бош бий ва Улуғ жузнинг ҳукмдори. Тўлебий ёшлигидан қозоқ халқининг нотиклик санъати ҳамда поэтик санъатини ўзига сингдирган, ўқимишли инсон бўлди. Тўлебий халқ орасида ўзининг ҳақиқатгўйлиги билан машҳур бўлиб кетди.

У биринчилардан бўлиб бўлажак Абилай хонни кўз остига олиб қўйган, унинг кўтарилишига ёрдам берган эди. Тўлебий Тауке хоннинг Туркистонни Қозоқ хонлигининг пойтахти деб тасдиқлашида иштирок этди. У уч жузни бир марказга бўйсинишига, яхлит Қозоқ хонлигининг ривожланишига, жунғорларга қарши ҳарбий иттифоқнинг шаклланишига ёрдам берди. Тўлебий ўзи 12 йил бошқарган Тошкент шаҳрида дафн қилинган.

Қазибек бий Ўрта жузга тегишли эди. Ҳозирги Қарағанди вилояти ҳудудида туғилган. Халқ орасида Ғоз товушли Қазибек (“чиройли овозли Қазибек”) деган ном билан таниқли бўлди. Уни шундай деб ёш бўлишига қарамай, элчилик миссиясида иштирок қилганида, сўзамоллигига қойил қолган қозоқларнинг душмани Галдан Цэрен айтди.

Қазибек бий давлат ишларида фаол иштирок қилди, қозоқ хонларининг ташқи ва ички сиёсатини амалга оширишга ёрдам кўрсатди. Жунғор ис-

тилочиларига қарши умумхалқ курашининг ташкилотчиларидан бири бўлди. Россия билан дўстлик алоқаларини қўллаб, айти пайтда Цинь империяси билан яқин муносабатларга қарши чиқди.

Қазибек бий 1764 йили вафот этди. У Туркистонда дафн қилинган.

Айтеке бий 30 ёшида Кичик жузнинг катта бийи бўлди ва шундан буён унинг номи буюк қозоқ бийлари, шунингдек, Тауке хоннинг ёнида туради. Муҳим масалаларни ҳал этишда Айтекенинг фикри катта вазнга эга эди ва одатга кўра, энг охириги сўзни у айтарди.

Айтеке бий Тауке хоннинг ёрдамчиси ҳамда кенгашчиси эди. У ботир эди, хон билан бирга жунғорлар билан жангларда иштирок этади. Тауке хон билан бирга қозоқлар, қорақалпоқлар ҳамда қирғизларнинг жунғорларнинг истилосига қарши бирлашиши учун ҳаракат қилди. Замондошлар ва авлодлар қалбида доно қарорлари билан ёрқин из қолдириши учун бий юксак ахлоқий даражада бўлиши керак, деган сўзлар Айтеке бийга тегишлидир. Айтекенинг ҳақиқатпарварлиги ҳақида халқ: “отнинг қилини ўртасидан қоқ бўлиб юборарди”, деб айтган.

Айтеке бий, айрим маълумотларга кўра, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, Тошкент атрофида кўмилган.

□ XVII–XVIII асрларнинг улуғ бийлари – Тўле, Қазибек ва Айтекеларнинг яхлит қозоқ халқининг, тўғрилиқ ва донишмандликнинг, юксак номус ҳамда ғурурнинг рамзи сифатидаги фаолиятини таснифланг.



Қазибек бий.



Айтеке бий.

✻ 1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. XVII–XVIII асрларнинг бўсағасида жунғор тахтига _____ келиши билан Жунғориянинг сиёсати _____ йўналишида бирдан фаоллашди.
- 1.2. Сирдарёдаги Кул Тўбе дарасида Тауке _____ тўплади ва улар _____ номи билан маълум қонуний акт тузадилар.
- 1.3. Цэван Рабдан ҳукмронлик қилган йилларда жунғорларнинг _____ устунлиги вазидан қозоқ-ўйрот урушлари қозоқлар учун муваффақиятсиз эди.
- 1.4. Жунғорларга қаршилик кўрсатиш учун Тауке хон 1710 йилда уч жуз вакилларини _____ туманида тўплади.



2. Бир ёки бир неча тўғри жавобли ёпиқ тест вазифалари

1.1. XVII асрнинг иккинчи ярмидаги рус-қозоқ музокараларининг асосий мавзуси:

- 1) эгаликка кириш
- 2) ўзаро асирлар билан алмашиш
- 3) ўйротлар билан бирга курашиш
- 4) кўчманчиларнинг Россия бозорларига етиб бориши
- 5) Бухоро билан бирга курашиш
- 6) алмаштириш савдосини ривожлантириш
- 7) қалъаларни қуриш
- 8) шимолий чегараларда аҳволни мувофиқлаштириш

1.2. Тауке хоннинг ҳукмронлиги даври

- А) 1555–1580 йй.
- В) 1628–1652 йй.
- С) 1680–1715/18 йй.
- Д) 1568–1598 йй.
- Е) 1570–1580 йй.

2.3. Қорақум туманида 1710 йилги қурултойнинг асосий мақсади – қаршилик қилишни ташкил этиш бўлди.

- А) жунғорларга
- В) хитой қўшинларига
- С) Хивага
- Д) русларнинг ҳаракатига
- Е) мўғуллар истилосига

2.4. Хонлиқнинг парчаланишининг олдини олиб, мамлакат кучларини ўйротлардан ҳимоялашга сафарбар этишга эришди

- А) Жангир
- В) Жонибек
- С) Абилай
- Д) Тауке
- Е) Ҳақназар

“XV–XVII АСРЛАРДА ҚОЗОҚ ХОНЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА МУСТАҲҚАМЛАНИШИ “

Еттинчи боб бўйича умумлаштириш-такрорлаш дарси

Саволлар ва вазифалар

1. Қозоқ давлати пайдо бўлишининг иқтисодий, сиёсий, этник сабабларини аниқланг. Қозоқ хонлиги пайдо бўлиши қонунийлигини асосланг.

2. Саволларни кўринг: XV аср охирида Жонибек ҳамда Керей бошқарган даврда Қозоқ хонлиги учун қулай ташқи вазият; худди шу даврда Қозоқ хонлиги учун ташқи хавф-хатарлар.
3. Мурундуқ ва Қосимнинг ташқи сиёсатидаги умумийлик ва фарқларни аниқланг.
4. XV асрнинг 20-50-йилларида Қозоқ хонлигидаги “таҳликали вақт”ни Олтин Ўрдадаги “таҳликали вақт” билан таққосланг. У нима билан характерланади?
5. Ҳақназарни отаси Қосим хоннинг сиёсий йўлини давомчиси деб аташ мумкинми? Фикрингизни далилланг. XVII аср бошидаги тарихчи Қодирали Жалоирий “унинг(Ҳақназарнинг) авлодлари энди ҳукмронлик қилмайди”, деб таъкидлайди.
6. Есим ва Қосимнинг қонунларини таққосланг. Ворисликни нимада кўрасиз? Қиёсий жадвал тузинг.
7. Жангирни сизга таниқли рус ҳамда европалик (Буюк Карл, Александр Невский, Дмитрий Донской) қайси ҳукмдорлар билан таққослаш мумкин! Нимага?
8. Хон ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Тауке қандай чоралар кўрди?

Бир неча тўғри жавобли вазифалар

1. XVII асрнинг биринчи ярмида қозоқ хонлигининг аҳволи характерланади
 - 1) Жунғор хонлиги пайдо бўлиши билан шарқда ерларни йўқотиш хавфи кучайди
 - 2) Хитой томонидан хавф кучайди
 - 3) Мўғулистон томонидан хавф кучайди
 - 4) Сирдарё бўйи минтақаси учун кураш тугади
 - 5) 20 йиллик уруш Бухоро хонининг мағлубияти билан якунланди
 - 6) Жунғория ва Хитой билан иттифоқ тузилди
 - 7) 20 йиллик уруш қозоқларнинг мағлубияти билан якунланди
 - 8) Хитойга қарши Россия билан иттифоқ тузилди
2. Қозоқ хонлиги тарихининг Қосим хон даврига тааллуқли
 - 1) Шайбонийлардан мағлубият
 - 2) Абулхайрнинг истилоси
 - 3) Сирдарё бўйи шаҳарларини олиш учун кураш тугалланди
 - 4) 1510 йили Муҳаммад Шайбоний қўшинлари тор-мор қилинди
 - 5) чегараларнинг Олтойгача кенгайиши
 - 6) аҳоли сони миллионга етди
 - 7) кўпгина қозоқ уруғлари ҳамда қабилалари биринчи марта бир давлатда бирлаштирилди
 - 8) Ҳиндистон билан элчилар алмашинуви

3. Тауке бошқарган йилларда

- 1) “Жети жарғи” ишлаб чиқилди
- 2) уруғлар ўртасидаги ҳамма баҳсли масалалар чингизийлар съезида ечиларди
- 3) Қорақум яқинида уч жузнинг қурултойи чақирилди
- 4) “Есимхоннинг эски йўли” ишлаб чиқилди
- 5) Таукенинг ислохотлари ўтказилди
- 6) уруғлар ва қабилаларнинг барча баҳсли масалалари умумхалқ қурултойида ҳал этиларди
- 7) “Қосимхоннинг қашқа йўли” ишлаб чиқилди
- 8) уруғлар ва қабилаларнинг барча баҳсли масалалари бийлар кенгашида ҳал этилди.

Мувофиқлаштиришга оид тест саволлари

1.

Қозоқ ҳукмдорлари	Ички ва ташқи сиёсат
А) Қосим Б) Ҳақназар В) Есим Г) Жангир Д) Тауке	1. Бухоро хони билан “қасамёд итифоқи”ни тузди 2. Қозоқларнинг яхлит этник ҳудуди шаклланди 3. Чегарани ғарбга кенгайтирди, Нўғой Ўрдасининг кўпгина қабиларини қўшиб олди 4. Сиғноқ яқинида Муҳаммад Шайбоний қўшинларини яқсон қилди 5. Қозоқлар ва ўзбеклар орасидаги ярим асрлик урушни тугатди 6. Қорақум яқинида қозоқларнинг уч жузи қурултойи чақирилди 7. Тошкент қозоқ хонлиги таркибига кирди 8. Ўрбулоқдадаги жангда жунғорларни яқсон қилди 9. Давлатни бошқаришда бийларга суянди 10. тартиб ҳамда давлат тузилиши принциплари – “Жети жарғи” ишланди

2.

Хонлар	Бошқарган йиллари
А) Тауке Б) Тауекел В) Есим Г) Жангир Д) Мурундуқ	1. 1598–1628 йй 2. 1583–1598 йй. 3. 1680–1715/18 йй. 4. 1629–1652 йй. 5. 1474–1511 йй.

3.	Воқеалар	Саналар
	<p>А) Сигноқ шаҳрида Муҳаммад Шайбоний қўшинларининг яксон қилиниши</p> <p>Б) Жонибек ва Керейнинг Мўғулистонга кўчиши</p> <p>В) Қозоқ хонлигининг ташкил топиши</p> <p>Г) Қорақум яқинида уч қозоқ жузларининг қурултойи</p> <p>Д) Таукенинг “Жети жарғи” қонунлар тўпланмасининг тузилиши</p> <p>Е) қозоқларнинг Жангир раҳнамолигидаги жунғорларга қарши Ўрбулоқ жанги</p>	<p>1. 1459–1460 йй.</p> <p>2. 1710 й.</p> <p>3. 1465 й.</p> <p>4. XVII аср ниҳояси</p> <p>5. 1510 й.</p> <p>6. 1643 й.</p>

4.	Аҳамияти	Тушунчалар
	<p>А) Жунғория ҳукмдорининг мақоми</p> <p>Б) халқ келиб чиқиши жараёни</p> <p>В) халқнинг моддий ва маънавий маданиятини ўрганувчи фан</p> <p>Г) халқнинг, қабиланинг номи; халқнинг номи</p> <p>Д) қозоқлар гениологияси жамланмаси</p> <p>Е) халқ (қабила, элат, миллат)</p>	<p>1. шажара</p> <p>2. этногенез</p> <p>3. этнография</p> <p>4. этноним</p> <p>5. хунтойжи</p> <p>6. этнос</p>

Тўғри кетма-кетликни қўйиш учун тест вазифалари

I. Хонлар бошқарувини тартиби билан қўйинг

1. Қосим
2. Тауекел
3. Есим
4. Тауке
5. Мурундуқ
6. Ҳақназар
7. Жонибек ва Керей

II. Воқеларни тартиби билан қўйинг

1. Сирдарё бўйи учун кураш тугади
2. Жунғор хонлигининг ташкил топиши
3. Қозоқ хонлигининг ташкил топиши
4. Жонибек ва Керейнинг Мўғулистонга кўчиши

Мазкур мавзунни ўрганиб, сиз:

- Қозоқ хонлигининг ижтимоий тузилиши ҳамда унинг хусусиятлари билан танишасиз;
- нима учун қозоқ жамиятида кўтарилишлар, чорваларнинг феодаллар билан кураши (султонларнинг ҳокимият учун учун курашидан бошқа) бўлмаганини тушунтира оласиз;
- нима учун бой ҳамда камбағал қозоқлар оқ суяк ва қора суяк вакили бўла олиши мумкинлигини тушунасиз.

Мўғул жамиятида ким имтиёзли шароитда бўлганини эсланг.

Кўманчи Даштда табақалар. Анъанавий қозоқ жамияти олий аристократия қатлами – *оқ суяклар* ҳамда қолган халқ – *қора суякларга* бўлинган эди.

Оқ суяк табақасига чингизий султонлар, ёки тўралар кирган эди. Улар қозоқ жамиятининг энг нуфузли сиёсий кучини намоён этишди. Чингизийлар болалари туғилиши билан султон мақомига эга бўлишарди.

Хон тахтига монополия ҳуқуқи фақат чингизийларда сақланди. Айни пайтда чингизийларнинг бу ҳуқуқи ҳаракати доираси давлат чегараларига боғлиқ эмас эди. Шунинг учун қозоқ улусининг чингизийлари, масалан, қорақалпоқлар ва қирғизларнинг подшоҳлари ролида, ёки Хива ва Бухоронинг хонлари ролида бўлишарди.

Қозоқ улусларининг ҳамма чингизийлари бир хил тамғага ва оддий халқ фойдалана олмайдиган “арқар” сўзи билан ифодаланган ўзига хос шиорга эга эдилар.

Қозоғистонда чингизийлар XIX асрнинг ўрталаригача алоҳида ҳуқуқ ва имтиёзларини сақлаб қолишди ва улар ҳарбийдан ташқари ҳеч қандан мажбурият олмадилар. Улар тан жазосидан озод этилиб, бийларнинг судига тортилмадилар. Оддий одамлар уларга мурожаат қилганларида исмининг ўрнига “тақсир” (ҳукмдор, жаноб) сўзини қўллашлари лозим эди. Султонлар (чингизийлар, тўралар, оқ суяклар) биронта уруғ ва қабилага, жуз тизимига

кирмасдилар, улар жамият устида турардилар. Султонлар бошқарувчи сулола вакиллари бўлиб, ёпиқ табақа гуруҳини ташкил қилдилар.

Оқ суякларга хўжа ва сайидлар ҳам кирди. Чингизийлар уларни XIV асрдаёқ, Жўчи ва Чигатой улусларида ислом расмий дин сифатида қабулланганидан имтиёзга эга табақа сифатида тан олишганди.

Мусулмон оламида **сайидлар** деб пайғамбар Муҳаммаднинг авлодларини аташади. Сайидлар алоҳида гуруҳни ташкил этиб, диндорлар орасида нафақат ҳурмат қозонишган, балки имтиёзларга эга бўлишган эди. Мусулмонлар онгида сайидлар авлиё ҳисобланар, ва ўлим жазосига кесилмасдилар. Улар ҳукмдорларга ҳеч жазога буюрилмасдан тўғрилиқни гапиришар, ва ҳатто ноўрин ҳаёт тарзи учун танбеҳ беришлари мумкин эди.

Хўжалар дастлабки араб истилочилари ҳамда араб-миссионерларнинг авлодлари эдилар. Шундай қилиб, чингизийлар ва сайидлардан фарқли равишда, хўжалар яхлит генеалогияга эга эмаслар. Хўжаларга тан жазоси етказиш мумкин эмасди. Улар султон ва сайидлар каби ёпиқ аристократия табақасини ташкил қилдилар.



□ Хўжа ва сайидларнинг мусулмон оламидаги роли ва ўрнини, келиб чиқишини муҳокама этинг.

Нима учун қозоқ диндорлари алоҳида табақани ташкил қилмайди?

Оқ суякларга қарама-қарши қолган халқ *қора суяк* деб аталди. Бу қозоқ жамиятининг асосий ва энг кўп сонли табақасидир. Қора суяклар вакилларида алоҳида уруғ ҳамда қабилага бўлиниш сақланди.

Эркин шахсларнинг ҳуқуқ ва озодлиги фақат давлат томонидан эмас, шунингдек, уруғ аъзоларининг бирдамлиги туфайли таъминланди. Агар бир инсондан унинг уруғи воз кечса, мутлоқ ҳимоясиз, қонундан ташқари қолган.

□ Қозоқ жамиятидаги олий табақа имтиёзлари ҳамда мажбуриятларини ёзинг.



Қозоқ жангчилари.

Қора суяклар орасида бир неча олий табақа гуруҳлари ажралиб турди. Улар бий ва ботирлардир. *Бийлар* – уруғ а қабилалар йўлбошчиси, маъмурий ҳамда суд функцияларини бажарган энг обрўли кишилар. Бий этиб фақат оддий ҳуқуқни яхши биладиган, халқ орасида обрўга эга бўлган шахслар танланган, шунинг учун лавозим мерос қилиб қолдирилмасди. Бийлар – миллий аристократия, қозоқлар томонидан ақл, тўғрилиқ ва урф-одатларни билгани учун ҳурматланган қора суякларнинг элитаси.

Параграф матнидан фойдаланиб, қозоқ жамиятидаги бийларнинг роли ва ўрнини аниқланг.

Жангдаги шахсий қаҳрамонлиги ва уқувли раҳбарлиги учун алоҳида шахсларга *ботир* фахрий унвони бериларди. Алоҳида буюклари, жанг майдонининг кўп маротаба қаҳрамонлари “тўла ботир”, яъни *катта жасорат соҳиби* унвонини олишган. “Ботир” сўзи унвон сифатида қаҳрамоннинг исми ёнига қўшиб айтилган. Бу фахрий унвонни оддий жангчи бўладими, ёки шахзода бўладими, ҳарбий жасорати учун кўчманчи жамиятнинг хоҳлаган аъзоси олиши мумкин эди. Ботир атоғи мерос қилиб қолдирилмасди – уни фақат шахсан хизмат кўрсатиб олиш мумкин эди. Ботирларнинг жасоратини даштнинг *жировлари* ва *оқинлари* мадҳ этишган.

Қора суякка тегишли аҳоли гуруҳларини ажратинг, уларнинг имтиёзлари ҳамда мажбуриятларини ёзинг.

Шахсан эркин бой ва камбағаллардан ташқари, кўчманчилар жамиятида сони кўп бўлмаган қуллар ҳам бор эди. Қуллар сонининг кўпайишининг асосий манбаси асирлик ҳамда қул савдоси бўлди. Қулчилик қозоқларда у қадар риожланмаган, қулларни тез озодликка чиқаришган ва улар хўжайин оиласининг кичик аъзоси бўлиб қолишган.

Қозоқ хонлигидаги қулчиликнинг Рим ва Юнонистондагидан фарқини белгиланг.

Кўчманчилар жамиятида, албатта, одамларни мулкига қараб бўлиш ҳам бор эди: *бой*, *кедей* (камбағал). Даштда кўп чорва ҳамда мулкка эга нуфузли ҳар қандай бадавлат одам бой ҳисобланган. Бадавлат кўчманчилар бир қанча ўтов, юзлаб туялар, ўн минглаб қўй ҳамда ўз уюрларида 15–20 минг йилқиларга эга эдилар. Султонлар орасида ҳам, оддий кўчманчилар орасида ҳам бойлар бўлди. Бойлик алоҳида ҳуқуқлар бермади. Бойларнинг жамиятдаги нуфузи улар уруғининг машҳурлиги билан белгиланарди.

Масалан, биронта султон, иқтисодий жиҳатдан камбағал бўлиши мумкин эди, бироқ барча имтиёз ва ҳуқуқлардан фойдаланган.



Қозоқ жамиятининг асосига қандай табақаланиш ақидаси қўйилганини тушунтиринг.

Шундай қилиб, хонлик давридаги қозоқ жамиятида қуйидаги ақидаларни ажратиш мумкин:

1. Қозоқ жамияти икки асосий ижтимоий гуруҳлар: иқтисодий жиҳатдан эмас, ҳуқуқий жиҳатдан фарқланувчи *оқсуяк ва қора суяк*ларга бўлинди.

2. Уруғлар ва қабилалар қозоқлар томонидан Улуғ жуз, Ўрта жуз, Кичик жуз деб аталувчи уч бирлашмага киришди. Бий ёки оддий кўчманчи бўлган қора суякнинг ижтимоий аҳволи унинг уруғи ёки қабиласининг машҳурлигига қараб белгиланган.

3. Қозоқ жамияти ижтимоий жиҳатдан бир хил эди. (оқ суяк ва қуллар аҳолининг оз қисмини ташкил этишган). Синфий кураш йўқ эди, бу қозоқ жамиятининг ижтимоий барқарорлигини таъминлади. Бу барқарорлик Россиянинг мустамлака сиёсати туфайли фақат XVIII аср охири ҳамда XIX аср бошида бузила бошлади.



Хонлик давридаги қозоқ жамияти ижтимоий тузилишининг асосий ақидаларини тушунтиринг.

Дафтарга жадвални тўлдириг

Табақа ва ижтимоий гуруҳлар	Жамиятда қандай роль ўйнади?



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Қозоқ жамиятининг энг нуфузли сиёсий кучини _____ табақасига кирган _____ намоён этишди.
- 1.2. _____ биронта уруғ ёки қабилага, жузлар тизимига киришмаган, жамиятдан юқори турдилар.
- 1.3. XIV асрда Жўчи ва Чигатой улусларида ислом расмий дин сифатида қабулланганида чингизийлар _____ ҳамда _____ ларни имтиёзли табақа деб тан олишди.
- 1.4. Қозоқ жамиятининг асосий ҳамда кўп сонли табақаси _____.



2. Бир ёки бир неча тўғри жавобли ёпиқ тест вазифалари

- 1.1. Ақли, урф-одатларни билгани учун ҳурмат кўрсатилган миллий аристократия, қора суяк элитаси
 - А) бийлар
 - В) ботирлар

- С) хўжалар
- Д) сайидлар
- Е) кедейлар

2.2. Муҳаммад пайғамбарнинг авлодлари, жамиятнинг алоҳида гуруҳи

- А) сайидлар
- В) бийлар
- С) хўжалар
- Д) султонлар
- Е) тўралар

2.3. Даствлабки араб-истилочилари ҳамда араб-миссионарларининг авлодлари

- А) хўжалар
- В) сайидлар
- С) бийлар
- Д) қуллар
- Е) тўралар

51-52-§§.

XVI–XVII АСРЛАРДА ҚОЗОҚ ХОНЛИГИНИНГ СИЁСИЙ ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ ТУЗИЛИШИ

Мазкур дарс мобайнида сиз:

- Қозоқ хонлигининг давлат тузилиши ҳамда ҳуқуқий асосларини муҳокама қилишингиз;
- “Жети жарғи” тузилиши сабаблари ҳамда унинг асосий қоидаларини билишингиз;
- қозоқ жузларининг келиб чиқиши ҳамда уларнинг тарихий аҳамиятини аниқлашингиз;
- хоннинг ва ҳокимият бошқарувининг бошқа органлари мажбуриятлари ва ваколатларини аниқлашингиз ҳожат.

Қозоқ жамиятининг бошқарув органлари. Олий ҳокимият хоннинг қўлида тўпланган эди. Хон уруш эълон қилиши ёки тинчлик битимини тузиши мумкин эди, бутун хонлик ҳудудида ҳукмронлик қилар, улус ва шаҳарлар ҳукмдорларини тайинларди. У жиноят учун суд қилар ва жазо тайинлар, даъволарни қарарди. Ҳамма бажариши керак бўлган фармойишлар чиқарар, шунингдек, солиқ тўлаш тартибини белгиларди. Бироқ хон ўзининг хатти-ҳаракатларини оддий ҳуқуқ доирасида амалга оширарди. Хонлик устидан ҳокимиятни султонлар ҳамда бийлар билан бўлишарди.

Хон қошида таркибига нуфузли султонлар ҳамда қабила йўлбошчилари – бийлар кирган кенгаш бўлди.

Хон, султон ва бийлар ҳар йили “халқ ишларини муҳокама этиш учун” қурултойга йиғилишган. Бинобарин, уларнинг ҳаммаси қуроли билан келиши лозим эди. Бу талаб мажбурий эди. Қурултойга қурулсиз келгани овоз

бериш ҳуқуқидан айрилган ва ёши кичиклар барча одатларни бузган ҳолда унга жой бермасликлари мумкин эди.

Қурултойда муҳим давлат масалалари – тинчлик битимини тузиш, уруш эълон қилиш, яйловларни қайта тақсимлаш, кўчиш манзиллари йўналишларини белгилаш ҳал этиларди. Бундан ташқари, шу жойда хонни сайлашган. Муносиб ва ҳурматга лойиқ чингизийлар қаторидан нафақат ақли, балки жанговар жасоратлари билан ажралиб турган ёши каттасини танлашган. Янги хонни тахтга ўтқазиб маросими уни оқ наमतда уч марта юқорига кўтаришдан иборат эди. Бу қадимий урф бажарилганидагина хон сайланган ҳисобланган.

Кўчманчи жамият шароитида кўчманчилар зарурат туғилса, хайрихоҳлик билдирмаган хон ҳокимиятидан бошқа ёққа кўчиб кетишлари мумкин эди. Хуллас, қозоқ хонининг реал ҳокимияти унинг шахсий хусусиятларига боғлиқ бўлди. Ҳукмдор унинг шахсий қабилиятлари ва халқ орасидаги обрўси қанча юқори бўлса, шунча ҳокимиятга эга эди.

Хонлик қўшинлари хон, султон ва уруғлар лашкарларининг доимий дружиналаридан шакллланган. Тинчлик вақтида хон ва султон дружиналари уларни шахсий қўриқлаш учун хизмат қилган. Улар тартибни сақлашиб, хоннинг турли топширмаларини – солиқ йиғиш, дипломатик миссия ва ҳ.к.з. ларни бажаришган.

□

Ҳокимият ва бошқарув органлари – қурултой, султонлар, бийлар, ботирлар ролини таҳлил қилинг. Улар ҳар бирининг аҳамиятини баҳоланг.

Ҳарбий юришлар пайтида бийлар ўз қабилалари ва уруғлари лашкарларини бошқаришган. Бий, кам деганда, уч хусусиятга эга эди: ҳарбий қўмондон, маъмурий шахс ва судья.

Кўчманчиларнинг сиёсий ҳаётидаги муҳим ролни оқсоқоллар эгаллашган. Жумладан, улар тинчлик битимлари имзоланганида парламентарийлар ва элчилар ролини бажаришган, баъзан маълум бир вақтга мансабдор шахсларни алмаштиришган ва ҳ.к.з. В.В. Бартольднинг таъкидлашича, оқсоқоллар – ўзининг ёши, бойлиги ҳамда илгариги хизматларига кўра эҳтиромга эга шахслардир.

Кўчманчилар ҳаётида ҳарбий шараф жуда қадрланган эди. Жангларда бошқаларга қараганда кўп “рақибни қирган”лар, ҳаммининг ҳурматини қозонишган. Ботирлар қабила ва уруғларнинг лашкарларини бошқариб, ҳарбий раҳбарлар вазифасини бажаришган.

□

Қозоқ хонлиги қўшинлари шаклланишининг хусусиятларини аниқланг.

Маъмурий тузилиши. Жамиятнинг дастлабки ячейкасини оила ташкил этиб, унга оила аъзоларидан ташқари хизматкорлар ва қуллар кирган. Қони бир бир неча оилалар овулни ташкил қилишди, еттинчи авлодгача қариндошлик ришталари билан бирлашган бир неча овуллар *ота аймоқ* тар-



“Қосим хоннинг оқ наमतда хонликка кўтарилиши”. Т.Асиқов картинаси.

кибига кирган. *Ота аймақлардан* уруғ ва қабила ташкил топди. Уруғлар ва қабилалар бирлашмаси эса улус аҳолисини ташкил этди.

XV–XVI асрларда қозоқлар давлати бир қанча йирик ҳамда майда эгаликлар – *улуслардан* ташкил топди. Улус нисбатан доимий бўлган ўз худудига эга эди. “Ҳар бир маҳаллий улусда Чингизхон авлодидан бўлган тўла ҳокимиятга эга султон бор”, дейилади манбаларда. Белгиланган худудларнинг мажудлиги, маҳаллий уруғлар ҳамда қабилалар устидан султонларнинг тўла ҳукмронлиги улусларни нисбатан мустақил қилган.

Ҳар бир улус ўз таркибида ўртача 10 мингдан оилага эга бўлди. Бироқ Даштда кам сонли улусларнинг мавжуд бўлиши мумкин эмасди. Шунинг учун майда улуслар, хавфсизликни таъминлаш мақсадида йирикроқларига бирлашдилар, бундай улусларнинг аскарлари сони 50 минг ва ундан кўпга етган. Бирлашиш принципи султон-ҳукмдорларнинг яқин қариндошлик алоқаларига асосланган.

Улус тизими қозоқ жамиятини сиёсий ташкил қилишнинг ягона шакли бўлмаган эди. XVII аср бошидан барча қозоқ уруғлари ва қабилалари уч жузга бирлашишди.

XV–XVI ҳамда XVII асрларда Қозоқ хонлигини бошқариш схемасини тузинг, бошқарув тузилишидаги ўзгаришларни ҳамда сабабларини белгиланг.

Жузлар. Жуз бу – қозоқ жамиятининг тарихий шаклланган этноҳудудий бирлашмаси, қозоқ қабилалари аҳолиси билан эгалланган хўжалик ва географик жиҳатдан нисбатан ажралган тумандир. Жузнинг бундай маъноси умумий тарзда қабулланган.

“Жуз” сўзининг ўзи “қисм”, “юз” деган маънони беради. “Жуз” ва “алаш” атамаларининг келиб чиқиши ҳақида бир қанча афсоналар бор.

Алашхон ҳақидаги турли талқинларни Қодирали Жалоирийнинг, Рашид-ад-Диннинг ва Абулғозийнинг ёзмаларида ҳам учратамиз.

Афсоналардан бирида айтилишича, қадимда Сирдарёнинг бўйида Қизил Арслон хони яшаган. Омадли юришлардан биридан сўнг у бир гўзални асира олади ва унга уйланади. Кўп ўтмай у баданида ола белгилари бор чақалоқ туғади. Буни ёмонликка йўйган хон чақалоқни Сирдарёга оқтиришни буюради. Болани балиқчи қутқариб, унга Алаш (ола) исмини беради. Бола жуда ақлли ва жасур йигит бўлиб улғаяди: у халқ орасида жуда тез танилади. Унинг ҳақида эшитган хон, ўз қароргоҳига олиб келади. Бироқ хоннинг яқинлари Алашни бир неча юз йигит ҳамроҳлигида ўзи хоҳлаган томонга қўйиб юборишни маслаҳат беришади. Хон Усун, Бўлат ва Алшин ботирларга ўзларининг юзликлари (жами уч юз йигит) билан Алашга қўшилишни буюради. Алашга топширилган, “қозоқлар” номини олган, яъни “эркин ва озод кишилар” бўлган мана шу уч юз йигит юришлар қилиб, қўшниларини ўзларига бўйсиндиришади. Сўнг йигитлар Алашни ўзларига хон этиб эълон қилишди, яйлов ва қишловларни уч юзлик (жуз) орасида бўлиб олишди. Усун бошчилигидаги юзликка “Улуғ жуз”, Бўлат бошқарган бошқа юзликка – “Ўрта жуз”, Алшин раҳбарлигидаги яна бир юзликка – “Кичик жуз” деб ном беришди.

Қозоқлар шу уч юзлик йигитлардан келиб чиққанмиз, деб ҳисоблашади. Шунинг учун: “Отамиз – Алаш, исмимиз – қозоқ, бизнинг ҳаммамиз – уч жуз авлодимиз”, деб бежиз айтишмайди. Бу афсона асрлар оша яшади ва қозоқларнинг тарихий дунёқарашини ифодалайди. Жезқазғон шаҳри яқинида “Алаш хон қароргоҳи” номли саройнинг қолдиқлари сақланган, Қаракенгир дарёси яқинида эса унинг мақбараси бор.

Қозоқ жузларининг ташкил топиши вақти ва жараёни тўғрисида яхлит фикр йўқ. Баъзи олимлар Қозоқ хонлиги уч мустақил жузлардан ташкил топган, деб тахмин қилишади. Бошқа тадқиқотчилар XVII аср бошида уч жуз (ўрда)га ажралган ягона Қозоқ хонлиги бўлган, деган фикрдан келиб чиқишади. Сўнгги фикр тарихий манбаларда ҳам тасдиқланади.

Шарқий Дашти Қипчоқда XVI–XVII асрлар бошидаги ишлар аҳволини баён этган эрон ва турк тилли ёзмаларда қозоқ жузлари эслатилмайди. Хонлар, юришлар ва урушлар, кўчманчиликнинг йўналишлари ҳамда усуллари ҳақидаги, ва ҳатто этнографик тафсилотлар келтирилган маълумотлар бор. Бироқ гап Қозоқ хонлигининг ҳудудий-маъмурий тузилиши ҳақида кетса, барча жойда *улус* (улуш, эгалик) атамаси учрайди.

Қозоқ хонлигининг ташкил топишидан бошлаб, XVII аср бошигача мамлакатни бирлаштириш ҳамда бошқаришнинг биргина – *улус* принципи бўлди. Кичик улуслар, яъни алоҳида султонларнинг ерлари йирик улусларга кирди ҳамда хон бошчилигидаги давлатни ташкил қилди.

Улуслар хронологик тарзда жузлардан олдин бўлди. XVI–XVII асрларда улус тизимининг жузларга аста-секин изчил алмашинуви рўй берди. Таукехон даврида уч жузларни бошқариш учун: “уч бошлиқ сайланиб, унга бўйсиндирилди”: Улуғ жузда – Тўлебий, Ўрта жузда – Қазибек бий, Кичик жузда – Айтекебий. Қозоқ улусларининг бошида, албатта, султонлар туришди, жузлар бошида эса – бийлар туришди, яъни булар қозоқ жамиятини ташкил этишнинг икки хил шакли.

Нима учун қозоқ халқининг турли уруғлари ҳамда қабилаларининг кўп хиллиги фақат Жанубий Қозоғистонга характерли?

Жузларнинг ташкил топиши – мураккаб ҳамда олимлар томонидан охиригача ўрганилмаган жараён. Жетисузда ва Қозоғистоннинг жанубида кўчиб юрган қабилалар Улуғ жуз номини олишди. Булар: уйсунлар, канглилар, дулатлар, албанлар, суанлар, жалоирлар ва бошқа қабилалар, уларнинг бир қисми келиб чиқишига кўра Жетисунинг қадимий турғунларидир.

Ўрта жуз Марказий, Шимолий, Шарқий қозоғистон ҳудудларини эгаллади. Бу кенг майдонларда Ўрта жузнинг асосий қабилалари яшадилар: қипчоқлар, арғинлар, найманлар, керейитлар, қўнғиротлар.

Кичик жуз ҳозирги Ғарбий Қозоғистон ҳудудини эгаллади. Кичик жуз аҳолисининг бир қисмини илгари Нўғой хонлиги таркибига кирган қабилалар ташкил этди. Кичик жузда уч уруғ бирлашмаси шаклланди: жетиру, алимули, байулининг ҳар бирига бир неча уруғлар кирди.

Уч жузнинг чегаралари Сирдарё бўйи минтақасида кесишди. Маҳаллий аҳолининг этник ранг-баранглиги, қозоқ элатидаги турли уруғ ва қабилаларнинг кўплиги фақат Жанубий Қозоғистон учун характерлидир.

Уруғларнинг шиори ва тамғалари, аждодлар қабристонларининг умумийлиги уруғ бирлашмалари нисбий мухториятининг атрибутлари эди.

XVIII аср бошидан ҳар бир учта қозоқ жузларида бийлар ўрнига чингизий хонлар ҳукмдорлик қила бошлашади. Шундан бошлаб амалда жузлар алоҳида хонликларга айланади.

Кейинги ўрта асрлар даврида шаклланган қозоқ давлати феодал бўлди.



Қозоқ жузлари ташкил топиши вақти ҳамда жараёни ҳақида
олимларнинг фикрини муҳокама қилинг.

“Жети жарғи”нинг ташкил этилиши сабаблари ва унинг асосий қоидалари. Давлат бошқаруви оддий ҳуқуқ – одатга асосланган эди ва у Таукехон даврида “Жети жарғи” қонунлар йиғиндиси билан тўлдирилганди. Ривоятга кўра, Таукехон Кул Тўбе дарасида (Сирдарё тумани) етти бийларни тўплади, “бу бийлар Қосим ва Есимнинг эски одатларини бирлаштирдилар” ҳамда янгиларини қўшдилар. Илмий адабиётда “Жети жарғи” шунингдек, “Таукехоннинг йўриқлари” деб аталади. “”нинг пайдо бўлиши XVII аср охирига тўғри келади.

“Жети жарғи”нинг тузилиши сабаблари қуйидагилардир:

- қозоқ жамиятининг янги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, эскирган оддий ҳуқуқ меъёрлари ўрнига янги қоидаларни қонунлаштириш;
- жунгор босқинчилигининг тобора ортиб бораётган хавфига қарши жами халқни бирлаштириш мақсадида давлат ҳаёти меъёрларини мустаҳкамлашга интилиш.

Шундай қилиб, “Таукехон йўриқларида” ўша давр ҳаётининг шароити юридик ифодасини топди.

“Жети жарғи” йиғиндиси маъмурий, жиноий, ва фуқаровий ҳуқуқ меъёрларини, шунингдек, солиқ, дин қоидаларини қамради.

“Жети жарғи”да аҳолининг ҳарбий хизматга лаёқатли қисмининг солиқ тўлаши қонунлаштирилди. “Йўриқ” моддаларининг бирида: “Султонлардан ташқари, ҳар қандай қурол олиб юришга лаёқатли хон ҳамда халқ ҳукмдорларига ўз мулкининг 20-қисми миқдориди йилига бадал тўлайди”, дейилган.

Ҳар бир қозоқ уруғи ўз тамғасига эга бўлиши керак эди. Тамғалар “ молларни ва мулкни ажратиш, кимга нима тегишлилигини билиш учун мажбурий тарзда ” дарҳол тарқатилиб берилган.

Ўрта аср даврининг бошқа ҳуқуқий ёдгорликларида бўлгани каби “Жети жарғи”да ҳам асосий ўрин жиноий-ҳуқуқий меъёрларга қаратилди. Унда шахсга қарши, мулкка оид, ахлоққа зид ҳамда оилага тааллуқли жиноятлар учун жавобгарлик қараштирилган. “Жети жарғи”да сиёсий ҳамда мансабга оид жиноятларнинг қаралмагани эътиборлидир.

Жиноят учун жавобгарлик. Ўлим учун жазонинг кенг тарқалган тури хун (мулк билан тўлаш) эди. Хуннинг миқдори жабрланувчининг ижтимоий

мавқесига боғлиқ эди. Масалан, ҳар бир ўлдирилган эркак учун жиноятчи унинг қариндошларига 1000 қўй, аёл учун – 500, султон ёки хўжани ўлдиргани учун эса етти эркак миқдорида хун тўларди. Агар жавобгар хунни тўлай олмаса, тўловни унинг қариндошларидан ёки овулдан ундиришди, яъни жамоа жавобгарлиги принципи сақланди.

Нима учун қозоқларда қамоқ жазоси ҳамда жазо органлари бўлмаган?

Ўғирлик содир этилганида ўғирланган нарсанинг нархи ҳисобга олинди ва жиноятчи соҳибига “ўғирликнинг учдан тўққиз мартаси” миқдорида қайтариб берди. “Жети жарғи”да мол-мулкни конфискация қилиш ҳамда жамоат назарига қаратиш кўзланган эди. Жазонинг биринчи тури христиан динини қабуллаганлар учун, иккинчиси – ота-оналарни ҳақоратлагани учун қўлланилди, айбдорни сигирнинг думига қаратиб ўтқазишган ва уни овулда айлантириб, қамчилаб туришган.

Аёлни зўрлаш ўлим билан тенглаштирилиб, бу учун ўлим жазосига кесишган.

“Жети жарғи” бўйича ота-онасини ҳақоратлаганлар учун жазо тўғрисида фикрингизни билдилинг.

Қулларнинг жинояти учун жавобгарликни қули келтирилган зарарни тўлашга мажбур бўлган уларнинг соҳиблари олишди. Қулларга тааллуқли ишлар, бийларнинг қарашига кирмасди. Яъни қул юридик шахс деб тан олинмаган. Фақат эркин киши – уйнинг соҳиби, оила бошчиси тўла ҳуқуқли фуқаро деб ҳисобланди.

Оила-никоҳ муносабатлари масалаларида ота-оналарнинг фарзандлар ҳаёти устидан ҳуқуқи тасдиқланди. Эрининг ёки отасининг жиноий иши тўғрисида хабарламагани учун хотини ва болалари жазога тортилмадилар, “зеро, оиладаги катталарни сотиш таъқиқланган” эди.

“Жети жарғи”га, шунингдек, шариатнинг – мусулмон диний ҳуқуқининг баъзи меъёрлари ҳам кирди. Уларда исломни ҳимоялаш ҳамда худосизлик учун жазолаш чоралари кўрилди.

Қозоқ жамиятининг “Жети жарғи” бўйича доимий солиқ тўлашга мажбур қисмини белгиланг.

Жиноят содир этилганликда айблаш учун иккитадан еттитагача гувоҳлар талаб этилди. Суд жараёни очиқ характерда бўлди. Суд ҳукмининг ижрочиси жараённи енгган томон бўлди.

Еттинчи авлодгача никоҳга турмаслик таъқиқини бузгани учун жазо оинининг ҳукми бўйича тайинланди, “зеро, бундай тоифадаги жинойтлар бегона кишилар ихтиёрига қарашга берилмайди”.

“Таукехон йўриқлари” барча жузлар чегарасида XIX аср ўрталаригача қўлланилди.



“Жети жарғи” қоидаларини таҳлил қилинг, уларнинг инсон ҳуқуқларини қандай ҳимоялашини тушунтиринг.



Савол ва вазифалар

1. Ўрта аср “Ёса”, “Қосимхоннинг қашқа йўли”, “Есимхоннинг эски йўли” ва “Жети жарғи” қонун лойиҳаларини қиёсий таққосланг.
2. Ўрта аср даври қонун лойиҳаларининг ахлоқий-этик меъёрлари қимматини ҳамда уларни бугунги кунда қўллаш имкониятини белгиланг.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Хон оддий ҳуқуқ доирасида ҳаракат қилди, у хонлик ҳоқимиятини _____ ва _____ билан бўлишди.
- 1.2. Хон кенгашига энг нуфузли _____ ҳамда _____ қабилаларининг йўлбошчилари кирди.
- 1.3. Энг муҳим давлат масалалари _____ ҳал этиларди.
- 1.4. Еттинчи авлодгача қариндошлик ришталари билан боғланган бир қанча овуллар _____ га кирди.
- 1.5. Қозоқ хонлиги ташкил қилинганидан бошлаб XVII асргача мамлакатни бирлаштириш ва бошқаришнинг биргина принципи _____ бўлди.
- 1.6. XV–XVI асрларда қозоқ улуслари бошида албатта _____ туришди.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Барча қозоқ улуслари уч гуруҳга киришди: Улуғ жуз, Ўрта жуз, Кичик жуз
 - А) XIX аср ўртасидан
 - В) XVIII аср
 - С) XVII аср бошидан
 - Д) XX аср бошидан
 - Е) XVIII аср бошидан
- 2.2. Уч жузнинг чегаралари кесишди
 - А) Жетисувда
 - В) Сирдарё бўйи минтақасида
 - С) Қозоғистоннинг ғарбида
 - Д) Марказий Қозоғистонда
 - Е) Манғистовда

2.3. “Жети жарғи” яратилди

- А) XIX а.
- В) XVIII а.
- С) XVII а.
- Д) XX а.
- Е) XVI а.

2.4. “Жети жарғи” қонунлари амалда қўлланилди

- А) XIX аср ўртасигача
- В) XVIII аср охиригача
- С) XVII аср охиригача
- Д) XX аср бошигача
- Е) XVIII аср бошигача

53-§.

XV–XVII асрларда ҚОЗОҚЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ ХЎЖАЛИГИ

Мазкур дарс мобайнида сиз:

- Қозоқ хонлиги иқтисодида хўжаликнинг кўчманчи типи моҳияти ва хусусиятлари ҳамда унинг ролини аниқлайсиз;
- қозоқлар тўлаган хирожлар ҳамда солиқларни ва уларнинг анъанавий хўжалик билан алоқасини муҳокама этасиз;
- мавсумий кўчишларнинг хусусиятларини аниқлайсиз.

Чорвачилик. XV–XII асрларда хўжаликнинг асосий соҳаси кўчманчи чорва бўлиб давом этди. Жанубий Қозоғистон ҳамда Сирдарё, Шу, Талас дарёларининг соҳилларида ўтроқ молчилик кенг тарқалган эди.

Қозоқлар асосан қўйлар, йилқилар, туяларни боқишди. Айни пайтда қозоқларнинг хўжалигида етакчи ўринни қўйлар эгаллашди.

Даштнинг қўйлари, гувоҳларнинг айтишича, чидамлилиги, йириклиги ҳамда сифатли сут, гўштлари билан ажралиб турди. XVI асрда бу жойда бўлган сайёҳлар: “Бу халқ оёқлари баланд, жунлари узун, думбали йирик қўйларни парвариш қилишади ва улар айримларининг вазни ўн икки фунтгача етади. Мен ғилдирак тортган қўйларни кўрдим, унга думи боғлаб қўйилган”, деб таъкидлашди.

Кўчманчининг ҳаётида от катта роль ўйнаган. Дашт отлари чидамлилиги ҳамда мураккаб шароитларни нисбатан енгил ўтказишарди. Отлар ишчи ҳамда чопар-арғимоқларга бўлинган эди. Кўчманчи чорвага йилқиларни пода қилиб ушлаш хосдир. Табундаги отлар йилқи деб аталди ҳамда чопар, арғимоқ отдан фарқланди.



“Совлиқларни соғиш”.



“Туяларни соғиш”.

Н.Г.Хлудовнинг суратлари.

Уй молларининг кенг тарқалган тури туялар бўлиб, улар кўчиб ўтишда қулай эди. XV–XVII асрлар манбалари, бу ҳайвонлардан буқалар каби ғилдиракка ўрнатилган уй-ўтовларни олиб юришда фойдаланилганини таъкидлашган. Бундан ташқари туяларнинг жунларини қирқишди, калорияли сути (*шубат*) қимиз билан бирдек баҳоланди.

Туя тинчлик рамзи деб ҳисобланди. Бу мамлакатда, деб ёзганди Дашти Қипчоқ ҳақида А Женкинсон ўзининг “Саёҳатлар”ида, одамлар фақат жуда кўп миқдорда туялар бўлган карвонларда саёҳат қилишади, шунинг учун туяларсиз отларнинг янги излари хавотир туғдиради.

Моллар хусусий, оиланинг мулки эди, яйловлар кўчманчи жамиятнинг барча озод аъзоларига тегишли эди. Айни пайтда ўнта, баъзан юзлаб овуллардан иборат ҳар бир уруғ маълум бир географик зонада кўчиб юришган.

Қозоқлар нима учун асосан қўйлар, отлар ҳамда туялар парваришлашди, бу ҳайвон турлари қандай роль ўйнашди? Манбалар молчилик ҳақида нима дейишади?

Мавсумий кўчманчилар. Кўчиб юриш қоидалари ўт-ўланнинг турли мавсумдаги қалинлигига қараб белгиланган. Яйловларнинг барча ҳудуди мавсумий тўрт типга ажратилди: қишқи – *қишлов*, кўкламги – *кўклов*, ёзги – *яйлов* ҳамда кузги – *кузов*.

Кўчманчилик нима учун меридионал йўналишда, жанубдан шимолга қараб амалга оширилганини тушунтиринг.

Қишлов учун жойлар кўлларнинг соҳилидан, кўпроқ дарё бўйларидан танланарди. Бу дарё ҳамда кўллар бўйларида қамиш ва буталарнинг қалин ўсганлиги билан изоҳланади. Қалин қиш пайтида улар моллар учун озуқа бўлиб хизмат қилган, уларни қиш шамолидан сақлаган, кўчманчилар уларни ўтин сифатида ишлатишган. Моллар қишлови учун аввалдан *қўралар* қурилган.


Декабрда кўчманчилар қишга озуқа ғамлаш учун молларни сўйишган (*сўқим*). Сўқим кунлари қишқи ўйинлар, тантаналар ва меҳмондорчилик учун бағишланган. Бироқ кўчманчилар учун жуда хавотирли ва қийин ойлар – январь ҳамда февраль келарди. Совуқ кучайиб, бўронлар мавсуми, дашт изғиринлари бошланган. Молчилар учун оғир кулфат чорванинг қирилиши – жут эди. Жутнинг сабаби бирдан кунлар исиб, ёмғирлар ёғадиган, совуқ қиш бўлиши мумкин эди. Бундай вазиятда ер юзига муз қопланиб, мол унинг остидан озуқа ололмасди.

Қишда қозоқ-кўчманчилар ҳар бир қишловда молни ёйишга етарли майдон бўлиши учун нисбатан олисроқ жойлашардилар. Шунинг учун овуллар орасида алоқа қийинлашарди.

Ҳарбий нуқтаи назардан ҳам қиш жуда хавfli давр эди. Кўчманчиларга қарши юришлар қишда бошланарди. Рўзбихоннинг таърифича, бу вақтда улуслар “дуч келганча” жойлашиб, уларнинг қишқи манзиллари орасидаги масофа “ўн беш кунлик” йўлдан иборат эди.



“Яйловга кўчиш”. Н.Г. Хлудовнинг сурати.



“Ғилдиракдаги уйлар”.

Кўклам келиши билан қозоқлар кўкламги яйловга кўчиб кетишарди. Кўкламги яйловга қор қатламидан эрта бўшайдиган ерлар ажратилган. Бу жойда мол азн қўшиб, қўй, туяларнинг жуни олинарди.



Мавсумий кўчишларнинг хусусиятларини аниқланг, қишлоқ ёки яйлов тўғрисида ҳикоя режасини тузинг.

Яйлов шимолий туманларда жойлашган бўлиб, қалин ўтлоқлари, салқин табиати билан ажралиб турарди. Ёзги манзилларда яқин жамланиб яшашган. Бу жойда тўйлар ўтказилар, от пойгалари, курашчилар, қўшиқчилар ва жиронлар мусобақалари уюштирилган.

Куз келиши билан чорвалар кузловларга кетишган. Кузда халқ йиғинлари ўтказилган. Кузги яйловлардан одатда кўчманчилар сафарларга чиқишг, чнуки уларнинг отлари тетик, узоқ манзилларга етиб боришга лаёқатли бўлган. Ноябрьда ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилган, зеро, манбада айтилишича, “дашт аҳолиси бу вақтда қиш ҳақида ўйлашлари керак”.

Мавсумий кўчиш манзиллари орасидаги масофа турли минтақаларда 100 ҳамда 1000 километргача чўзилган.

Турли минтақалардаги кўчиш манзиллари масофаси нимага боғлиқ эди?

XV–XVII асрларда ўтов билан бирга яшаш ҳамда уловнинг асосий тури кўчма уй-куймелар бўлди. XVI асрнинг инглиз сайёҳи А.Женкинсон кўчиш жараёнини шундай таърифлайди: “Биз олисдан шаҳарни эслатувчи 1000дан ортиқ кўчма уйлар боғланган туяларни кўрдик”. Бошқа манба: “Биз тўхтаган манзил Дашти Қипчоқ номи билан маълум, бу даштда араваларда юришади. Уни арава деб аташади”, деб таъкидлайди.

Бу Дашти Қипчоқнинг “кўчма уйлари”, ёпиқ араваларини ўрта асрнинг кўпгина муаллифлари ёзишган. “Оҳ, қандай чодирлар!” – деб ҳайратланади Рўзбихон. – баландга кўтарилган қалъалалар, ҳаво фазосидаги уйлар”. “Улар дам олиш учун тўхтаганларида, деб ёзади И.Барбаро. – кўчманчилар бу уйларни аравалардан туширишиб, унда яшашади”.

Чодирни аравага қотиришарди, аравага бир неча туя ёки буқаларни боғлашарди ва юриб кетишарди. Гувоҳларнинг тасдиқлашларича, Қозоқ Даштининг кўчманчилари ўз араваларида “қўрқувни ҳис этмай, ишонч билан” юришган. Зеро, чодирларнинг турғунлари, асосан аёллар ва болалар эдилар. Аравалар тепага кўтарилганида ва пастга тушганида чодирлар хавфсизлигини таъминловчи отлиқлар ҳамроҳлик қилишарди.

Кўчма уйлар ҳақида манбалар нимани ёзишади?

XVIII асрда ҳамма жойда кўчма уйлардан йиғма ўтовларга ўтишди. Кўчманчилар бор мулкани ҳамда ўтовини туя ва отларга ортишиб, олдинга ҳаракат қилишарди. Бу Дашти Қипчоқ аҳолиси маиший аҳволининг йирик ўзгариши эди. Бу ўзгаришлар, бинобарин, яйловларнинг камайиши ҳамда ўйротлар билан шиддатли жанглар билан боғлиқдир.

Кўчманчи қозоқларнинг ғилдиракли аравалардан ўтовларга ўтиши сабабини тушунтиринг.

Ов. Дашти Қипчоқ кенгликларидаги турли ҳайвонот олами кўчманчиларга ов учун катта имкониятлар берарди. Ўрта аср муаллифлари қозоқларнинг қувалаб юриб кийикларни ов қилишини таърифлашиб, кўчманчиларнинг “асосан камонлардан фойдаланиб, ов қилишни жуда яхши ўзлаштиришган”ини таъкидлашади. “Агар гўштга эҳтиёж туғилса, хўжайин елкасига каттагина камонни бир неча найзаси билан ташлаб, овга чиқарди ҳамда семиз қулонни ўзининг ов найзасининг нишонига айлантларди”.

Онинг бир неча тури бўларди: учқур қушлар билан, итлар билан, қувалаб ов қилиш ва ҳ.к.з. Овчи қушлардан бургут, қирғий, лочин ва бошқалардан фойдаланиларди.



Бургут билан ов.

Ов турларидан бири ҳақида кичик ҳикоя тузинг: қушлар билан, итлар билан, қувалаб юриб ов қилиш.

Ҳунарлар ва уй ишлари. Қозоқлар хўжалигида сезиларли ўринни турли ҳунармандчиликлар ва уй ишлари эгаллаган, уларнинг кўпчилиги чорва маҳсулотларини қайта тайёрлаш билан боғлиқ эди. Қозоқларнинг уй ҳунарлари, масалан, тери ошлаш, юқори ўринда турганлигини XVI аср ўсмон муаллифи Сейфи Челебининг маълумотлари тасдиқлайди. “Уларнинг кафтанлари қўй терисидан қилинган, улар турли рангга бўялади ва атласга ўхшаб чиқади. Уларни бухорога олиб боришади ҳамда атласдан бўлган кафтанлар баҳосида сотишади. Улар шунчалик чиройли ва жозибадордир. Уларнинг, шунингдек, сув ўтказмайдиган, умуман намгарчиликдан қўрқмайдиган ғаройиб накидкалари бор”.

Барча оғир ишлар, чиғириқда ип йиғириш, тери ошлаш, терини қайта ишлаш, чарм маҳсулотларини тикиш, молларни соғиш ва ҳ.к.з. кўчманчи жамиятда батамом аёллар томонидан бажарилган. Кўчманчи жамиятнинг эркаклари қурол-аслаҳа буюмларини, эгарларни тайёрлашар, уйлар қуришар,

этик тикишар, подаларни қўриқлашар, ов қилишарди. Эркакларнинг энг муҳим вазифаси оилани ҳамда мулкни ҳимоя қилиш, урушларни олиб бориш эди.

Маҳсулотларнинг ортиқча қисмини кўчманчилар шаҳар аҳолиси ва деҳқонлар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда маҳсулотларга айирбошлашарди. Дашт туманлари ва ўтроқ деҳқончилик туманлари аҳолиси орасидаги доимий алоқа қозоқ жамияти ҳаётининг ўзига хос хусусияти эди.

Қозоқларнинг асосий ҳунарларини белгиланг ҳамда хусусиятларини айтинг.

Мажбуриятлар. Кўчманчиларнинг қадимий ҳамда аҳамиятига кўра муҳими ҳарбий мажбурият эди: ҳар бир эркак хоннинг ёки қўмондонларнинг чақируви бўйича қўшинларда қатнашиши керак эди.

Бошқа бир мажбурият солиқ тўлови бўлди: “ҳар йили даромадининг йигирманчи қисмини” тўлаши керак бўлди. Оддий кўчманчи молчилар, деҳқонлар ҳамда оддий шаҳарликлардан : *закот, сўқим, шuvoга* – молчилардан; *ушур, бож, хирож* – деҳқонлар ва ҳунармандлардан олинди.

Яна бир мажбурият – доимий мажбурият бўлди. Хоннинг ўз эгаликларини айланиб чиқиши вақтида аҳоли унга ҳукмдор ва унинг аъёнларини ушлаш учун керакли бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини бериши керак эди.

Мажбуриятлар кимнинг фойдаси учун тўланарди ва ундан кимлар озод қилинган эди?

Қозоғистоннинг жанубий ҳудудларида ер мулкининг: сойюргал, вақф ва ҳ.к.в. каби шакллари пайдо бўлди. Сойюргал кўчманчи оқсуякларнинг ўтроқ деҳқончилик аҳолидан ҳукмронлиги шакли эди. Шаҳар ҳамда деҳқончилик округлари ҳарбий ёки фуқарвойи хизматдан арз қилишарди. Бу ерлар соҳиби ўз фойдаси учун солиқлар йиққан.

Мусулмон диндорлари ер, сув манбалари, суғориш иншоотларини вақф сифатида солиқлар билан бирга олишарди. Фойдадан олинган даромадларни масжид, мактаб, мадрасаларга сарфлаши керак бўлди. Диндорлар, шунингдек, бирмунча ер участкаларига шахсий бойлик сифатида – *мулкка* эгалик қилишди.

Солиқлар ва мажбуриятлар турларини айтинг, уларни таснифланг.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. Жанубий Қозоғистон туманларида, Сирдарё, Шу, Талас дарёлари бўйида _____ молчилик тарқалган эди.
- 1.2. Яйловлар ўтлоқларнинг қалинлиги, салқин табияти билан ажралиб турди, чунки _____ туманларида жойлашган эди.

1.3. XV-XVII асрларда ўтов билан бирга уй-жой ҳамда уловнингасосий тури _____ бўлди.

1.4. Қозоқларнинг яшаша жойи – ўтов, шунингдек, хўжалик инвентарлари _____ учун яхши мослашган эди.

! 2. Ёпиқ тест вазифалари

1.1. Хўжалик аҳамиятига кўра, қозоқларда етакчи ўрин олган

- А) қушлар
- В) эчкилар
- С) туялар
- Д) қўйлар
- Е) йирик қорамол

1.2. Кўчманчиларга қарши юриш одатда

- А) қишда
- В) кўкламда
- С) ёзда
- Д) кузда
- Е) кечки кўкламда

54-§.

XV–XVII АСРЛАРДА ШАҲАР ВА МАНЗИЛГОҲЛАР

Берилган мавзуни ўргангач, сиз қуйидагиларни ўрганасиз:

- XV–XVII асрларда шаҳар ва ўтроқ аҳоли манзилгоҳларида хўжалик ҳаёти қандай ривожланганини;
- Шаҳарлар ривожланишига нималар ёрдам берган ва монелик қилганини;
- Қозоқ хонлигининг умумий ҳаётини таъминлашда шаҳарнинг вазифасини.

Шаҳарлар. Қозоғистон тарихидаги XV–XVII асрлар ораси ёзма манбаларда атрофлича ёритилган, уларда “Туркистоннинг 30 қалъаси” тилга олинган.

Жанубий Қозоғистон минтақасининг ўтроқ ва кўчманчи дашт ўртасида, савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлиги уни маданият ва иқтисод марказига айлантирди.

Аммо феодалларнинг ўзаро урушлари ва ташқи душманлар(аввало, жўнғорлар)нинг ҳужумлари туфайли Қозоғистон шаҳарлари путурга кетди. IX–XII асрларга нисбатан Жанубий Қозоғистондаги шаҳарлар сони деярли уч марта камайди.



Кўҳна Туркистондаги қазилар ишлари.

Ўтрорда XV асрнинг ўртасидан шаҳар атрофлари харобага айланди. XVI асрга келиб шаҳарнинг фақат марказий қисмидагина ҳаёт қайнарди. XVIII асрнинг бошида шаҳарни аҳоли мутлақо тарк этди.

Сайрам, Сиғноқ, Сўзоқ шаҳарларининг ҳам майдони қисқаргани қайд этилди. Қозоғистон шаҳарларидаги аҳоли сони 5 000 дан 11 000 нафаргача ўзгариб турди. Шаҳар ҳаёти марказда, энг яхши иҳоталанган қисмда жамланганди.

XV–XVII асрларда шаҳар маданиятининг пурдан кетиши сабабларини тушунтиринг.

Қаттол урушлар даврида ҳар бир шаҳар мустаҳкам ҳимоя мажмуаларига эга бўлиши керак эди. Масалан, Савронда XVI асрда мушофаа иншоотлари мавжудлиги боис ишғол қилиш имконсиз қалъа бўлган. Қалъа истеҳкомларининг қолдиқлари ҳозир ҳам кузатувчида ёрқин таассурот қолдиради. Уларнинг сақланиб қолганларининг ўзи ҳам 6 метр баландликка етади. Девор ташқарисидан 3 метргача чуқурликдаги, 50 метргача кенгликдаги хандақ бўлган.

Туркистон шаҳрининг истеҳкомлари ҳам мустаҳкам бўлган. XVII асрдан бошлаб Туркистон Қозоқ хонлигининг асосий диний ва сиёсий маркази

вазифасини бажара бошлади. Бу ерда хорижлик элчилар қабул қилинган, хонлар сайланган, айнан шу ерда, муслмонларнинг маънавий раҳбари Хожа Аҳмад Ясавий мақбарасида энг таниқли қозоқ хонларининг хоки қўйиларди.

Туркистон шаҳрининг ўрта асрлар Қозоғистонининг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази сифатида аҳамиятини очиб беринг.

Қозоқ давлатчилиги барпо этилиши ва мустақамланиши даврида шаҳарлар катта роль ўйнади. Масалан, Сигноқ шаҳри Шарқий Дашти-Қипчоқнинг “савдо кўрфази” эди ва дастлабки қозоқ хонларининг қароргоҳи бўлди.

Қозоғистон ҳудудидаги кейинги ўрта асрларнинг деярли барча шаҳарлари аввалги давр режалашини такрорлаган. Шаҳарларда *ҳисор* (арк) ва шаҳар атрофи ажралиб туради. Ҳисор – шаҳарнинг аҳоли зич жойлашган мустақамланган қисми, унда ҳукумат бинолари, марказий масжид, бозорлар, ҳунармандлар устахоналари, уй-жойлар бўлган. Ҳисордан ташқаридаги ҳудуд шаҳар атрофидаги қишлоқ хўжалик майдони бўлган.

XV–XVII асрларда давлат ҳаётида Жанубий Қозоғистоннинг ўрни қандай бўлган?

Ўтрорда археологлар томонидан XV–XVII асрларга оид 30 дан ортиқ кварталлар очилган. Шаҳар таркибидаги жамоат бинолари қаторида ҳаммомлар бўлган.

Кварталлар уларда яшаётган одамларнинг касбига кўра барпо этилган. Ўтрорда XVI асрга оид кулоллар кварталлида қазииш ишлари амалга оширилган. Унда ҳунармандлар цехларга бирлашишган.

XV–XVII асрларда шаҳарларнинг тузилиши ва роли қандай ўзгарганини аниқланг.

Темирчилик иши ва заргарлик шаҳарда авваллардагидек кенг тарқалганди. Ҳунармандлар чўян қозонлар қуйишарди, темирдан ўроқ ва пичоқ, тақалар тайёрлашган.

Заргарлик санъати юксак даражага чиқди. Усталар ўйма нақш, тилла билан ҳаллаш, тилла ипчаларни ўриш каби турли техник усулларни билишган ва қўлланишган, жавоҳирларга сайқал беришган, қимматбаҳо ва рангли тошларни қўлланишган. Олтин, кумушдан аёллар тақинчоқлари ишланган. Оғир кумуш билагузуклар қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Исирғалар ёй, қимматли тошлар ўрнатилган ҳалқалар шаклида ишланган. Сочпопук (шашбау)лар кенг ишлатилган. Қозоғистон шаҳарларида суякка

ишлов бериш кенг тарқалган. Гидамдўзлик, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Заргарлик буюмларининг юксак маҳорат билан ишланганини кўрсатувчи техник усуллар ва турлар ҳақида айтиб беринг.

Шаҳарлар атрофида боғлар ва далалар, полиз ва узумзорлар, яйловлар жойлашган. XV–XVII асрларда ҳар бир шаҳар катта деҳқончилик туманининг маркази бўлган.

Ўтган давр билан таққослаганда XV–XVII асрларда Қозоғистон шаҳарларида ҳунармандчилик ривожланишида нималар ўзгарди?

Савдо. XV–XVII асрларнинг иккинчи ярмида қозоқ даштлари орқали Россия ва Ўрта Осиё орасида савдо муносабатлари йўлга қўйилди. Россия билан савдо Қозоғистон шаҳарларининг ривожланишига туртки берди. Россия Ўрта Осиёга мовут, кўзгу, мўйна, кумуш олиб келарди. Савдо карвонлари Сиғноқ, Туркистон шаҳарлари орқали ўтган.

Савдони ривожлантирувчи ва унга монелик қилувчи жиҳатларни белгиланг.

Халқаро савдо тўғрисидаги ёзма манбалардаги маълумотларни археологик топилмалар тасдиқламоқда. Ўттор, Туркистон, Саврон харобаларида XV–XVII асрларга оид хитой чинниси, Россия ва Ўрта Осиё тангалари топилган.

Халқаро савдо билан бир қаторда Сирдарёбўйи шаҳарларининг кўчманчилар билан ва маҳаллий савдо ҳам ривожланиб борган. Шаҳар бозорлари усти ёпилган ёндош кўча (тим)лардан иборат бўлган. Дўкон одатда ҳунармандга қарашли бўлган ва у ерда бир вақтнинг ўзида маҳсулот ишлаб чиқарилган ва сотилган.

Савдонинг ривожланиши ва унинг халқаро муносабатлар ривожига таъсири натижаларини чиқаринг.

Экинчилик азалдан Еттисув ва Жанубий Қозоғистонда ривожланган. Шарқий, шимолий ва марказий минтақаларда деҳқончилик дарёларнинг қуйи соҳилларида амалга оширилган ва хўжалик таъминотида ёрдамчи рол ўйнаган.

Қозоқ деҳқонлар турли дон экинлари, асосан тариқ етиштиришган, У Қозоғистоннинг оғир табиий шароитида қатор афзалликларга эга эди. Аввало, ортиқча парвариш талаб қилмайдиган бу экин мунтазам ва мўл ҳосил берарди. Қозоқ далаларида тариқ экилгани ҳақида қатор манбаларда маълумотлар берилган. И. Барбиरो узоқ йўлга отланган қозоқлар асал билан аралаштирилган тариқ толқони солинган халтани ўзи билан олишини ёзган. “Бундай овқат захираси уларнинг манзилгоҳлардан 10, ҳатто йигирма кунлик масофага узоқлашишига имкон берган”.

Буғдой, тариқдан ташқари қозоқлар арпа ва сули ҳам экишган. Бундан ташқари жавдар (қора буғдой), шоли ва полиз экинлари экишган.

Кўчманчиларнинг деҳқончиликка қўл уришига ҳамиша иқтисодий зарурат мажбур қилган. Ўтроқ ҳаётга энг аввало кўчиб юриш имконидан айрилган камбағаллар ўтишган. Молларидан айрилиб, ўтроқлашиб қолганларни жатақлар (ётиб қолганлар) деб аташган. Шу билан бирга ўтроқ аҳоли вакиллари етарлича мол орттиришга муваффақ бўлиши билан яна кўчманчи ҳаётга ўтишган. Кўчиб юриш имконияти қозоқларда ҳамиша фаровонлик белгиси ҳисобланган.

□ Нима қозоқларни ўтроқлашишга мажбурларди?



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари:

- 1.1. XVII асрдан Туркистон савдо нуқтаси ва хон қароргоҳи бўлиши билан бирга асосий ____ марказ ҳам бўлган.
- 1.2. Давлат бинолари, масжид, бозор, устахоналар жойлашган шаҳарнинг мустаҳкамланган қисми ____ деб аталган.
- 1.3. Қозоғистоннинг кейинги ўрта асрлар шаҳарларида кулол усталар ____ га бирлашганди.
- 1.4. XV–XVII асрларда қозоқ даштлари орқали савдоларда ____ Осиё ва ____ ўртасидаги савдо алоқаларининг ўрнатилиши янги воқеа бўлди.
- 1.5. Экинчилик азалдан деҳқончилик маданияти мавжуд бўлган ҳудудларда, Қозоғистоннинг ____ ва ____ қисмида муҳим аҳамият касб этди.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. XV–XVII асрларда IX–XI асрларга нисбатан Жанубий Қозоғистондаги шаҳарлар сони деярли ____ камайди:

- А) 3 марта
- В) 4 марта
- С) 5 марта
- Д) 2 марта
- Е) 6 марта

2.2. XVI асрда муҳофиза истиқомлари билан машҳур ва забт этилмас қалъа сифатида машҳур эди

- А) Тараз
- В) Фараб
- С) Баласоғун
- Д) Саврон
- Е) Сигноқ

2.3 XVII асрдан Қозоқ хонлиги сиёсий марказига айланган шаҳар

- А) Суяб
- В) Туркистон
- С) Баласоғун
- Д) Тараз
- Е) Сигноқ

2.4. “Савдо кўрфази” ва дастлабки қозоқ хонлари қароргоҳи бўлган шаҳар

- А) Саврон
- В) Фароб
- С) Баласоғун
- Д) Тараз
- Е) Сигноқ

55-§.

XV–XVII АСРЛАРДА ҚОЗОҚЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ

Берилган мавзунинг тадқиқ этгач, сиз қуйидагиларни ўрганасиз:

- XV–XVII асрлардаги қозоқлар маънавий маданияти ривожланишининг ўзига хосликлари;
- Қозоқларнинг маънавий маданиятининг замонамиз учун аҳамияти;
- Қозоқлар маънавий маданиятининг “Мангу эл” ғояси асоси эканлиги.

XV–XVII асрлар даври қозоқ халқи маданияти тарихида алоҳида ўрин тутди. Айнан шу даврда ўзига хос халқ ижодиёти, ёзма адабиёт ва оригинал мусиқа санъати шаклланди. Оқинлар, жировларнинг фаолияти ва кўп сонли айтишувларда мунтазам маҳоратини ошириб бориши натижасида қозоқ тили шаклланди.

Жиров, оқинлар Буюк Дашт элининг руҳини ўзида ташийдди. XV–XVII асрларда – қозоқ оғзаки халқ ижоди гуллаб яшнаган давр жиров даври сифатида тилга олинади. Жировлар ҳозиржавоб шоирлар бўлган. Уларнинг

асосий жанри – *тўлғов* (шеърӣй шаклда фикрлаш ва насихат бериш). Тўлғовларнинг бир неча фарқли турлари бор. Йўқлов (ҳаётдан кўз юмганларни уларнинг фазилатлари, жасоратларини эслagan ҳолда хотирлаш) кенг тарқалган. Жировларнинг эслатишлари насихат йўналишида бўлади. Уларнинг кўп мисралари вақт ўтиши билан мақол ва маталларга айланиб кетган.

Жиров шоирлар халқ ичига “эзгу сўз”, “эзгу амал” ва “эзгу ният” тушунчаларини олиб кирдилар. Шу шаклда улар қозоқ маданияти ва дунёқараши шаклланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.



Жировлар назмининг асосий мавзуларини кўрсатинг.

Кўп ҳолларда жировлар таниқли сиёсий арбоблар, хон маслаҳатчилари, уруғ раҳбарлари, лашкарбошилар ҳам бўлишган. Қазтуған XV асрнинг ўрталарида энг эъзозланган жировлардан бири бўлган. У таниқли лашкарбошилардан бири бўлиб, жанговар жасоратларни куйлаган, дашт қабилаларининг Қозоқ хонлари туғи остида бирлашиши учун курашган.

Қозоқ оғзаки шеърияти вакиллари номлари тарихда сақланиб қолган: Шалқиз жиров ва Дўспанбет жиров (XV–XVI аср), Жиембет (XVII аср). Дўспанбет жировнинг қўшиқлари ҳарбий юришлар, жасоратлар, жангчининг номуси ва бурчи ҳақида ҳикоя қилади. Шоир 1523 йилда Астрахань яқинида жангда ҳалок бўлган.

Қозоқ халқ маданияти тарихида Шалқиз Тиленшиули сезиларли из қолдирган. Унинг ватанпарварлик мавзусидаги поэзияси чуқур фалсафий мазмун, бой бадий образларга бой.



Нима учун жировлар шеърияти қозоқ жамиятига зарур эди?

Жировлар шеърияти анъаналарини Жиенбет жиров давом эттирди ва бойитди. У “Есил” қаҳрамонлик достони муаллифи эди. Ботир эди, Есимхон даврида Кичик жузнинг бийи бўлган. Ўйратларга қарши урушларда қатнашган.

XV–XVII асрдаги жировлар ижодини бирлаштирадиган жиҳат – аскарлар ва ватан ҳимоячиларининг шеърияти эканлиги.

Жировлар аждодлар арвоҳларига инонч ва миллий бирлик мафкурасини ўзларида тамсил этган ёрқин вакиллар эдилар. Айнан жировлар қаҳрамон ботирлар эпоси яратувчилари эди. Шунинг учун ҳам бутун дашт арвоҳлари кучини юзага чиқарувчи сифатида уларнинг салобати кўринган. Айнан дашт жировлари Буюк даштнинг кўплаб уруғ ва қабилаларининг маънавий бирлашиши асосини қўйдилар.



Жировларнинг ҳозиржавоблиги қозоқ маданиятининг олтин жамғармасига киритилди.

Қозоқ жамиятида улар яна ким сифатида кўзга кўринган?



Қўбиз.



Дўмбира.

Жировларнинг ўзига хослиги – шахсий фазилатлари, кенг дунёқараши, нотиклик санъати ва фаол фуқаролик мавқеи туфайли улар ҳукмдор ва оддий халқнинг ўртасидаги кўприк бўлишган. Хонлик тақдирига таъсир этиши мумкин бўлган вазиятларда жировлар хон ва халойиққа ўз насиҳатини беради, муаммонинг шундай ечимларини таклиф этадики, унга хон ҳам, халқ ҳам қулоқ солади.

XV–XVII асрлардаги жировлар Шалқиз, Дўспанбет ва Жиенбетлар ижодини бирлаштирувчи умумий жиҳатларни айтинг.

Муסיқий ижод. Меҳнат фаолияти, одат ва удумлар муסיқий асбоблар ва вокал ижодиётида ўз аксини топган. Қозоқлар, қатор бошқа миллатлар каби, фақат яккахон ижрони билишарди. Ҳар бир оқин ва қўшиқчининг албатта дўмбираси бўлган, қўбиз ҳам кенг тарқалган.

XVI–XVII асрларда халқ чолғу асбобларини чалиш қозоқларнинг маиший турмушидан мустаҳкам ўрин олди. Иқтидорли халқ муסיқачилари эпик, тарихий, эртак ва маиший мавзуларда куйлар яратдилар. Дўмбирада куй ижро этишдан аввал ижрочи одатда асар мазмунини қисқача айтиб берарди ва ҳикоясини “бу ҳақда дўмбира қандай ҳикоя қилишини тингланглар”, деб тугатарди. Масалан, “Бўзтўрғай” куйида полапонларини илондан ҳимоя қилаётган қушнинг ҳиссиётлари тасвирланади. Дўмбира овози орқали унинг хавотири, жўжаларнинг аянчли чирқиллаши, қанотларнинг қалтираши ва қушнинг болаларини сақлаб қолиш учун ҳалок бўлиши тасвирланади.

Бир шахсинг ҳам айтувчи, ҳам муסיқачи, ҳам қўшиқчи ва шоир бўлиши қозоқларда анъана тусига кирганди. Оғзаки адабиёт хазиналарини қобилиятли одамлар – оқинлар, жировлар, қўшиқчи-ижодкорлар яратганлар ва авлоддан авлодга етказганлар. Оқин, жиров, жирчи, ўланчи тушунчалари бир-биридан анча фарқ қилади.

Сизга таниш бўлган қозоқ халқи муסיқий асарларини айтинг ва тасвирланг.

Ижодкорлик қобилиятига эга, бир зумда шеър тўқишга қодир одамларни қозоқлар оқинлар, деб аташган. XV–XVII асрларда уларнинг аҳамияти кучайиб борди. Оқинлар айна вақтда халқ оғзаки ижоди намуналари ижрочилари ҳам бўлишган. Улар жирчи, айтувчи ва ўланчиларга бўлинган.

Бола туғилганда, тўйларда, таъзияларда, янги йил – Наврўзни кутиб олишда айтиладиган анъанавий қўшиқлар алоҳида ўрин тутган.

Қозоқ қўшиқ санъатининг кенг тарқалган турларидан бири терме эди. Халқ мусиқаси асосида оқинлар ўз ижодини яратган. Жирчилар эпик ва тарихий дostonлар, эртақлар, ривоятларни такрор айтиб беришган.

XV–XVII асрларда вокал ва мусиқий асбоблар санъати
ривожланиши сабабларини тушунтиринг.

Мақоллар ва маталлар. Кўп сонли мақоллар ва маталлар шу даврдаги халқ ижодиётининг ривожланганидан далолат беради. Уларда шоирона халқнинг донолиги, маданияти, ҳаётий тажрибаси акс этган. Қисқа каломларда насихат ва маслаҳатлар берилади, одамларнинг нуқсонлари танқид қилинади. Масалан, меҳнат ҳақидаги ушбу мақолни кўринг:

Омочни бирга тортганлар хирмонда жанжаллашиб қолмайдилар.

Меҳнатнинг таги роҳат.

Тош бошни ёради,

Меҳнат тошни эзади.

Баҳор кузнинг келишини кўрсатади.

Маиший маталлар ҳаётни образлар воситасида акс эттирарди.

Тегирмонда туғилган сичқонни момақалди роқ билан қўрқитолмайсан.

Ёпинчиқли одам ёмғирда эзилмайди.

Отилган ўқ қайтиб келмайди.

Туяга минган қўйларнинг орасига яширина олмайди.

Эртақлар ва эпос. Оғзаки ижод жанрларидан бири эртақлар ҳисобланади. Турли туман ва ранг-баранг қозоқ эртақлари халқнинг ҳаётини акс эттиради. Эртақларда жамоат ҳаёти, халқнинг орзу-ҳавасларини тушуниш учун жуда кўп маълумот беради. Турли эртақ жанрлари мавжуд бўлган. Ҳайвонлар ҳақида, фантастик, маиший, реал, сатирик эртақлар бор.

Сиз биладиган қозоқ эртақлари ва уларнинг турларини санаб беринг. Қозоқ эртақларининг қайси қаҳрамонлари сизга маълум ва улар нималарни тамсил этадилар?

Асрлар давомида қозоқ халқининг “Қўблонди ботир”, “Алпомиш”, “Ертарғин”, “Қамбар ботир” қаҳрамонлик эпослари, авлоддан авлодга

мерос қолмоқда. Ижтимоий-маиший дostonлар ёшларнинг муҳаббатига бағишланади. Уларда маиший ҳаёт, анъаналар, удумларни тасвирлашга катта ўрин ажратилади. “Қўзи Кўрпеш ва Баян Сулу”, “Қиз Жибек”, “Айман Шўлпан” дostonлари кенг тарқалган.

Халқ оғзаки ижоди ва жировлар поэзиясининг турларини айтинг ва тавсифланг.

Қозоқ лирик дostonлари тўқилишига Шарқ халқларининг мумтоз асарлари катта таъсир қилган. “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун”, “Тоҳир ва Зухра” ишқий лирик қўшиқлари қозоқ овулларида ҳам куйланган.

Қозоқ оғзаки адабиётида қуйидаги жанрлар кенг ривож топди: мақоллар, топишмоқлар, нақллар, афоризмлар, қўшиқлар, айтишувлар.

XV–XVII асрларда нотиклик санъати амалда бўлди ва ривожланишда давом этди. Нутқларда қозоқ оғзаки ижодиётининг ўзига хослиги аксини топди.

Ёзма адабиёт турларини айтинг ва тавсифланг. XV–XVII асрларда қозоқлар орасида тарқалган китоблар рўйхатини тuzинг.

Ёзма адабиёт. XV–XVII асрларда қозоқлар орасида диний йўналишдаги этнографик ва тарихий характерга эга қозоқлар генеалогия (шажара) сига оид китоблар тарқалганди. XVII асрдаги Қадирғали Жалаирнинг “Жами ати таворих” китоби қозоқ тарихий адабиётининг муҳим ёдгорлиги ҳисобланади.

Шундай қилиб, оғзаки ва ёзма адабиёт XV–XVII асрларда ривожланишда давом этади. У ўтган давр маданияти билан боғлиқ бўлган, қозоқ миллий адабиётининг янада ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилган.

Дашт маданияти асосини қуйидагилар ташкил этганини далилланг: адолат тимсоли бўлган бийлар; жасурлик тимсоли бўлган ботирлар; халқнинг фикрини билдирган, унинг маънавий бирлигининг тимсоли бўлган жировлар.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари:

- 1.1. Қозоқлар ва баъзи халқларга ижронинг фақат _____ шакли маълум бўлган.
- 1.2. _____ ҳар бир оқин ва ижрочининг мусиқий асари ва мулки бўлган.
- 1.3. Импровизация қобилиятига эга, шеърларни ҳозиржавоблик билан тайёрловчи одамни _____ деб аташган.
- 1.4. Қадирғали Жалаирнинг “Жамиати Таворих” қозоқ тарихий адабиётининг _____ аср ёдгорлиги ҳисобланади.

1.5. _____ хозиржавоб-шоир, шеърий шаклдаги тўлғов-фикрлаш ва насихатлар муаллифлари эдилар.

! 2. Бир ёки бир неча ёпиқ тест вазифалари

2.1. Қозоқ халқининг оғзаки ва ёзма мусиқий санъати шаклланган давр:

- А) XIII–XIV аср
- В) XIV–XV аср
- С) XIV–XVI аср
- Д) XV–XVII аср
- Е) XVIII–XIX аср

2.2. Халқнинг анъаналари ва удумларини тасвирловчи ижтимоий-маиший дoston ҳисобланади:

- А) Қўзи Кўрпеш ва Баян Сулу
- В) Қўбланди ботир
- С) Қамбар ботир
- Д) Ертарғин
- Е) Алдар кўса

2.3. Қадирғали Жалойирнинг XVII асари қозоқ тарихий адабиётининг ёдгорлиги ҳисобланади.

- А) Бобурнома
- В) Жамиати таворих
- С) Тарих-и Рашидий
- Д) Тарих-и Абилхайр-хоний
- Е) Қутадғу билиг

56-§.

XV–XVII АСРЛАРДА ҚОЗОҚЛАРНИНГ АНЪАНАЛАРИ ВА МАИШЕЙ ҲАЁТИ

Мазкур дарс давомида сиз:

- Қозоқлар маиший ҳаёти, яшаш тарзини аниқлашингиз;
- Ўтовнинг рационаллигини, унинг тузилишини баҳолашингиз;
- Халқ одатлари ва анъаналарини билишнинг қадрини ва аҳамиятини муҳокама қилишингиз лозим.

XV–XVII асрларда қозоқлар ислом дини билан бирга Тангрига ибодат қилиш билан боғлиқ қадимий дин удумларини ҳам бажаришган. Қозоқлар аждодлар руҳи – арвоҳларни эъзозлашган. Қозоқчада Ар – номус маъносини беради, Ру – оила, уруғ, Ақ – ёруғ, муқаддас маъноларини беради. Инсоннинг энг муҳим вазифаси арвоҳлар номусини унутмаслик ва оёқ ости қилмаслик.

Ҳар бир қозоқ учун ўз гениалогия (шажара) сини билиш муҳим эди. Турклар авлоди бўлган инсон ўз уруғидаги аجدодларнинг давомчиси бўлган ва авлодларида давом этган. Вақтни ҳис этиш қозоқларда авлодлар узвийлигига тигиз боғланган.

Қозоқларда аجدодлар руҳига ибодат қилиш ва уларни эъзозлашнинг шаклланиши илдизлари сабабларини белгиланг.

Оловга (Ўт онага) топиниш катта аҳамиятга эга бўлган. Қозоқларда олов билан тозалаш – халослаш (аластау) одати сақланиб қолган. Бу одат қишлоқдан яйловга кўчиш вақтида ўтказилган. Яйловга олиб борувчи катта йўлнинг икки томонида улкан гулханлар ёқилган, одамлар ва қўй отарлари улар орасидан ўтказилган. Янги оилага кириб келган келинчак оловга салом берган ва унга мой қуйган.

Тақвим. Чексиз даштларда мунтазам ҳаракатланиш кўчманчиларни маконда йўналишни тўғри аниқлаш, юлдузларга қараб йўл топиш, қудуқлар, яйловлар, дарахтзорларнинг жойлашган ерини аниқлаш ўргатган.

Ўрганилаётган даврда халқ орасида вақтни белгилаш билан шуғулланувчи ҳисобчилар бўлган. Уларнинг бу ҳунари авлоддан авлодга мерос қолган. Ҳисобчилар кўп авлодлар тажрибасидан фойдаланишган, йиллар давомида кузатувлар олиб боришган, об-ҳавони олдиндан айтишган, мавсумий кўчишлар вақтини бергилашган, қозоқ халқ тақвими учун кабиса йиллари белгилашган.

Тақвим ва қозоқларнинг астронимик билимлари бир бири билан қандай боғланган?

Ҳисобчиларнинг кузатишлари йилни 12 ойга бўлиш имконини яратган. Халқ ҳаётида 12 йиллик мучал тақвими катта рол ўйнаган. Ундаги ҳар бир йил ҳайвон номи билан аталган: сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўнғиз.

Нима учун қозоқлар фойдаланган тақвимда 12 йил кўрсатилган?

Йил боши баҳорги тенг кунликка тўғри келган ва Наврўз байрами билан бошланган. Бу кун кейин нишонланган: меҳмонга боришган, мусобақалар уюштиришган, фаровонлик ва ҳосил тимсоли – Наврўз-қўжа тайёрлашган.

Қозоқ халқининг яшаш жойи моддий маданиятнинг ажойиб ёдгорлиги. Ўтов – кўчманчиларнинг асосий яшаш жойига айланган. У ёғоч ва кигиздан

ишланган. Асосини кереге, гумбазини чанғароқ ташкил этган. Радиал ходалар – увиқлар билан мустаҳкамланган. Ўтов майдони унинг арқонлар сонига боғлиқ бўлган. Оддий кўчманчилар 6–8 арқонли ўтовларда яшашган. 12 арқонли ўтов майдони 100 кв.м. га етган. Бой қозоқлар 12, 15, 18 арқонли ўтовларда умр суришган.

Пастдаги ўчоқдан юқоридаги чанғароқчага ўтов ичида бутун коинот аэктганини исботлашга уриниб кўринг.


Вазифасига кўра ўтовлар бир неча хил бўлган: меҳмон ўтови, уй жой ўтови, сафар ўтови, қўшимча ўтовлар.

Меҳмонлар ва уй эгаси қандай ва нега шундай жойлашган?

Қозоқларнинг қадимий яшаш жойи – ўтов:

ЧАНҒАРОҚ – оила мулки, авлод давом этиши тимсоли. Уни тескари

ўгириш ва тушириб юбориш мумкин эмас.



Ўтовнинг анжомлари билан бирга умумий оғирлиги

300–400 кг –

(бир туя юки) бўлган.



Кираётган одам бошини этиши учун (қабул қилаётган чанғароқча хурмат маъносидда) остонани юқори, пештоқини паст қилишган.

Ўтовда ҳарорат ҳамиша ўртамиёна, уни ўзгартириб туриш мумкин:

Ташқарида	Ўтовда
+25–27°C	+17–19°C
–30–35°C	+5–8°C


Ўтовни 2–3 одам 1 соатда қуя олади

Кереге баландлиги 2 м атрофида



1. Кереге
(ййгма панжарали девор). Аввал кереге ўрнатилади, унинг алоҳида қисмлари қанотлари деб аталади.

Ўтов диаметри 4,5–8 метр атрофида



2. Чанғароқ
(гумбазнинг энг юқорисидаги думалоқ анжом). Махсус айри ёғоч ёрдамида ўтовнинг юқори қисмини кўтаради.

Ўтов баландлиги марказида 4–5 метр



3. Уиқ
(гумбаз ёғочлари). Чанғароқни тутиб туриши учун ўрнатилади.



4. Сиқирлауқ
(эшиклар). Икки томондаги ходаларга эшиклар мустаҳкамланади.



5. Кигиз
Ўрнатилган ўтов оқридан пастгача кигиз билан ўралади. Кейин узун арқонлар билан кигиз уиқларга боғланади. Кигизнинг тўрт тури бор:



Кигизнинг тўрт тури бор:
1. **Туирлиқ** (деворлар учун)
2. **Узиқ** (деворнинг юқори қисмидан чанғароқчага)
3. **Тундик** (чанғароқ ўстига)
4. **Кигиз эшик** (ўтовнинг эшиклари қопланади)

Ўтовнинг ёғоч қисми қуритилган мажнўнтол, оққайин ёки терақдан ишланган

Кўчманчининг кигиз уйи ўртасида ўчоқ бўлган. Кириш жойи қаршисида фахрий ўрин – тўр, эшик ёнидаги майдон бўсаға деб аталган. Ўтов ичи турли ёғоч, чарм, кигиз буюмлар билан жихозланган, гилам ва кўрпачалар ёзилган. Қишда иссиқлик сақлаш учун ўтов икки қават кигиз билан ўралган.

Қозоғистоннинг шимоли-шарқий минтақаларида ёғоч, тош, ғишдан қурилган доимий уй-жойлар бўлган.

Нима учун кўчманчиларнинг асосий уй жойи ўтов бўлганини тушунтириб беринг.

Кийим-кечак. Қозоқларнинг миллий либосларида этник, иқтисодий ва иқлим шароитлари билан боғлиқ анъаналар ўз аксини топган. Кийим-кечак мовуд, жун, ипак газламалар, кигиз ва мўйналардан тикилган. Терилардан пўстинлар тикилган, улар ташқи томонидан ипак, мовут, парча билан қопланган. Туя жунидан тўқилган узун плашч – чакмон (шекпен) ҳам қадимдан келаётган либос. Эркаклар ва аёлларнинг асосий кийими жун ва ипакдан тикилган чопонлар бўлган.

Эркаклар ва аёллар бош кийимлари хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Баҳорда ва кузда қозоқлар мўйна билан ўраб тикилган думалоқ шаклдаги бўрк кийишган. Қизларнинг бўрки ҳалқалар ва укки патлари билан безатилган. Қишда тумоқ кийишган. Аёёлларнинг бош кийимлари ичида энг гўзали тўйларда кийиладиган саукеле эди. Чақалоқ туғилиши билан жувон оқ матодан тикилган кимешен кийган.

Эркаклар этиги от минишга мослаб қўнжи тиззадан юқори, пошнали қилиб тикилган. Аёллар оёқ кийими нозиклиги ва чиройли нақшлари билан ажралиб турган. Эркаклар ва аёллар албатта *белбоғ* тақишган.

Таомлар ҳар бир халқнинг моддий маданиятининг бир қисми ҳисобланади. Қозоқлар асосан гўшт ва сут маҳсулотлари истеъмол қилишган. Бия сутидан қимиз, туя сутидан қимрон (шубат) тайёрлашган. Сигир, эчки ва қўй сутидан айрон, турли пишлоқлар, сариеғ олинган.

Меҳмонларни қандай таомлар билан кутиб олишган?
Таомлар мавсумга кўра қандай ўзгарган?

Қуритилган сузма, қурт қиш кунлари овқатга ишлатилган, уни қайноқ шўрвада эритишган. Эчки ва қўй сутидан бир неча хил пишлоқлар тайёрланган.



Эркак бош кийимлари.



Эркакча чопон.



Эркак
халат-чопони.



Аёллар туни.



Эркакча чарм чопон.



Эркакча иштон, белбоғи ва этиги.

Дон экинларидан асосан тариқ, озроқ – буғдой ва арпа истеъмол қилинган. Тариқдан қозоқлар тариқ кўжа, тариқ талқон, байрам таоми жент тайёрлашган. Нон, бўғирсоқ тайёрланган.

Қозоқларнинг асосий таоми гўшти овқатлар бўлган. Энг қимматбаҳо гўшт йилқи гўшти ҳисобланган. Ундан қовурдоқ, шужиқ, қарта, қази, ёл гўшти каби таомлар пиширилган. Қайнатилган гўшт, бешбармоқ қозоқларнинг асосий овқати эди

□

Ҳар қандай халқнинг таоми моддий маданиятининг бир қисми ҳисобланади, қозоқларнинг миллий таомлари ва уларнинг ўзига хослигини айтиб беринг.

Анъаналар ва удумлар халқнинг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттиради. Қозоқларда улар табиат билан тотувликда яшаш, аждодларни ҳурматлаш, ўз халқининг одатларига риоя этишни талаб қилади.

Меҳмонни худонинг элчиси каби қабул қилиш, унга таом ва уй жой бериш, меҳмоннинг мезбондан истаган нарсасини сўраб олиши – ушбу ва қозоқ меҳмондорчилигига оид бошқа анъаналар чуқур тарихий илдизларга эга.

Қозоқ халқ одатлари никоҳ удумларида яхши сақланган. XV–XVII асрларда ислом қозоқ халқининг оилавий ҳаётига катта таъсир қилмаган эди, мулланинг никоҳ ўқиши одат тусига кирмаган. Оилавий муносабатлар халқнинг умумий розилиги ва “Ёр-ёр” қўшиғини куйлаш орқали мустаҳкамланган.

Куёв келин ва унинг сепи учун ҳақ – қалим тўлаган. Қалимдан ташқари куёв турли анъанавий совғалар ҳам тайёрлаган. Қизнинг онасига сут ҳақи, отасига тўй харажати, келиннинг ака-укаларига тортиқ (эгар, белбоқ ва ш.к.), келиннинг яқин қариндошларига ҳадиялар беришган. Келиннинг ота-онаси ҳам совғалар беришган. Камбағалларга кўпинча қариндош-уруғлари ва дўстлари ёрдам беришган.

Келиннинг сепи қиммат, баъзида қалимдан ҳам қиммат бўлган. Унинг ота-онаси кийим-бош, тўй учун, саукеле тикишган, келиннинг уй-жойи учун зарур барча анжомларни беришган.

□

Ҳар қандай жамиятда халқ анъаналарнинг сақланиши мазмуни нимада?
Қозоқ халқининг қандай одатларини биласиз?

Келинни қиз уйдан кузатаётганда айтиладиган қўшиқлар унинг бошқа оилага кўчиши, жигарларидан ажралишини ифодалаган. Куёвнинг овулида келинни “беташар” қўшиқлари билан кутиб олишган. Бу қўшиқларнинг биринчи қисмида келин куёвнинг ота-онаси ва қариндошларига таништирилган, иккинчи қисмида унга насиҳатлар берилган.

□ Қозоқларда баъзи қадимий анъаналарнинг сақланиб қолиш сабабларини тушунтиринг.

Қозоқ халқи ҳаётида халқ байрамлари катта рол ўйнаган. Уларда турли спорт ўйинлари ташкил этилган: кураш, чавандозлар кураши (сайис), кўпкари ва бошқалар. Чавандозлар пойгаларида жуда кўп одамлар қатнашган. Олтин қабақ, жамби ату ўйинларида қатнашувчилар олтин ёки кумуш тангани камон билан нишонга олишган. Ўйин иштирокчилари учун қимматли совғалар кўзда тутилган.

□ Қозоқ халқининг оилавий қадриятларини айтинг ва уларнинг аҳамиятини тушунтиринг.
Этика ва анъаналарнинг узвийлигини кўрсатинг.

Кўчманчилар ҳаётида жанговар анъаналар катта аҳамиятга эга, чунки дашт аҳолиси қуролланган халойиқдан иборат бўлган.

Кўчманчи қозоқларда мунтазам қўшин бўлмаган, зарурат туғилганда уруғ – қабилалардан халқ лашкарлари тўпланган. Ҳар бир уруғ – қабиланинг лашкарлари алоҳида аскарий қисмга тўпланган, унга уруғ раҳбари бошчилик қилган. Лашкарлар ўз байроғига ва уран – жанговар шиорига эга бўлган. Бундай лашкаргар бирлашиб улус қўшинини ташкил этган. Улус раҳбари улус қўшинини бошқарган, унинг ўз байроғи бўлган. Бирлашган қўшинларга хон шахсан қўмондонлик қилган, барча қийинчиликларда аскарлари билан бирга бўлган. Жангларда аскарларга раҳбарлик қилган. Масалан, Мурундуқ хон, Қосим хон жангларда яраланган, Мамаш хон халок бўлган, Тауэккел хон олинган яралар асоратидан вафот этган.

Бу даврда қозоқларнинг асосий қуроли қилич ва камон бўлган. Шунингдек жанговар болта, гурзи, тўқмоқ, узун найза, душманни эгардан йиқитишга мўлжалланган илмоқлар ҳам тилга олинган.

XVII асрнинг охиридан бошлаб қозоқлар тайёрлаган ёки ўрта Осиё ва Россия шаҳарларидан сотиб олинган ўт очувчи қуроллар ишлатила бошланган. Порох ва ўқларни қозоқлар ўзлари тайёрлашган. Манбаларда ёзилишича улар сифатли порох тайёрлашган ва қўрғошин эритишган.

Кўчманчиларнинг ҳарбий анжомлари қаторида жанговар туғлар алоҳида ўрин тутган. Байроқлар муқаддас тимсол сифатида эъзозланган ва юришларда, жангларда аскарларни бошқаришга ёрдам берган. Ҳар бир уруғ, улус раҳбарлари ва хон ўз байроғига эги бўлган. Шу замондан қолган “тўққиз туғли хон” ибораси жуда кучли ҳукмдорларга нисбатан

ишлатилган. Ўрта асрлардаги муаллифлар қозоқ хонларини айнан шундай тасвирлаганлар.

Қозоқлар ҳаётида ҳарбий анъаналар қандай рол ўйнаган?
Уларнинг аҳамияти қандай?

Хизматга чақирилганда ҳар бир аскар ўзи билан камида иккита жанговар от ва етарлича қурол-аслаҳа олиб келишган. Замондошларининг гувоҳлик беришича, дашти-қипчоқда “жангларда жонини аямай, хатардан қўрқмай, олдинга ташланиб душманни яксон қиладиганлар жуда кўп бўлган.

Манбаларда кўчманчи қабилаларнинг жанговар санъати ҳақида жуда кўп маълумотлар бор. Шулардан бири тўлғама (душманни икки томондан айланиб ўтиб, орқадан зарба бериш) усули ҳисобланади. Бобур дашти-қипчоқ кўчманчиларининг жангдаги маҳорати сифатида таърифлаган бу усулни ўз асарларида баътафсил таърифлаган. Шу ернинг ўзида Бобур кўчманчиларнинг бошқа жанг усуллари ҳақида ҳам ёзган.

Душман билан курашда кўчманчилар қандай тактик ва стратегик усулларини қўллашган?



Савол ва топшириқлар.

1. “Қозоқ эли” ғоясининг туғилиши даврига характеристика беринг.
2. Қозоқ халқининг маънавий меъроси замонавий ёшларнинг миллий ўз-ўзини танишни тарбиялашдаги аҳамиятини тушунтиринг.



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари.

- 1.1. Ўтовдаги фахрли жой _____ деб аталган, эшик ёнидаги жой _____ деб аталган.
- 1.2. Анъанага кўра кучли ҳукмдорларни _____ туғли хон деб таърифлашган.
- 1.3. Қозоқлар қази, қарта, ёл каби таомларни _____ гўштидан тайёрлашган.
- 1.4. _____ қўшиннинг муқаддас тимсоли ва юришларда, жангларда бошқариш воситаси бўлган.



2. Ёпиқ тест вазифалари.

- 2.1. Халқ йиғинларида эркак киши овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган, ёшлар унга жой бермаган, агар у:
 - А) Касал бўлса;
 - Б) Уйланмаган бўлса;
 - С) Фарзандсиз бўлса;
 - Д) Қуролсиз бўлса;
 - Е) Бошқа уруғдан бўлса.

2.2. Ҳар бир халқ лашкари ўз байроғи ва жанговар шиорига ___ эга бўлган.

- А) Уран
- Б) Бўсаға
- С) Тўлғама
- Д) Тамға
- Е) Инжу

2.3. Ўрта асрлар муаллифларининг ёзишича дастлабки қозоқ хонларининг туғлари мана шунча бўлган

- А) олтига
- Б) ўнта
- С) саккизга
- Д) тўққизга
- Е) бешта

57-§.

XVI–XVII АСРЛАРДАГИ ТАРИХИЙ АДАБИЁТ

Ушби мавзунни ўрганар экансиз:

- XVI – XVII асрлардаги тарихий адабиёт билан танишасиз;
- нима учун бу даврдаги илмий ва адабий дунёда Қозоғистонга эътибор кучайганини ўрганасиз;
- манбаларнинг берган маълумотлари қанчалик тўғрилиги баҳолашга ҳаракат қиласиз ва фикрингизни далиллайсиз.

“Бобурнома”. Туркий маданият хазинасида жуда кўп ўлмас асарлар бор, улардан бири кўпроқ “Бобурнома” деб танилган Бобурнинг (1483–1530) “Вақоӣ” асари ҳисобланади. Бобур ҳаёти – инсоний ирода ва жасорат, юқори даражадаги илмийлик ва бениҳоя камтарлик наъмунаси.

Бобурнинг ушбу асари хотиралар адабиёти жанрига киради. Бош қаҳрамон – муаллиф, у ўз номидан кўрган, билган, одамлардан эшитганларини ёзиб боради. Асар “Фалон йилдаги воқеалар” шаклидаги биридан кейин бири юз берган воқеалар тасвири сифатида ёзилган. Унда ўнлаб шахслар юзлаб катта-кичик воқеалар ўз ифодасини топган. Уларда давр қиёфаси акс эттирилган, ўша замондаги жамиятнинг барча қатламлари ҳаёти тилга олинган. Бобурнинг



Бобур.

бурч, номус, дўстга садоқат ҳақидаги фикрлари уни тарихчи, давлат арбоби, лашкарбоши сифатида тавсифлашга имкон беради.

Бобурнинг “Вақои” асари қайси адабий жанрга киради ва нимаси билан қизиқ?

Улкан тарихий материал ва унинг таҳлили “Бобурноманинг” илмий қийматини юксакларга кўтарди. У асар олимлар томонидан таниқли грек ва рим муаллифлари билан бир қаторга қўйилган ўрта асрлардаги ягона туркий тилли асар ҳисобланади.

Аввалги бобларда Бобурнинг XV – XVI асрларда юз берган воқеалар ҳақида хабарларини топинг. “Бобурнома” илмий қийматини баҳоланг.



Муҳаммад Хайдар
Дулати.

“Тарих-и-Рашидий”. Муҳаммад Хайдар (1499–1551) Дулат қабиласидан, шунинг учун уни илмий адабиётда Муҳаммад Хайдар Дулати деб аташади. Тақдир тақозаси билан у Бобур саройида таълим ва тарбия олди, кўп тарихий воқеаларни гувоҳи бўлди. Саройда сақланаётган ҳужжатлар, таниқли олимларнинг асарлари билан танишди.

Аввалги бобларда Муҳаммад Хайдарнинг XV – XVI асрларда юз берган воқеалар ҳақида хабарларини топинг. “Тарих-и-Рашидий” илмий қийматини баҳоланг.

У адабиёт, фанлар ва ҳунарларни чуқур ўрганди. “Хуснихати, расм чизиши, ўқ йўниши ва камон тортиши – ҳаммасига унинг қўллари моҳир эди”, – деб ёзади у ҳақда Бобур. Муҳаммад Хайдар туркий ва форсий тилларда эркин ёзган.

Муҳаммад Хайдар Бобурдан таълим ва тарбия олган.

Бу жихатнинг унинг ҳаёти ва ижодига таъсирини тушунтиринг.

Муҳаммад Хайдар буюк тарихчи, “Тарих-и-Рашидий” тарихий-илмий асар муаллифи эди. Асар форсий тилда ёзилган.

“Тарих-и-Рашидий”нинг асосий мавзуси XIV–XVI асрлардаги Мўғулистон тарихи. Унда шунингдек Марказий Осиёнинг бошқа халқлари тарихига оид бой материал жамланган.

Қозоқ хонлиги тарихига оид дастлабки манбалар қаторида муҳим ўрин тутати. Қозоқ хонлиги ташкил этилиш арафасидаги воқеалар ва ташкил этилиши тарихи ҳақида ягона узвий маълумотлар унинг хабарларида жой олган.

Нима учун Муҳаммад Ҳайдарни қозоқ давлатининг дастлабки тарихчиси деб аташ мумкинлигини асосланг.

“Жамиати тавориҳ”. Қозоқ тарихий адабиёти-нинг муҳим ёдгорлиги ҳисобланади. Бу китоб муаллифи Жалаир уруғидан бўлган Қадирғали Тауеккел хон қошидаги таъсирли бийлардан бўлган. 1587 йилда у султон Ўроз-Муҳаммад билан бирга руслар қўлига аср тушди ва узоқ вақт Москва шаҳрида яшади. Ўз ишини у рус подшоси Борис Годуновга берди.



Қадирғали
Жалоири.

Китоб XV – XVI асрлардаги қозоқлар тарихига бағишланади. Қадирғали ёзиб кетган қозоқ хонлари ва султонлари шажараси алоҳида қийматга эга. Ушбу асарда қозоқ хонлиги, унинг раҳбарлари ва ботирлари ҳақида материаллар баён этилган. Китоб қозоқ тилида араб ҳарфларида ёзилган, мақол-маталлар билан тўлдирилган, нафақат тарихий манба, балки XVI аср қозоқ тили ёдгорлиги сифатида ҳам қимматли.

Қадирғалининг ижоди – қозоқ қабиласи вакили томонидан яратилган биринчи тарихий асар ҳисобланади.

“Жамиати тавориҳ” китобининг ёзилиш тарихини тушунтириб беринг.

“Чингизнома”. Бу тарихий китоб XVI асрда Ўтемис хожи томонидан ёзилган. Унда Жўжи сулоласи тарихи баён этилган. Асарда XIII – XV асрлардаги сиёсий тарих, Олтин ўрдани бошқарган хонлар, шу даврдаги Ғарбий ва Жанубий Қозоғистон тарихи ҳақида кўплаб маълумот бор. Ушбу китобнинг яна бир эътиборга лойиқ жиҳати, унда қозоқларнинг халқ оғзаки анъаналари акс этган.

“Тарих-и-Абулхайрхон” XVI асрда ёзилган. Муаллиф: Усмон Кўҳистони. Китобда Абулхайрхон бошқаруви давридаги кўчманчи ўзбеклар тарихи баён этилган.

“Шажараи турк”. Муаллиф: Хива шаҳри хони, тарихчи, тақдирнинг мураккаб синовларидан ўтган инсон Абулғози Баҳодур (1603–1664). Ўзаро

урушлар давомида асирликда ҳам бўлган. Кўп йиллик курашлар ва сарсонликдан сўнг Хива тахтини такрор эгаллаган.

“Шажараи турк” китоби Чингизхон сулоласи тарихидан иборат, унда қозоқ халқи таркибига кирган турк қабилалари ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Абулғози Баҳодур тарихдан ташқари ҳарб иши ва назм санъати ҳақида ҳам асарлар ёзган.

Ўрта асрлардаги шарқ жамиятида билим юқори баҳоланган. Ҳукмдорлар нафақат ҳарбий муваффақиятлар, балки ўз пойтахтига олимларни жалб этиш ҳақида ҳам ўйлашган. Ҳар бир ҳукмдор, эътиборга лойиқ султон саройи қошида тарихчилар ва шоирлар бўлган. Бу ҳукмдорнинг қудрати ва таъсири кўрсаткичларидан бири бўлган. Саховат қилиш кенг тарқалган. Ҳар қандай саройда тарихчилар ва шоирларга жой топилган.



Абулғози шахсига характеристика беринг ва “Шажараи туркнинг” фан учун қийматини белгиланг.

Ўрта асрлар турк тарихчилиги нафақат фан вакиллари, балки ҳукмдорлар ва амалдорлар меҳнати билан ҳам яратилган.

Юқори лавозимли муаллиф дам олиш вақтида “халққа ўз қобилияти ва санъатини кўрсатиш учун тарих билан шуғилланган”, дейди Абулғози. У бировнинг иродасига маҳкум эмас, юқори лавозимли тарихчи ўз фикрларини эркин ифодалай олади. Бундай муаллифлар билимдон бўлгани учун нафақат ўтмишни, балки улар замонасида юз берган воқеаларни ҳам ақл тарозисига сола олишган. Бунга мисол сифатида Бобур ва “Бобурномани”, Муҳаммад Ҳайдар ва “Тарих-и-Рашидий”ни, Абулғози ва “Шажара-и турк” кўрсатиш мумкин. Ушбу тарихий асарларнинг барчаси ҳукмдорлар томонида ёзилган.



Нима учун тарихий асарлар ҳукмдорлар томонидан ёзилганини тушунтириб беринг.



Замондошлар ва тарихчиларнинг гувоҳлиги

XVI – XVII асрларнинг таниқли муаллифи Аҳмад Розий Муҳаммад Ҳайдар ҳақидашундай ёзган: “Ундан оламга эзгу ишлар келган, унинг жуда кўп ва юксак иқтидори бор эди; ҳуснихати тоза, услуби аниқ, назми нафис эди. Бениҳоя жасур, қўрқмас ва оқил лашкарбоши Қашқар орқали Тибетгача борди, Кашмирга кириб унга туғини тикди... ва мамлакатни мустақил бошқарди ва Кашмирда вафот этди. Унинг Қашқар ҳукмдори Рашидхонга бағишлаб ёзилган “Тарих-и-Рашидий” асари кўпчиликка маълум”.

Муҳаммад Ҳайдарнинг қандай сифатлари ва ишлари ҳақида муаллиф хабар бермоқда?



1. Очиқ шаклдаги тест вазифалари

- 1.1. “Бобурнома” жанрига кўра _____ адабиётига киради.
- 1.2. Муҳаммад Ҳайдар _____ ва _____ тилларда эркин ёза олган.
- 1.3. “Тарих-и-Рашидий” асарининг асосий мазмуни – _____ давлатининг XIV – XVI асрлардаги тарихини акс эттиради, китобда шунингдек _____ тарихи бўйича материаллар ҳам бор.
- 1.4. “Тарих-и-Рашидий” _____ тилида ёзилган.
- 1.5. “Жамиати таворих” китоби _____ тилида _____ ҳарфлари билан ёзилган ва нафақат тарихий манба балки _____ XVI аср тили ёдгорлиги ҳам бўлган.



2. Ёпиқ тест вазифалари

- 2.1. Асар жанрига кўра мемоар адабиётга киради
 - А) “Бобурнома”
 - Б) “Тарих-и-Рашидий”
 - С) “Жамиати таворих”
 - Д) “Тарих-и Абулхаирхон”
 - Е) “Қутадғу билиг”
- 2.2. Ушбу асарни Европа олимлари грек ва рим муаллифлари асарлари билан бир қаторга қўйган.
 - А) “Бобурнома”
 - Б) “Тарих-и-Рашидий”
 - С) “Жамиати таворих”
 - Д) “Тарих-и Абулхаирхон”
 - Е) “Қутадғу билиг”

- 2.3. Муҳаммад Ҳайдар қуйидаги ҳукмдорнинг саройида таълим ва тарбия олди
- Бобур
 - Аҳмад Рози
 - Қадирғали Жалаири
 - Қосим
 - Абилай
- 2.4. Муҳаммад Ҳайдар нафақат лашкарбоши, балки қуйидаги илмий асар муаллифи бўлган иқтидорли тарихчи эди.
- “Тарих-и-Рашидий”
 - “Бобурнома”
 - “Жамиати таворих”
 - “Тарих-и Абулхайрхон”
 - “Қутадғу билиг”

“XV – XVII АСРЛАРДА ҚОЗОҒИСТОН ХОНЛИГИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА МАДАНИЯТИ”

9-чи боб бўйича такрорловчи-умумлаштирувчи дарс.

Саволлар ва вазифалар.

- Мазкур дарсликдаги маълумотлар асосида мавсумий кўчишларнинг ўзига хосликларини аниқланг.
- Қозоқларнинг вазифалари ва тўлайдиган солиқлари қандай бўлгани ва уларнинг анъанавий хужалик билан қандай боғланганини тушунтиринг.
- XV – XVII асрларда Жанубий Қозоғистоннинг савдо, экинчиликни ривожлантириш, сиёсий ҳаётдаги ўрнини баён этинг.
- XV – XVII асрларда шаҳар маданиятининг путурдан кетиши сабабларини очинг.
- Кўчманчи қозоқларнинг ўтовларга ўтиши сабабларини ҳикоя қилинг, нима учун ғилдиракли аравалар йўқолиб кетти?
- Ўтовни тўрдан бўсағагача, ўчоқдан чанғароққача тасвирланг, уларнинг анъанавий ва амалий аҳамиятини кўрсатинг.



1. Оқиқ шаклдаги тест вазифалари

- XVI аср ўрталарида ёзилган _____ тарихий асари Жўжи хоннинг сулоласи тарихини тасвирлайди.
- 1582–1598 йилларда _____ қозоқ хонлиги ҳукмдори бўлган.
- 1598–1628 йилларда _____ қозоқ давлатини бошқарган.
- Қадирғали Жалаирининг _____ асари XVI – XVII асрлардаги қозоқ тарихий адабиётининг муҳим ёдгорлиги ҳисобланади.

2. Ёпиқ тест вазифалари

2.1. Тавке хон даврида хон кенгашида ҳар қилувчи овозга эга бўлган.

- А) Рухонийлар
- Б) Бойлар
- С) Оқсоқоллар
- Д) Чингизийлар
- Е) Бийлар

2.2. XVI асрда Саврон шаҳри машҳур бўлган

- А) қўлга олинмас қалъа сифатида
- Б) илғор мемончилиги билан
- С) ҳунармандлик буюмлар билан
- Д) диний иншоатлари билан
- Е) маъмурий марказ сифатида

2.3. Қуйидаги салтанатнинг мустаҳкамланиши туфайли XVI асрнинг бошида Шайбонийлар дашти-қипчоқ қабилаларининг бир қисми билан Мовароуннаҳрга кўчиб кетишди.

- А) Оқ ўрда
- Б) Қозоқ хонлиги
- С) Абилхайр давлати
- Д) Мўғулистон
- Е) Олтин ўрда

2.4. XVII асрнинг охири, XVIII асрнинг бошида қозоқ хонлигида ҳуқуқ-тартибот ва давлат тузилишини белгилаган

- А) “Яса”
- Б) “Жети жарғи”
- С) “Қосим хоннинг қашқа йўли”
- Д) “Есил хоннинг эски йўли”
- Е) “Игельстромнинг ислоҳатлари”

Мувофиқлик бўйича тест вазифалари

- 1.
- | XVI аср тарихчилари ва уларнинг асарлари | Мавзулар |
|--|---|
| А) Усмон Кўҳистоний.
“Тарих-и-Абулхархон”
Б) Ўтемис хўжа.
“Чингизнома”
В) Абулғози Баҳодур.
“Шажара-и турк”
Г) Муҳаммад Ҳайдар.
“Тарих-и-Рашидий”
Д) Қадирғали Жалаири.
“Жами ат-тавориҳ” | 1. Абилхаир хон бошқарув давридаги “кўчманчи ўзбеклар” тарихи баён этилади.
2. XV – XVI асрлардаги қозоқлар тарихи, қозоқ хонлари ва султонлари шажараси ҳақида маълумотлар, мақол-маталлар билан тўлтирилган, қозоқ тилида ёзилган.
3. Чингизхон сулоласи тарихи, қозоқ халқи таркибига кирган турк қабилалари ҳақида қимматли маълумотлар.
4. XIV – XVI асрлардаги Моғулистон ва Қозоқ хонлиги тарихи, форс тилида.
5. XV асрнинг сиёсий тарихи, Жўчи сулоласи, Олтин ўрда ва Қозоқ хонлигини бошқарган ҳукмдорлар тўғрисида. |
- 2.
- | Асар | Ҳукмдорлар ва маданият арбоблари |
|--|---|
| А) “Тарих-и-Рашиди”
Б) “Жами ат-тавориҳ”
В) “Жети жарғи”
Г) Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси
Д) “Тарих-и Абулхаир” | 1. Муҳаммад Ҳайдар
2. Усмон Кўҳистони
3. Амир Темур
4. Қадирғали Жалаири
5. Тауке хан |
- 3.
- | Жуз | Уруғ-қабила бирлашмалари ва уларнинг ҳудудлари |
|---|--|
| А) Ўрта жуз
Б) Катта жуз
В) Кичик жуз | 1. Адай, Байбақти, Табин
2. Ғарбий Қозоғистон
3. Дулат, Уйсун, Суан
4. Марказий ва Шимоли-Шарқий Қозоғистон.
5. Арғин, Найман, Қипчақ.
6. Жануби-Шайқий Қозоғистон ва Еттисув |

УЧИНЧИ БЎЛИМ ХУЛОСАСИ

Қозоқ хонлигининг ташкил топиши ва ривожланиши ягона қозоқ халқининг тўла шаклланиши ва сақланиши учун катта аҳамиятга эга бўлди. XV–XVII асрларда қозоқ хонлиги ягона сиёсий тузилма бўлиб, тикланиш юксалиш ва емирилиш даврларини бошдан кечирди. Хонлик ҳудуди ташқи сиёсий жараёнлар тасирида кўп ўзгарди, аммо ҳамиша қозоқ этноси яшаган ҳудуд – Иртишдан Сирдарёгача ва Уралдан Тянь-Шаньгача чўзилган. Қозоқ халқи ўзининг азалий ҳудудларини ҳимоя қилди. **Буюк Башт Мамлакати** бегона ҳудудларни босиб олиш ҳисобига эмас сиёсий, иқтисодий ва этник умумийлик асосида шаклланди.

Икки асосий хўжалик тузуми – кўчманчи чорвачилик ва ўтроқ-деҳқончилик, шаҳар хўжалиги асосида иқтисодий тизим яратилди. Қозоқларнинг моддий ва маънавий маданиятининг ўзига хосликлари мустаҳкамланди. XVII асрда хонлик собиқ ягона давлат ҳудудида жузларга тарқалиб кетди.

Қозоқ хонлиги тўғрисидаги манбалардан олинган маълумотлар унинг ҳукмронларининг давлат тарақиётининг турли даврларида ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун олиб борган курашининг муваффақиятлари ва мағлубиятларини акс эттиради. Хонлик ҳукмдорлари мустақил ташқи сиёсат юритишган. Ўрта ва марказий Осиё мамлакатлари Россия давлати, қўшни халқлар билан тинчлик алоқалар ўрнатган. Бу муносабатлар қисқа ёки узоқ уруш ҳаракатлари туфайли узулиб қолиш ҳолатлари кам бўлмаган. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, қозоқ хонлари қозоқ қабилаларга қарашли ерларни бирлаштиришган ва ҳеч қачон қўшниларнинг ерига кўз олайтиришмаган.

Сиз қозоқ давлати тузилишининг боришини, қозоқ халқининг шаклланиши шароитларини, унинг ягона этник ҳудудини тушуниб олдингиз.

Сиз қозоқ халқининг миллий маданияти ўз илдизлари билан VI–VIII асрлардаги Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларидан бугунги кунгача давом этиб келаётган буюк даштининг маданий анъаналарига уланганини ўргандингиз. Узоқ давом этган этногенез туфайли қозоқларда ўзига хос миллий сифатлар шаклланди: сабр, ирода, меҳмондўстлик, мулозамат, катталарга ва кичикларга эҳтиром, бошқа диндаги ва миллатларга ҳурмат, табиатни эъзозлаш. Буларнинг ҳаммаси қозоқ халқининг **Буюк Башт Мамлакати** моддий ва маънавий маданиятида, одатларида, анъаналарида, удумларида акс этган. Уларни ўрганиш ва билиш “Мангу эл” миллий ғоясини амалга ошириш деганидир.

ҚОЗОҒИСТОН ТАРИХИ АТАМАЛАРИ ЛУҒАТИ

АВТОХТОНЛАР – маълум жойда шаклланган ва яшашда давом этаётган туб жой халқлар.

АДАПТАЦИЯ – ўзгараётган ташқи шароитларга мослашиш.

АМИР – давлат ёки вилоят ҳукмдори, хонлик ҳуқуқига эга бўлмаган ҳукмдорлар бу унвондан фойдаланишган.

АМУЛЕТ – тумор, касалликлар ва кулфатлардан асровчи восита сифатида баданга тақиб юрилган нарса.

АННАЛЛАР – воқеалар қисқача шаклда тасвирланган йилномалар шакли.

АНТРОПОЛОГИЯ – инсоннинг жисмоний қиёфаси келиб чиқиши ва ривожланишини ўрганувчи фан. Турли инсоний ирқ ва этносларнинг жисмоний қиёфасидаги фарқлиликларни ҳам ўрганеди.

АРЕАЛ – тарқалиш ҳудуди.

АРИСТОКРАТИЯ – киборлар, олий жамият. Масалан, қозоқларда уруғ аристократлари: бийлар, ботирлар (қорасуяклар вакиллари), чингизий султонлар, хўжалар ва сайдлар (оқсуякларда).

АРҚАР – архар. У хоннинг шон-шуҳрати, жанговар қудрати тимсоли ҳисобланган.

АРВОҲ (Аруақ) – пок аждодлар арвоҳи, руҳи (уларни чақирганларга ёрдам бериши ёки душманларни жазолашига ишонилган).

АСКЕТИЗМ – ортиқча ҳаётий неъматлардан воз кечган ҳолда камтарона яшаш. Сўфийларнинг кўпчилиги ва баъзи бир дин руҳонийларига (масалан, буддийлар ва христианларнинг монахлари) хос нарса.

АССИМИЛЯЦИЯ – бир халқ (ёки унинг бир қисми) бошқа халқнинг тили, анъаналари, маданиятини қабул қилиши ва ўз тили, этник ўз-ўзини танишини йўқотиши.

АТАБЕК – оталиқ, баъзи давлатларда тахт ворисини тарбияловчининг лавозими (ўғузларда, Оқ ўрдада ва бошқаларда).

БОЖ – деҳқонлар ва ҳунармандлардан йиғилган солиқ.

БОЙ – кўчманчиларда жуда кўп молга эга (бир неча минг от, қўйларга эга бўлган) бадавлат одам.

БОСҚОҚЛАР – мўғул хонларининг забт этилган мамлакатлардаги вакиллари (масалан, Русда улар шунингдек, солиқ йиғиш билан ҳам шуғулланишган).

БЕК – турк халқларида қабила аристократларининг унвони.

БЕКЛАРБЕГИ – бекларнинг беги, Олтин ўрдадаги олий лавозим. Хондан кейинги иккинчи шахс, қўшинлар ва ташқи сиёсатни бошқарган.

БИЙ – 1. Нўғай ўрдаси ҳукмдорининг унвони. 2. Уруғ аристократиясининг вакили, қози вазифасини бажарган, кўп ҳолларда уруғни бошқарган.

БУДУН – халқ (туркий халқ).

БУЮРУКЛАР – Ғарбий Турк ҳоқонлигида қозилик вазифасини бажарган амалдорлар.

ВАҚФ – мусулмон руҳонийларининг ери, ундан солиқлар ундириб олиш ҳуқуқи билан бирга олишган, даромадни масжид, мактаб ва мадрасаларга сарфлашлари лозим бўлган.

ВАССАЛ – бошқага боқим бўлган, турли топшириқларни бажариши шарт бўлган давлат ёки шахс.

ВАЗИР – Олтин ўрдадаги олий лавозим, девонга раҳбарлик қилган; шунингдек, қатор мусулмон мамлакатларида министр лавозими (масалан, Салжуклар, Хоразмшоҳлар давлатларида).

ГЕГЕМОНИЯ – бир давлат ёки шахслар гуруҳининг бошқа давлат ёки шахслар гуруҳига хўжайинлик қилиши.

ГЕНЕАЛОГИЯ – 1. Уруғлар ва алоҳида шахсларнинг келиб чиқиши билан шуғулланадиган фан. 2. Шажара. Алоҳида шахс ёки уруғнинг сулоласи ва қариндошлик алоқаларини акс эттирган ҳужжат.

ГУРҲОН – Хонлар хони, Қорахитойларнинг олий раҳбарининг унвони.

ДЕКОР – иншоотлар ёки буюмларни безаш тизими.

ЖАБҒУ (ЯБҒУ) – 1. Ўғуз давлати раҳбарининг унвони. 2. Ҳоқон унвони қабул қилингунига қадар баъзи турк салтанатларида олий раҳбарнинг унвони.

ДИНОР – Ўрта асрлардаги олтин танга.

ДИНАСТИЯ – бир уруғдан бўлган, бирин-кетин тахтга чиққан бир сулола вакиллари.

ДИРҲАМ – Ўрта асрларда аввало кумуш, кейин кумуш ва мис қотишмасидан ясалган танга. Дирҳам VI – XII асрларда савдода кенг фойдаланилган.

ДЕВОН – Олтин ўрда ва бошқа баъзи мамлакатларда олий ижро органи, давлат молияси, солиқлари, ички сиёсатини бошқарган. Унга вазир раҳбарлик қилган.

ДОМИНИРОВАНИЕ – хўжайинлик қилиш, раҳбарлик қилиш.

ДУАЛ ТИЗИМ – ўзаро муносабатда бўлувчи икки тенг ҳуқуқли бошланғичга эга тизим (масалан, туркешларда бўлгани каби иккита етакчи қабилалар гуруҳи).

ЁРЛИҚ – қонунчилик ёки бошқарувга оид халққа эълон қилинадиган хон фармони.

ЖАТАҚ – кўчманчи ҳаёт кечириш имкони бўлмагани (етарли миқдордаги молларидан айрилган) боис ўтроқ ҳаётга ўтиб, деҳқончилик билан шуғулланаётган шахс.

ЖИРОВ – шоир ва қўшиқчилар, тўлғовлар муаллифлари. Кўчманчилар ичида катта обрўга эга бўлишган, аҳолининг катта қисмининг фикрини айтишган. Хонлар, султонлар маслаҳатчиси, бий, лашкарбоши бўлган ҳоллари ҳам кам бўлмаган (масалан, Жиенбет жиров).

ЗООМОРФ НАҚШЛАР – қадимий эътиқодлар билан боғланган ҳайвонлар тимсолидаги фантастик нақшлар.

ЗОРОАСТРИЗМ – пайғамбар Заратуштра (Зороастра) номи билан аталган қадимий диний эътиқод.

ЗАКОТ – кўчманчи чорвадорлардан олинган солиқ (одатда, молларнинг 1/20 қисми).

ИЕРАРХИЯ – хизмат унвонлар поғоналари (масалан, Қозоқ хонлигида бошқарув иерархияси хондан қишлоқ оқсоқолигача чўзилган).

ИҚТА – феодалнинг ўз фойдасига солиқ ундириш ҳуқуқини берувчи ер майдони (экинчилик ҳудуди, баъзида шаҳарни ҳам ўз ичига олган).

ИҚТАДОР – иқтаси бор феодал, иқтани олган феодалнинг хизматини қилиши зарур бўлган.

ИНЖУ – хон уруғига бевосита қарашли ер майдонлари.

ИНТЕГРАЦИЯ – 2 ва ундан ортиқ давлат, миллат, қабила хўжаликларининг ўзаро мослашиши ва бирлашиши.

КЕДЕЙ – гадой, ўта камбағал кўчманчи.

КОЛОНИЯ – бошқа мамлакатдан келганлар яшовчи манзилгоҳ.

КОНСОЛИДАЦИЯ – алоҳида шахслар, қабилалар, давлатларнинг умумий мақсад учун бирлашиши.

КОНФЕДЕРАЦИЯ – мустақил мамлакатлар ёки қабилаларнинг ҳарбий, ташқи сиёсий ва бошқа масалаларни координация этиш учун тузилган умумий бошқарув органларига эга иттифоқи.

КСИЛОГРАФИЯ – матн ёки расмларни ясси ёғоч формада қоғоз ёки ипак газмолга босишга асосланган китоб нашр этиш усули.

КУРУЛТОЙ – моғуллар ва қозоқ хонлигида чингизийларнинг барча вакиллари, қабила етакчилари иштирок этувчи киборлар кенгаши.

КУЙ – мусиқий асар, қозоқ миллий мусиқаси тури.

ЛЕГИТИМ – қонуний.

МЕЦЕНАТ – фан ва санъат, адабиёт, меъморчиликка ҳомийлик кўрсатувчи бадавлат шахс.

МИГРАЦИЯ – аҳолининг кўчиши, аралашishi.

МУЛК – мусулмон рухонийларининг шахсий ерлари.

МИССИОНЕР – бошқа диндаги аҳолини ўз динига киритишга интилаётган шахс.

МОНОТЕИЗМ – якка худолилик, фақат битта яратувчини тан олувчи дин.

НЕКРОПОЛЬ – таниқли шахслар дафн этилган жой.

НҶЁН – моғуллар ва бошқа халқлар давлатларида юқори лавозим, лашкарбоши.

НУМИЗМАТИКА – тангалар, пул белгилари, медаллар тарихини ўрганувчи фан.

ОДАТ – қипчоқлар, кейин қозоқларнинг одатий ҳуқуқ тизими.

ОҚСУЯК – қозоқ жамиятининг олий табақаси: султонлар, хўжалар, саидлар.

ОҚИН – қозоқларда ҳозиржавоб шоир, халқ кўшиқчиси.

РАБОТ – ўрта аср шаҳарларига кираверишдаги ҳунармандлик – савдо майдони. Рабодлар Шаҳристон атрофида жойлашган.

РУН ЁЗУВИ – қадимий турклар ёзуви.

СОМОНИЙЛАР – Маворауннаҳр ҳукмдорлари сулоласи. Сулола асосчиси – Сомон. Қорахонийлар ва ғазабийлар томонидан йўқ қилинган.

САЛЖУҚИЙЛАР – турк-ўғузларнинг бир қисми, Салжуқ раҳбарлигида ўғуз қабила иттифоқидан чиқиб кетган.

СЎҒДЛАР – қадимий шарқий Эърон халқи, ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистонда яшаган.

СЎҒИМ – кўчманчи чарводорлардан қишда олинадиган солиқ.

СУ ЮРҒОЛ – кўчманчи киборларнинг ўтироқ аҳоли устидан хўжайинлик қилиши шакли. Хонга яхши хизмат қилган ҳарбийлар ва амалдорларга берилган, улар ўз фойдасига солиқлар йиғиб олишган, меърос қолдириш ҳуқуқига эга бўлмаган.

СУЛТОН – Чингизхондан тарқалган авлод вакиллари, қозоқларда тўра деб ҳам аталган.

СЎФИЙЛИК – исломдаги оқим.

СУВ БОШИ – ўғузларнинг бош лашкарбошиси.

ТАРХОН – 1. Ғарбий Турк ҳақонлигида қозилик вазифасини бажарган амалдорлар. 2. Қабила етакчилари ва киборларнинг мутлоқ эгалик қилиш ҳуқуқини олганлари.

ТАТЛАР – туркларга солиқ тўловчи ўтироқ халқ.

ТЕГИН – туркларда ҳукмдор уруғ вакиллари унвони, шаҳзодалар.

ТЎЛҒОВ – шъерий усулда ёзилган фикрлар ва нисихатлар, жирау шъериятининг жанрларидан бири.

ТУДУН – Ғарбий Турк ҳақонлигига солиқ тўловчиларнинг солиқларни ўз вақтида юборилишини назорат қилувчи шахс.

ТУЛҒАМА – қозоқлардаги отлиқ жанг усули.

ТУМАН – 10 минг аскардан иборат қўшин.

УЛУС – давлат таркибидаги, одатда автаном ёки амалда мустаҳкам бўлган йирик, маъмурий-ҳудудий бирлик.

УЛУСБЕК – Мўғулистондаги хондан кейинги раҳбар шахси.

УШУР – деҳқонлардан олинадиган солиқ (одатда ҳосиланинг 1/10 қисми).

ФЕЛЬС – майда мис танга.

ХИРОЖ – дехқонлардан йиғиладиган солиқ.

ХУНТОЙЖИ – Жунғорияний ҳукмдори.

ШАД – Ғарбий Турк ҳақонлигида 10 қабиладан бирининг раҳбари.

ШОД-ТУДУҚ – қимоқлар қабиласи ҳукмдори.

ШАРИЯТ – мусулмон ҳуқуқи, Олтин Ўрдада “Яса” билан бирга ишлатилган, мусулмон давлатларида – қонунлар асоси бўлган.

ШАҲРИСТОН – шаҳарнинг девор билан ўралган марказий қисми.

ШАЖАРА – қозоқларнинг генеалогияси ёзилган тўплам.

ЭЛ – туркларда давлат номи.

ЭЛТЕБЕР – Ғарбий Турк ҳақонлигидаги олий умвонлардан бири.

ЭПИТАФИЯ – 1. Кимнингдир вафоти муносабати билан ёзилган шъер.
2. Қабртош ёзуви.

ЭР – жангчи эркак, туркларда эркин, тенг ҳуқуқли жамият аъзоси.

ЭТНОГЕНЕЗ – халқнинг келиб чиқиши жараёни.

ЭТНОНИМ – халқ, қабила номи.

ЯБҒУ – 1. Қимоқлар давлати раҳбари. 2. Турк ҳақонлигидаги олий лавозимли шахс.

ЯМ – почта станцияси, унда чопарлар отларини алмаштиришарди.

ЯСА – қонун, низом.

ЎН ОҚ БУДУН – ғарбий турк ҳақонлигидаги ўнта етакчи қабила.

ЎРДА – мўғулларда хон қароргоҳи.

ҚОРАБУДУН – турк ҳақонликларининг асосий аҳолиси: кўчманчилар, дехқонлар, ҳунармандлар ва бошқалар.

ҚОРАСУЯК – қозоқ жамиятининг қуйи табақаси, унга оддий кўчманчилар ҳам, қабила оқсуяклари ҳам киради.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Абдакимов А.* История Казахстана (с древнейших времен до наших дней): Учебное пособие. – Алматы: Қазақстан, 2003. – 496 с.
2. *Байпаков К.* Великий Шёлковый путь (на территории Казахстана). – Алматы: Адамар, 2007. – 496 с.
3. *Барманкулов М. К.* Тюркская вселенная. – А., 1996.
4. *Байниетова С.* Ходжа Ахмед Яссави. История, личность, время. – Алматы: Аруна, 2007. – 96с. – Серия «Знаменитые люди Востока».
5. *Бегалин К.* Ханы Золотой Орды. Серия «Отан тарихы». – Алматы: Адамар, 2007. – 272 с.
6. Великие битвы кочевников. – Алматы: Адамар, 2007. – 192 с.
7. Великие ученые Средней Азии и Казахстана (VIII–XIXвв.). – А., 1965.
8. Государства Великой степи. – Алматы: Адамар, 2007. – 216 с.
9. *Есенберлин И.* Золотая Орда: Роман-трилогия. – Алматы: Фонд им. И. Есенберлина, 1999. – 448с.
10. *Есенберлин И.* Кочевники: Историческая трилогия. Ч. 1. Заговоренный меч. – А., 1986.
11. *Есенберлин И.* Сокровенное: Мысли. Изречения. Воспоминания. – Составитель Козыкорпеш Есенберлин. – Алматы: Фонд им. И. Есенберлина, 2001. – 280стр.
12. *Жанайдаров О.* Легенды Древнего Казахстана. Детская энциклопедия Казахстана. – Алматы: Аруна, 2007. – 248 с.
13. *Жанайдаров О.* Жусуп Баласағуни. История, личность, время. – Алматы: Аруна, 2008. – 92 с. – Серия «Знаменитые люди Востока».
14. *Избасарова Г. Б.* Средневековая история Казахстана. – Ақтобе, 2007. – 244 с.
15. История Казахстана (с древнейших времен до наших дней) в 5-ти томах. Т. 1-2. – А., Атамұра, 1996.
16. История Казахстана и Центральной Азии: Учебное пособие / *Абусеитова М. Х.* и др. – Алматы: Дайк-Пресс, 2001. – 616 с.
17. *Карибаев Б. Б.* Касым хан. История, личность, время. – Алматы: Аруна, 2008. – 96 с. – Серия «Знаменитые люди Востока».
18. *Короткова М.* Наглядность на уроках истории. – М., 2000.
19. *Магауин М.* Кобыз и копьё. Повествование о казахских акынах и жырау XV–XVIII вв. – Алма-Ата: Жазушы, 1970.
20. *Маргулан А. Х.* Сочинения: В 14 томах. Том 3. Петроглифы Сарыарки. Гравюры с изображением волчьего тотема; Т. 4. Каменные изваяния Улытау. – Алматы: Дайк-Пресс, 2003. – 50 с. + вкл. 246 с.
21. *Насыров Р.* По древним торговым путям. Документальная повесть. – Алматы: Балауса, 1998. – 80 с., илл.
22. *Хара-Даван Э.* Чингисхан как полководец и его наследие. Культурно-исторический очерк Монгольской империи XII–XIV вв. – А., 1992.

23. Интервью Президента РК Агентству «Хабар»: «Размышления у подножия Улытау» (24 августа 2014 года) //pravo.zakon.kz/4648972-intervju – ... копия
24. В чем значение формулы Казахстан – Мәңгілік Ел»? //altyn-orda.kz/v-chem-znachenie – ... копия
25. Послание Президента Республики Казахстан – Лидера нации Н.А. Назарбаева народу Казахстана «Стратегия «Казахстан–2050». Новый политический курс состоявшегося государства». – декабрь, 2012 г.
26. *Пралиев С.Ж., Нарыбаев К.Н., Жампеусова К.К., Иманбаева С.Т.* и др. Концепция реализации национальной идеи «Мәңгілік Ел» в вузах Казахстана. – Алматы: «Ұлағат» КазНПУ им.Абая, 2015. – 54с.
27. *Бакина Н.С.* История культуры тюрков. А. 2007 г.
28. Юсуф Баласағуни. Литература X-X II веков. kaz-lit.kz/literatura-x-xii... копия.
29. Махмуд ибн ал-Хусейн ибн Мухаммед Кашгари. msth.uz/deyateli-vostoka/mahmud.
30. Ходжа Ахмед Яссави/dic.academic.ru/dic.nsf/bse/66196/А
31. Ходжа Ахмед Яссави: Жизнь и философское наследие /unesco.kz/natcom/turkestan/r11.152
32. Ходжа Ахмед Яссави биография, Легенды Ходжи Ахмеда Ясави people.su/131143 копия.
33. Асан Кайгы//history.kz/biogr/AsanKaig.php копия).
34. Асан Кайгы /Образовательный сайт Казахстана | testent.ru/index/0-459 копия.
35. Биография Бухар-Жырау Калкаман-Улы peoples.ru/art/literature/poetry...
36. Бухар-жырау. history.kz/biogr/BuharJyr.php .
37. Мухаммед Хайдар Дулати. Образовательный сайт Казахстана/ testent.ru/index/0-466
38. Великие люди Казахстана. //testent.ru/load/referaty/referaty/v... .
39. Теории духовно-нравственного воспитания казахского народа //freepapers.ru/16/teorii-duhovnonrav...

Электрон ресурслар

1. Национальный музей Республики Казахстан в Астане <http://nationalmuseum.kz/>
2. Центральный государственный музей РК в Алматы <http://www.csmrk.kz/>
3. Институт истории и этнологии имени Ч.Ч. Валиханова <http://www.iie.kz>
4. История средних веков (Бойцов М., Шукуров Р.) <http://historic.ru/books/item/f00/s00/z0000033/index.shtml>
5. Документальные фильмы. История средних веков. <http://dokumentfilm.ru/tags>
6. Что такое средние века. Статья доктора исторических наук, профессора В.П. Будановой «Средневековье в истории человечества» (2006 год). http://www.home-edu.ru/user/uatml/00001838/Gotovie/cho_takoe_srednie_veka/cho_takoe_srednie_veka.html
7. «Тарих» – История Казахстана – школьникам <http://www.tarihbegalinka.kz/ru/history/medieval/>
8. История Казахстана <http://e-history.kz/ru/contents/view/116>
9. Образовательный портал <http://ibrain.kz/istoriya-kazahstana/kazahstan-v-srednevekovye>
10. История Казахстана http://kazakhhistory.blogspot.com/2014/02/blog-post_28.html
11. Методическая копилка учителя. Географические знания о Казахстане в средние века <http://tak-to-ent.net/publ/6-1-0-110>

МУНДАРИЖА

Дарслик билан қандай ишлаш керак	3
Кириш.....	4

Биринчи қисм

ТУРК ДАВРИДАГИ ҚОЗОҒИСТОН ТАРИХИ (VI – XIII АСРЛАР)

Биринчи боб

ҚОЗОҒИСТОН VI–IX АСРЛАРДА

1-§. ТУРК ҲОҚОНЛИГИ (552–766 йиллар)	7
2-§. ҒАРБИЙ ТУРК (603–704) ВА ШАРҚИЙ ТУРК (682–744) ҲОҚОНЛИКЛАРИ	13
3-§. ТУРГЕШ ҲОҚОНЛИГИ (704–756)	18
4-§. ҚАРЛУҚ ҲОҚОНЛИГИ (756–940).....	22
5-§. ЎҒУЗЛАР ДАВЛАТИ (IX–XII асрнинг ўртаси)	27
6-§. ҚИМОҚ ҲОҚОНЛИГИ (IX–XI асрлар).....	32
Биринчи боб бўйича такрорловчи-умумлаштирувчи дарс.....	36

Иккинчи боб

ҚАДИМГИ ТУРК ДАВРИ МАДАНИЯТИ ТАРИХИ (VI–IX асрлар)

7-§. IV–IX асрларда ТУРКЛАР ХЎЖАЛИГИ	39
8-§. ШАҲАР МАДАНИЯТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ (VI–IX асрлар).....	44
9-§. ҚАДИМГИ ТУРК ДАВРИ ЁЗУВИ	49
10-§. ҚАДИМГИ ТУРК ДАВРИ ДИНИЙ ЭЪТИҚОДИ.....	55
Иккинчи боб бўйича такрорловчи-умумлаштирувчи дарс.....	60

Учинчи боб

X АСРНИНГ ЎРТАСИ – XII АСРНИНГ БОШИДА ҚОЗОҒИСТОН

11-§. ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИ (940–1212)	62
12-§. ҚОРАХИТОЙЛАР ДАВЛАТИ (1128–1212)	67
13-§. НАЙМАНЛАР, КЕРЕИТЛАР, ЖАЛОИРЛАР (XII–XIII аср боши).....	71
14-§. ҚИПЧОҚ ХОНЛИГИ (XI–XIII аср боши).....	75
Учинчи боб бўйича такрорловчи-умумлаштирувчи дарс	82

Тўртинчи боб

ҚОЗОҒИСТОН ҲУДУДИДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИ

15-§. БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ	84
16-§. БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ТУРКЛАРГА ОИД ҚИСМИ	89
17-§. БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ.....	92
Тўртинчи боб бўйича такрорловчи-умумлаштирувчи дарс.....	95

Бешинчи боб

Х–ХІІІ АСРЛАРДА ҚОЗОҒИСТОН МАДАНИЯТИ

18-§. Х–ХІІІ асрларда ШАҲАРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ	96
19-§. САВДО ВА ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ	101
20-§. ШАҲАР ОБОДОНЧИЛИГИ ВА МЕЪМОРЧИЛИГИ (Х–ХІІІ асрлар).....	104
21-§. ҲУНАРМАНДЛИК. КЎЧМАНЧИЛАРНИНГ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ.....	109
22-§. МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ. ИСЛОМНИНГ ТАРҚАЛИШИ	113
23-24-§§. ІХ–ХІІІ АСРЛАРДА ФАН ВА АДАБИЁТ	117
25-§. МАДАНИЯТЛАРНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ ВА БИР БИРИНИ БОЙИТИШИ.....	125
Биринчи қисмга хулоса	130

Иккинчи қисм

ҚОЗОҒИСТОН ХІІІ–ХV АСРЛАРДА

Олтинчи боб

ХІІІ АСР – ХV АСР БИРИНЧИ ЯРИМИДА ҚОЗОҒИСТОННИНГ СИЁСИЙ ТАРИХИ

26-27-§§. ҚОЗОҒИСТОН ҲУДУДИДА МЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ.....	134
28-29-§§. ҚОЗОҒИСТОН МЎҒУЛ ИМПЕРИЯСИ ТАРКИБИДА	144
30-§. ШАРҚИЙ ДАШТИ-ҚИПЧОҚНИНГ СИЁСИЙ АЖРАЛИШИ. ОҚ ЎРДА	154
31-§. МЎҒУЛИСТОН (ХІV аср ўртаси – ХVІ аср боши)	159
32-§. ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР	164
33-§. АБУЛҲАИР ХОНЛИГИ (1428–1468)	168
34-§. НЎҒАЙ ЎРДАСИ. СИБИР ХОНЛИГИ.....	171
Олтинчи боб бўйича такрорловчи-умумлаштирувчи дарс	175

Еттинчи боб

ХІІІ АСР – ХV АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМИДАГИ ДАВЛАТЛАРНИНГ СИЁСИЙ ТУЗИЛИШИ, ИҚТИСОДИ ВА МАДАНИЯТИ

35-§. ХІІІ АСР – ХV АСР БИРИНЧИ ЯРИМИДАГИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ВА СИЁСИЙ ТУЗИЛИШИ.....	178
36-§. ХІІІ АСР – ХV АСР БИРИНЧИ ЯРИМИДАГИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИ	182
37-§. ХІІІ АСР – ХV АСР БИРИНЧИ ЯРИМИДА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	187
Иккинчи қисм бўйича хулоса	191

Учинчи қисм

XV–XVII АСРЛАРДА ҚОЗОҚ ХОНЛИГИ

Саккизинчи боб

ҚОЗОҚ ХОНЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА МУСТАҲҚАМЛАНИШИ

38-39§§. ҚОЗОҚ ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ ТАРИХИ.....	194
40-41-§§. ҚОЗОҚ ХОНЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ.....	200
42-§. XV АСРНИНГ ОХИРИ – XVI АСРНИНГ БОШИДА ҚОЗОҚ ЕРЛАРИНИНГ БИРЛАШТИРИЛИШИ	208
43-§. ҚОСИМ ХОННИНГ (1511–1518) ТАШҚИ ВА ИЧКИ СИЁСАТИ	211
44-§. ТАҲЛИКАЛИ ДАВР. ХАҚНАЗАР ТОМОНИДАН ҚОЗОҚ ХОНЛИГИ БИРЛИГИНИНГ ТИКЛАНИШИ	216
45-§. ТАУЕКЕЛ ХОН БОШҚАРУВИ. XVI АСР ОХИРИДА ҚОЗОҚ ХОНЛИГИНИНГ МУСТАҲҚАМЛАНИШИ.....	221
46-§. ҚОЗОҚ ХОНЛИГИ XVII АСРНИНГ БОШИДА. ХОН ЕСИМ (1598–1628).....	225
47-§. ЖЎНФОР БОСҚИНЧИЛАРИ БИЛАН КУРАШ. ЖАНГИР ХОН (1629–1652)	229
48-49-§. ТАУКЕ ХОН ДАВРИДА ҚОЗОҚ ХОНЛИГИ (1680–1715/18)	233
Саккизинчи боб бўйича такрорловчи-умумлаштирувчи дарс	238

Тўққизинчи боб

XV – XVII АСРЛАРДА ҚОЗОҚ ХОНЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА МАДАНИЯТИ

50-§. ҚОЗОҚ ЖАМИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗУМИ	242
51-52-§§. XVI – XVII АСРЛАРДА ҚОЗОҚ ХОНЛИГИНИНГ СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТУЗИЛИШИ	246
53-§. XV–XVII АСРЛАРДА ҚОЗОҚЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ ХУЖАЛИГИ	254
54-§. XV–XVII АСРЛАРДА ШАҲАРЛАР ВА ҚИШЛОҚЛАР.....	261
55-§. XV–XVII АСРЛАРДА ҚОЗОҚЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ	266
56-§. XV–XVII АСРЛАРДА ҚОЗОҚЛАРНИНГ АНЪАНАЛАРИ ВА МАИШИЙ ҲАЁТИ	271
57-§. XVI–XVII АСРЛАРДА ТАРИХИЙ АДАБИЁТ.....	279
Тўққизинчи боб бўйича такрорловчи-умумлаштирувчи дарс	284
Учинчи қисм бўйича хулоса	287
Қозоғистон тарихи бўйича атамалар луғати.....	288
Тавсия этилган адабиёт	298
Электрон ресурслар.....	300

Учебное издание

Бакина Назикен Сапарбековна
Жанакова Нургул Торгайбековна

ҚОЗОФИСТОН ТАРИХИ

Умумтаълим мактабларининг 7(6)-синфи учун дарслик

(на узбекском языке)

Главный редактор *А. Прманов*

Редактор *Н. Жиенгалиев*

Художественный редактор *В. Пак*

Технический редактор *О. Рысалиева*

Корректор *И. Кротов*

Редактор узбекского текста *З.Моминжанов*

Компьютерная верстка узбекского текста *Г.А. Утеповой*

ИБ №000

Сдано в набор 00.00.2016. Подписано в печать 22.05.2017.

Формат 70×90¹/₁₆. Бумага офсетная. Гарнитура «SchoolBook». Печать офсетная.

Усл.-печ. л. 0,0. Учет.-изд. л. 0,0. Тираж 0 000. Заказ 00000.

ТОО «Корпорация «Атамұра», 050000, г. Алматы, пр. Абылай хана, 75.

Издательство «Жазушы», 050009, г. Алматы, пр. Абая, 143.

Полиграфкомбинат ТОО «Корпорация «Атамұра» Республики Казахстан,
050002, г. Алматы, ул. М. Макатаева, 41.